

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНИТАРИЯ ҚОИДАЛАРИ, МЕЪЁРЛАРИ ВА ГИГИЕНА  
НОРМАТИВЛАРИ**

**ШИФОХОНА ИЧИ ИНФЕКЦИЯЛАРИ ПРОФИЛАКТИКАСИ**

**СанҚвам №0342-17**

**Расмий нашр**

**Тошкент 2016 й.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНИТАРИЯ ҶОИДАЛАРИ, МЕЪЁРЛАРИ ВА ГИГИЕНА  
НОРМАТИВЛАРИ**

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Ўзбекистон Республикаси Бош  
Санитария Врачи  
С.С.САИДАЛИЕВ  
«10» 01 2017 й.



**ШИФОХОНА ИЧИ ИНФЕКЦИЯЛАРИ ПРОФИЛАКТИКАСИ**

СанҚваМ №0342-17

Расмий нашр

Тошкент - 2017 й.



## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИДАН КЎЧИРМАЛАР**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни (2015 й., 20, 21, 30, 39-моддалар);
2. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни (1996 й., 3, 13,34-моддалар);
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (1991 й.);
4. Ўзбекистон Республикасининг “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни(1996 й., 4, 11,21,22-моддалар);
5. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни(2009 й., 8, 40,41-моддалар).

## **I. Қўллаш соҳаси**

1.1. Мазкур санитария-эпидемология қоидалари (кейинги ўринларда – санитария қоидалари) даволаш-профилактика муассасаларида шифохона ичи инфекциялари келиб чиқиши ва уларнинг тарқалишини олдини олишга қаратилган санитария-гигиена, профилактика ва эпидемияга қарши тадбирлармажмуаси бўйича асосий талабларни белгилайди.

1.2 Санитария қоидалари ташкилий-хуқуқий ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, тиббий фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркор ва юридик шахслар учун мўлжалланган ва Ўзбекистон Республикаси худудида ижро этилиши мажбурийdir.

1.3. Ушбу қоидалар талабларига риоя этилиши учун жавобгарлик якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик ва мансабдор шахслар зиммасига юклатилади.

1.4. Мазкур санитария-эпидемиология қоидаларининг бажарилишини назорат қилиш Давлат санитария-эпидемиология назоратини амалга оширувчи органлар зиммасига юклатилади.

Назорат амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ лаборатория-ускунавий текширув усуллари ва ўлчовлари қўлланилган ҳолда олиб борилади.

## **II. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

2.1. Шифохона ичи инфекцияси (кейинги ўринларда - ШИИ) (синоними – госпитал, нозокомиал инфекция) – бемор шифохонагакелиши ёки тиббий ёрдам сўраб ДПМга мурожаат қилиши натижасида, касаллик белгиларининг стационарда ёки стационардан чиққанидан сўнг пайдо бўлишидан қатъий назар, bemorni шикастловчи микробдан келиб чиқсан ҳар қандай клиник акс этган касаллик ҳамда шифохона муассасаси ходимининг мазкур муассасада ишлаши жараёнида унга инфекция юқиши натижасидаги юқумли касаллик хисобланади.

2.2. ШИИ қўзғатувчилари ўз тузилишига кўра, вируслардан тортиб бир хужайралиларгача бўлиши мумкин. ШИИ қўзғатувчилари кўпинча бактериялар, камдан-кам ҳолатларда вируслар ва замбуруғлар бўлиши мумкин.

2.3. Касаллик манбаи бўлиб тиббий ёрдам кўрсатилаётган bemorлар, тиббиёт муассасаси ходимлари ва баъзи ҳолатларда bemorgaқараётган шахслар бўлиши мумкин.

2.4. ШИИ кенг тарқалишига асептика ва эпидемияга қарши чоратадбирларнинг бузилиши билан бир қаторда, яна бир қатор объектив сабаблар – янада мураккаб диагностик ва даволаш муолажалари, оператив фаолликни ошиши ва тиббий-диагностик амалларнинг “агрессивлашиши”, шунингдек аксарият bemorларнинг иммунологик реактивлигининг пасайиши олиб келмоқда. Турли ихтисослик йўналишлари бўйича бўлимлари мавжуд бўлган даволаш-ташҳис мажмуаларининг фаолият кўрсатиши bemorлар ва ходимларнинг бўлимлараро ўзаро ҳаракатланиши орқали микроорганизмларнинг кенг айланишига олиб келади.

2.5. Госпитал штаммларининг асосий хусусиятлари: юқори адгезивлик, вирулентлиги, инвазивлиги, антибиотиклар ва дезинфекция воситаларига нисбатан резистентлиги (чидамлилиги) ҳисобланади.

2.6. ШИИларини стандарт аниқлаш, рўйхатга олинаётган барча инфекцияларнинг бир хил мезонларга жавоб бериши учун эпидемиологик, клиник, микробиологик ва бошқа тасдиқловчи маълумотларни ўз ичига олади.

2.7. Даволаш-профилактика муассасаларида (ДПМ) шифохона ичи инфекциялари пайдо бўлиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида мазкур санитария қоидалари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив ҳужжатларида назарда тутилган профилактик, санитария ва эпидемияга қарши тадбирлар ўз вақтида ва тўла ҳажмда олиб борилиши зарур.

2.8. 200 ўриндан ортиқ, айниқса, таркибида жарроҳлик, туғруққа кўмаклашиш ва болалар ихтисослигидаги бўлимларга эга стационарларда ШИИ профилактикаси мақсадида врач-эпидемиолог штати ажратилиши керак, 200 ўриндан кам стационарларда эса, бу маъмурият ихтиёрига кўра амалга оширилади. ДПМда врач-эпидемиолог бўлмаган тақдирда профилактик ва эпидемияга қарши тадбирларни ташкил этиш масалалари ДПМ бош врачанинг даволаш ишлари бўйича ўринbosари зиммасига юклатилади.

2.9. Врач-эпидемиолог госпитал инфекцияларни аниқлаш ва уларнинг рўйхатга олинишини назорат қиласи, санитария-гигиена, санитария-техника ва ташқи муҳит обьектларида ўтказилган лаборатория таҳлил натижаларига кўра профилактик, эпидемияга қарши ва дезинфекция тадбирларини ишлаб чиқади, таҳлил қиласида даволаш-ташҳислаш жараёни билан боғлиқ касалликларга қарши кураш бўйича тадбирларни ишлаб чиқади ва ташкил этади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг амалдаги буйруқлари, норматив ҳужжатлари ва методик кўрсатмаларини тадбиқ этиш ва уларни ўрганиб чиқиш орқали шифохона ичи инфекцияси профилактикаси бўйича тиббиёт ходимларининг билим савиясини ошириш масалалари билан шуғулланади. Шахсий ҳимоя воситаларинитадбиқ этиш ва уларнинг ишлатилишини назорат қилиш орқали тиббиёт ходимлари соғлиғи муҳофазасини амалга оширади.

2.10. ДПМ врач-эпидемиологи бевосита даволаш профилактика муассасаси бош врачига бўйсунади. Ўз иш фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг амалдаги буйруқлари, методик кўрсатмаларига амал қиласи, ҳамда ҳудудий ДСЭНМ мутахассислари билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб боради.

2.11. Ҳар бир станционарда, унинг ихтисослигидан қатъий назар, бош врач буйруғига асосан ҳар йили инфекцион назорат комиссияси ташкил этилади. Инфекцион назорат бўйича комиссия фаолияти даволаш-профилактика муассасаси раҳбари томонидан тасдиқланган иш режасига мувофиқ амалга оширилади. Комиссия бош врачанинг даволаш ишлари бўйича ўринbosари томонидан бошқарилади.

2.12. Режа алоҳида инфекцион касалликлар, шу жумладан, йирингли-яллигланиш касалликлари профилактикаси бўйича бўлимларни шунингдек, инфекцион касалликка чалинган bemor аниқланган тақдирда, бирламчи эпидемияга қарши чора-тадбирларни ўз ичига олиши керак.

2.13. Комиссия таркибига стационар шифохона маъмурияти вакиллари, ШИИ муаммоси ечимиға алоқадор етакчи мутахассислар, муассаса бош ҳамшираси, врач-эпидемиолог ёки врач-эпидемиолог ёрдамчиси ҳамда стационар турига қараб бошқа мутахассислар киради. Комиссия таркибига юқорида кўрсатилган мутахассислардан ташқари ички дорихона (мавжуд бўлганда) ҳамда марказий стерилизация бўлими (МСБ) мудирларини киритиш мақсадга мувофиқ.

2.14. ДПМ раҳбарининг буйруғи билан стационарнинг барча бўлимларида инфекцион касалликлар бўйича назорат таъминланиши учун жавобгар шахслар тайинланади.

2.15. Комиссиянинг асосий вазифаси: эпидемиологик таҳлил натижалари бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш, ДПМдаги эпидемиологик назорат дастурлари ва режаларини ишлаб чиқиш, ДПМ раҳбари яти билан тадбирларни мувофиқлаштириш; стационарда барча хизматларнинг (бўлимлар) ўзаро ҳамкорлиги, шунингдек, Давлат санитария-эпидемиология назоратини амалга оширишга ваколатли органлар билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаштириш.

2.16. ШИИ профилактикаси бўйича тадбирлар эпидемиологик таҳлил натижаларига асосан ишлаб чиқилади, ҳамда вазиятга мувофиқ тарзда уларга мунтазам равиша тузатишлар киритиб борилади. Комиссия йиғилиши заруратга қараб, лекин ҳар чоракда бир маротабадан кам бўлмаган ҳолда иш фаолияти якунларини кўриб чиқиш (эшлиши) билан ўтказилади. Ўзаро боғлиқ ШИИ ҳолатлари қайд этилган тақдирда, навбатдан ташқари йиғилиш ўтказилади. Комиссия қарори барча ходимлар томонидан ижро этилиши мажбурий ҳисобланади. Комиссия томонидан турли эпидемиологик аҳамиятга эга ташҳис ва даволаш муолажалари, манипуляциялар, изоляцион чеклаш тадбирлари, дезинфекция ва стерилизация услублари самарадорлигини баҳолаш ишлари олиб борилади.

2.17. Профилактика тадбирлари ҳар бир bemorni гемаконтакт инфекцияларнинг (гепатитнинг В, С турлари, ОИВ ва бошқалар) потенциал манбаи сифатида баҳоланиши тартибидан келиб чиқсан ҳолда олиб борилади.

2.18. ДПМга ишга кираётган ҳар бир ходим қонунчиликка мувофиқ тиббий кўриқдан ўтиши шарт.

2.19. Гепатитнинг В турига қарши вакцинация(эмлаш) ўтказилганлиги ҳақида маълумот мавжуд бўлмаган ҳолда касаллик юқиши бўйича юқори хавф гурухига оид тиббиёт ходимлари ва ДПМ ходимлари ишга кириш вақтида гепатитнинг В турига қарши профилактик иммунизациядан ўтади.

2.20. Даволаш-профилактика муассасаларида санитария-гигиена, профилактика эпидемияга қарши чора-тадбирлар ҳамда дезинфекция тадбирларини ўтказиш бўйича жавобгарлик ДПМ бош врачиға, бўлим мудирларига, тунги вақтда тунги навбатчи врачларга юклатилади.

### **III. Даволаш-профилактика муассасалари қабул бўлимларида шифохона ичи инфекциялари профилактикаси**

3.1. Стационарда эпидемияга қарши биринчи тўсиқ қабул бўлими ҳисобланади.

3.2. Қабул бўлимининг эпидемиологик вазифаси - барча ихтисосликдаги стационарларнинг палата бўлимига инфекцион касаллик белгиларига эга бўлган беморнинг келиб тушишига йўл қўймасликдир. Бу мақсадда беморнинг тери қоплами, оғиз бўшлиғи кўздан кечирилади, тана ҳарорати ўлчанади, педикулёзга кўздан кечирилади ва ушбу маълумотлар касаллик тарихида қайд этилади, эпидемиологик ва эмлаш анамнези тўпланади (кўрсатма бўлган тақдирда). Ҳар қандай тизимда хам қабул бўлимининг bemorlarни қабул қилиш вазифаси ўзгармайди, ҳамда қатъий кетма-кетликда бажарилади. Шундан келиб чиқсан ҳолда, хоналарнинг учта мажмуасини ажратиш мақсадга мувофиқ: умумий, даволаш-ташҳис, санитария кўриги.

3.3. Қабул бўлими касалларни қабул қилиш учун алоҳида ажратилган кириш қисмига эга бўлади. Қабул бўлими даволаш муассасининг бошқа хоналарига ўтиш учун қулай йўллар ва ўтиш жойлари билан боғланган бўлиши керак, шу билан бирга, улардан етарли даражада алоҳида ажратилган бўлиши керак. Қабул бўлими жойлашуви касалларнинг ҳаракатланиш оқимини инобатга олган бўлиши керак ва санитария тозалов ўтказилган bemorlarning санитария тозалов ишларидан ўтмаганлари билан учрашишига йўл қўйилмаслиги керак.

3.4. Шифохонага ётқизилган ҳар бир bemor учун қабул бўлимида даволаш муассасаси ва стационардан чиқсан bemorning асосий хужжати - стационар bemorining тиббий картаси (Ф-003У) очилади, у ҳақида маълумотлар bemorlarни қабул қилиш журналида ҳам (Ф-001У) қайд этилади.

3.5. Қабул бўлими қуидагилар билан таъминланган бўлиши керак:

- bemorlarning шахсий кийим-кечаги ва ички кийимларини жойлаш учун (зич матодан тайёрланган) етарлича тоза қоплар;

- қабул қилинадиган bemorlar учун маҳсус ажратилган шкафда сақланадиган чойшаб тўпламлари;

- бир марталик ишлатиш учун қадоқланган совун етарлича миқдорда, индивидуал мочалкалар, уларнинг сони санитария тозалов ишларидан ўтказиладиган bemorlar сонига қараб белгиланади (bemor ёки унинг қариндошлари келтирган шахсий суюқ совун, мочалкалардан фойдаланиш мумкин);

- тоза мочалкаларни алоҳида сақлаш учун “тоза” деб маркировкаланган алоҳида идиш, ишлатилган мочалкалар майший чиқинди сифатида утилизация қилинади ёки bemorning ўз шахсий гигиена буюмлари билан олиб кетилади;

- ванналарни тозалаш учун тегишли маркировкага эга латта, чўтка ёки мочалкалар;

- хоналар, санитария узеллари, санитария тозалаш хонасини алоҳида тозалаш учун маркировкага эга анжомлар ва тозалаш анжомларини ҳамда дезинфекция қилиш ва дезинсекция воситаларига эга алоҳида сақлаш жойлари;

- хукна қилиш учликлар ва уларни заарсизлантирувчи идишлар. Ишлатилган учликлар дастлабки дезинфекция ишларидан сўнг, стерилизаторда қайнаган вақтидан бошлаб, 20 дақиқа давомида қайнатилади.

3.6. Қабул бўлими келиб тушаётган bemорлар сонига мувофиқ миқдорда шпателлар ва етарлича термометрлар билан таъминланади. Bеморни қабул қилиш тартиби бўлимга инфекция кириб келиши олдини олувчи қуидаги эҳтиёткорлик чоралари билан бирга олиб борилиши керак:

- bemорни алоҳида қабул қилиш;
- эпидемиологик анамнезни батафсил тўплаш;
- нафақат ташҳисни аниқлаштириш, балки юқумли касалликка гумон қилинган шахсларни ўз вақтида аниқлашни назарда тутган ҳолда, bemорларни пухта кўриқдан ўтказиш;
- bemорларни педикулёз ва қичимага кўздан кечириш;
- кўрик натижаларига кўра душ ёки ванна қабул қилиш, тирноқ олиш ёки заруратга кўра бошқа тадбирларни ўз ичига олувчи санитария тозалов ишлари ўтказилиши.

3.7. Санитария тозалов ишларидан сўнг (bеморда тоза шахсий уй кийими бўлмаган тақдирда) bemорга тоза ички кийим, пижама/халат берилиши мумкин. Шахсий кийим-кечак ва пойабзал bemорлар буюмларини сақлаш хонасида кийим илгичлар билан бирга маҳсус ўрамда қолдирилади (полиэтилен қоплар, пишиқ матоли жилд) ёки bemорнинг қариндошларига (танишларига) бериб юборилади. Bеморларнинг стационарда шахсий кийимида бўлишига рухсат этилади. Юқумли касалликларга чалинган bemорларнинг шахсий кийимлари санитария қоидалари асосида камерали дезинфекциядан ўтказилиши керак.

3.8. Bеморда педикулёз аниқланган тақдирда хона ва bemор контактда бўлган буюмлар дезинсекция қилинади. Педикулёз аниқланган ҳар бир bemор ҳақида яшаш жойи бўйича ДСЭНМга хабарнома берилади, bemорларни кўздан кечириш маҳсус дафтарида педикулёз ҳақида маълумот киритилади, бўлимдаги даволовчи шифокорнинг bemорга эътиборини қаратиш ва зарур ҳолларда тақрорий санитария тозалаш тадбирлари ўтказиш учун касаллик тарихида педикулёз ҳақида қайд қилинади.

3.9. Қабул бўлими педикулёзга қарши тўплам билан таъминланиши керак:

- bemор буюмларини йиғиш учун клеёнкали ёки пахта-ип газламали халтacha;
- соч толаларини ёкиш ёки заарсизлантириш учун руҳланган чепак ёки тогора;
- клеёнкали пелерина (елкага ташлагич);
- резина қўлқоплар;
- қайчи;
- майда тишли тароқ (металлдан тайёрланган бўлгани маъқул);
- соч олиш машинкаси;
- спиртли чироқ;
- рўмол (2-3 дона);
- пахта;

- ош сиркаси ёки 5-10% ли сирка кислотаси;
- бош битларини йўқ қилиш учун препаратлар;
- битларга барча босқичларида ҳалокатли таъсир этувчи препаратлар (овицидлар).

Эслатмалар: - педикулёзга қарши тўплам 4.2. бандда қўрсатилган барча муассасаларда бўлиши зарур. Препаратлар сертификат ва ёрлиғида қўрсатилган яроқлилик муддатига мувофиқ тарзда вақти-вақти билан янгиланиб турилади. Тўпламда бош битларига қарши 1-2 та восита ҳамда хона дезинсекцияси учун 1-2 та восита бўлиши етарлидир.

3.10. Асбоб-ускуналар ва анжомлар ювиш ва заарсизлантириш учун қулай жойлаштирилган бўлиши керак.

3.11. Ҳар йили 1 майдан 31 октябрга қадар психоневрологик, наркологик диспансерлар ва бошқа ихтисосдаги ДПМ га ичак фаолияти бузилиши билан келиб тушаётган шахслар клиник ҳамда эпидемиологик қўрсатмаларга қўра вабога бир марталик бактериологик текширувдан ўтказилади.

3.12. Копрологик текширувлар клиник қўрсатмалар бўйича олиб борилади. Қабул бўлимида (айниқса болалар бўлимларида) шубҳали копрология ҳолатида нажас мажбурий тартибда бактериологик текширувга юборилади, натижаларини бактериологик экиш (копрология) дафтарида акс эттирилади, бемор эса ташхис ўрнатилгунича қадар изоляторга жойлаштирилади.

3.13. Ёш бола ва унга қаровчи шахслар стационарга келиб тушганларида инфекцион касалликларни истисно этиш учун уларда тери қопламлари, шиллик қатламлар ва болаларда анус (мацерация мавжудлигига) кўздан кечирилади.

3.14. Ичак гурухи инфекцияларига текширув клиник-эпидемиологик қўрсатмаларга асосан ўтказилади.

3.15. Юқумли касалликка гумон қилинганда bemor ташхиси аниқлангунга қадар қабул бўлимидаги ташхис палатасига ёки боксга ётқизилади. Ташхиси аниқланганидан сўнг bemor юқумли касалликлар стационарига ўтказилади ёки бўлимга ётқизилади.

3.16. Бутун стационар учун марказлаштирилган тарзда қабул бўлимининг маҳсус ажратилган совутгичида безгак, тиф-паратифоз, риккетсиоз касалликларни истисно этиш учун узоқ муддат давомида (3 кун ва ундан ортиқ) ҳарорати юқори бўлган bemorлардан гемокультурага материал, қон намунаси олиш учун озуқа муҳити ва бошқа зарур реактивларни сақлаш ташкил этилади. Флаконларда албатта уларнинг тайёрланган санаси қўрсатилган бўлиши керак. Гемокультура учун қон вена қон томиридан касалликнинг биринчи ҳафтасида 10 мл миқдорда, иккинчи ҳафтасида 15 мл миқдорда олинади, ҳамда 100 мл, 150 мл миқдордаги, яъни 1:10 нисбатдаги озуқа муҳитли флаконларга стерил шароитда экилади. Бундан ташқари, совутгичда нажас массаларини олиш учун консервантлар сакланади. Бошланғич материалнинг (консервантсиз) лабораторияга етказиб берилиши материал олинганидан сўнг 2 соатдан кечикмасдан, (консервант бўлганида – кун давомида) материал олинган соат ва сана қўрсатилган илова ҳужжатлари билан бирга амалга оширилади.

3.17. Bemorларни паразитар касалликларга текшириш амалдаги норматив ҳужжатга мувофиқ ўтказилади.

3.18. Беморни күздан кечириш клеёнка билан қопланган күшеткада олиб борилади. Бемор қабулидан сүнг, сезиларли ифлосланиш бўлса, таркибида 0,5% хлор сақловчи ёки бошқа дезинфекциловчи эритмада хўлланган латта билан клеёнка артилади. Ишлатилган латта яхшилаб ювилади, қуритилади ва қуруқ ҳолатда халтачага жойланади. Шпателлар таркибида 0,5% хлор сақловчи (ёки унинг аналоги) эритмага 10 дақиқага солиб қўйилади, ювилади ва МСБга топширилади, бир марта ишлатиладиган шпателлар эса амалдаги норматив хужжатга асосан ўрнатилган тартибда утилизация қилинади. Термометрлар ишлатилганидан сўнг совунлаб ювилади ва қуруқ ҳолда сақланади.

3.19. Қабул бўлимини жорий тозалаш ишлари кунига камида 3 марта, шу жумладан, дезинфекцияловчи эритма қўлланилган ҳолда 1 марта ўтказилади. Тозалов анжомлари ишлатилганидан сўнг заарсизлантирилади ва улар учун махсус ажратилган жойларда сақланади.

3.20. Қабул бўлимида бутун даволаш-профилактика муассасаси учун инфекцион касалликларни ҳисобга олиш журнали (Ф.60У) юритилади.

### **Барча турдаги стационарлар учун эпидемиологик анамнез тўплаш СХЕМАСИ:**

1. Ҳар бир инфекцион касалликнинг энг узоқ муддатли инкубацион даври давомида яшаш ёки прописка, иш ёки ўқиш жойида (тагига чизилсин) инфекцион касалликлар (ич терлама, паратиф, бошқа сальмонеллёз, дизентерия, бошқа ЎИИ, вирусли гепатитлар, сил, таносил касалликлари) (тагига чизилсин) билан оғриган инфекцион bemor билан мулоқотда бўлганми?

(қайси вақтдан қайси вақтга қадарлиги қайд этилсин)

2. Ушбу касаллик билан касалланунга қадар бир ҳафтадан 2 ойгача муддатда яшаш жойидан ташқарига чиққанми? Борган жойи ва қайтган санаси  
(қайд этилсин)

3. Қайси инфекцион касалликлар билан оғриган?  
(қайд этилсин)

4. Охирги 6 ой давомида стационар ва амбулатория даволанишида бўлганми, гемотрансфузия (қон ва унинг компонентларини) олганми, жарроҳлик ва массив операцион амалиётлардан ўтказилганми? (тагига чизилсин)

5. Бошқа парентерал муолажалар олганми, шу жумладан, игна билан даволанганди?

6. Маиший (маникюр, педикюр, пирсинг, татуаж ва бошқалар) хизмат турларидан фойдаланганми?  
(кераги қайд этилсин, жойи ва вақти кўрсатилсин)

## **IV. Соматик стационарларда (бўлимларда) шифохона ичи инфекциялари профилактикаси**

### **1. Соматик стационарларда шифохона ичи инфекциялари профилактикаси бўйича тадбирларни ташкил этиш**

1.1. Ушбу бобда соматик ихтисосдаги стационарларда (бўлимларда) шифохона ичи инфекциялари пайдо бўлиши ва тарқалишининг олди олишни таъминлайдиган ташкилий, даволаш-профилактик, санитар-гигиеник, эпидемияга қарши ва дезинфекция тадбирлари мажмуига қўйиладиган асосий талаблар белгиланади.

1.2. Ходимлар муассасаларда санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тартибни таъминлаши, шунингдек, уларнинг бажарилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

1.3. Палатага ётқизиш амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ майдонни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

1.4. Беморга шахсий гигиена буюмларини палатага олиб кириши ва ўзининг тоза кийимида бўлишига рухсат берилади. Кийим эркин туриши, тўқима (трикотаж) ёки ип-газламадан тикилган бўлиши, шунингдек, алмаштириладиган шахсий пойабзали, қишки пайтда – иссиқ халат бўлиши керак.

1.5. Бўлимнинг кўзга кўринарли жойида (коридор, холл) бир марталик ишлатиладиган шприцни bemorniнг олдида очиш лозимлигини bemorларга эслатувчи ёзув бўлиши зарур.

1.6. Бўлимдаги ҳар бир bemor 7 кун давомида камидаги бир марта (агар қарши кўрсатмалар бўлмаса), йилнинг иссиқ даврида – кўп марта гигиеник душ қабул қилиши керак. Ички кийим ва тўшак тўпламларини алмаштириш 7 кун давомида камидаги бир марта ва ифлосланишига қараб амалга оширилади.

1.7. Bеморларнинг озиқ-овқатлари бўлимларда маҳсус ажратилган совутгичда сақланиб, унда озиқ-овқатларнинг ёнма-ён сақланиши қоидаларига амал қилиш керак. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори воситаларининг биргаликда сақланиши тақиқланади.

1.8. Болалар бўлимларида барча палаталар болаларнинг тагини ювиш учун маҳсус раковиналар билан жиҳозланади. Марказлаштирилган сув таъминоти мавжуд бўлмаган тақдирда болаларни кружкадан сув қуиши ёки раковина ёки тоғора устида баландда тумбага ўрнатилган “умивальник” (бачок) ёрдамида ювинтирилади.

1.9. Bеморлар учун туваклар ва судналар тувакхона ёки ҳожатхонада маҳсус ажратилган жойда сақланади. Ҳожатхонада туваклар бўшатилганидан сўнг тувак ювгичлар билан ювилади ва 10 дақиқа давомида таркибида 0,5% хлор сақловчи дезинфекция воситаларда ёки бошқа дезинфектантларда ушбу дезинфектант йўриқномасига мувофиқ заарсизлантирилади.

1.10. Xуқна қилиш хонаси күшетка, жавонча, стол, халатлар учун илгичлар билан жиҳозланади. Эсмарх кружкаси 10 дақиқа давомида таркибида 0,5 % хлор сақловчи дезинфекция воситаларда ёки бошқа дезинфектантда ушбу дезинфектант йўриқномасига мувофиқ тўлиқ ботириб қўйиши орқали заарсизлантирилади. Вазелинни катта идишларда (0,5 л банка ва ҳ.к.ларда) сақланиши тақиқланади. Вазелин 10,0 гр.дан ортиқ бўлмаган сифимдаги идишларда сақлашга рухсат берилади. Учликлар ишлатилганидан сўнг 10 дақиқа давомида таркибида 0,5 % хлор сақловчи дезинфекция воситаларида ёки бошқа дезинфектантда ушбу дезинфектант йўриқномасига мувофиқ заарсизлантирилади, совунили эритмада ювилади, сўнгра стерилизаторда қайнаган вақтдан бошлаб 20 дақиқа давомида қайнатиш усули билан чуқур дезинфекция қилинади ва куруқ ҳолда сақланади.

1.11. Юқумли касалликларга гумон қилинаётган беморларни аниқлаш учун шифохонанинг барча бўлимларида 3 кун ва ундан ортиқ давр ичида ҳарорати юқори ( $37,5^{\circ}\text{C}$  ва юқори) бўлган барча беморлар ҳисобини юритиш зарур.

1.12. Бундай беморлардан уларнинг ташҳисидан қатъий назар, безгак, тиф-паратифоз ва риккетсиоз инфекцияларига лаборатория текширувлари ўтказиш учун қон олинади.

1.13. Юқумли касалликка гумон қилинаётган беморлар аниқланганида улар изоляторга жойлаштирилади ва юқумли касалликлар стационарига ётқизилгунига қадар улар учун махсус ажратилган тиббиёт ходими тайинланиб, алоҳида назоратга олинади.

1.14. Изоляторлар учун албатта санитария узели, раковина ва душ мавжуд бўлган палата танланади. Беморга мутахассислар томонидан маслаҳат берилиши, ташҳис текширувлари ва овқатлантиришни ташкил этиш имкон даражасида палата ичида олиб боришлиши керак. Бемор юқумли касалликлар стационарига ўтказилганидан сўнг изоляторда ва бемор аниқланган палатада амалдаги йўриқномаларга мувофиқ якуний дезинфекция амалга оширилади. Бўлимдаги профилактик ва эпидемияга қарши тадбирлар ҳажми врач-эпидемиолог томонидан белгиланади.

1.15. Эпидемияга қарши тадбирлар мажмуаси ўтказилиши бўйича юритиладиган тадбирлар кузатуви журналида якуний дезинфекция қилиш санаси, кузатув остидаги мулоқотда бўлганларни кўрсатган ҳолда, инфекцияларнинг нозологик шаклига қараб, кундалик соғлиғи ҳолати (ҳарорати, тери ва шиллик қопламалари, нажаси хусусияти ва ҳ.к.) қайд этилган ҳолда акс эттирилади.

Айнан шу дафтарда лаборатория текшируви ва юқумли касалликка гумон қилинаётган бемор билан мулоқотда бўлган шахслар ва тиббиёт ходимларидан олинган натижаларни рўйхатга олиш қамровини қайд этиш учун графа ажратилади.

1.16. Мулоқотда бўлган бемор шифохонадан чиқаётганида, стационар беморининг тиббий картасидан кўчирмада юқумли касалликка чалинган бемор билан мулоқотда бўлганлиги кўрсатилади.

1.17. Ниқобларни заарсизлантириш: дока ниқоблар ишлатилганидан сўнг қуруқ идишларга тўпланади, сўнг улар махсус ажратилган хонада хўжалик совуни билан ювилади, қуритилади ва дазмолланади. Ниқоблар ювилиши учун жавобгарлик бўлим хўжалик ҳамшираси зиммасига юклатилади. Бир марта ишлатиладиган ниқоблар 4 соатдан сўнг утилизация қилинади.

1.18. Ишлатилганидан сўнг термометрлар сувда совунлаб ювилади ва қуруқ ҳолатда сақланади.

1.19. Бир марталик шпателлар бўлмаган тақдирда, кўп марталик шпателлар ва бошқа тиббиёт асбоб-ускуналари 10 дақиқа давомида таркибида 0,5 % хлор сақловчи дезинфекция воситаларига (ёки тегишли концентрациядаги бошқа дезинфектант) ботириб қўйиш орқали заарсизлантирилади. Шундан сўнг асбоб-ускуналар сув билан чайилади. Шпателлар стерилизация қилиш учун МСБга топширилади.

1.20. Барча тиббий асбоб-ускуналар ишлатилганидан сўнг дарҳол таркибида 0,5 % хлор сақловчи эритмасида ёки йўриқномага мувофиқ бошқа дезинфекция воситаларида 10 дақиқа давомида заарсизлантирилади. Шундан сўнг тиббиёт ҳамшираси (резина қўлқопларда) уни оқиб турган сувда чаяди, (раковина бўлмаган тақдирда асбоб-ускуналар тоза сувли идишга солинади) сўнгра МСБ га топширилади.

1.21. Беморлар томонидан ишлатилган чойшаб тўпламлари йиғиш ушбу санитария қоидаларининг 3-иловасига мувофиқ амалга оширилади. Ишлатилган чойшаб тўпламларининг бўлимларда сараланишига рухсат этилмайди.

1.22. Бўлим bemорларнинг шахсий гигиенага риоя этишлари учун етарли микдорда сув билан таъминланади. Оғир ва ётиб қолган bemорлар учун bemорнинг тўшаги ёнида ювениш ташкил этилади.

1.23. Палаталар, коридорлар ва санитария узелларининг кундалик ва мукаммал (генерал) тозаланиши ушбу санитария қоидаларининг 3-иловасига мувофиқ амалга оширилади.

### **Муолажа хонасига қўйиладиган талаблар**

2.1. Муолажа хонаси турли даволаш ва ташхис амалларини бажариш жойи хисобланади.

2.2. Ихтисослигидан қатъий назар, муолажа хонаси барча керакли жиҳозлар, мебель ва асбобларга эга бўлиши керак.

2.3. Муолажа хонасида ўзи юра оладиган, ярим ётиш ва оддий режимдаги bemорларга барча турдаги инъекциялар (томир ичи, мушак ичи, тери ости) амалга оширилади.

2.4. Муолажа хонасида ўтказиладиган ташхис амалларига қон олиш, шу жумладан шошилинч қон олиш киради.

2.5. Барча тайёрлов ишлари, тиббиёт муолажа ҳамшираси томонидан иш кунининг бошида бажарилади, яъни ишлатилган шприцлар, асбоб-ускуналар, пахта-шарик ва қўлқопларни дезинфекцияловчи эритмалар тайёрланади.

2.6. Барча муолажалар мазкур санитария қоидаларининг 1-иловасига мувофиқ тарзда маҳсус кийимда, бир марталик шприц ва системалар билан ўтказилиши керак.

2.7. Инъекция қилинишидан аввал бир марталик шприц ва системалар bemорнинг олдида очилади.

2.8. Томир ичи, мушак ичи ва тери ости инъекциялари учун тоза тиббиёт пахтаси ишлатилади.

2.9. Инъекцион жойни тозалаш инъекция (томир ичи, мушак ичи ва тери ости) ва қон олиш жойини таркибида спиртга эга антисептик ёрдамида зарарсизлантиришни англалади.

2.10. Шприц игнасини флақонга киритишдан аввал кўп дозали флақонларнинг резина пробкасини 70% ли спирт эритмаси билан артилади.

2.11. Инфузион эритмали флақонларни ишлатишдан аввал уларнинг тиник ёки хираги, майда заррачалари, дарз кетган жойлари бор-йўқлиги кўздан кечирилади ва яроқлилик муддати текширилади. Стерил дори шакллари кичик индивидуал қадоқларда тайёрланиши керак. Флақон ва ампулалар очилганидан сўнг дарҳол ишлатилиши керак. Очик ампулаларнинг қайта ишлатилиши ман этилади. Флақонларни қайта ишлатиш фақатгина бир bemорнинг ўзи учун рухсат этилади.

2.12. Кўп дозали флаконларда чиқарилувчи дори воситаларини ишлатишда (инсулин, генсулин, актрапид, гепарин кабилар) ҳар бир керакли дозани алоҳида бир марталик шприц ёрдамида олиш шарти билан бир нечта беморга қўллаш рухсат этилади. Антибиотиклар йўриқномасига асосан ишлатилади.

2.13. Муолажа хонасининг турли юзаларига қон, унинг препаратлари ва бошқа биологик ажратмалар тушган ҳолатда таркибида 0,5 % хлор сақловчи препарат 10 дақиқага (ёки унинг аналоги) ёки дезинфектант йўриқномасига кўра қўйилади.

2.14. Муолажани муолажа хонасида ўтказишга имкон мавжуд бўлмаган ҳолатда (бемор ахволига кўра) муолажа bemorning тўшаги ёнида ўтказилади.

2.15. Палатада муолажалар ўтказиш учун икки қисмга эга мобил столчадан фойдаланилади: тепа қисми “стерил”, пастки қисми “стерил эмас”.

2.16. Юқори қисмга бир марталик шприцлар, системалар, тоза тиббиёт пахтаси, қўл учун антисептик ва дори воситалари жойланиб, тоза мато билан ёпилади.

2.17. Столчанинг пастки қисмига ишлатилган материал, яъни ампулалар учун идиш, “Б” синфидағи ўткир чиқиндилар учун қаттиқ контейнер, мос равишида “Б” синфидағи ишлатилган материал деб маркировкалган ишлатилган шприц ва системалар учун қопқоқли идиш ва ишлатилган пахта шариклари учун идишлар жойлаштирилади. Барча ишлатилган материаллар (шприцлар, системалар ва пахта шариклар) муолажа хонаси шароитида дезинфекция қилинади.

2.18. Инъекция қилинганидан сўнг кўрсатма варафи ва муолажа журналида ўтказилган муолажа тўғрисида қайд этилади.

2.19. Барча томир ичига юбориладиган инъекциялар кўрув қўлқопларида амалга оширилади.

2.20. Кўрув қўлқопларини бир смена давомида бир bemorning ўзига бир неча марта ишлатилишига рухсат этилади. Ҳар бир муолажадан авввал ва кейин тиббиёт ҳамшираси қўлини антисептик билан заарсизлантиради ёки мазкур санитария қоидаларининг 1-иловасига мувофиқ тартибда ювади.

2.21. Кўрув қўлқоплари қон ёки бошқа биологик суюқликлар билан ифлосланганда ўрнатилган тартибда дезинфекция ва утилизация қилинади.

2.22. Ҳар бир bemor учун индивидуал ишлатилган кўрув қўлқоплари bemorning жавончасида сақланади.

2.23. Иш сменасининг якунида кўрув қўлқоплари идишга тўпланади ва ўрнатилган тартибда утилизация қилинади.

2.24. Муолажа хонасини кундалик ва мукаммал (генерал) тозалаш ушбу санитария қоидаларининг 3-иловасига мувофиқ амалга оширилади.

### **3. Даволаш-профилактика муассасаларида беморларнинг кундузги даволаниши бўлими (БКДБ) фаолиятини ташкил этиш**

3.1. БКДБ ДПМнинг, шу жумладан, амбулатор-поликлиника, шифохона муассасалари, тибиёт марказлари клиникалари таркибий бўлинмаси хисобланади ва сутка давомида тиббий кузатув талаб этмайдиган bemорларга профилактика, ташҳислаш, даволаш ва реабилитация тадбирларини олиб бориш учун мўлжалланган.

3.2. ДПМ тарк ибода ташкил этилган БКДБ ётоқ жойлари сони ва ихтисоси ДПМ раҳбари томонидан белгиланади.

3.3. БКДБ иш тартиби олиб бориладиган тиббий тадбирлар ҳажми хисобга олинган ҳолда ДПМ раҳбари томонидан белгиланади.

3.4. БКДБда bemорларни озиқ-овқат билан таъминлаш масаласи ДПМ раҳбари томонидан ҳал этилади.

3.5. Bемор даволаниши тугаганидан сўнг ва 7 кунда камида 1 марта алмаштириладиган чойшаб тўплами заҳираси бўлиши зарур.

3.6. Bеморларга муолажа кўрсатиш БКДБнинг муолажа хонасида олиб борилиши керак.

3.7. Санитария-гигиеник, эпидемияга қарши ва дезинфекция режимига худди соматик ихтисосдаги стационарлардагидек риоя этилиши зарур.

## **V. Жарроҳлик ихтисосидаги стационарлар (бўлимлар), хоналарда шифохона ичи инфекциялари профилактикаси**

### **1. Жарроҳлик ихтисосидаги стационарларда (бўлимлар) шифохона ичи инфекциялари профилактикаси бўйича тадбирларни ташкил этиш**

1.1. Ушбу бобда жарроҳлик ихтисосидаги стационарларда (бўлимларда) шифохона ичи инфекциялари юзага келиши ва тарқалишининг олдини олишни таъминлайдиган ташкилий, даволаш-профилактик, санитария-гигиеник, эпидемияга қарши ва дезинфекция қилиш тадбирлари мажмуасини олиб бориш учун қўйиладиган асосий талаблар белгиланади.

1.2. Яра юзасига тегиб турувчи боғлов материаллари ва тибиёт буюмлари стерил бўлиши керак.

1.3. Ходимларни касаллик қўзғатувчи стафилококк ташувчилигига текшириш йилига 2 марта ўтказилади.

1.4. Бурун-ҳалкум, терининг сурункали яллиғланиши касалликларини ўз вақтида аниқлаш ва даволаш, чириган тишларни даволаш учун бўлимларнинг барча ходимлари амалдаги буйруққа мувофиқ даврий тарзда тиббий қўриқдан ўтказиладилар. Лаборатория текширувлари ҳажми, мутахассислар рўйхати ва қўриқдан ўтиш сони амалдаги меъёрий хужжатга мувофиқ белгиланади. Зарур мутахассислар мавжуд бўлган ҳолатда ДПМда асосий иш жойида тиббий қўриқдан ўтказиш ва лаборатория текширувларини ўтказишга рухсат этилади.

1.5. Яллиғланиш ва йиринглаш жараёнларига чалинган, дармонсиз, юқори тана ҳарорати бўлган тиббиёт ходимлари ишга қўйилмайди.

1.6. Жарроҳлик ихтисосидаги шифохоналарда операция қилувчи жарроҳлар, тиббиёт ҳамширалари, стоматологлар, акушер-гинекологлар, педиатрлар, ушбу ДПМда жойлашган кафедралар ходимлари, шунингдек, парентерал аралашувларни амалга оширувчи тиббиёт ходимлари йилига бир марта В ва С вирусли гепатитнинг маркерларига текширилиши керак.

1.7. Ходимларни кийим ва алмаштириладиган пойабзal саклаш учун алоҳида (индивидуал) шкафлар билан таъминлаш зарур.

1.8. Ходимлар шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя этишлари керак.

1.9. Жарроҳлик стационарлари (бўлимлари) бир йилда бир марта (жадвал бўйича) режа асосида ювиш учун ёпилади. Бўлимларнинг босқичма-босқич ёпилишига алоҳида ажратилган кириш жойлари билан таъминланганда ёки алоҳида жойлашган бинода санитария-гигиеник, эпидемияга қарши тартибларга қатъий риоя этилиши шарти билан рухсат этилади.

1.10. 200 ўриндан ортиқ бўлган жарроҳлик ихтисосидаги стационарларда шифохона ичи инфекциялари этиологияси, жарроҳликдан кейинги асоратлар, ажратилган культураларнинг антибиотикларга сезувчанлигини ўрганиш ва атроф-муҳит обьектларини доимий бактериологик назорат қилиш учун ҳар ойда стерил материал сифати ва ҳавонинг ҳолатини текшириб турувчи бактериологик лаборатория ташкил этилиши керак. Барча бактериологик текширувлар озуқа муҳитларини ишлатган ҳолда олиб борилиши керак. Ўзининг бактериологик лабораторияси бўлмаган ҳолатда ва 200 ўриндан кам бўлган стационарларда ШИИ этиологик таҳлили (расшировкаси), ажратилган культураларнинг антибиотикларга сезувчанлиги ва атроф-муҳит обьектлари, стерил материал ва ҳаво ҳолатини бактериологик назорат қилиш бошқа ДПМ ёки ДСЭНМнинг аттестациядан ўтган бактериологик лабораторияларида шартнома асосида олиб борилиши мумкин.

## **2. Бўлимдаги санитария-гигиена тартиби**

2.1. Беморларнинг шифохонага ётқизилиши “тоза” bemорлар учун алоҳида ва йирингли-септик инфекциялар ёки жарроҳликдан кейинги асоратларга эга bemорлар учун алоҳида олиб борилиши керак.

2.2. Беморнинг режали тартибда бажариладиган операцияга келиб тушишида, дастлабки текширув амбулатор-поликлиника шароитларда олиб борилади. Стационарда бўлишнинг ҳар бир ортиқча қуни ШИИ юқтириш ҳавфини оширади.

2.3. Беморларнинг жарроҳлик стационаридан (бўлимидан) чиқариб юбориш муддати унинг саломатлиги ҳолати билан белгиланади. Эпидемиологик нуқтаи назардан bemорларни эрта чиқариб юбориш ўзини оқлайди.

2.4. Беморларнинг қаришдошлари, танишлари келиб кўришига рухсат берилади. Бўлимда bemорларни келиб кўриш тартиби даволаш муассасаси маъмурияти томонидан белгиланади.

2.5. Аҳволи сутка давомида кузатув ва даволашни талаб этмайдиган беморлар учун беморларнинг қундузги даволаниши бўлими (БКДБ) ташкил этилади. БКДБга бирламчи қабул (расмийлаштирилиши) қабул-кўрик бўлимида амалга оширилади, бу ерда кўриқдан сўнг шифокор томонидан касаллик тарихи тўлдирилади.

2.6. БКДБда жарроҳлик ихтисосидаги стационарлар (бўлимлар) учун белгиланган тартибга мувофиқ санитария ва эпидемияга қарши тартибга риоя этилади.

2.7. Ходимлар ҳар қайси бемор билан ишлашда эпидемиологик эҳтиёткорлик чораларига риоя этишлари керак.

2.8. Кўлқоплар ишлатилганлигидан қатъий назар, бемор билан алоқада бўлгунга қадар ва ундан сўнг, кўлқоплар ечилганидан сўнг ва ҳар гал қон, биологик суюқлик, ажратмалар ёки эҳтимолий контаминацияланган буюмлар ва асбоб-ускуналар билан алоқадан сўнг ушбу санитария қоидаларининг 1-иловасига мувофиқ қўллар гигиеник тозаланади.

2.9. Қон, ажратмалар, экскретлар сачраши билан боғлиқ жарроҳлик манипуляцияларини/операцияларини олиб боришда ходимлар ниқоб ва қўзларни ҳимоялаш мосламаси (кўзойнак, қалқонча) тақадилар. Ҳар қандай ҳимоя воситалари ифлосланганида улар алмаштирилади. Бир марта қўлланиладиган ҳимоя воситалари ишлатилиши мақсадга мувофиқ.

2.10. Беморларга чойшаб тўпламларини алмаштириш ифлосланиш даражасига қараб мунтазам равишда ёки 7 кунда камида бир марта олиб борилади. Беморларнинг ажратмалари билан ифлосланган чойшаб зудлик билан алмаштирилиши керак.

2.11. Бўлимларда ифлос чойшаб тўпламларини йиғиш ушбу санитария қоидаларининг 1-иловасига мувофиқ амалга оширилиши керак.

2.12. Тиббиёт ходимлари ва беморларнинг пойабзали дезинфекция воситалар билан тозаланадиган ва оёқларни санчиладиган-кесадиган буюмлардан ҳимояловчи материалдан бўлиши керак.

2.13. Муолажа хонаси, палаталар, коридорлар ва санитария узелларининг кундалик ва мукаммал (генерал) тозалаш ушбу санитария қоидаларининг 3-иловасига мувофиқ амалга оширилади.

2.14. Йиринг-септик инфекцияли (ЙСИ) bemорлар палаталарида тозалаш ишлари кунига 3 марта, шу жумладан, 1 марта дезинфектантларни қўллаган ҳолда олиб борилади.

2.15. Барча тозалаш асбоб-анжомлари, асбоб-ускуналари, аппаратураси маркировка қилинади ва қатъий мақсадга мувофиқ ишлатилади, маҳсус ажратилган жойларда сакланади.

2.16. Беморлар касалхонадан чиқарилганидан сўнг палаталарда дезинфекцияловчи воситалардан фойдаланиб мукаммал (генерал) тозалаш ишлари амалга оширилади, тўшак қайта солинади.

2.17. Дезинфекция воситалари тайёрланган санаси кўрсатилган маркировка билан санитария хоналарида сакланади. Кичик ходимлар дезинфекция воситаларини қўллаш қоидаларини билишлари керак.

2.18. Айнан бир ходимлар ҳам тоза бўлим (палата), ҳам йирингли bemорлар палатасига хизмат кўрсатмасликлари керак. Битта бўлим мавжуд бўлган ҳолатда, аввал тоза патологияли bemорларга хизмат кўрсатиш, сўнгра ЙСИ ли bemорларга хизмат кўрсатиш зарур. ШИИ профилактикаси мақсадида эпидемияга қарши чораларга қатъий риоя этилиши зарур. Битта маҳсус кийимдан фойдаланиш тақиқланади. Мазкур бўлимлар учун кийим алоҳида бўлиши керак.

2.19. Беморлар зарурый шошилинч жарроҳлик аралашуви учун шифохонага ётқизилган тақдирда уларда инфекциялар (грипп, герпес, ичак бузилиши ва ҳ.к.) мавжуд бўлганда (ҳаво-томчи, майший-алоқавий) юкиш йўлларини ҳисобга олган ҳолда изоляциялаш тизимини ишга тушириш зарур, яни bemor даволаниш вақтида бўладиган изолятор-палата ажратилади. Ходимлар ҳимоя воситалари билан ишлайдилар.

2.20. Касбий зарарли участкаларда ишловчи тиббиёт ходимлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг амалдаги буйруғи талабларига мувофиқ текширувдан ўтказиладилар.

2.21. Асбоб-ускуналар 10 дақиқа давомида таркибида 0,5% хлор сақловчи дезинфекция воситасининг эритмасига (ёки тегишли концентрациядаги бошқа дезинфектантга) ботириб қўйиш орқали дезинфекция қилинади, сўнгра тиббиёт асбоб-ускуналари сувда ювилади. Шундан сўнг кўп марта қўлланиладиган тиббиёт асбоб-ускуналари МСБга топширилади.

2.22. Бир марта қўлланиладиган буюмлар амалдаги норматив ҳужжатга мувофиқ утилизация қилинади.

2.23. Яра юзаси, қон ёки инъекция препаратлари билан алоқада бўладиган кўп марта қўлланиладиган тиббиёт буюмлари жойида дезинфекция қилиниши керак.

2.24. Тиббиёт буюмларини стерилизация қилинишидан олдин тозалаш ва стерилизация қилиш мазкур санитария қоидаларининг 2-иловасига мувофиқ бажарилади.

2.25. Ҳар чоракда 1 марта Давлат санитария-эпидемиология назорати хизмати мутахассислари томонидан ташқи муҳит (ҳаво, ташқи муҳит обьектларидан суртмалар, асбоблар, боғлов материаллари ва ҳ.к.ларнинг стериллиги) лаборатория назорати амалга оширилади.

2.26. Бактериологик текширувлар натижалари инфекцион касалликлар назорати бўйича комиссия мажлисида муҳокама қилиниши ва барча манфаатдор шахсларга етказилиши керак.

### **3. Операцион блок ва боғлаш хоналарида шифохона ичи инфекциялари профилактикаси**

3.1. Операцион блок жарроҳлик бўлимининг бошқа хоналаридан тамбур билан ажратиб қўйилади. Операцион блок эшиклари доим ёпилган ҳолда сақланади.

3.2. Операцион блок амалдаги норматив ҳужжатга мувофиқ стационар бактерицид нурлантирувчи лампа ва вентиляция тизими билан жиҳозланади.

3.3. “Тоза” ва “йирингли” операциялар учун операция хоналари қатъий ажратиб қўйилади. Ушбу талабни бажариш учун шароитлар мавжуд бўлмаган тақдирда йирингли жараёнлар бўйича операциялар маҳсус ажратилган кунларда олиб борилади, сўнг операцион блок ва барча асбоблар яхшилаб дезинфекция қилинади.

3.4. Жарроҳлар, операция ҳамширалари ва операцияда қатнашувчи барча шахслар операция олдидан гигиеник душ қабул қиласидилар, тоза операцион ички кийим (пижама, шиппак, қалпоқча, халат) киядилар. Операцион блокка кириш олдидан халатни ечиб, баҳила киядилар ва ниқоб тақадилар, операция олди хонасига ўтадилар, бу ерда қўллар тозаланади ва стерил халат, қўлқоплар ва ниқоб тақадилар.

3.5. Операцион блокда ишлатиладиган жарроҳлик халатлари хаво ўтказадиган ва намлик ўтишига чидамли бўлиши керак.

3.6. Операция пайтида қўлқоплар бутунлиги бузилган тақдирда уларни дарҳол алмаштириш, қўлларни эса тери антисептиги билан тозалаш зарур.

3.7. Операция пайтида “фавқулодда ҳолат” (жарроҳлик бригадаси аъзоларининг қўллари тери қоплами бутунлиги бузилиши) юзага келган тақдирда, зудлик билан ОИВ-инфекцияси шошилинч профилактикаси бўйича тадбирлар ўтказалиши керак.

3.8. Қўлқоплар бутунлиги бузилиш хавфи юқори бўлган операцияларни ўтказиш учун 2 жуфт қўлқоплар ёки юқори даражада чидамли қўлқоплар тақиши керак.

3.9. Бошқа бўлимлардан ходимларнинг операцион блокнинг “қизил чизиги”дан ўтиб кириши тақиқланади. Зарур ҳолатларда бошқа бўлимлар ходимлари операцион блокка санитария тозалаш барча талабларига риоя этган ҳолда санитария хонаси (пропускник) орқали кириши керак.

3.10. Операция хонасига, айниқса операция бошланганидан сўнг кириши рухсат этилган ходимлар сони минимумга етказилиши керак. Тиббиёт ходимларининг операцион блокда кўча пойабзалида бўлишлари қатъиян тақиқланади.

3.11. Операция хонасига беморларни киритиш-чиқариш учун мўлжалланган аравачани бошқа мақсадларда ишлатиш тақиқланади. Операция хонасида аравача учун беморларни ташибда фойдаланишга қулай бўлган жой танланади. Ҳар бир бемордан кейин аравачани дезинфекцияловчи эритмада хўлланган латта билан артилади.

3.12. Операция блокига киритиладиган ва олиб кириладиган барча асбоблар, аппаратлар ва бошқа буюмлар (О2, СО2 балонлари, кардиографлар) операция блокига кириш олдидан дезинфекцияловчи эритмада хўлланган латта билан артилади.

3.13. Операцион блокда жарроҳлик аралашуви вақтида ишлатилмайдиган буюмларнинг сақланиши тақиқланади.

3.14. Битта операция хонасида бир пайтнинг ўзида иккита ва ундан ортиқ операция ўтказилиши тақиқланади.

3.15. Иш столи асбоб-анжомлари ҳар бир операциядан сўнг кейинги операция учун янгидан ёзилади.

3.16. Ҳар бир операция учун алоҳида тўпламлар, шу жумладан, асбоб-анжомларнинг стандарт тўплами ва алоҳида қадоқланган асбоб-ускуналар стерил столларнинг ўрнига ишлатилиши мумкин.

3.17. Катта операция столи фақат шошилинч операцион стационарларда (бўлимларда) рухсат этилади.

3.18. Стерил столларни тайёрлашда қуйидаги асептика қоидаларига риоя этиши зарур:

- столнингдастлаб дезинфекцияси она юзаларини дезинфекция қилиш учун тавсия этилган воситалардан бири билан артиб чиқиш орқали ўтказилади.

- стерил столларни тайёрлаш учун ишлатиладиган чойшаблар стерилизациясидан олдин материалнинг бутунлиги текширилади. Йиртилган ҳолатларда чойшаблар алмаштирилиши керак. Бунинг ўрнига бир марта ишлатиладиган стерил жарроҳлик чойшаби ёки бир марталик маҳсус стерил тўпламлар ишлатилиши мумкин.

3.20. Стерил столларни тайёрлашдан олдин операция ҳамшираси қўлларини тери антисептиги билан жарроҳлар қўлларини тозалаш технологияси бўйича тозалайди, стерил халат кияди ва қўлқопларни тақади (операция хонасига шиппаква ниқобсиз кириш тақиқланади).

3.20. Операция тугаганидан сўнг барча тиббиёт асбоблари дастлаб 10 дақиқа давомида таркибида 0,5% хлор сақловчи дезинфекция эритмасида (ёки тегишли концентрациядаги бошқа дезинфектантда) дезинфекция қилиниб, сувда ювилганидан сўнг МСБга топширилади.

3.21. Бир марта ишлатиладиган асбобларни қайта ишлатиш қатъиян ман этилади.

3.22. Шифохона ичи инфекциялари профилактикаси учун антибиотикларни операциядан аввал (узоғи билан операция вақтида) юбориш керак; ШИИ профилактикаси учун аксарият тавсия этиладиган препаратларнинг ярми чиқиб кетиши даврини ҳисобга олган ҳолда, – операциядан 2 соатдан аввал бўлмаган ҳолда, идеалда – кесиш бошланишидан 15-20 дақиқа олдин юбориш керак.

3.23. Антибиотикни анестезия бошланиши билан бир пайтда юбориш мақсадга мувофиқ.

3.24. Самарали профилактика учун аксарият ҳолларда антибиотикнинг битта дозаси етарлидир. Қўшимча дозалар кўп (операция вақтида 1000 млдан ортиқ) қон йўқотишда ва узоқ (3 соатдан ошиқ) муддатли операцияда ярим чиқиб кетиши муддати қисқа антибиотиклар қўлланилган ҳолатларда ўзини оқлайди.

3.25. Жарроҳлик ихтисосидаги даволаш-профилактика муассасаларида стерил шаклда ишлаб чиқариладиган тикув материали ишлатилганлиги маъқул.

3.26. Тиббий асбобларни (тикиш материали, тикиш игналари, периурал ва эпидурал анестезия учун тўпламлар ва ҳ.к.лар) спиртда сақлаш қатъиян тақиқланади. Ишда заводда тайёрланган стерил қадоқлардаги ёки МСБда стерилланган тикиш материалини ишлатиш зарур.

3.27. Операцион блокни мукаммал (генерал) тозалаш ишлари операциялар тугаганидан сўнг, мазкур санитария қоидаларининг З-иловасига мувофиқ, лекин ҳафтасига камида бир марта ўтказилади. Операциялар оралиғида дезинфектантлар қўлланилган ҳолда қундалик тозалов ишлари олиб борилади ва ундей тозалов ишларини ўтказиш учун операция хонаси ва ходимларни тайёрлаш учун вақт етарли бўлиши керак.

3.28. Операция давомида ишлатилган асбоблар маҳсус ажратилган идишларга тўпланади.

## **Боғлов хонасига қўйиладиган талаблар**

3.29. Боғлов хоналари “тоза” ва “йирингли” боғлаш амаллари учун қатъий ажратилиди. Боғлов хонаси битта бўлган ҳолатда йирингли яраларни залаш тоза яралар муолажалари ўтказилганидан сўнг олиб борилади, сўнгра хоналар ва барча асбоб-анжомларга дезинфекцияловчи эритмалар билан яхшилаб тозаланади. Боғлашлар кетма-кетлигини яралар тозалигини ҳисобга олган ҳолда режалаштирилади.

3.30. Боғлаш ишларини боғлов хонасида ўтказишга имкон бўлмаган ҳолда (бемор аҳволига кўра), боғлаш bemor тўшаги ёнида бажарилади.

3.31. Палатада боғлаш ўтказиш учун икки қисмга эга мобил столчадан фойдаланилади: тепа қисми “стерил”, пастки қисми “стерил эмас”.

3.32. Столчанинг юқори қисмига стерил идиш қўйилади, унинг усти ёпинчиқ ёки сочиқ билан 4 қават қилиб ёпилади. Идишга асбоблар, боғлов материаллари, жарроҳ ва боғлов ҳамшираси учун стерил қўлқоплар жойлаштирилади.

3.33. Столчанинг пастки қисмига ишлатилган асбоблар учун, мос равища “Б” синфидағи ишлатилган материал деб маркировкаланган идиш жойлаштирилади. Ишлатилган салфетка ва шариклар дезинфектант солинган “Б” синфидағи ишлатилган материал ёзувли идишга солинади. Ишлатилган асбобларни идиши билан боғлов хонасида дезинфекция қилинади.

3.34. Боғлаш ишлари боғловхона ҳамшираси томонидан стерил қўлқопларда бажарилади.

3.35. Боғлов хонаси етарли микдорда стерил асбоблар ва керакли материал билан таъминланган бўлиши керак.

3.36. Боғлашлар олиб борилиши учун тўпламлар ҳар бир кишига алоҳида бўлиши керак. Алоҳида тўплам жарроҳлик асбоблар ва боғлов материалининг етарли микдоридан иборат бўлиши керак. Боғлаш тўпламлари таркиби боғлаш турига қараб белгиланади. Тўпламлар микдори боғловларнинг ўртача сони ва қўшимча 1-2 тўпламларга мувофиқ келиши керак. Имкон қадар бир марталик стерил тиббий асбоблар ишлатилиши керак. Бўлимларда операциядан кейинги ва оғир bemorларда боғлашни амалга оширишда боғлаш ишлари жойларда стерил боғлаш тўпламлари, шу жумладан, стерил идиш ишлатилган ҳолда олиб борилади.

3.37. Индивидуал тўпламлар ўрнига кунига 1 марта 6 соатга боғлов столи ёйилади. Бунда фавқулотда ҳолатлар учун боғлов материалларидан иборат стерил бикс заҳирада бўлиши керак.

3.38. Пациент учун боғлов столи (кушетка) дезинфекцияловчи воситанинг ишчи эритмаси билан артилади.

3.39. Тиббиёт ҳамшираси ва врач халатда (зарур бўлганда – фартукда ҳам), қўлқопларда, қалпоқчада ва никобда ишлаши керак. Бир марта қўлланиладиган халатлар афзал ҳисобланади.

3.40. Боғламларни ечиш боғлаш ҳамшираси томонидан стерил қўлқопларда бажарилади.

3.41. Даволовчи врач (ҳамшира) боғлашни стерил қўлқопларда олиб боради ва уларни ҳар бир боғлашдан сўнг алмаштиради.

3.42. Кўп марта ишлатиладиган асбоблар боғлашдан кейин дезинфекцияловчи эритмага ботириб қўйиш усули билан дезинфекция қилинади, сўнгра стерилизациядан олдинги тозалаш ва стерилизация қилиш учун МСБга топширилади.

3.43. Боғлов хоналарида ишламайдиган ходимларнинг кириши чекланади. Боғлов хоналарини мукаммал (генерал) ва кундалик тозалаш ишлари ушбу санитария қоидаларининг З-иловасига мувофиқ олиб борилади.

3.44. Б ва В тоифасидаги тиббиёт чиқиндиларини (бир марта ишлатиладиган тўпламлар, боғлов материаллари, пахта-докали боғичлар, тампонлар, чойшаблар, никоблар, маҳсус кийимлар, салфеткалар, бир марта қўлланиладиган тиббиёт буюмлари ва ҳ.к.ларни) заарасизлантириш амалдаги санитария қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

3.41. Яраларни тозалаш учун фақат дорихонада тайёрланган эритмалар (фурацилин, водород пероксида ва бошқалар) ишлатилади.

#### **4. Реанимация ва интенсив терапия бўлимларида шифохона ичи инфекциялари профилактикаси**

4.1. Узоқ муддат реанимация қаровини (реанимация зали) талаб этувчи беморларга қараш учун, ҳамда наркоздан чиқиш ва операциядан кейинги даврда (палатада) қисқа муддатли қузатув учун бўлимга келиб тушаётган беморларга қараш учун алоҳида хоналар ва ўрта тиббиёт ходимлари тайинланиши керак.

4.2. Реанимация бўлими ходимлари ҳар қуни алмаштириладиган маҳсус кийим тўплами (кўйлак ва шим, қалпоқ, шиппаклар, халатдан иборат тўплам) билан таъминланади.

4.3. Бемор бўлимдан чиққанидан сўнг кроват тумбочкаси, кроват дезинфекцияловчи эритма билан дезинфекция қилинади. Матрасларда намлик ўтказмайдиган жилдлар бўлса, улар дезинфекцияловчи эритмалар билан артилади.

4.4. Беморнинг келишидан олдин кроват тоза чойшаб тўплами билан ҳозирлаб қўйилади (матрас, чойшаб, ёстиқ, ёстиқжилди, адёл, адёл жилди). Чойшаб тўплами ифлосланишига кўра алмаштирилади.

4.5. Марказий қон томир катетерларини ўрнатиш ва сифатини назорат қилиш врач томонидан олиб борилади, уларга бевосита қараб туриш маҳсус ўқитилган ходимлар томонидан (ўрта тиббиёт ходимлари) олиб борилиши керак.

4.6. Марказий веноз ва артериал катетерларни ўрнатишда стерил асбоб-ускуна, шу жумладан, стерил қўлқоплар, никоб ва салфеткалардан фойдаланилади.

4.7. Катетер киритиладиган жой катетер ўрнатилишидан олдин тери антисептиги билан тозаланади.

4.8. Марказий веналарга катетер қўйиш муолажалари реанимация ва/ёки интенсив терапия бўлимидағи кичик операциялар журналида қайд этилади.

4.9. Касаллик тарихида марказий венага катетер ўрнатилиши санаси, вақти, кўрсатмалари, тери антисептиги билан тозаланиши, қўлланилган анестезия усули, катетер қўйилган томир, катетер тури ва ўлчами (серия, рақами), неchanчи уринишда катетер ўрнатилганлиги, асоратлари ва катетер қўйишни ўтказган врач Ф.И.Ш. ёзилади. Катетер олиб ташланган сана кўрсатилиши зарур.

4.10. Катетернинг қўйилган жойи ва функционал ҳолатига қараб катетернинг томирда туриши муддатини врач реаниматолог ҳал этади. Катетер қўйилган жой ва функционал ҳолат ҳар куни даволовчи шифокор томонидан касаллик тарихида акс эттирилади.

4.11. Катетер билан ҳар қандай муолажаларни бажариш олдидан ходим қўлларини ювади, сўнгра қўлларини тери антисептиги билан тозалайди ва стерил қўлқоплар тақиб олади.

4.12. Катетер киритиш жойини ёпиш учун маҳсус стерил боғламлар ишлатилади.

4.13. Инфекциянинг биринчи аломатлари пайдо бўлганда катетер олиб ташланади.

4.14. Ҳар сафар катетер билан ишлаш олдидан ходимлар қўлларини ва ишлаш жойини тери антисептиги билан тозалайдилар.

4.15. Сийдик пуфагига катетер қўйишни тайинлаш фақатгина қатъий клиник кўрсатмаларга кўра олиб борилади.

4.16. Фақат бир марталик, стерил сийдик катетерларини ишлатиш керак.

4.17. Сийдик катетерини қўйиш олдидан периуретрал зона гигиеник тозаланади.

4.18. Катетер қўйиш фақат стерил қўлқопларда бажарилади.

4.19. Катетернинг уретрада силжишини чегаралаш учун уни маҳкамлаш зарур.

4.20. Сийдик йиғиш учун ёпик идишлар қўллаш керак.

4.21. Сийдик йиғилувчи идиш контаминацияси хавфини камайтириш ва сийдик рефлюксининг одини олиш учун сийдик йиғиш идиши пол сатҳидан юқорида, бироқ бемор кровати сатҳидан пастда туриши керак.

4.22. Катетерни олиб ташлаш жуда қисқа муддатда бажарилиши керак. Сийдик катетерининг уретрада туриши муддати 3 кундан ошмаслиги керак.

4.23. Агар бемордан респиратор ажратмалари билан ифлосланиш эҳтимоли мавжуд бўлса, клеёнкали фартук тақиши керак, бунда бошқа бемор билан ишлашга ўтганда клеёнкали фартук алмаштирилади.

4.24. Трахеостомик найчани алмаштириш асептик шароитларда бажарилиши керак, металл трахеостомик найчалар стерилизация қилиниши зарур.

4.25. Трахеобронхиал дараҳт санацияси бажарилганда бир марталик стерил қўлқоплар тақиши керак.

4.26. Нафас йўллари секретларини аспирация қилиш учун очик системалар ишлатилганда бир марта қўлланиладиган стерил санацион катетерларини қўллаш керак. Бир нафар bemorga 6 соат давомида физиологик эритма билан ювиш ва қуруқ ҳолда саклаш шарти билан битта катетер қўлланилишига рухсат этилади.

4.27. Бемор нафас йўлларига тегиши учун стерил, бир марта фойдаланиладиган материалларни (эндотрахеал найчалар, бактериал фильтрлар, трахеостомик канюлялар, трахеобронхиал дараҳт секретини аспирация қилиш учун катетерлар) ишлатиш керак.

4.28. Битта bemornинг ўзида контур ишлатилганда фақатгина унинг қўлланилиши давомийлигидан келиб чиқиб нафас контурини алоҳида (яққол ифлосланиш, ишлаши бузилиши ва ҳ.к.) кўрсатмаларсиз алмаштириш керак эмас.

4.29. Контурдаги ҳар қандай конденсат ўз вақтида олиб ташланиши керак.

4.30. Нафас олдириш наркоз аппаратини ҳар бир bemordан сўнг тозалаш зарур.

## **5. Наркоз-нафас олдириш аппаратини (ННА) тозалаш ва дезинфекция қилиш**

5.1. Наркоз-нафас олдириш, анестезиологик аппаратлар ва ўпка сунъий вентиляцияси аппаратларининг янгилари ҳам ва ҳар бир ишлатишдан кейин ҳамтозаланиши (ювилиши ва заарсизлантирилиши) керак.

5.2. Наркоз-нафас олдириш, анестезиологик аппаратлар ва ўпка сунъий вентиляцияси аппаратларининг конструктив хусусиятларига қараб уларни икки усулда тозаланади:

- а) блоклари бўйича;
- б) йифилган ҳолда.

5.3. Анестезия ва ўпка сунъий вентиляцияси (ЎСВ) олиб борилганда бактериал-вируслар фильтри ишлатилиши шарт, фтизиатрия амалиётида Хепа фильтрлар ишлатилиши шарт.

5.4. Замонавий наркоз-нафас олдириш аппарати ишлатилганда дезинфекция ва стерилизация қилиш ушбу аппаратура йўриқномасига мувофиқ олиб борилади.

5.5. Нафас контури алоҳида элементлари ва блоклари, ҳамда аппаратнинг ташкилий қисмлари ювилиши ва дезинфекция қилиниши наркоз-нафас олдириш ва анестезиологик асбоблар ва ЎСВ аппаратларни заарсизлантиришнинг ишончлилигининг мажбурий шарти ҳисобланади.

5.6. Янги аппаратлар чанг, боғловчи, куқунли моддалардан тозалаш мақсадида, ишлатилгандан кейин аппаратлар деконтаминация қилиш ва пироген моддалар, тўқималарҳамда бошқа органик қолдиқлар бўлакларидан тозалаш мақсадида тозаланади.

5.7. Ювиш жараёни (блоклар бўйича) бир қатор кетма-кет босқичларни ўз ичига олади.

5.8. Тайёрлаш –туташ жойларни қисмларга ажратиш, шланглар, бириктирувчи элементлар, клапан қутилари қопқоқларини ечиш, конденсат тўплагичларни ажратиш ва бўшатиш ва ҳ.к.

5.9. Деталларни дезинфекция қилиш 3% водород пероксидига 60 дақиқага ёки тегишли концентрациядаги бошқа дезинфектантда унинг йўриқномасига мувофиқ тозаланадиган бўшлиқларни тўлиқ ботириб қўйиш орқали бажарилади.

5.10. Дезинфекциядан кейин қисқа муддат ичидаги оқар сув остида чайилади.

Бу айникса бириктирувчи элементлар ва найчаларга тегишли бўлиб, уларда ажратмалар, экссудатлар, қон ва ҳ.к.лар қуриб қолишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

5.5.1. Деталлар юувучи эритмада пахта-докали тампонлар билан ювилади. Тозалаш ва ювиш учун ўткир буюмлар, шунингдек, чўтка (юмалоқ чўтка/ёршик) ишлатиш керак эмас, чунки патрубкаларда чўткалардан (ёршик) тукчалар қолиб кетиш ва уларнинг кейинчалик нафас йўлларида аспирация бўлиши хавфи бор. Дока тампонлар ювиш учун бир марта ишлатилади.

5.5.2. Ювилган деталлар камида 3 дақика оқар сув остида чайилади.

5.5.3. Ишқорли қўшимчалар қолдиқларини аниқлаш учун фенолфталеин синови ўтказилади. Ишқор қолдиқлари аниқланганда (ижобий натижа) назорат учун олинган буюмларнинг барча гуруҳи салбий натижага эришилгунга қадар такроран тозаланади.

5.5.4. Наркоз-нафас олдириш аппарати 360 дақиқага 6%ли водород пероксидига ботириб қўйиш орқали ёки бошқа дезинфектант(кимёвий стерилизация учун мўлжалланган)га унинг йўриқномасига мувофиқ стерилизация қилинади.

5.5.5. Стерилизациядан кейин элементлар ва деталлар стерил сув билан чайилади ва стерил чойшаб билан қуритилади, сўнгра стерил матога қайта солинади ва бир сутка давомида сақланади.

5.5.6. Стерилизация олди ва стерилизациянинг барча босқичлари операцион блокда олиб борилади.

5.5.7. Замонавий наркоз-нафас олдириш аппарати ишлатилганда уни дезинфекция ва стерилизация қилиш ушбу аппаратнинг йўриқномасига мувофиқ бажарилади.

## **6. Ларингоскопларни тозалаш ва дезинфекция қилиш**

6.1. Ларингоскопия – бу овоз пайчалари ва ҳиқилдоқни текшириш усули.

6.2. Ларингоскопларни тозалаш кўпинча газли ва плазмали стерилизация орқали ўтказилади. Мазкур усул термик тозалаш мос келмайдиган асбобларга қўлланилади. Уларга ойна юзали ёки аккумуляторлижарроҳлик асбоблар киради.

6.3. Мазкур стерилизация усули ўрнини юқори даражадаги дезинфекция боса олади.

6.4. Кимёвий дезинфекцияи slab чиқарувчилар томонидан тақдим этилган тозалаш вақти ва концентрацияси кўрсатилган йўриқномага мувофиқ ўтказилади.

6.5. Ҳар бир марта ишлатилганидан сўнг ларингоскоплар тозаланади (ювиш ва заарсизлантириш).

6.6. Ювиш жараёни бир қатор кетма-кетликдаги босқичлардан иборат:

- қон, йиринг ва шилимшиқ жисмлар қуишилиши ва қуриб қолиши олдини олиш учун тифни оқар сув остида ювилади. Бунда электрон контактларга сув тегмаслигига диққат билан эътибор бериш керак.

Тифни бетадин эритмаси, хлор сақловчи дезинфектантлар ёки водород пероксидида тозалаш мүмкін эмас.

- тиф дезинфекция учун маркировкаланган идишда ивитилади, сұнгра шу эритмада бир марталик дока салфетка билан ювилади.

- тиф оқар сув остида 2 дақықа мобайнида ювилади.

- тиф дистилланган сув билан чайллади ва йўриқномага асосан қўлланилаётган стерилянт эритмасига солинади. Сұнгра тифни дистилланган сув билан чайллади.

- сұнгра тиф стерил пинцет билан стерил чойшабга олинади, стерил салфетка билан қуритилади ва стерил матога ўралади.

- ларингоскоп дастаги дезинфекцияловчи эритмали стерил салфетка билан артилади, сұнгра 70% спирт билан артилади ва стерил матога ўралади.

- ларингоскоп ичига стерил чойшаб солинган стерилизацион қутида сақланади.

## 7. Жарроҳлар қўлларини тозалаш тартиби

7.1. Оператив амалиётлар, туғруқлар, магистрал томирларга катетер ўрнатилишида қатнашувчи барча шахслар қўллари тозаланади. Тозалаш қўйидаги икки босқичда олиб борилади:

I. босқич- икки дақиқа давомида қўлларни совунлаб, сув билан ювиш, сұнгра стерил сочиқ (салфетка) билан қуритиш;

II. этап - Ўзбекистон худудидаги ДПМларда қўлланиладиган антисептик воситалари билан йўриқномага мувофиқ қўл панжалари, билаклари ва тирсаккача ишлов бериш.

7.2. Стерил қўлқоплар қўллар терисида антисептик тўлиқ қуриши билан дарров тақилади.

7.3. Кўлларни ювиш учун салфеткалар автоклавда стерилланади, тирноқлар бир марта ишлатиладиган махсус чўп билан тозаланади.

7.4. Тозалаш учун зарур антисептик миқдори, неча марта ишлов берилиши ва унинг давомийлиги мазкур воситалар қўлланилиши бўйича методик кўрсатмалар/йўриқномаларда баён этилган тавсияларга кўра белгиланади.

7.5. Кўлларни жарроҳлик учун тозалашда препаратлар, шу жумладан «С-4» рецепти/аралашмаси ишлатилади.

7.6. «С-4» рецепт/аралашмаси водород пероксида ва чумоли кислотасининг зарур миқдорини шиша идишда аралаштириш орқали тайёрланади, тайёр бўлган суюқликни 1-1,5 соатга совук сувга солинади ва вақти-вақти билан чайқатиб турилади.

## **C-4 рецептини/аралашмасини тайёрлаш учун ингридиентлар микдори**

### **Ингредиентлар микдори**

Ишчи эритма микдори	30-33%ливодород пероксида (мл)	Чумоли кислотаси		Сув (л)
		100% (мл)	85% (мл)	
1	17,1	7,9	8,1	1 гача
2	34,2	13,8	17,2	2 гача
5	85,5	34,5	40,5	5 гача
10	171,0	79,0	81,0	10 гача

Эритма факатгина операция куни тайёрланади ва шу куни ишлатилади.

7.7. Эритма зич ёпиладиган қопқоқли шиша идишда салқын жойда бир суткадан ортиқ бўлмаган муддатда сақланади.

7.8. Жарроҳлар қўлларига ишлов бериш учунбиглюконат хлоргексидин препаратининг 0,5% спиртли эритмаси ҳам қўлланилади (препарат 70% спиртда 1:40 нисбатда эритилади). Қўлларни хлоргексидин билан тозалаш пахтали тампон билан 5 дақиқа давомида олиб борилади. Антисептик восита тампонлар билан билаклардан тирсакларгача қисмнинг ҳамма юзасига суртилади ва биринчи ўнг қўл, сўнгра чап қўл тирсакларгача камида 2 дақиқа давомида яхшилаб ишқаланади. Такроран ишлов беришда янги стерил тампон ишлатилади.

7.9. Кўлларга ишлов бериш учун 1% дегмин эритмаси ёки 0,1% йодоперон-йодофор эритмаси, шунингдек, йўриқномага мувофиқ бошқа препаратлар ҳам ишлатилади, ишлов бериш 4 дақиқа давомида тоғорада олиб борилади.

## **8. Операцион юзани тозалаш**

8.1. Жарроҳлик аралашуви, тери қопламлари ва шиллиқ қатламлар бутлиги бузилиши (турли бўшлиқлар пункциялари, биопсиялар) билан боғлиқ бошқа манипуляциялардан олдин операцион юзани тозалашда таркибида спирт сақловчи бўёқли тери антисептиклари афзал ҳисобланади.

8.2. Операцион юза ёнидаги ёки атрофидаги соchlар операция олиб боришга халақит бермаса, операция олдидан соchlарни олиб ташлаш керак эмас. Агар уларни олиб ташлаш зарур бўлса, буни бевосита операциядан аввал депиляторлар (кремлар, геллар) ёки тери қопламларини шикастламайдиган бошқа усулларни қўллаган ҳолда бажариш керак. Фавқулотда ҳолатларда соchlарни кесиш ва қириб ташлашга рухсат этилади.

8.3. Операцион юза терисига антисептик билан ишлов бериш олдидан яққол ифлосланишларни бартараф қилиш учун бу жойни яхшилаб ювиш ва тозалаш керак.

8.4. Операцион юзага тери антисептигига: 96 градусли этил спирти, йодонат, йодопирон, биглюконат хлоргексидин эритмаси ёки ушбу мақсадлар учун ишлатиладиган бошқа препаратлар билан хўлланган алоҳида стерил дока салфеткалар билан ишлов бериш ҳар бир воситанинг ўз қўлланиши усули кўрсатмалари/йўриқномаларига кўра тавсия этилган заарсизлантириш вақти давомида артиш орқали олиб борилади.

8.5. Операциядан аввал шикастланмаган терига ишлов беришда тери антисептигини марказдан атрофга томон концентрацияланган айланалар билан суртиш, йирингли яра бўлган ҳолатда эса – атрофдан марказга қараб стерил тампонлар билан суртиш керак.

8.6. Тайёрланган юза зарур бўлганда кесишини давом эттириш ёки дренажлар ўрнатиш учун янги кесишлиарни амалга ошириш учун етарлича катта бўлиши зарур.

8.7. Йодонат ишчи эритмалари дастлабки эритмага 5 марта кўп миқдорда қайнатилган ёки стерил сув (1:5 нисбатда) қўшиш орқали ex tempore усули билан тайёрланади.

8.8. Операцион юза терисини изоляция қилиш учун стерил чойшаблар, сочиқлар, салфеткалар қўлланилади. Шунингдек, тери унинг устидан кесиладиган микробларга қарши қопламали маҳсус кесиладиган жарроҳлик плеёнкаси ишлатилиши мумкин.

## **9. Анаэроб инфекцияли беморлар учун палаталарда санитария-гигиена тартиби**

9.1. Газли қорасоннинг ҳар қандай шаклидаги беморлар инфекция манбаи ҳисобланади: эмфизематозли, шишли-токсик, аралаш ва газли-йирингли.

9.2. Газли қорасон қўзғатувчилари патоген клостридиялар оиласига, яъни анаэроб спора ташувчи бациллаларга киради. Одатда, микроблар уюшмаси патоген клостридиялар ёки патоген ва яримпатоген клостридиялар аралашмаси, шунингдек клостридиялар ва аэроб бактериялар: стафилококк, ичак таёқчаси, протейаралашмасидан таркиб топган бўлиши мумкин.

9.3. Инфекцияларнинг асосий юқиши йўли — контакт/алоқа. Инфекция газ қорасонининг тупроқ, ифлос тўшак, кийим-кечак, шикастланган тери қопламлари ёки шиллиқ пардаларга тушганида, етарлича стерилланмаган асбоб-анжомлар, шприцлар, игналар, тикиш ва боғлов материаллари ишлатилганда, шунингдек, тибиёт ходимларининг ишлов берилмаган кўллари орқали юқиши мумкин.

9.4. Газли қорасонга чалинган беморларни даволаш учун алоҳида палата ажратилади.

9.5. Анаэроб инфекцияли беморлар даволанадиган барча хоналар девор ёки шифтга ўрнатиладиган бактерицид лампалар билан жиҳозланади.

9.6. Зарур ҳолатларда бемор қабулхонада тўлиқ ёки қисман санитария тозаланишдан ўтади: душ қабул қиласиди, тирноқларини олади ва ҳ.к.

9.7. Бемор келиб тушиши олдидан ва чиқиб кетганидан кейин кроват, кроват олди түмбочкаси, тувак таглиги (агар шундайи бўлса) 0,5 %ли юувучи восита билан 7% водород пероксида эритмасига хўлланган латта билан яхшилаб артиб чиқилади. Спорали бактерия шакллари учун белгиланган тартибда камерали дезинфекция билан ишлов берилгандан сўнг кроватга чойшаб-тўшак тўплами тўшалади.

9.8. Идишлар ишлатилганидан сўнг овқат қолдиқларидан тозаланиб соданинг 2%ли эритмасида ивитилади ва 20 дақиқа давомида қайнатилади, сўнгра оқар сувда ювилади ва ёпиқ шкафда сақланади.

9.9. Палаталарни тозалаш 0,5% ювиш воситаси билан 7% водород пероксида эритмаси қўлланилган ҳолда намли усул билан кунига камида 2 марта амалга оширилади.

9.10. Тозалашвоситалари (челак, тоғора, латта ҳ.к.) маркировкаланади ва белгиланган мақсадда ишлатилади. Латта ишлатилгандан сўнг 20 дақиқа давомида 2 кгс/см<sup>2</sup> (132°C) да автоклавда стерилизланади.

9.11. Жарроҳ ва муолажа ҳамшираси боғлов хонасига кириш олдидан ниқоб, халат ва баҳилла кияди. Операция ёки боғлаш вақтида клеёнкали фартук кийилади, ҳар бир операция ёки боғлашдан кейин фартукни 0,5% ювиш воситаси билан 7% водород пероксида эритмасида хўлланган латта билан артилади.

9.12. Операцион ва боғлов материалларини зарарсизлантирумасдан ташлаб юбориш қатъяян тақиқланади.

9.13. Операцион-боғлов хоналарини тозалаш ишлари 0,5% ювиш воситаси билан 7% водород пероксида эритмасини қўллаб нам усул билан кунига камида 2 марта амалга оширилади. Кундалик тозалаш ишлари пайтида алоҳида ҳимоя воситалари ишлатилиши зарур.

9.14. Гипербарик оксигенациялаш сеанси ўтказиш пайтида bemorга кичик матрас туридаги алоҳида кичик тўшак ва бош тирагич ажратилади. Ушбу талабга риоя қилиш имконияти мавжуд бўлмагандатўшакни клеёнка ёки плёнка билан қопланади. Сеанс ўтказилгандан сўнг жилди алмаштирилади, тўшак дезинфекцияловчи эритма билан хўлланган латта билан яхшилаб артилади.

9.15. Ҳар бир оксигенация сеансидан кейин барокамералар ички юзасини дезинфекция қилиш 0,5% ювиш воситаси билан 7% водород пероксида эритмасида хўлланган латта билан яхшилаб артиб чиқилади. Сўнгра стерил сочиқча ёки чойшаб билан қуригунча артиб чиқилади.

9.16. Барозални тозалаш 0,5% ювиш воситаси билан водород пероксидининг 7% эритмаси қўлланилган ҳолда нам усул билан кунига камида 2 марта амалга оширилади. Бунда дезинфекцияловчи эритмада хўлланган латта ёрдамида барча буюмлар ва аппаратура артиб чиқилади ва қуригунча артилади. Гипербарик оксигенация сеанслари ўртасидаги танаффусларда бактерицид нурлантирувчи лампа ёқилади.

9.17. Операция ёки боғлаш олиб борилгандан кейин барча тиббий асбоб-анжомлар 60 дақиқага 0,5% ювиш воситаси билан 7% водород пероксида эритмасига солиб қўйилади ёки қайнаган вақтдан бошлаб 20 дақиқа давомида қайнатилади.

## **10. Поликлиника жарроҳлик хоналарининг санитария-гигиеник, эпидемияга қарши ва дезинфекция тартиблари**

10.1. Жарроҳлик хонаси мудири хонада санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши тартибга риоя этилиши учун жавобгардир.

10.2. Жарроҳлик хоналари тиббиёт ходимлари ишга киришидан олдин амалдаги норматив хужжатга мувофиқ тиббий кўрикдан ўтади.

10.3. Яллиғланиш ёки йирингли касалликлари, дармонсизлик, иситма, ЎИК ва бошқа ўткир касалликлар асоратларига чалинган тиббиёт ходимлари ишга кўйилмайди.

10.4. Бурун-ҳалкум, тери, кариоз тишлар касалликларини ўз вақтида аниқлаш учун жарроҳлик хонасида ишловчи барча ходимлар диспансер ҳисобида туриши керак.

10.5. Поликлиника бош врачи ўринбосари йилда 1 марта жарроҳлик ихтисосидаги хоналар ходимларини вирусли гепатитнинг В ва С маркерларига текширувдан ўтказилишини ташкил этади.

10.6. Жарроҳлик кабинетида 2 та боғлов хонаси бўлиши керак:

- Асептик (тоза);
- Септик (йирингли).

10.7. Ҳар бир bemор учун алоҳида боғлаш/операциян тўпламлари ишлатилади.

10.8. Ходимлар маҳсус кийимда ишлайди, операция (боғлаш) олдидан халатини алмаштириши, ҳамда маҳсус фартук ва стерил қўлқоплар тақиши керак.

10.9. Операция (боғлаш) олдидан жарроҳ ва тиббиёт ҳамшираси қўлларини совун, стерил чўткалар (ёки стерил салфеткалар) билан 1 дақиқа давомида ювиши, сўнгра уларга антисептик воситалар билан ишлов бериши ва стерил қўлқоплар тақиши керак. Ходимлар тирноқлари олинган бўлиши керак. Қўлларида тақинчоқлари бўлмаслиги керак.

10.10. Ҳар бир bemордан сўнг қўлларни ювиш ва қайтадан ишлов бериш зарур, операция столи дезинфекцияловчи воситалар билан икки маротаба артилади.

10.11. Юзаларга ишлов берилганидан сўнг латта ювилади, қуритилади ва қуруқ ҳолда сақланади.

10.12. Тиббий асбоб-анжомлар ишлатилганидан сўнг дарҳол таркибида хлор сақловчи дезинфекция воситасининг 0,5% эритмасида (тегишли концентрациядаги бошқа дезинфектантда) 10 дақиқага дезинфекция қилинади, сув билан ювилади ва стерилизация олди тозалаш ва стерилизация қилиш учун МСБга топширилади, боғлов материалларини дезинфекция қилишдан кейин амалдаги норматив хужжатга мувофиқ йўқ қилинади.

10.13. Жарроҳлик хонасига бошқа хоналар, поликлиника бўлинмалари ходимларининг кириб-чиқиши, жарроҳлик хоналари ходимларининг бошқа хоналар, поликлиника бўлинмалари, поликлиника атрофи ҳудуди, шу жумладан, бошқа санитария-ховли қурилмалари ва кўчада маҳсус кийимда юришлари тақиқланади. Хоналардан чиқиш зарур бўлганда ходимлар маҳсус кийимни ечиши шарт.

10.14. Жарроҳлик хонаси беморларининг устки кийими учун поликлиникада гардеробхона, хонада эса – маҳсус ажратилган кийим илгич бўлиши кўзда тутилади.

10.15. Жарроҳлик хонасининг барча асбоб-анжомлар, ускуналар, маҳсус кийим ва бошқа буюмлари маркировкаланган бўлиши ва қатъий тарзда мақсадга мувофиқ ишлатилиши керак.

10.16. Жарроҳлик хонасида кунига 3 марта, шу жумладан 1 марта дезинфекцияловчи воситалар қўлланилган ҳолда кундалик тозалаш ишлари олиб борилади.

10.17. Мукаммал (генерал) тозалаш мазкур санитария қоидаларининг 3-иловасига мувофиқ ҳафтасига бир марта ўтказилади.

10.18. Ҳудудий ДСЭНМ лабораторияси томонидан ҳар чоракда 1 марта ташқи муҳит обьектларини бактериал ифлосланишга ва жарроҳлик асбоб-анжомлари ва боғлов материалларини стерилликка бактериологик текшириш амалга оширилади.

## **11. Жарроҳлик ихтисосидаги муассасаларда шифохона ичи инфекцияларини (ШИИ) ҳисобга олиш ва қайд этиш**

11.1. Жарроҳлик стационарларидаги (бўлимлари) замонавий шифохона ичи инфекцияларини турли микроорганизмлар чақириши мумкин ва бунинг клиник белгилари асосан йиринглаш ва септик заарланишлар асоратлари сифатида намоён бўлади. Кўзғатувчининг жойлашувига кўра, унинг бемор ёки ташувчининг организмидан ажралиб чиқиши турли аъзолар ва тўқималар (нафас йўллари, ошқозон-ичак тракти, сийдик-жинсий йўллар ва ҳ.к.) орқали содир бўлади.

11.2. Жарроҳлик аралашувида инфекцияларнинг қуидаги турлари қайд этилади:

а) *Кесилган юза инфекцияси* операциядан сўнг 30 кунгача вақтда пайдо бўлади ва фақат кесилган жойдаги тери ва териости тўқималарини қамраб олади; bemorda қуидагилардан бири кузатилади:

- кесилган жой юзасидан йиринг ажралиши;

- йирингли яллиғланишнинг микроскопик белгилари мавжуд бўлганда чуқур кесиш жойидан асептик пункция йўли билан олинган суюқлик ёки тўқимадан, ёки ярадан микроорганизмлар ажралиши;

- қуидаги асоратлардан камида иккитаси бўлади: оғриқ, чегараланган шиш, қизариш, маҳалий ҳароратнинг ошиши.

Ташхис жарроҳ ёки бошқа даволовчи врач томонидан қўйилади (операциядан кейинги яранинг йиринглаши ва бошқалар);

б) *жарроҳлик аралашуви жойида чуқур инфекция имплантант бўлмаган ҳолатда операциядан кейин 30 кунгача вақтда ёки имплантант бўлганда операция ўрнида бир йил давомида пайдо бўлади ва кесилган жойдаги чуқур юмшоқ тўқималарни (масалан, фасциал ва мушак қатламини) қамраб олади; bemorda қуида санаб ўтилганлардан бири кузатилади:*

- мазкур хирургик аралашуви ўрнида кесилган жой ичидан йиринг ажралиши;

- йирингли яллиғланишнинг микроскопик белгилари мавжуд бўлганда чуқур кесиш жойидан асептик пункция йўли билан олинган суюқлик ёки тўқимадан шунингдек, ёки яра ичкарисидан олинган суртмадан микроорганизмлар ажралиши;

- яра четларининг ўз-ўзидан очилиб кетиши ёки bemорда қўйидаги белгилар ва асоратлар: иситмалаш ( $>37,5^{\circ}\text{C}$ ), маҳаллий оғриқ ёки оғриқнинг кучайиши кузатилганда жарроҳнинг ярани атайин очиши;

- қайта операция вақтида, бевосита текширишда, гистологик ёки рентгенологик текширувда чуқур кесилган жойда абсцесс ёки инфекциянинг бошқа белгилари аниқланиши.

Ташҳис жарроҳ ёки бошқа даволовчи врач томонидан қўйилади (абсцесс, флегмона ва бошқалар);

б) *бўшлиқ/аъзо инфекцияси* операция ўрнида имплантант бўлмаган ҳолатда операциядан кейин 30 кунгача вақтда ёки имплантант бўлганда бир йил давомида пайдо бўлади, операция жараёнида кесилган ёки муолажа ўтказилган жойдан ташқари, организмнинг ҳар қандай қисмини (масалан, аъзо ёки бўшлиқни) қамраб олади; bemорда қўйида санаб ўтилганлардан бири кузатилади:

- маҳсус кесиш орқали аъзога/бўшлиққа ўрнатилган дренаждан йиринг ажралиши;

- аъзодан/бўшлиқдан асептик ҳолда олинган суюқлик ёки тўқимадан микроорганизмлар ажралиши;

- иситмалаш ҳолати;

- қайта операция вақтида, бевосита текширишда, гистологик ёки рентгенологик текширувда аъзо/бўшлиқда абсцесс ёки инфекциянинг бошқа белгилари аниқланиши.

Ташҳис (перитонит, остеомиелит, пневмония, пиелонефрит, медиастенит, эндометрит ва тегишли аъзода операциядан кейин пайдо бўлган бошқалар) жарроҳ ёки даволовчи врач томонидан қўйилади.

11.3. Операциядан кейинги шифохона ичи инфекцияларига операцион аралашувдан сўнг 30 кун давомида, операция ўрнида имплантант бўлганда эса, бир йилгача муддат ичida юзага келган касалликлар киради.

11.4. ШИИ нафақат bemор стационарда бўлган пайтида, балки чиқарib юборилганидан кейин ёки бошқа стационарга ўтказилганидан кейин ҳам ривожланиши ва аниқланиши ҳамда турлика клиник намоён бўлиши мумкин. Шу сабабдан мавжуд ахборотларни тўплашни ташкил этиш нафақат стационарда, балки бошқа ДПМда ҳам амалга оширилади.

11.5. Даволаш муассасаси врач эпидемиологи ДПМ бўлим мудирлари билан ҳамкорликда проспектив кузатув, тезкор ва ретроспектив таҳлил йўли билан ШИИни фаол аниқлаш ишларини олиб боради.

11.6. Эпидемиолог назоратнинг микробиологик жиҳатдан таъминланишига қўйиладиган умумий талаблар қўйидагилардир:

- микробиологик текширувлар натижалари самарали эпидемиологик назоратни амалга ошириш учун зарур.

- клиник ва санитария-бактериологик текширувларни олиб борища клиник кўрсатмалар бўйича текширувлар устувор бўлиши керак, бунда улар ДПМ микробиологик лабораториялари томонидан ШИИ этиологиясини аниқлаш ва даволаш тактикасини белгилашга йўналтирилиши керак.

Санитария-бактериологик текширувлар ҳажми эпидемиологик зарурат билан белгиланади.

11.7. Бемор ва ходимларда ШИИ пайдо бўлиши ёки унга гумон бўлиши микробиологик текширувлар олиб борилиши учун кўрсатма ҳисобланади.

11.8. Бевосита патологик манбадан материал олиш ишлари, антибактериал даво муолажалари бошланишидан аввал, шунингдек йирингли жараёнлар бўйича операция вақтида олиб бориш керак.

11.9. Микробиологик текширувлар учун клиник материалларни олиш ва ташиш биоматериални йиғиш ва микробиологик лабораторияларга ташиш техникасига мувофиқ амалга оширилади.

11.10. Суст кечувчи йирингли-яллиғланишли яраларда, оқма яра ҳолатларида ва бошқа кўринишларда bemорларни актиномицетлар, ачитқи ва моғор замбуруғларига текшириш мақсадга мувофиқдир.

11.11. Клиник намунага қўйидаги маълумотлар: материал хусусияти, bemорнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва ёши, бўлим номи, касаллик тарихи рақами, касаллик ташҳиси, материал олинган сана ва вақт, илгари олиб борилган бактерияга қарши терапия ҳақида маълумотлар, материални таҳлилга юбораётган шифокорнинг имзосидан иборат ахборотга эга йўлланма илова қилиниши керак.

11.12. Микробиологик лаборатория келгуси таҳлил учун даволовчи врач ва эпидемиологга қўйидаги маълумотни тақдим этади:

- ҳар бир бўлимдан таҳлил учун юборилган клиник намуналар сони;
- ажратилган ва аниқланган микроорганизмлар, шу жумладан, замбуруғлар сони (ҳар бир тур бўйича алоҳида);
- ажратилган микроб уюшмалари сони;
- ҳар бири антибиотиклар учун таъсирчанлиги синовдан ўтказилган микроорганизмлар сони;
- ажратилган микроорганизмларнинг антибиотиклар ва бошқа микробларга қарши воситаларга таъсирчанлиги.

11.13. Муайян мақсадга йўналтирилган даволаш, профилактик ва эпидемияга қарши тадбирларни олиб бориш учун метициллинга (оксациллин) резистент стафилококклар, ванкомицинга резистент энтерококклар, кўпчилик дориларга чидамлиликка эга микроорганизмларга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

11.14. Инфекция манбаларини тўғри аниқлаш учун авж олишлар (эпидемиологик чақнаш), юқиши йўллари ва омилларини ўрганишда bemорлар, тибиёт ходимлари, атроф-муҳит объектларидан ажратиб олинган микроорганизмларни ички тури бўйича типларга ажратиш ўтказилади.

11.15. ДПМда атроф-мухит объектларини лаборатория текшируви асбоб-анжомлар, инъекцион эритмалар, боғлов ва тикув материаллари стериллиги назоратига алоҳида эътибор берилган ҳолда, ишлаб чиқаришнинг режаси бўйича санитария-гигиена, профилактика ва эпидемияга қарши тадбирларга риоя этилиши устидан ишлаб чиқариш назоратини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича санитария қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

11.16. Тезкор ва ретроспектив таҳлил патологик жараён жойлашиши (локализацияси), этиологияси ва ривожланиш муддатлари бўйича ШИИ билан касалланиш ўрганилишини назарда тутади.

11.17. ШИИ билан касалланишнинг тезкор (жорий) таҳлили бирламчи ташҳислар бўйича кунлик ҳисобга олиш маълумотлари асосида олиб борилади.

11.18. Касалланишнинг тезкор таҳлили давомида жорий эпидемиологик вазият баҳоланади ва эпидемиологик жиҳатдан соғломлаштириш ёки асоратланиш, олиб борилаётган чораларнинг мувофиқлиги ёки уларни тузатиш зарурлиги ҳақида масала ҳал этилади.

11.19. ШИИ билан касалланиш таҳлили қуидагиларни ҳисобга олган ҳолда олиб борилади:

- операциядан кейин касалликнинг пайдо бўлиши муддати;
- операция ўтказилган жой (операция хонаси рақами);
- операция давомийлиги;
- келиб тушиш пайтидан операциягача ўтган вақт;
- стационарда бўлган вақт давомийлиги;
- антибиотикларнинг профилактик қўлланилиши;
- операция тозалиги типи (яра тоифаси);
- бемор аҳволи оғирлигини баҳолаш.

11.20.ШИИ билан касалланишнинг ретроспектив таҳлили қуидагиларни назарда тутади:

- ўсиш ёки **пасайиш**(ўсиш, пасайиш ва барқарорлашишни) суръатларини аниқлаган ҳолда касалланишнинг қўп йиллик ўзгариш динамикаси таҳлили;
- касалланишнинг йиллик, ойлик даражалари таҳлили;
- бўлимлар бўйича касалланишнинг солиштирма тавсифи;
- патологик жараён локализацияси ва этиологияси бўйича касалланиш тузилишини ўрганиш;
- операцион аралашувлар таҳлили;
- клиник намоён бўлишлар муддати бўйича касалланишнинг тақсимланиши (стационарда бўлиш ва чиқиб кетгандан кейинги вақтда);
- госпитал штаммлари шаклланиши ҳақида маълумотлар таҳлили;
- ШИИ умумий тузилишида авж олувчи касалланишнинг солиштирма оғирлигини аниқлаш;
- ўлим даражаси таҳлили (патологик жараён локализацияси ва этиологияси бўйича), ўлим даражаси миқдори ва ШИИдан ўлганларнинг солиштирма миқдори.

11.21.Беморларда ШИИ билан касалланишнинг ретроспектив таҳлили касалланишнинг даражаси, асосий инфекция манбалари, юқиши омилларини аниқлайди ва ушбу стационардаги (бўлимдаги) тегишли муайян ҳолат учун мос келувчи профилактик ва эпидемияга қарши тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

11.22. Операциядан кейинги инфекцион касалликларнинг қайталаниш кўрсаткичларини тўғри таққослаш учун уларнинг ҳисоби асосий хавфли омилларни: операция тури, давомийлиги, бемор ахволининг оғирлигини инобатга олган ҳолда олиб борилади. Бунда ШИИнинг мутлоқ сони, шунингдек, хавфли омилларини ҳисобга олмасдан 100 та операция ҳисобидаги интенсив кўрсаткичларни таққослаш тавсия этилмайди.

11.23. Тибиёт ходимлари касалланишининг ретроспектив таҳлили инфекция манбалари доирасини белгилаш ва уларнинг даволаш муассасасига олиб кирилиши ҳамда ШИИ тарқалишидаги аҳамиятини чеклашга йўналтирилган тадбирларни олиб боришга имкон беради.

11.24. Операция пайтида яранинг контаминацияланиши даражасига қараб ажратилиши:

- тоза яралар (яллиғланиш белгиларисиз инфекция юқмаган операция яралари);
- шартли тоза яралар (ноодатий юқиш бўлмаганда нафас йўллари, овқат ҳазм қилиш тракти, жинсий ёки сийдик чиқиш йўлларига кирувчи операция яралари);
- ифлосланган (контаминацияланган) яралар (стериллик техникаси сезиларли бузилган ёки ошқозон-ичак трактидан таркиби сезиларли даражада оқиб кетган ҳолатдаги операция яралари);
- ифлос (инфекцияланган) яралар (операциядан кейинги инфекцияни келтириб чиқарган микроорганизмлар операциядан аввал операцион мухитда мавжуд бўлган операцион яралар).

11.25. Тоза яралар учун ШИИ ривожланиш хавфи 1-5%, шартли тоза яралар учун – 3-11%, ифлосланганлари учун – 10-17% ва ифлослари учун – 25-27%дан ортиқни ташкил этади.

11.26. Касалланишнинг интенсив кўрсаткичларидан ташқари, бир қатор хавф омиллари таъсирини аниқлашга имкон берувчи кўрсаткичлар (стратифициранган кўрсаткичлар), инфекциялар қайталаниши ҳисобланади:

- ўпканинг сунъий вентиляцияси ўтказилган 1000 bemor-кунига қуий нафас йўллари касаллклари ва уларнинг тузилиши бўйича кўрсаткичлар (ўпканинг сунъий вентиляцияси (ЎСВ) ўтказилган bemорларда);

- 1000 bemor-кунига нисбатан томир катетеризацияси қон оқими касаллклари ва уларнинг тузилиши бўйича кўрсаткичлар (томирларига катетер ўрнатилган bemорларда);

- 1000 bemor-кунига уринар катетеризацияларга нисбатан сийдик йўлларидағи касаллклари ва уларнинг тузилиши бўйича кўрсаткичлар (сийдик йўлларига катетер ўрнатилган bemорларда).

11.27. ШИИ авж олиши юзага келишига йўл қўймаслик мақсадларида уларни аниқлаш ва ҳисобга олишга муҳим аҳамият қаратилади.

11.28. Касаллклар ва асоратлар ҳисобга олиниши ва қайд этилиши касаллклар, жароҳатланишлар ва саломатликка таъсир этувчи ҳолатларни халқаро статистик классификациясининг 10-қайта кўрилишига (кейинги ўринлардаХКК-10) мувофиқ олиб борилади.

11.29. ЙСИ локал шаклларининг якка(бир-иккита) ҳолатларини ДПМ эпидемиологи аниқлайди, у профилактик ва эпидемияга қарши тадбирларни тўла ҳажмда олиб борилишини белгилайди, ўтказади ва назорат қиласди. Стационар эпидемиологи бўлмаган тақдирда, ДПМ бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари ўрганишларни олиб боради. Ўткир инфекцион касалликлар (салмонеллёзлар, ичбуруғлар, геморрагик иситма, шифохона ичи ВГВ ва ВГС ва бошқалар) ва ЙСИ бошлангич шаклларини (сепсис, остеомиелит ва бошқалар) текширишни худудий ДСЭНМ врач эпидемиологи олиб боради.

11.30. ШИИ ҳолатини аниқлаган мутахассис касалликлар, жароҳатланишлар ва саломатликка таъсир этувчи ҳолатларга қараб, 10-қайта кўрилган халқаро статистик классификациясига мувофиқ ташҳисни қўяди, юқумли касалликларни ҳисобга олиш дафтарида қайд этади.

### **Операциядан кейинги инфекцияларнинг қайд этиладиган нозологик шакллари рўйхати**

<b>Касаллик нома</b>	<b>ХКК-10 шифри</b>
вирусли ва бактериал зотилжам (пневмония)	J12-J15
стрептококкли септицемия	A40
бошқа септицемия, шу жумладан:	A41
сепсис	A41.8
газлиқорасон	A48.0
бактериал менингит, менингоэнцефалит ва менингомиелит	GOO, G04.2
энцефалит, миелит ёки аниқланмаган энцефаломиелит	G04.9
флебит ва тромбофлебит	180
ўткир перитонит	K75.0
остеомиелит	M87
жинсий йўллар ва тос аъзолари инфекцияси туфайли асоратланганмуваффақиятсиз тиббий аборт	007.0
бошқа бўлимларда таснифланмаган операция яралари четларининг очилиб кетиши	T81.3
бошқа бўлимларда таснифланмаган муолажа билан боғлиқ инфекция (серомалар, инфильтратлар ва бошқалар)	T81.4
юрак клапани протези, бошқа юрак ва томир мосламалари, имплантлар ва трансплантлар билан боғлиқ инфекция	T82.7,7
сийдик ва жинсий тизимдаги протез мослама, имплант, трансплант билан боғлиқ инфекция	T83.5/7
эндопротезлар, ички мустаҳкамловчи мослама, ички протез мосламалар, имплантлар, трансплантлар билан боғлиқ инфекция	T84.5,7,7
тўмтоқ ампутацияси инфекцияси	T87.4

бошқа ички протез мосламалар, имплантлар ва трансплантлар билан боғлиқ инфекция ва яллиғланиш реакцияси	T85.7
инфузия, трансфузия ва даволаш инъекцияси билан боғлиқ инфекция	T80.2
ўткир цистит	N30.0
уретрал абсцесс	N34.0
локализацияси аниқланмаган сийдик чиқариш йўллари инфекцияси	N39.0
даволаш муассасасида бўлган даврда келиб чиққан бошқа инфекцион касалликлар, инфекцион касалликлар қўзғатувчиларни ташиш	нозологик шаклига кўра ХКК-10 кодлари билан белгиланади

11.32. ДПМда bemорда аниқланган ҳар бир ШИИ ҳолати тўғрисида худудий Давлат санитария-эпидемиологик назорат марказига ўрнатилган тартибда Ф.085/У шошилинч хабарномаси юборилади.

11.33. Битта инфекция манбаи билан боғлиқ ва умумий юқиш факторларига эга 3 ва ундан ортиқ шифохона ичи инфекциялари ҳолатларининг пайдо бўлишини гуруҳли касалликлар деб ҳисоблаш мумкин. ДПМда гуруҳли касалликлар юзага келганлиги хақида худудий ДСЭНМ давлат санитария-эпидемиология назоратини амалга оширувчи юқори ташкилотларга керакли ҳажмдаги маълумотга эга навбатдан ташқари хабарнома тақдим этади.

11.34. Эпидемиологик сўраб суриштирувлар олиб бориш жараёнида авж олиш вазияти аниқланса, профилактик ва эпидемияга қарши тадбирлар ҳажмини ДСЭНМ мутахассиси белгилайди.

11.35. ШИИ ҳар бир ҳолати хақида ахборотнинг ўз вақтида ва тўлақонли етказиш учун жавобгарлик даволаш-профилактика муассасаси раҳбари зиммасига юклатилади.

## **VI. Акушерлик стационарларида (бўлимларда) шифохона ичи инфекциялари профилактикаси**

### **1. Акушерлик стационарларида (бўлимларда) шифохона ичи инфекциялари профилактикаси бўйича тадбирларни ташкил этиш**

1.1. Ушбу бобда акушерлик йўналишидаги стационарларда (бўлимларда) шифохона ичи инфекциялари пайдо бўлиши ва тарқалиши олдини олишга қаратилган ташкилий, даволаш-профилактик, санитария-гигиена, эпидемияга қарши ва дезинфекция чора-тадбирлармажмуига қўйиладиган асосий талаблар белгиланади.

1.2. Туғруққа ёрдам муассасида шифохона ичи инфекциялари олдини олиш ва уларга қарши курашиш бўйича санитария ва эпидемияга қарши тадбирлар мажмуасини бажаришни ташкил этиш ва назоратига ДПМ раҳбари, туғрук мажмуаси (бўлими) бош врачи (мудири) жавобгардир.

1.3. Шифохона ичи инфекциялари бўйича тадбирларни ташкил этишни госпитал врач-эпидемиологи амалга оширади. Врач-эпидемиолог мавжуд бўлмаган ҳолатда бу иш бош врачнинг даволаш бўйича муовини зиммасига юклатилади.

1.4. Туғрук мажмуаси (бўлими) бош врачи санитария ва эпидемияга қарши чора-тадбирларга риоя этилиши бўйича тиббиёт ходимларига йўриқнома ҳамда кейинчалик синовлар ўтказилишини ташкил этади.

1.5. Туғрук мажмуасига (бўлимига) ишга қабул қилишда тиббиёт ходимлари амалдаги норматив ҳужжатга мувофиқ тиббий кўриқдан ўтади ҳамда профилактик ва санитария-эпидемияга қарши тадбирларга риоя қилиш бўйича йўриқнома олади, кейин эса синовдан ўтади.

1.6. Ходимларни патоген стафилококк ташувчанликка текшириш эпидемиологик кўрсатмалар бўйича олиб борилади. Тиббиёт ходимлари йилига бир марта вирусли гепатитнинг В ва С маркерларига текширилади. Бошқа ташҳис текширувлари тиббиёт ходимларида аниқланган патологияга қараб ўтказилади. Текшириш натижалари шахсий тиббий дафтарига қайд этилади.

1.7. Туғрук мажмуасининг (бўлимининг) иситмалаган, ўткир яллиғланиш ва йиринглаш жараёнлари бор ёки сурункали йирингли-яллиғланиш касалликлари зўрайган тиббиёт ходимлари ишга қўйилмайди. Ушбу банднинг бажарилиши учун жавобгарлик бўлим мудирлари зиммасига юклатилади.

1.8. Даврий тиббий кўрик маълумотлари, даволаш натижалари, профилактик эмлашлар ҳақидаги маълумотлар ишонч билдирилган врача сақланадиган диспансер тиббий картасига киритилади, ҳамда ШИИ профилактикаси бўйича тадбирлар ташкил этилиши ва ўтказилиши учун жавобгар шахсга маълумот учун етказилади.

1.9. Тиббиёт ходимларнинг қўл гигиенаси ушбу санитария қоидаларининг 1-иловасига мувофиқ олиб борилади.

## **2. Профилактик, эпидемияга қарши ва дезинфекция тартибларни ташкил этиш**

2.1. Туғрук мажмуаларида (бўлимларида) шифохона ичи инфекциялари пайдо бўлиши ва тарқалиши олдини олиш мақсадида ушбу санитария қоидалари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлари асосида профилактик, санитария ва эпидемияга қарши тадбирлар ўз вақтида ҳамда тўлиқ олиб борилиши керак.

2.2. Тұғруқ мажмуаси (бўлими) ҳар йили камида бир марта профилактик ювиш ва дезинфекция ишлари, шу жумладан, зарур ҳолатларда жорий таъмирлаш учун (камида 14 календарь кунига) ёпилиши керак.

2.3. Тұғруқ жараёнидаги аёл аҳволини эътиборга олган ҳолда (эри, яқин қариндоши) ҳамкорликдаги тұғруқ тавсия этилади. Тұғруқ пайтида қатнашувчи қариндошлар мазкур бобнинг 8-бўлимига қатъий риоя этган ҳолда (уйдан келтирилган ёки бўлимда кийилган) тоза кийим ва пойабзalда бўлиши керак.

2.4. Тұғруқ мажмуаси (бўлими) барча бўлимларида ҳар куни ювиш воситалар қўлланилган ҳолда кундалик тозалов ишлари олиб борилади. Тұғруқ мажмуаси (бўлими) турли таркибий бўлимларининг хоналарини тозалов ишлари турлари, уларнинг ўтказилиш сони ушбу санитария қоидаларининг З-иловасида келтирилган.

2.5. Беморлар билан ҳар қандай алоқа ва уларда ўтказиладиган муолажалар бажарилишидан олдин ва кейин қўлларга гигиеник ишлов берилади.

2.6. Тұғруқни қабул қилувчи ва туғруқдан кейинги даврда bemorga қараш ишларини амалга оширувчи тибиёт ходими қуйидагиларга риоя этиши керак:

- шахсий ҳимоя тадбирларига риоя этиш (биологик суюқликлар билан алоқада бўлиш хавфи бўлганда барча муолажаларни резина қўлқоплардан фойдаланган ҳолда бажариш), туғруқни қабул қилиш, операция хоналарида қўлларга ишлов бериш қоидаларига риоя этиш;
- ҳимоя кўзойнаклари ёки экранлардан фойдаланиш;
- санчиладиган, кесадиган асбоб-анжомлар, игналар билан ишлашда эҳтиёткорлик чораларига риоя этиш;
- ифлюслантган чойшаб ва матоларга тегишни минимал даражага етказиш, уларни маркировкаланган қоплар ёки контейнерларга жойлаштириш, нам чойшаб ва матоларни нам ўтказмайдиган қоплар ёки контейнерларда ташиш;
- авария ҳолатларда (қон ва бошқа суюқликлар билан контаминацияланган асбоб-анжомлар кесиши ва санчилиши, шунингдек, қон ва бошқа биологик суюқликларнинг оғиз-ҳалқум, бурун ва кўз шиллик қаватига тушишида) амалдаги норматив хужжатга мувофиқ шошилинч профилактика ўтказиш.

2.7. Акушерлик стационаридан чиқиб кетиш муддати она ва боланинг саломатлик ҳолатига қараб белгиланади. Эпидемиологик нуқтаи назардан туғруқдан 3-4-кун сўнг, шу жумладан, чақалоқ киндигининг тушишидан аввал чиқиб кетиши мақсадга мувофиқ.

2.8. Туққан аёл чиқиб кетгандан сўнг палатада якуний дезинфекция типидаги ишлар олиб борилади, ўрин-тўшаклар зарур ҳолатларда камерали дезинфекция ёрдамида заарсизлантирилади ёки нам ўтказмайдиган жилдлари бўлганда дезинфекция воситалари билан ишлов берилади.

### **3. Туғруқ мажмуалари (бўлимлари) таркибий қисмларидағи қоидалар**

#### **3.1. Қабул-кўрик бўлими.**

3.1.1. Қабул бўлимида акушер гинеколог ёки гинеколог анамнез йигади, объектив текширувлар ўтказади, келиб тушган аёлнинг умумий аҳволини баҳолайди, тана ҳароратини ўлчайди, тери қопламлари, оғиз бўшлигини кўздан кечиради, пульсини санайди, иккала қўллардаги артериал босимни ўлчайди.

3.1.2. Объектив текшириш барча маълумотларини шифокор тегишли бўлимга ўтказилганидан кейин туғиш тарихига ёзади. Аёлнинг қабул бўлимида бўлиш вақтини минимал даражага етказиш керак.

3.1.3. Акушер-гинеколог ёки гинеколог аёлнинг алмашинув варақаси билан танишиб чиқади, ушбу ҳомиладорликка қадар ва ҳомиладорлик пайтида бошдан кечирган юқумли-яллигланиш касалликларини аниқлади. Эпидемиологик анамнез варақасини тўлдиради. Зарур бўлганда айрим таҳлил натижаларини санаси билан бирга туғруқ тарихининг титул варақасининг тегишли саҳифаларига (ОИВга ИФА, RW, гонорея ва бошқалар) кўчириб ўтказади.

3.1.4. Алмашинув варақаси бўлмаганда ёки ҳомиладорнинг алмашинув варақасида HBsAg, RW, ОИВга текширувлар маълумотлари мавжуд бўлмаган тақдирда ҳомиладор аёлни бу ҳақда хабардор этиш, ҳамда ушбу инфекцияларга лаборатория текширувлари ўтказилишини таъминлаш зарур.

3.1.5. Ҳомиладорнинг алмашинув варақасида таҳлиллар натижалари, улар ўтказилган сана ва таҳлил рақамлари қайд этилган бўлиши керак. Бу маълумотлар тўлалигича туғруқ тарихига кўчирилади (агар улар текширув муддатлари бўйича мос бўлса).

3.1.6. Ҳомиладорда HBsAgга текширув ҳомиладорлик рўйхатга олинганда ва ҳомиладорликнинг 32-ҳафтасида ўтказилади. ОИВ инфекциясига текширув ҳомиладор аёл кузатувда бўлган бирламчи (поликлиника, ҚВП) бўғинда текширув ўтказилмаган бўлса, тезкор усул билан ёки ИФА текширув усулида ўтказилади.

3.1.7. Текширувдан ўтказишга йўлланма ОИВ инфекциясига тестдан ўтишига розилиги, тестгача маслаҳат беришни расмийлаштириш билан бирга олиб борилади.

3.1.8. Ҳомиладорда ОИВга экспресс-тест ижобий натижа қайд этилганда тестолди маслаҳатни ўтказган врач акушер-гинеколог тестдан кейинги маслаҳатни ҳам ўтказади. Аёлнинг қони намунаси ҳудудий ОИТСга қарши курашиш марказига қонни келгусида ОИВни ИФА усулида текшириш учун жўнатилади.

3.1.9. Ҳомиладорлар ва туғувчи аёллар хоҳишига қўра ёки зарур бўлганда санитария тозалов ишларидан ўтказилади.

3.1.10. Туғруқ мажмуасига (бўлимига) ётқизилганда шахсий тоза кийим, пойабзал, тўшак тўплами ва сочиқдан фойдаланишга рухсат этилади.

### **3.2. ТУҒРУҚ БЛОКИ**

#### **3.2.1. Туғруқ зали**

3.2.1.1. Она ва бола биргаликда бўладиган туғруқ бўлимларида алоҳида туғруқ заллари фаолият кўрсатиши назарда тутилади. Туғруқ зали “Оилавий хона” типида тузилишига рухсат этилади.

3.2.1.2. Туғруқ залидаги кроватлардаги матраслар клеёнка билан тўлиқ қопланган бўлиши керак. Клеёнка билан қопланмаган ўрин-кўрпалар (адёл, ёстиқ ва бошқалар) шамоллатилиши, ифлосланганда ювилиши ёки камерали дезинфекциядан ўтказилиши керак.

3.2.1.3. Туғруқ залида тиббиёт ходимлари асептика ва антисептика қоидаларига риоя этган ҳолда ишлайдилар. Ҳаво ҳарорати камида  $25^{\circ}\text{C}$  бўлиши керак (хона термометри бўлиши шарт).

3.2.1.4. Туғруқ залига келганда туғадиган аёлга индивидуал тоза ички кийим кийдирилади.

3.2.1.5. Ҳар бир туғадиган аёл учун қуйидаги гинекологик асбоб-анжомлардан ташкил топган индивидуал стерил тўпламлардан фойдаланилади:

- бачадон бўйини кўздан кечириш учун тўпламлар (кенг узун пластинасимон ойна, катта кўтаргич, 2 та абортцанг, 1 та корцанг, 2 та Кохер қисқичи);

- бачадон бўйни, қин ва чот йиртиқларини тикиш учун асбоб-анжомлар (игнатутгич, қайчи, пинцетлар, бачадон бўйини тутувчи қисқичлар, ойналар, жарроҳлик игналари, тикиш материали);

- резинали вакуум экстрактор.

Стерил тўпламлар сони туғруқ блокида суткалик туғилишларнинг ўртacha сонига қараб белгиланади.

3.2.1.6. Туғадиган аёл туғишнинг учта даври: туғиш биринчи даври, туғиш ва туғруқдан кейинги эртанги давр (+2 соат) давомида индивидуал туғруқ залида бўлади. Туғруқда ҳамроҳнинг (онаси/опа-синглиси/эри, туғадиган аёл хоҳлаган шахс) биргаликда қатнашиши тавсия этилади. Ҳамроҳ ҳам тоза кийим ва пойабзал кияди. Шамоллаш касалликлари (ЎРК) аломатларига эга ҳамроҳнинг қатнашишига рухсат этилмайди.

3.2.1.7. Янги туғилган чақалоқ тоза йўргакка олинади. Янги туғилган чақалоқка бирламчи ишлов бериш учун индивидуал тоза стерил тўплам ишлатилади. Киндикда томир уриши тўхтаганидан кейинги биринчи дақиқа охирида киндик қисиб қўйилади ва кесиб ташланади (янги туғилган чақалоқ туғилганидан сўнг дарҳол киндик кесиб ташланадиган резус-иммунизациялаш ҳолатларидан ташқари).

3.2.1.8. Киндикка бирламчи ишлов бериш учун стерил тўплам 2 та қисқич, қайчи ва стерил шариклар, Роговин скобалари учун қисқич, 2 та метал скобалардан иборат бўлиши керак. Киндик скобалар, бир марталик қисқичлар бўлмаган тақдирда, бир марталик система ҳалқасидан фойдаланишга рухсат этилади (стерилликка амал қилган ҳолда). Пластик скоба (ёки лигатура) қўйилиши олдидан ходимлар кўлларига гигиеник ишлов бериши керак. Киндик тўмтоғига скоба, қисқич ва ҳалқа қўйишда стерилликка риоя этиш керак.

3.2.1.9. Неонатолог шифокор томонидан янги туғилган чақалоқнинг бирламчи қўрикдан ўтказилиши ва тозаланиши туғруқ залида чақалоқ туғилганидан кейин дарҳол амалга оширилади. Туғилганидан кейин янги туғилган чақалоқ дарҳол илиқ тоза йўргак билан артиб олинади ва кейинчалик кўқракка қўйган ҳолда “тери-терига” алоқаси учун она қорнига ётқизилади. Она қорни устидаги чақалоқ тоза (ип-газламали) қуруқ илиқ йўргак ва адёл билан ўраб қўйилади.

3.2.1.10. Янги туғилган чақалоқнинг тери қопламларига бирламчи ишлов бериш фақат чақалоқнинг тери қопламлари меконий ёки қон билан ифлосланган тақдирда амалга оширилади, бунда илиқ водопровод суви билан (ҳарорат занжирига риоя этилган ҳолда) ювилади.

3.2.1.11. Чакалоқларда кўз инфекцион касалликлари профилактикаси (офтальмобленнорея) чақалоқ она қорнида ётганидан сўнг, бироқ бир соатдан ошмасдан эритромицин ёки тетрациклин мази билан амалга оширилади.

3.2.1.12. Янги туғилган чақалоқ вазни тарозида тортилгандан ва кийинтирилгандан сўнг тарози ва йўргаклаш столи дезинфекцияловчи воситалар эритмаси билан артилади. Янги туғилган чақалоққа бирламчи ёрдам кўрсатишда ишлатилган барча асбоб-анжомлар дезинфекцияловчи эритмалар билан (ушбу асбоб-ускуна қўлланилиши йўриқномасига кўра) зарарсизлантирилади.

3.2.1.13. Янги туғилган чақалоқда шиллиқни тортиб олиш учун фақат бир марта қўлланиладиган баллончалар ва катетерлар ишлатилиши зарур.

3.2.1.14. Туққан аёл туғруқ залидан бошқа жойга ўтказилганидан сўнг туғруқ залida 30 дақиқа давомида сифатли кундалик тозалов ишлари ва кварцлаш олиб борилади ва кейин ушбу туғруқ залida кейинги туғруқни қабул қилишга рухсат берилади.

### 3.3. Акушерлик бўлими

3.3.1. Акушерлик бўлими она ва боланинг асосан биргаликда бўлиши тамойили бўйича ташкил этилади.

3.3.2. Она ва боланинг биргаликда бўлиши учун битта ёки иккита ўринга мўлжалланган палаталар ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Палатани тўлдириш бир сутка давомида олиб борилади.

3.3.4. Оналарда алоҳида гигиеник прокладкалар ва бир марталик ички кийимлар, ҳамда чақалоқларда бир марталик тагликлар ишлатилишига рухсат этилади. Улар ифлосланишига кўра алмаштирилиши керак. Ишлатилган бир марталик прокладка ва тагликлар амалдаги норматив ҳужжатга асосан санитария хонасида кейинчалик утилизация қилиниши учун алоҳида идишга тўпланиши керак.

3.3.5. Туққан аёл ва янги туғилган чақалоқ юқумли касалликка гумон қилинганда уларни даволаш ҳақида масалани ҳал этиш учун алоҳида палатага (изоляторга) ўтказилади.

3.3.6. Кўп маротаба ишлатишга мўлжалланган барча тиббий буюмлар, шу жумладан, янги туғилган чақалоқни парваришлаш учун қўлланиладиган асбоб-анжомлар (шпателлар ва бошқалар) дезинфекция ва сўнgra стерилизация қилинади. Муолажалар ўтказилганда алоҳида ўрамлардаги стерил дока шариклардан фойдаланилади. Очилган ва ишлатилмаган тўплам такроран стерилизация қилиниши керак. Стерил материални олиш учун стерил пинцетлар (корцанглар) ишлатилади, улар ҳар 7 соатда ҳар бир янги туғилган чақалоқдан кейин алмаштирилади.

3.3.7. Чақалоқлар учун фақат майда қадоқдаги ёки бир марта қўлланиладиган дори шакллари ишлатилади.

3.3.8. Вакциналарни сақлаш ва вирусли гепатит В, БЦЖ ва полиемиелитга қарши эмлаш амалдаги норматив ҳужжатга мувофиқ она иштирокида эмлаш хонасида сертификатга эга тибиёт ҳамшираси томонидан амалга оширилади.

3.3.9. Сутли аралашмалар, ичимлик эритмалари янги туғилган чақалоқ учун фақат зарурат бўлганда шифокор кўрсатмасига кўра тайинланади. Бир неча нафар чақалоқни битта бутилкадан овқатлантириш тақиқланади. Ичиш учун сув ва эритмалар қайнатилган ҳолда бўлиши керак.

3.3.10. Куруқ сутли аралашмалар, ўрами очилганидан сўнг очилган санаси ва вақти кўрсатилган ёрлиққа эга бўлиши керак. Аралашмаларни эритиш ҳар бир овқатлантириш олдидан бир маротаба овқатлантиришга мўлжалланган миқдорда тоза идиш ишлатилган ҳолда амалга оширилади. Аралашмаларни тукқан аёл ўзининг палатасида янги туғилган чақалоқни овқатлантириш учун етарли бўлган ҳароратгача совитиш учун овқатлантиришдан бироз олдин қайнатилган сувни ишлатган ҳолда, қатъий тарзда тайёрлаш йўриқномасига биноан тайёрлаши мумкин. Врач неонатолог ҳисоблаб берган миқдорда сутли аралашмани тайёрлаши мумкин.

#### **4. Чақалоқлар реанимацияси ва интенсив терапия бўлими (ЧРвАИТБ) ва чақалоқлар патологияси ва чала туғилган болалар бўлимлари (ЧПвАЧТББ)**

4.1. ЧПвАЧТББ жойлаштириш учун тұғрукқа кўмаклашиш ва бошқа бўлимлардан изоляцияланган, ҳамда алоҳида кириш ва чиқишига эга мустақил бино блоклари қўзда тутилади.

4.2. ЧПвАЧТББга перинатал марказ ёки бошқа акушерлик стационарлари бўлимларидан чақалоқларни ўтказилишига рухсат этилади. Чақалоқларни ЧТвАЧТББдан перинатал марказ ёки бошқа акушерлик стационарлари тұғрукдан кейинги бўлимларига ўтказилишига рухсат этилмайди.

4.3. Агар перинатал марказ ЧПвАЧТББга бошқа акушерлик стационарларидан чақалоқларни қабул қылса, бўлимга кириш жойида қабул хонаси бўлиши керак.

4.4. Барча ташҳислаш ва даволаш муолажаларини даволовчи ёки навбатчи врач ва тибиёт ҳамшираси бевосита палатада амалга оширади.

4.5. Ҳар бир болани қўздан кечириш ва муолажаларни ўтказишдан олдин ходимлар ушбу санитария қоидаларининг 1-иловаси талабларига мувофиқ қўлларига ишлов берадилар. Бола кувезда қўздан кечирилганидан сўнг кувезни ёпиш олдидан қўлларга антисептиклар билан ишлов берилади.

4.6. Ҳар бир палатада янги туғилган чақалоқларни кўздан кечириш учун дезинфекция қилинадиган жилдли матрасга эга йўргаклаш столи бўлиши керак. Столча иситиладиган ёки нурлантириб иситиш чироғи билан жиҳозланган бўлиши керак.

4.7. Ҳароратни ўлчаш электрон термометрлар билан ўтказилиши тавсия этилади (симобли термометрлар билан чақалоқларда гипотермияни аниқлаб бўлмайди). Янги туғилган чақалоқнинг оғзини кўздан кечириш бир марталик шпател билан амалга оширилади.

4.8. ЧРвАИТБ ёки ЧПвАЧТББга келиб тушган ёки бўлган боладаги ҳар бир (туғма ва туғилишдан кейинги), шу жумладан, шартли патоген микроорганизмлар билан қўзғатилган инфекцион касаллик ҳолати, журналда (70/У ш.) ўрнатилган тартибда ҳисобга олиниши ва қайд этилиши керак.

4.9. ЧПвАЧТББ она ва бола биргалиқда бўлиш тамойилига кўра ташкил этилиши керак. Она туғруққа ёрдам стационарида бўлиш санитария-эпидемиологияга қарши тартибга ва тасдиқланган кун тартибига риоя қилиши зарур.

4.10. ЧРвАИТБда болалар оналарисиз бўладилар, бироқ ота-оналарининг боласини келиб кўришига рухсат этилади. Касал болани кўришга келган шахс устки кийимини ечиши, тоза пойабзал кийиши (ўзи билан олиб келган кийим ва пойабзал), дока ёки бир марталик ниқоб тақиши, сочини йифиб олиши ёки бошига рўмол ўраши ёки қалпоқча кийиб олиши керак.

4.11. Бўлимда боласи билан бирга бўлган оналар бўйлимнинг бошқа палаталари ёки бошқа бўйлимларга киришига рухсат этилмайди. ЧРвАИТБ ва ЧПвАЧТББ палаталарида озиқ-овқат маҳсулотлари, сумкалар, устки кийим сақлаш, бегона электр ускуналари, мобил телефонлардан фойдаланиш тақиқланади.

## **5. Дезинфекция ва стерилизация тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиши**

5.1. Акушерлик стационарларида ШИИ профилактикаси ва унга қарши курашиш мақсадида ушбу санитария қоидаларининг 2-иловасига мувофиқ дезинфекция ва стерилизация тадбирлари ўтказилади.

5.2. Акушерлик стационарларида ШИИни юқтириш омиллари бўлган қуйидаги объектларда дезинфекция ишлари олиб борилиши керак:

- тиббиёт асбоб-анжомлар;
- ходимлар қўллари;
- bemорлар тери қопламлари (операцион ва инъекцион майдон);
- касалларга қараш буюмлари;
- кувезлар (инкубаторлар);
- хонадаги ҳаво;
- касаллардан чиққан ажратмалар ва биологик суюқликлар (балғам, қон ва бошқалар);
- тўшак буюмлари;
- жиҳоз ва ускуналар устки юзалари;
- тиббиёт чиқиндилари ва бошқалар.

### **5.3. Кувезлар дезинфекцияси**

5.3.1. Кувезларни дезинфекция қилиш қўлланилиш йўриқномаларида кувезларни заарсизлантириш бўйича тавсиялар берилган дезинфекцияловчи воситалар ёрдамида бажарилади.

5.3.2. Кувезларни дезинфекция қилиш учун хлорли фаол воситалар, шунингдек, таркибида альдегидлар, фенол ва унинг ҳосилаларини сақловчи воситалар қўлланилишига рухсат этилмайди.

5.3.3. ШИИ олдини олиш мақсадида кувезлар ташқи юзаларини дезинфекция қилиш ҳар куни кундалик тозалов ишлари билан бир пайтда амалга оширилади.

5.3.4. Кувезларнинг ички юзалари ва мосламаларига ишлов бериш ультрабинафша нурланишли лампалар билан жиҳозланган, яхши шамоллатиладиган алоҳида хонада якуний дезинфекция қилиш тури бўйича олиб борилади. Кувезларнинг ички юзалари ва мосламаларини заарсизлантириш даволаниб бўлган чақалоқдан кейин ва бола келиб тушиши олдиdan бажарилади.

5.3.5. Кувезларга ишлов бериш янги туғилган чақалоқ бошқа жойга ўтказилганидан сўнг ёки камида 3 кунда 1 марта олиб борилади. Кувезларга ишлов бериш муайян моделга илова қилинадиган кувездан фойдаланиш хужжатларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши керак.

5.3.6. Кувезга ишлов бериш олдиdan уни ўчириш, намлантиргич сув бочкасини бўшатиш, кувездан фойдаланиш йўриқномасига кўра назарда тутилган ҳолатларда кувезга ҳаво кирадиган хона тирқиши фильтрларини алмаштириш талаб этилади.

5.3.7. Кувез дезинфекция қилинганидан кейин дезинфекцияловчи эритма қолдиқларини стерил сувда (100-150 мл) яхшилаб ивитилган стерил салфеткалар ёки стерил йўргаклар билан кўп марта артиб чиқиши орқали тозалаш керак. Ҳар бир ювишдан кейин юзани қуригунга қадар артиш керак. Ишлов бериш тугалланганидан кейин кувезларни ишлатилган восита учун тавсия этилган вақт давомида шамоллатиш керак.

Ишлов бериш тугаллангандан сўнг кувез қопқофи беркитилади ва аппарат ёқилади. Бола жойланиши олдиdan кувезнинг намлантирувчи тизимига стерил дистилланган сув солинади.

5.3.8. Туғруқ мажмуаси (бўлимлари) хоналарида кундалик ва мукаммал тозалов ишлари ушбу санитария қоидаларининг 3-иловасига мувофиқ олиб борилади.

5.3.9. Беморларга қараш учун буюмлар (тиббий термометрлар, кислород никоблари, кислород ёстиқчалари найчалари, шиллик сўриш баллонлари, клеёнка тагликлар, судналар, резина ҳукналар, сирли идишлар ва бошқалар) дезинфекция воситасига солинган ҳолда заарсизлантирилади сўнгра сувда чайлади.

Полимер плёнкали ва клеёнкали матрас жилдлари дезинфекция воситаси билан намланган латталар ёрдамида артилади. Беморларни парвариш буюмларини зарарсизлантиришда эса, юувучи-дезинфекцияловчи воситалардан фойдаланиш мумкин.

5.3.10. Тиббий чиқиндиларни утилизация қилиш амалдаги норматив хужжатга мувофиқ бажарилади.

## **6. Тұғруқ мажмуаларыда (бўлимларида) шифохона ичи инфекциялари устидан эпидемиологик назорат**

### **6.1. Умумий қоидалар**

6.1.1. ШИИ устидан эпидемиологик назорат ва санитария-гигиеник, профилактик ҳамда эпидемияга қарши тадбирлар олиб борилишини ташкил этиш ДПМ эпидемиологи (бош врачнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари) томонидан амалга оширилади.

6.1.2. Тұғруқ мажмуаларыда (бўлимларида) ШИИ устидан эпидемиологик назорат қуйидагиларни назарда тутади:

- ШИИ аниқлаш, ҳисобга олиш ва қайд этиш;
- чақалоқлар ва туққан аёлларнинг касалланишини таҳлил қилиш;
- ўлим оқибатларини таҳлил қилиш;
- тиббиёт ходимлари касалланишини таҳлил қилиш;
- микробиологик мониторинг;
- ШИИ келиб чиқиши хавфли гурухлари ва омилларни аниқлаш;
- эпидемиологик вазият асортлари аломатларини белгилаш (чақалоқлар ва туққан аёллар орасида йириングли-септик инфекциялар (ЙСИ) касалликларининг кичик шаклларини, ташқи мұхит объектлари лаборатория текширувларида 10% ва ундан ортиқ ижобий натижалари мавжудлигини аниқлаш ва қайд этиш);
- эпидемиологик вазиятни баҳолаш ва олдиндан мўлжаллаш.

6.1.3. Эпидемиологик назорат маълумотлари асосида санитария-гигиена, профилактика ва эпидемияга қарши тадбирлар ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади, уларнинг самарадорлигини баҳолаш ўтказилади.

### **6.2. Шифохона ичи инфекцияларини аниқлаш ва ҳисобга олиш**

6.2.1. Чақалоқларнинг акушерлик стационарида бўлиш даврида ёки чиқиб кетганидан сўнг 7 кун давомида аниқланган инфекция билан касалланганлиги ушбу стационар томонидан ҳисобга олиниши керак. Умумий шакллари (сепсис, остеомиелит, менингит) туғишидан кейин бир ой давомида стационар томонидан ҳисобга олинади.

6.2.2. Туққан аёлларнинг акушерлик стационарида бўлиш даврида ёки туғишидан кейин 30 кун давомида аниқланган туғишидан кейинги касалликлари (эндометрит, йириングли мастит, сепсис, перитонит ва бошқалар) акушерлик стационари томонидан ҳисобга олиниши керак.

6.2.3. Касаллик юқиши шифохона ичи инфекциясига хослигидан қатъий назар, йирингли-яллиғланишли касалликлар алматларига эга чақалоқлар инфекция манбай ҳисобланади, улар кечиктирмасдан изоляцияланиши ва бошқа ихтисосдаги стационарға ётқизилиши, шунингдек, ушбу ҳолатда назарда тутилган тадбирлар мажмуаси олиб бориши талаб этилади.

6.2.4. Чақалоқлар ва түкқан аёлларнинг инфекцион касалликлар билан касалланиши ҳақида ахборот тўплашни ҳисобга олиш ва ташкил этиш нафақат акушерлик стационарларида, балки болалар шифохоналари, поликлиникалар, жарроҳлик, гинекологик бўлимлари, аёллар маслаҳатхоналари ва бошқа ДПМларда амалга оширилади. Бу барча муассасалар чақалоқлар ёки түкқан аёлларда аниқланган ёки олдиндан ташхис қилинган ШИИ ҳақида ҳудудий Давлат санитария-эпидемология назорати марказига 12 соат ичиде телефон орқали тезкор хабарнома берилиши керак. 24 соат ичиде Ф.058/У (шошилинч хабарномаси) юбориши шарт.

6.2.5. ДПМ эпидемиологи (ёки бош врачнинг даволаш ишлари бўйича муовини) таркибий тузилмалар мудирлари билан ҳамкорликда қўйидагилардан иборат мақсадли кузатув орқали ШИИ фаол аниқлаш олиб боради:

- инфекцион касалликларни аниқлаш ва тезкор (қундалик) қайд этилишини назорат қилиш;
- чақалоқлар ва түкқан аёллар орасида инфекцион касалликлар ҳолатлари, санитария-гигиена ва дезинфекция тартиблари бузилиши ҳолатлари, бактериологик таҳлиллар натижалари ҳақида туғруқ мажмуаси (бўлимлари) барча функционал бўлимларидан кундалик ахборотни олиш;
- уларнинг юзага келиши сабабларини ўрганиш ва шошилинч чоралар кўрилиши учун ДПМ раҳбариятини хабардор қилиш.

6.2.6. Чақалоқлар ва түкқан аёлларнинг шартли-патоген микроорганизмлар қўзғатган касалликларини ҳисобга олиш ва қайд этиш ХКК-10 кодларига мувофиқ амалга оширилади.

## 7. Акушерлик стационарларда қайд этиладиган инфекцион касалликларнинг нозологик шакллари рўйхати

Касаллик номи	ХКК-10 шифри
<b>чақалоқларда:</b>	
конъюнктивит ва дакриоцистит	P 39.1
Пиодермия	L 08.0
бошқа тери ва тери ости тўқимаси маҳаллий инфекциялари	L 08.9
киндиқ венаси ва бошқа жойдаги флейбит	I 80.8
тери ва тери ости тўқимаси маҳаллий инфекцияларипанариций, паронихий	L 08.9
омфалит	P 38

отит	H 77.0
импетиго, пемфигус, везикулопус-тулез	L 01
терининг стафилококк билан заарланиши синдроми (пузирчатка)	L 00
мастит	P 39.0
энтероколит	A 04.9
вирусли ва бактериал зотилжам (пневмония)	G 15;G 12
тери абсцесси, флегмона	L 02
карбункул, фурункул	L 03
менингит	G 00
остеомиелит	M 87.0,1,2,8
сепсис	P 37
инъекциядан кейинги инфекциялар	T 80.2
сальмонеллезлар	A 02
вирусли гепатитлар В, С	B 17; B 17.1
бошқа инфекционкасалликлар	P 39
туқсан аёлларда:	
Кесарев кесишдан кейин чоклар очилиб кетиши	090.0
чот чоклари очилиб кетиши	090.1
туғишдан кейинги бошқа инфекциялар (эндометрит)	087
перитонит	K 75.0
туғишдан кейинги сепсис	085
кўқрак учи инфекцияси, сут бези инфекцияси	091.0; 091.1
инъекциядан кейинги инфекциялар	T 80.2
вирусли ва бактериал зотилжам (пневмония)	G 15;G 12
цистит, уретрит, пиелонефрит	N30.0; N34.0; N39.0
сальмонеллезлар	A 02
вирусли гепатитлар В, С	B 17; B 17.1

### 7.3. Касалланишнинг эпидемиологик таҳлили

7.3.1. Эпидемиологик таҳлил туғруқ мажмуасида (бўлимида) эпидемиологик вазиятни баҳолаш учун ШИИ билан касалланиш даражаси, тузилиши ва ўзгариш суръати ўрганилишини ва санитария-гигиеник, дезинфекция, профилактик ва эпидемияга қарши кураш тадбирларининг керакли ҳажмини ишлаб чиқиши назарда тутади.

7.3.2. ШИИ билан касалланишнинг тезкор (жорий) таҳлили бирламчи ташхислар бўйича инфекцион касалликларни кундалик қайд этиш маълумотлари асосида олиб борилади. Касалланишни тезкор таҳлил қилиш давомида жорий эпидемиологик вазият баҳоланади ва эпидемиологик вазият яхшиланиши ёки ёмонлашиши, олиб борилаётган чораларнинг мувофиқлиги ёки зарур ҳолатларда уларни кучайтириш зарурати ҳақида масала ҳал этилади.

7.3.3. Касалланишни тезкор таҳлил қилиш қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши керак:

- туғиши санаси;

- касаллик юзага келган муддат;
- патологик жараён локализацияси;
- этиологияси;
- тиббий аралашув турлари;
- стационар доирасида ҳаракатланиш (палатадан палатага, бўлимдан бўлимга);
- чиқарib юборилиши ёки бошқа стационарга ўтказиш санаси
- стационарда бўлиш давомийлиги.

7.3.4. Битта инкубацион даврда, битта инфекция манбаи ва умумий юқиши омиллари билан боғлиқ чақалоқлар ва туқкан аёлларнинг (жамланган ҳолда) 3 та ёки ундан ортиқ шифохона ичи инфекциялари пайдо бўлиши гурухли касалликлар деб ҳисобланади.

7.3.5. Чакалоқлар ва туқкан аёлларни ШИИ билан касалланишининг ретроспектив таҳлили қуйидагиларни назарда тутади:

- тенденцияси (ўсиш, пасайиш, барқарорлашиш) ва ўсиш ёки пасайиш суръатларини аниқлаган ҳолда касалланишининг кўп йиллик ўзгариш суръатини таҳлил қилиш;
- касалланишининг йиллик, ойлик даражаларини таҳлил қилиш;
- бўлимлар бўйича касалланишининг қиёсий тавсифи;
- этиология ва патологик жараён локализацияси бўйича касалланиш тузилишини ўрганиш;
- операцион ва бошқа аралашувлар, ҳамда улар билан боғлиқ касалликлар қайталаниши (стратификацияланган кўрсаткичлар) таҳлили;
- касалланишининг локал ва умумий шакллари бўйича нисбатларининг ўзгариш суръати таҳлили;
- гурухли касалликлар асосий қисмини аниқлаш ҳамда касалланиш авжини таҳлил қилиш;
- патологик жараён ва этиология локализацияси бўйича ўлим билан якунланишининг таҳлили.

7.3.6. Эпидемик жараён қонуниятлари, инфекциянинг асосий манбалари, асосий юқиши йўллари ва факторларини аниқлаш учун чақалоқлар ва туқкан аёллар касалланишининг ретроспектив таҳлили олиб борилади, бу эса ўз навбатида ушбу туғруқ мажмуасидаги (бўлимидағи) муайян эпидемиологик вазиятга мувофиқ келувчи профилактик ва эпидемияга қарши тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

7.3.7. Тиббиёт ходимлари касалланишининг ретроспектив таҳлили инфекция манбалари доирасини аниқлаш ва уларнинг ШИИ тарқалишидаги ролини чеклашга йўналтирилган тадбирларни олиб боришга имкон яратади.

7.3.8. Инфекцияларнинг манифест шаклларига чалингандан берорлар ва микроорганизмларнинг антибиотикларга чидамли штаммларини ташувчилар, шунингдек, бурун-ҳалқум (гайморитлар, синуситлар ва бошқалар), сийдик чиқариш йўллари (суст кечувчи пиелонефрит, цистит), ошқозон-ичак тракти (гастроэнтерит, энтероколит), тери ва тери ости тўқималари (йирингли-яллигланиш жараёнлари) патологиясига эга тиббиёт ходимлари инфекцияларнинг муҳим манбалари ҳисобланади.

Тиббиёт ходимларини диспансеризациялаш натижалари бўйича сурункали инфекцион касалликларга эга шахслар аниқланади ва зарур ҳолатларда улар даволанади.

#### **7.4. Микробиологик мониторинг**

7.4.1. Микробиологик мониторинг туғруқ мажмуаси (бўлими) томонидан олиб борилади, тегишли лабораториялар мавжуд бўлмаган тақдирда аккредитациядан ўтган лабораториялар билан шартнома асосида амалга оширилади.

7.4.2. Микробиологик текширувлар шифохона ичи инфекцияси этиологияси ва даволаш тактикасини аниқлашга йўналтирилган бўлиб, клиник кўрсатмалар бўйича олиб борилиши керак.

Микробиологик текширув учун биринчи навбатда чақалоқлар ва тукқан аёллар патологик локусларидан олинган материаллар бўлиши керак.

7.4.3. Санитария-бактериологик текширувлар ҳажми эпидемиологик заруратга қараб белгиланади, текширувлар режали тартибда ва эпидемиологик кўрсатмаларга кўра олиб борилади.

Режали тартибда қўйидаги бактериологик текширувлар олиб борилади:

- дори шакллари (чақалоқлар териси ва шиллиқ қатламига ишлов бериш, инъекциялар учун) текширувлари, тиббий асбоб-анжомлар, шу жумладан ўпкани сунъий вентиляция қилиш аппаратлари (ЎСВ) учун ишлатилувчи материаллари стериллигини назорат қилиш, саноат дори воситалари ва стерил буюмлари бундан мустаснодир;
- операция хоналари ва А, В ва С тозалик син fidagi бошқа хоналарда ҳавонинг микробиологик тозалиги назорати;
- кундалик дезинфекция (кувездлар, bemorлар учун ишлатишга тайёрланган тиббиёт буюмлари ва предметлари) сифатини назорат қилиш;
- тиббиёт ходимлари қўллари гигиенасини танлаб назорат қилиш.

Санитария-бактериологик текширувлар амалдаги норматив хужжатга мувофиқ олиб борилади.

Эпидемиологик кўрсатмаларга кўра текширувлар рўйхати ва ҳажми муайян эпидемиологик вазиятга мувофиқ белгиланади.

7.4.4. Чақалоқлар ва тукқан аёлларнинг ШИИ тузилиши этиологиясини аниқлашда нафақат туғруқ мажмуаси (бўлими)да бўлган пайтдаги олинган лаборатория текширув натижалари, балки болалар поликлиникаси, шихофонаси, аёллар маслаҳатхонаси, гинекологик ва жарроҳлик бўлимларидан келиб тушган маълумотларни ҳам ҳисобга олиниши зарур. Ташҳиснинг микробиологик тасдиқланиши ёки ўзгартирилиши ҳақидаги маълумотлар 12 соат ичida Давлат санитария-эпидемиология назоратини амалга оширувчи органларга юборилади.

7.4.5. Тиббиёт ходимларини микробиологик текширувдан ўтказиш эпидемиологик кўрсатмаларга кўра олиб борилади.

7.4.6. ШИИ қўзгатувчилари бўлган госпитал штаммларни аниқлаш учун турларнинг ички типланиши тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олиш зарур.

## **7.5. Хавф гурухлари ва омилларини аниқлаш**

7.5.1. Түккан аёллар орасида ШИИ юзага келиши хавфига эга гурухларга қуидагиларга эга аёллар киради:

- туғиши пайтида хориоамнионитга эга;
- сурункали соматик ва юқумли касалликларга чалинганды;
- иммунитет танқислигига эга ҳолатдаги;
- сийдик-жинсий тизими касалликлари, шу жумладан, кольпитларга чалинганды;
- оғир кечган акушерлик-гинекологик анамнезига эга (аввалги ҳомиладорлиги инфекцион асоратлари, бола тушишга одатланиш ва бошқалар);
- операция йўли орқали туғдиришдан (кесарев кесиш) кейин;
- туғруқдан кейинги даврдаги қон кетиши.

7.5.2. Чақалоклар орасида ШИИ юзага келишидаги хавфли гурухларга қуидагилар киради:

- чала туғилганлар;
- туғруқ муддатидан ўтиб туғилганлар;
- сурункали соматик ва инфекцион касалликларга эга ёки ҳомиладорлик вақтида ўтқир инфекцион касалликни бошдан кечирган оналардан туғилган чақалоқлар;
- операция йўли орқали туғдирилганлар;
- ривожланишдаги туғма аномалиялар эга;
- туғруқ жараённан шикастланганлар;
- нафас олиши бузилиши синдромига эга;
- она қорни ичидаги сурункали гипоксияга эга ва туғилиш пайтида асфиксия кузатилган чақалоқлар;
- ўпканинг сунъий вентиляцияси ўтказган чақалоқлар;
- ичкилиkbозлиқ, наркоманияга йўлиқкан, ОИВ инфекциясига чалингандан оналардан туғилган чақалоқлар.

7.5.3. Чақалоқлар ва түккан аёлларда ШИИ юзага келишининг хавфли омилларига қуидагилар киради: инвазив даволаш-ташхислаш аралашувлари (томирлар, сийдик чиқариш йўлларига катетер қўйиш, эндоскопик текширувлар, трансфузиялар, пункциялар, инъекциялар), ўпканинг сунъий вентиляцияси (ЎСВ), сунъий овқатлантириш ва бошқалар. Муолажаларнинг неча марталиги ва давомийлиги аҳамиятга эга. Абдоминал туғдиришда у шошилинч ёки режали тартибда олиб борилаётганлигини ҳисобга олиш муҳимдир.

7.5.4. Инвазив муолажалар тайинланиши қатъий асосланган бўлиши керак.

## **7.7. Эпидемиологик вазият ёмонлашувига олиб келувчи шароит ва белгиларни аниқлаш**

7.7.1. ШИИ профилактикаси муваффиқияти учун эпидемиологик вазият ёмонлашувига олиб келувчи бир қатор шароит ва белгиларга аҳамият қаратиш, ҳамда эпидемик ахвол ёмонлашуви ва гурухли касалликлар пайдо бўлишидан аввал аниқ мақсадга йўналтирилган профилактик тадбирларни олиб бориш зарур.

7.7.2. Эпидемиологик ахвол ёмонлашуви белгиларига қўйидагилар киради:

- чақалоқларнинг туғруқхонадан кеч (5-кундан кейин) чиқариб юборилиши ҳолатлари;
- парваришлишнинг иккинчи босқичига ўтказиладиган болалар улушининг ошиши;
- умумий шакллар пайдо бўлиши;
- инвазив аралашувлар такрорланишининг (марказий веналарга катетер ўрнатилиши, ўпканинг сунъий вентиляцияси ва бошқалар) ошиши;
- чақалоқларда циркуляция бўлувчи микрофлора турининг алмашиши ва унинг шифохона ички мухитидан ажратилган изолятлар билан бир хиллиги;
- асосан битта турдаги кўзғатувчининг ажратилиши;
- микроблар ассоциациялари пайдо бўлиши;
- локуслар сони ва улардан ажралиб чиқувчи изоляцияланган культуралар миқдори ошиши;
- эпидемиологик бир-бири билан боғлиқ икки ва ундан ортиқ касалланиш ҳолатларининг юзага келиши;
- туқсан аёлларда, шу жумладан туғища оператив аралашувлардан кейин яллиғланиш касалликлари сони ошиши;
- тиббиёт ходимлари орасида яллиғланиш ва инфекцион касалликлар сонининг ўсиши.

Юқорида келтирилган белгиларни ўз вақтида аниқлаш эпидемиологик вазиятнинг янада мураккаблашининг олдини олиш учур тадбирларни тезкор олиб боришга имкон беради.

7.7.3. Туғруқ мажмуаси (бўлимни) ишини ташкил этиш, санитария-техника ҳолати, моддий таъминот ва эпидемияга қарши тартибга риоя этилишидаги бузилишлар ШИИ билан касалланишининг ўсишига кўмаклашувчи шартшароитлар бўлиб ҳисобланади.

Кониқарсиз архитектура-режалаштириш қарорлари:

- хоналарнинг таркиби ва майдонининг етарли эмаслиги;
- технологик жараёнларнинг кесишинаси;
- ҳаво кириш-чиқиши вентиляцияси тизимининг йўқлиги.

Иш ташкил этишдаги бузилишлар:

- стационарда bemорлар сонининг меъёрдан ортиши;
- сув ва канализация тизимидағи авария ҳолатлари, иссиқ ва совук сув таъминотидаги узилишлар, иссиқлик ва электр энгергия таъминотидаги бузилишлар;
- ҳаво кириш-чиқиши вентиляцияси тизимининг бузилиши.

Моддий-техник таъминоти етишмовчилиги:

- тиббий асбоб-анжомлар ва буюмлар, шу жумладан, бир маротаба ишлатиладиган буюмларнинг (катетерлар, нафас олиш найчалари ва бошқалар) етишмаслиги;
- асбоб-ускуналар, боғлов материаллари, дори воситаларининг етишмаслиги;
- ўрин-тўшак тўпламлари, дезинфекцияловчи воситалар етказиб берилишидаги узилиш.

Эпидемияга қарши тартибларда бузилишлар:

- чақалоқлар ва түкқан аёлларни тегишли стационарларга ўз вақтида ўтказилмаслиги;
- бир марта ишлатиладиган тиббий буюмларнинг қайта ишлатилиши, овқатлантириш, тери қопламалари ва кўзларга ишлов бериш учун идишларнинг алоҳида ишлатилмаслиги;
- кундалик ва якуний дезинфекция, стерилизация ва бошқа қоидаларнинг бузилиши.

7.7.4. Эпидемиологик нохуш ҳолатлар юзага келиши мумкин бўлган шарт-шароитлар аниқланганда, ДПМ эпидемиологи барча маълумотларни туғруқ мажмуаси (бўлими) бош врачи ва Давлат санитария-эпидемиология назоратини амалга оширувчи ташкилотларга тезкор тарзда етказади. Қоида бузилишларни бартараф этиш бўйича чоралар кўрилади. Профилактик ва эпидемияга қарши тадбирларнинг бутун комплекси кучайтирилади.

7.7.5. Нохуш шарт-шароитларни бартараф этиш имконияти бўлмаган тақдирда, шу жумладан, эпидемияга қарши тартибнинг қўпол бузилишлари аниқланганда туғруқ мажмуаси (бўлими) иш фаолияти тўхтатилиши масаласи кўтарилади.

## **7.7. Эпидемияга қарши кураш ва профилактика чоралари самарадорлигини баҳолаш**

Олиб борилаётган тадбирлар самарадорлигини баҳолаш туғруқ мажмуасидаги (бўлими) эпидемиологик вазият ҳолати асосида олиб борилади. Ҳам амалга оширилган тадбирлар мажмуаси, ҳамалоҳида чоралар баҳоланади. Алоҳида тадбирлар самарадорлигини янги иш шакллари ва услубларини синааб кўришда, алоҳида даволаш методикалари ва препаратларни синаш жараёнларида ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

### **7.8. Эпидемиологик вазиятни баҳолаш**

Юқорида келтирилган барча ахборотларни таҳлил этиш ушбу туғруқ мажмуасидаги (бўлими) чақалоқлар ва түкқан аёллардаги шифохона ичи инфекциялари эпидемиологик жараёнининг ўзига хосликлари, касалланиш билан боғлиқ асосий сабаблари ҳақида объектив маълумотларни олиш, эпидемик вазиятни баҳолаш ва самарали профилактик ва эпидемияга қарши тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқишига имконият беради.

## **8. Чакалоқлар ва түкқан аёллар орасида гурухли шифохона ичи касалликларини текшириш ва бартараф этиш**

8.1. Ўзаро битта инфекция манбай ва умумий юқиши омиллари билан боғлиқ битта инкубацион давр (максимал 7 кун) ичida юзага келадиган 3 та ва ундан ортиқ чақалоқлар ва түкқан аёлларнинг гурухли ШИИ касалликлари (авж олиши) ҳолатлари киритилади.

8.2. Гурухли касалликларнинг юзага келиш сабабларини текшириш ва уларни бартараф этиш бўйича шошилинч чоралар кўриш туғруққа кўмаклашувчи муассасалар ва Давлат санитария-эпидемиология назоратини амалга оширувчи органлар томонидан олиб борилади.

8.3. Гурухли касалликлар юзага келганда:

8.3.1. Туғруқ мажмуасига (бўлимига) ҳомиладорлар ва тугадиган аёлларни қабул қилиш тўхтатилади.

8.3.2. Давлат санитария-эпидемиология назоратини амалга оширишга ваколатланган органлар ва муассасалар мутахассислари, врачлари ва ДПМ врач эпидемиологи томонидан неонатолог, акушер-гинеколог иштирокида юзага келган нохуш ҳолат сабабларини аниқлаш ва гурухли касалликларни бартараф этиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқишга йўналтирилган комплекс эпидемиологик текширувлар олиб борилади.

8.3.3. Эпидемиологик кўрсатмаларга кўра туғруқ мажмуаси (бўлими) ёпилиши ҳақидаги масала ҳал этилади.

8.3.4. Туққан аёллар, чақалоқлар ва ҳомидорларни қабул қилиш учун захира бинолар шошилинч тарзда йўлга кўйилади.

8.3.5. Касалланган болаларни шифохонага ётқизиш учун уларни изоляциялаш, узлуксиз реанимация ёрдами ва интенсив даволашни ташкил этиш учун максимал тарздаги қулай шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда стационар белгиланади.

7.3.7. Эпидемиологик текширувлар натижалари асосида гурухли касалликлар сабаблари, эпидемик жараён тури, инфекция манбалари, касалликлар юзага келиши билан боғлиқ инфекция қўзғатувчиларининг асосий юқиши йўллари ва омиллари ҳақида холоса чиқарилади. Ушбу холосани ҳисобга олган ҳолда, специфик ва специфик бўлмаган профилактика воситалари тайинланишини ўз ичига олувчи гурухли шифохона ичи касалликларини локализациялаш ва бартараф этиш бўйича профилактик ва эпидемияга қарши тадбирлар ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади.

## **9. Туғруқ мажмуалари (бўлимлари), болалар стационарлари ва реанимация ва интенсив терапия бўлимларига (РИТБ) кириш тартиби**

9.1. Туғруқ мажмуалари (бўлимлари), болалар станционарлари, РИТБларда санитария-эпидемиологик тартиб оғир ҳолатдаги шифохона ичи инфекциялари хавфи ривожланишини камайтиришга қаратилган.

9.2. Туғруқ мажмуалари (бўлимлари), болалар станционарлари, реанимация ва интенсив терапия бўлимларига кириш (РИТБ) тартиби санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тартибни бузмаган ҳолда ўрнатилади.

9.3. Беморларга (болаларга) қараётган шахслар ва уларни кўргани келувчилар даволаш муассасаси ички тартиб қоидалари, амалдаги санитария нормаларига қатъий риоя қилишлари ва тиббиёт ходимлари талабларини бажаришлари керак.

- 9.4. Палаталарда бемор кроватида ўтириш қатъяян ман этилади.
- 9.5. Беморларнинг дам олиш вақтида (сокин соат) ва 19:00 дан кейин келиб кўриш ман этилади.
- 9.6. Оператив аралашувлардан кейинги bemorlarни келиб кўриш даволовчи врач рухсати билан операциядан кейинги суткада рухсат этилади.
- 9.7. Алоҳида қаровга муҳтож bemorlarни даволаш бўлимларининг палаталарида келиб кўришгабўлим бошлиғи, дам олиш кунлари навбатчи врач рухсати билан рухсат берилади.
- 9.8. Кўргани келганларни бўлимга киритиш устки кийимсиз, бош кийимсиз ва алоҳида пойабзалда ёки кўча пойабзалини артиб кейин баҳила кийиб амалга оширилади.
- 9.9. Эълон қилинган расмий карантин мобайнида стационарларда барча bemorlarни келиб кўриш бекор қилинади.
- 9.10. Bemorlarни mast ҳолда kўrgani kелганlar киритилмайди.
- 9.11. Tuғruk мажмуаларига (бўлимларига) kўrgani келишда қуидаги қоидаларга риоя қилиниши керак:
- 9.11.1. Tuғruk мажмуаларида (бўлимларида) самарали перинатал қаров принципларига биноан, ҳамкорликдаги туғруқни қўллаб-қувватлаш тавсия этилади.
- 9.11.2. Ҳомиладор/туғаётган аёл ихтиёрига кўра туғиши пайтида унинг ёнида яқин қариндошлари (турмуш ўртоғи, опаси, синглиси, қайнонаси, дугонаси ва бошқалар) бўлишига рухсат этилади.
- 9.11.3. Эпидемиологик нуқтаи назардан, ҳамкор ҳаво орқали, тегиши орқали юқувчи инфекция ва касалликларни тарқатувчи бўлмаслиги керак (яъни, унда хеч қандай ҳаво-томчи инфекциялари, катар кўринишлар, янги герпетик тошмалар, қўлларида панариция типидаги йирингли яллиғланишларбўлмаслиги керак).
- 9.11.4. Ҳамкорликдаги туғруққа фақатгина битта одам қатнашиши рухсат этилади.
- 9.11.5. Tuғиши жараёнида қатнашиш учун ҳамкор ўзи билан шу мақсадда олиб келган тоза кийим (кўйлак, шим, пойабзал) кийиши керак. Бошига рўмолча ўраши ёки қалпоқча кийиши керак.
- 9.11.6. Tuғиши жараёнида ҳамкор ниқобда бўлиши керак.
- 9.11.7. Палатага киргач албатта қўл ювилиши керак. Она-бола биргаликда ётувчи палатага kўrgani кирганларга докали ёки бир марталик ниқоб тақиши тавсия этилади (туғилган чақалоқни кўришга келган вақтда).
- 9.11.8. Tuғruk блокида ҳамкор бўлиши ёки ҳомиладорни/туқсан аёлни РИТБда келиб кўриш учун бўлим мудири, тунги вақтда навбатчи врач рухсат бериши керак.

## **9.12. Реанимация ва интенсив терапия бўлимига (РИТБ) беморларни кўргани киришда қуидаги қоидаларга риоя қилиниши лозим:**

9.12.1. Бола даволанаётган ҳолатда, реанимация ва интенсив терапия бўлимига (РИТБ) санитария-эпидемиология тартиби қоидаларига риоя қилган ҳолда, бўлим мудири, тунги вақтда навбатчи врач рухсати билан боланинг қонуний вакилларидан бири (ота-онаси, васий ва бошқалар) киришига рухсат этилади.

9.12.2. Реанимация бўлимига кирганда ота-она (васий) ниқоб тақади, халат кияди ва қўлларини ювади.

9.12.3. Касал болага қараётган шахснинг бола кровати ёнида овқат ейиши тақиқланади.

9.12.4. Кўргани келган шахснинг касал бола ёнида палатада бўлиши вақти бўлим мудири, тунги вақтда навбатчи врач томонидан белгиланади.

## **VII. Инфекцион стационарларда (бўлимларда) шифохона ичи инфекциялари профилактикаси**

### **1. Инфекцион стационарларда (бўлимларда) шифохона ичи инфекциялари профилактикаси бўйича тадбирларни ташкил этиш**

1.1. Мазкур бобда инфекцион стационарларда (бўлимларда) шифохона ичи инфекциялари касалликларининг юзага келиши ва тарқалишининг олдини олишни таъминловчи ташкилий, даволаш-профилактика, санитария-гигиеник, эпидемияга қарши ва дезинфекция тадбирлари мажмуасига қўйилган асосий талаблар белгиланади.

1.2. Юқумли касалликлар шифохонаси (бўлим) турли инфекцион касалликларга чалинган ва бу касалликларга гумонланувчи bemорларни шифохонага ётқизиш учун мўлжалланган.

1.3. Инфекцион стационарлар (бўлимлар) bemорлар ва барча хизмат кўрсатувчи ходимларга шифохона ичи касалликлари юқиши, шунингдек, инфекцияларнинг шифохона ҳудудидан ташқарига чиқишини истисно этиш учун турли инфекцион касалликларга чалинган bemорларнинг ишончли изоляцияланиши, ташҳислаш, даволаш тадбирлари ўтказилиши имконияти, санитария ва эпидемияга қарши тартибга талаб даражасида риоя этилишини таъминлаши зарур.

1.4. Ҳар бир инфекцион стационарда ҳар йили бош врач буйруғига асосан инфекцион назорат бўйича комиссия тузилади.

1.5. Инфекцион bemорларни шифохонага ётқизиш инфекционкасалликка гумонланувчи bemорлар ва ташҳиси тасдиқланган bemорлар учун алоҳида ажратилган ихтисосдаги бўлимларда амалга оширилиши керак.

1.6. Ҳар бир бўлим инфекцион стационарнинг бошқа бўлимидан қатъий алоҳида ажратилган бўлиши керак.

## **2. Қабул бўлимининг ўзига хос хусусиятлари**

2.1. Ҳар бир инфекцион касалликлар шифохонасида (бўлимда) камида иккита кўриқдан ўтказиш хонасига эга қабул бўлими бўлиши керак. Кўп тармоқли ихтисослашган шифохона қабулхонаси орқали инфекцион беморларни қабул қилиш тақиқланади.

2.2. Қабул-кўрув бокслари сони бўлимдаги ўринлар сонига қараб белгиланади.

2.3. Ичак инфекциялари бўйича материал олиш учун дезинфекциядан сўнг нажасларни оқизиб юбориш учун сув ўтказилган ва унитаз ўрнатилган хона ажратилади; нажасаларни йиғиш учун туваклар, стерил таёқчалар (қошиқчалар), тувакларни (болалар учун) заарсизлантириш мақсадида идишлар билан жиҳозланади.

2.4. Ҳар бир кўриқ хонаси юқумли касалликлар шифохонаси ҳудудига (корпуси) алоҳида кириш-чиқиш жойига эга бўлиши керак.

2.5. Беморларни қабул қилиш қатъиян алоҳида олиб борилади. Битта хонада икки ёки ундан ортиқ bemorларнинг бир вақтда кутиб туриши фақат бир хил инфекцион патология ҳолатида рухсат этилади.

2.6. Кўриқдан ўтказиш хоналаридаги (боксларидаги) тибиёт ходимларига халатлар, қалпокчалар (рўмollар), респираторлар (врач, тибиёт ҳамшираси, санитаркалар учун) ажратилади.

2.7. Кўриқдан ўтказиш хоналарига киришда тибиёт ходимлари халат, қалпоқча ёки рўмол, никоб (томчили инфекцияларда) киядилар, чиқища халатлар ва рўмollарни ечадилар, улар иш куни якунида, никоблар ҳар бир bemor қабул қилинганидан сўнг алмаштирилади.

2.8. Кўриқдан ўтказиш хоналарида специфик даволаш бошлангунига қадар мажбурий тартибда лаборатория текширувлари учун материал йигилади, унинг ҳажми дастлабки ташҳис билан белгиланади.

2.9. Бемор мажбурий тартибда педикулёзнинг барча турига текширилади ва касаллик тарихида қайд этилади. Педикулёз аниқланган ҳар бир bemor ҳақида ҳудудий ДСЭНМГа хабар берилади. Бемор ва унинг буюмларига дезинсекция ишлови олиб борилади.

2.10. Беморларнинг душ қабул қилиши ёки ваннада чўмилиши врач кўрсатмасига ёки bemornинг истагига кўра амалга оширилади.

2.11. Бемор буюмлари алоҳида маҳсус қалин қопларга йиғилиб, камерали дезинфекция қилиш учун юборилади.

2.12. Бемор буюмлари дезинфекция камерасида заарсизлантирилмасдан қариндошларига берилмайди. Одатда, касаллик (қизамиқ, эпидемик паротит, сувчечак, кўййутал, қоқшол, грипп ва бошқа ЎРК ва x.k.) юқиши омиллари бўлиб хизмат қилмайдиган bemorларнинг буюмлари бундан мустасно.

2.13. Ҳар бир bemor қабул қилингандан сўнг (ёки заруратига қараб) қабул бўлимида дезинфекция воситалари ёрдамида намли тозалов ишлари олиб борилади. Ишлатилган тозалов ишлари анжомлари тегишли йўриқномага мувофиқ заарсизлантирилади, куритилади ва маҳсус ажратилган жойда сақланади. Ҳар бир тозалов ишларидан сўнг латта ювилади, куритилади, қопларда сақланади.

2.14. Беморни кўриқдан ўтказгунга қадар ва ундан сўнг қўллар ушбу санитария қоидаларининг 1-иловасига мувофиқ совунлаб ювилади.

2.15. Тиббиёт ходимлари сочларни түлиқ ёпиб турадиган қалпокчалар (рўмоллар) кийиши шарт.

2.16. Ваннадаги оқава сувлар фақат ичак инфекцияларига чалинган беморлардан сўнг заарсизлантирилади.

2.17. Мукаммал тозалов ишлари ушбу санитария қоидаларининг 3-иловасига мувофиқ амалга оширилади.

2.18. Юқумли касаллик билан оғриган беморни олиб келган транспорт шифохона (қабулхона) ходимлари томонидан шифохона ҳудудида транспортга ишлов бериш учун маҳсус ажратилган майдончада заарсизлантирилади. Майдонча қаттиқ қопламалар (асфальт ёки бошқалар), сув оқиб кетиши учун етарли нишабга ваариқчага эга бўлиши керак. Транспорт воситалари (машина, замбил ва ҳ.к.) гидропульт билан намланади ёки дезинфекция воситасида ивитилган латта билан икки марта артиб чиқилади. Юқумли беморларни олиб келган транспорт воситасида дезинфекция ишлари ўтказилганлиги ҳақида беморларни қабул қилиш ва эвакотранспортга ишлов бериш журналида қайд этилади.

2.19. Қабул бўлими навбатчи тиббиёт ҳамшираси (дезинфектор) транспорт воситасида дезинфекция ишлари ўтказилганлиги ҳақида ҳайдовчининг йўл ва рақаларига имзо чекади ва штамп (қайд) кўйилади. Транспортнинг шифохона ҳудудидан дезинфекция қилинмасдан чиқиб кетиши ман этилади.

2.20. Қабул бўлими ходимлари иш тугагандан сўнг санитария тозалов ишларидан ўтишлари керак.

### **3. Беморларга қараш бўйича санитария ва эпидемияга қарши тадбирлар**

3.1. Ҳар бир бўлимда фақатгина хизмат кўрсатувчи ходимлар учун майший хоналар (кийиниш хонаси, душхона, овқатланиш ва дам олиш хонаси, туалет ва ҳ.к.) ажратилиши керак.

3.2. Кийиниш хонасида маҳсус кийим ва шахсий буюмлар (шахсий кийим ва маҳсус кийим учун) алоҳида сақланиши зарурӣ шарт ҳисобланади.

3.3. Бир бўлимда ишлайдиган ходимлар бошқа бўлимга халатлари, шиппаклари, ниқоблари ва ҳ.к.ларни алмаштирумасдан кириши тақиқланади.

3.4. Ҳар бир bemорни кўриқдан ўтказишдан сўнг, bemор ажратмалари ёки ифлосланган тўшак тўпламлари ва идиш-товоқларига текканидан сўнг хизмат кўрсатувчи ходимлар қўлларини совунлаб ювади ва антисептик воситалар билан дезинфекция қиласди.

3.5. Халатлар (қалпоклар, рўмоллар) ҳафтасига камида 2 марта ва ифлосланганда дарҳол алмаштирилади.

3.6. Бемор парвариши билан шуғулланувчи ходимлар палаталар ва коридорларда овқатланиши қатъиян тақиқланади.

3.7. Нафас йўллари инфекцияларига чалинган bemорлар палатасига ва грипп, бошқа респиратор инфекциялар билан касалланиш даврларида барча палаталарга кириш пайтида ходимлар оғиз ва бурунни ёпиб туриши шарт бўлган тўрт қаватли ниқоб тақиши мажбурийдир. Ниқоблар ҳар 4 соатда алмаштирилади. Ниқобларнинг ўз вақтида алмаштирилиши учун жавобгарлик бўлим катта тиббиёт ҳамшираси, уларга ишлов бериш хўжалик ҳамшираси зиммасига юклатилади.

3.8. Бўлим мудирлари ва катта ҳамширалар томонидан инфекцион касалликлар ташқи белгиларига эга, иситмалаётган, йўталаётган, аксираётган, ичак фаолияти бузилган ва ҳ.к. ходимлар ишга кўйилмайди.

3.9. Инфекцион касалликларга чалинган беморлар сони камлиги туфайли хизмат кўрсатиш ходимлари умумий бўлган юқумли касалликлар шифохоналари ва бўлимларида мазкур ходимлар биринчи навбатда трансмиссив инфекциялари, сўнгра ичак инфекцияларига (шигеллёзлар, сальмонеллёзлар ва ҳ.к.ларга) чалинган беморлар, сўнгра вирусли гепатитларга чалинган беморлар ва охирида нафас йўллари инфекцияларига чалинган беморлар палаталарига кириши зарур.

3.10. Бир гурух беморлардан бошқасига ўтишда тибиёт ходимлари халат, қалпоқ (рўмол) ва никобларини алмаштиришлари керак.

3.11. Инфекцион стационарларда хизмат кўрсатувчи ходимлар ва беморларга газлама материаллардан тайёрланган пойабзal кийишга рухsat берилмайди.

#### **4. Беморларни бўлимлар бўйича тақсимлаш**

4.1. Ташҳиси аниқланганидан сўнг (дастлабки ёки якуний) бемор тегишли бўлимга жойлаштирилади.

4.2. Беморга гумонли ташҳис қўйилган тақдирда ташҳислаш бўлимига жойлаштирилади. Бундай бўлим мавжуд бўлмаган тақдирда хизмат кўрсатиш ходимлари бириктирилган алоҳида палаталарга (палата) ёки маҳсус маркировкаланган анжомли ва беморларга қараш буюмларига эга изоляция боксига жойлаштирилади.

4.3. Тибиёт ходимлари ташҳислаш палаталари (палатаси) ёки боксга киришда ушбу мақсадлар учун маҳсус ажратилган халатларни киядилар, чиқиб кетишида ечадилар.

4.4. Ичак инфекцияларига чалинган беморлар маркировкаланган алоҳида туваклар (остга қўйиладиган судно) билан таъминланади. Бемор ажратмалари учун алоҳида идишлар маркировкаси бемор кроватининг рақамига мувофиқ бўлиши керак.

4.5. Шахсий идиш-товоркларга ишлов бериш маҳсус ажратилган жойда алоҳида маркировкаланган идишларда амалга оширилиши керак.

4.6. Нафас йўллари инфекцияларига чалинган ёки уларга гумон қилинаётган беморлар боксга ёки бошқа палаталардан алоҳида ажратилган кириш жойига эга маҳсус палатага жойлаштирилади. Нафас йўллари инфекцияларига чалинган беморларни палатага ётқизиш ва чиқариб юбориш қайта инфекция юқиши ва асоратланишнинг олдини олиш мақсадида 1-2 кун ичida амалга оширилади.

4.7. Стационарда аралаш инфекцион касалликларга чалинган ёки уларга гумон қилинаётган беморлар учун, шунингдек, бошқа инфекцион касалликларга чалинган беморлар (инфекцион касаллик ташувчилар) билан алоқада бўлган беморларни ётқизиш учун бокс (алоҳида ажратилган палата) бўлиши зарур.

4.8. Бундай беморларга барча маслаҳатлар ва муолажалар факат ушбу палаталарда олиб борилиши керак.

#### **5. Бўлимларда санитария ва эпидемияга қарши тартибга риоя этиш бўйича талаблар**

5.1. Инфекцион касалликлар бўлимлари хоналари тўплами ва майдонлари амалдаги норматив ҳужжат талабларига жавоб бериши керак.

5.2. Якуний дезинфекция ишлари бемор палатадан чиқарып юборилгандан сўнг, бўлим таъмирланиши олдидан, бўлимнинг (палаталарнинг) қайта ихтисосланишида бўлим мудири раҳбарлигида шифохона ходимлари бўлган кичик тиббий ходимлар (санитаркалар) томонидан олиб борилади. 9-17жадваллар.

5.3. Палаталар, коридорлар, туалетлар, муолажа хоналари ва ҳ.к.лар учун тозалов ишлари анжомлари маркировкаланади, ишлатилганидан сўнг ювилади, ҳар бири алоҳида дезинфекция қилинади ва маҳсус ажратилган хонада (жойда) қуруқ ҳолда сақланади.

5.4. Беморларга қарашиб учун буюмлар ҳар бир ишлатишдан сўнг заарсизлантирилади.

5.5. Беморларнинг ифлосланган тўшак тўпламлари клеёнкали ёки ип-газламали қопларга тўпланади, вақтинчалик сақлаш учун маҳсус ажратилган хонага олиб ўтилади.

5.6. Тўшак тўпламлари кирхонага юборилганидан сўнг хона ювиш ва дезинфекция воситалари эритмалари қўлланилган ҳолда намлаб тозаланади. Тозалов ишларидан сўнг кичик тиббий ходим (санитарка) гигиеник душ қабул қиласди ва маҳсус кийимини алмаштиради. 9-17жадваллар.

5.7. Ишлатилган дорихона идишлари маҳсус ажратилган, маркировкаланган идишга (челак, бақ, клеёнкали халта) тўпланади ва инфекцион касалликлар шифохонаси дорихонасига юборилади.

5.8. Ичак инфекциялари ва вирусли гепатитнинг А ва Е турлари бўлимларида марказлашган канализация тизими бўлганда ёки умуман бўлмаган ҳолда кичик ёшдаги болалар ва ётадиган bemорлар ишлатган судно ва тувакларни заарсизлантириш санитария хонасида бунинг учун маҳсус мослаштирилган идишларда (бақ, челак ва ҳ.к.лар)амалга оширилади, буларнинг сони идиш ҳажми ва bemорлар сонига қараб, лекин 2 та идишдан кам бўлмаган ҳолда белгиланади. Суднолардаги (туваклар) нажасларни дастлабки заарсизлантиришдан сўнг канализацияга ёки ҳовли ҳожатхонасига тўкишга рухсат этилади. Вабога чалинган bemорларнинг нажаслари 13-жадвалга мувофиқ заарсизлантирилади.

5.9. Нажаслар квачлар ёрдамида заарсизлантирилганидан ва тозаланганидан сўнг суднолар, туваклар дезинфекция қилинади ва қопқоқлари зич ёпиладиган маҳсус маркировкаланган идишларда ювилади. Бу бўлимларда туалетлар қулфлаб қўйилади.

5.10. Шиппакларни (пойабзали) bemорлар ўзи билан олиб келадилар (чарм ёки резинадан бўлиши керак).

5.11. Болалар бўлимларида ўйинчоқлар фақат янги ва осон ювиладиган: резина, пластмассадан бўлиши керак. Ўйинчоқлар дастлабки заарсизлантирилмасдан бир боладан бошқасига берилмаслиги керак. Бўлимлардан ўйинчоқлар ота-оналарга қайтариб берilmайди, бу ҳақда улар олдиндан огоҳлантирилади.

5.12. Ишлатилган тиббий асбоб-анжомларни заарсизлантириш инфекция турига қараб олиб борилади. Стерилизация 3-4-5жадвалларга мувофиқ МСБ шароитида ўтказилади.

5.13. Барча тиббий муолажалар резина қўлқопларда олиб борилади. Muolажалар олиб борилишидан аввал ва улардан кейин ушбу санитария қоидаларининг 1-иловасига мувофиқ қўллар ювилади ва уларга ишлов берилади.

5.14. Ҳаво-томчи йўли орқали юқадиган инфекциялар, шунингдек, энтеровирусли инфекциялар бўлимидаги тиббиёт ходимлари оғиз ва бурунни ёпиб турувчи ниқоблар тақиб ишлаши керак.

5.15. Ишлатилган ниқоблар маркировкаланган қопқоқли идишга тўпланади.

5.16. Бўлимда ниқоблар навбатчи тиббиёт ҳамшираси томонидан ювилади. Тоза ниқоблар тоза кийимлар сақлаш хонасида дазмолланади ва маркировкаланган ёпик идишларда сақланади.

5.17. Ҳар бир бўлимда ҳар бир тиббиёт ходими учун ниқобларнинг 2 кунлик заҳираси бўлиши керак.

5.18. Битта ниқобда ишлаш 4 соатдан ошмаслиги керак.

5.19. Халатлар, ниқоблар, қалпоқчаларнинг (рўмоллар) ўз вақтида алмаштирилиши учун бўлимнинг катта тиббиёт ҳамшираси жавобгар ҳисобланади, у шифохона (бўлим) бўйича буйруқ билан тайинланади, назорат бўлим мудири зиммасига юклатилади.

5.20. Ишлатилган ва тоза квачлар учун идиш тегишли маркировкага эга бўлган ҳолда алоҳида бўлиши керак. Ишлатилган квачлар дезинфекцияловчи эритмалар ёрдамида зарарсизлантирилади.

5.21. Дезинфекцияловчи эритма ҳар бир зарарсизлантиришдан сўнг алмаштирилади.

5.22. Тиббий чиқиндиларни утилизация қилиш амалдаги норматив ҳужжатга мувофиқ олиб борилади.

Турли инфекцион касалликларда дезинфекция тадбирларини олиб бориш 9, 10, 11, 13, 14, 15, 16, 17-жадвалларда кўрсатилган.

## **6. Беморларнинг қариндошлари билан мулокотда бўлиш тартиби**

6.1. Беморларнинг қариндошлари уларни келиб кўриши тақиқланади.

6.2. Беморларнинг аҳволи ҳақида қариндошларига белгиланган вақтда маҳсус ажратилган ҳонада даволовчи шифокор томонидан маълумотномалар берилади. Кўкрак ёшидаги болалар ва эмизувчи оналардан ташқари, болаларга қараш учун оналарни киритиш ҳар бири алоҳида ҳолатда ва касал боланинг ўзига хосликлари ҳисобга олинган ҳолда, фақатгина бош шифокор ёки бўлим мудири рухсати билан амалга оширилади.

6.3. Болага қараш учун киритилган онага (қариндошга) йўриқнома бериш ўтказилади, зарур ҳолатларда санитария ишлови берилади, у шифохона кийими ёки ўзи олиб келган кийимни кияди ва инфекцион шифохона учун белгиланган барча қоидаларга қатъий риоя қиласи.

6.4. Шамоллаш касалликлари, лоҳаслик ва бошқа инфекцион касалликлари бўлган шахслар стационардаги болага қараш учун киритилмайди.

6.5. Беморларга олиб келинган озиқ-овқат дезинфекция ишлови бериладиган идишда шифокор рухсат берган маҳсулотлар турлари ва микдорида қабул қилинади. Ушбу идишни зарарсизлантириш ҳар бир бўлимда инфекция турига қараб маҳсус ажратилган ёрлиқланган идишларда олиб борилади. Уй идиштовоқларига ишлов бериш учун бўлим катта тиббиёт ҳамшираси жавобгар ҳисобланади, назорат бўлим мудири зиммасига юклатилади.

## **7. Беморларни шифохонадан чиқариш**

7.1. Беморларни шифохонадан чиқариш турли амалдаги йўриқномаларда назарда тутилган муддатда даволовчи врач қарорига кўра амалга оширилади. Ҳар бир бўлим учун алоҳида чиқариб юбориш хонаси бўлиши керак.

7.2. Соғайиб чиқсан кишининг дезинфекция қилинган шахсий буюмлари чиқариб юбориш хонасига шифохонадан чиқариб юбориладиган кунида олиб келинади ва bemor кийгунига қадар алоҳида қопларда сақланади ёки bemor уйдан олиб келинган кийимни кияди.

7.3. Чиқариб юбориш хонасидан чиқиш стационарнинг “тоза” худуди тарафга бўлиши керак.

## **VIII. Тери-таносил стационарлари ва диспансерларида шифохона ичи инфекциялари профилактикаси**

### **1. Тери-таносил стационарлари ва диспансерларида шифохона ичи инфекциялари профилактикаси бўйича тадбирларни ташкил этиш**

1.1. Ушбу бобда тери-таносил стационарларида (бўлимларида) шифохона ичи инфекциялари касалликлари пайдо бўлиши ва тарқалишининг олдини олишни таъминлайдиган ташкилий, даволаш-профилактик, санитария-гигиеник, эпидемияга қарши ва дезинфекция тадбирлари мажмуига қўйилган асосий талаблар белгиланади.

1.2. Тери-таносил стационари жинсий йўл билан юқадиган касалликлар, тери ва терининг юқумли касалликлари (қичима, дерматомикозлар) чалинган bemorларни ташҳислаш ва шифохонага ётқизиш учун мўлжалланган.

1.3. Стационар тузилмаси жинсий йўл билан юқадиган касалликларга чалинган bemorлар, сурункали тери касалликлари, замбуруғли касалликлар ва қичимага чалинган bemorларни ётқизиш учун алоҳида бўлимлар ва хоналарга эга бўлиши керак.

1.4. Стационарларда (бўлимларда) аёллар, эркаклар ва болаларни алоҳида ётқизиш учун алоҳида палаталарга эга бўлиши керак.

1.5. ЖЙБЮК ва сурункали тери касалликлари га чалинган bemorларни ётқизиш учун стационарларда (бўлимлар) тартиб соматик стационарлар тартибига тенглаштирилади.

### **2. Қичимага чалинган bemorларни ётқизиш учун бўлимлар (скабиозорийлар)**

2.1. Қичимага чалинган bemor шифохонага келиб тушганда кетма-кетлик қоидаларига қатъий риоя этилган ҳолда санитария ишлови берилади, барча кийими ечиб олинади.

2.2. Bemordan echiб oлинган ichki kийim va ustki bуюmlar 1% karbofos эритмали дезинфекцияловчи воситада ивитилган қопга (жилдга) тўпланади ва камерали ишлов берилади. Камерали ишлов берилмасдан bуюmlарning берилишига рухсат этилмайди.

2.3. Санитария кўриги ўтказиш хонасига дезинсекция воситалар (карбофос ёки Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган бошқа дезинсекцияловчи воситалар) билан ишлов берилади.

2.4. Адёл, ёстиқ, матрасларга дезинфекция камерасида мажбурий ишлов берилади.

2.5. Намли тозалов ишлари дезинсекция воситалари (карбофос ёки Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган бошқа дезинсекцияловчи воситалар) кўлланилган ҳолда олиб борилади.

2.6. Беморнинг кийими ва кўрпа-тўшаги 5 кун давомида алмаштирилмайди, сўнгра bemor чўмилтирилади ва факат тоза кийим кийдирилади, шунингдек, кўрпа-тўшаги алмаштирилади. Кийилган кийим ва кўрпа-тўшакларга камерали ишлов берилади.

### **3 . Дерматомикозларга чалинган беморлар ётқизилаётган стационарлардаги (бўлимлар) тадбирлар**

3.1. Фавус, қирма темираткига чалинган беморлар учун умумий шифохоналарда алоҳида палаталар бўлиши керак. Уларнинг бошқа беморлар билан мулоқотда бўлишига рухсат этилмайди.

3.2. Беморнинг барча устки кийими мажбурий тарзда камерали дезинфекция қилиш усули билан заарсизлантирилади. 7-жадвал.

3.3. Алоҳида кир ювиш хонаси бўлмаган тақдирда, беморлар ва уларга хизмат кўрсатиш ходимларининг тўшак тўпламлари бошқа беморлар тўшак тўпламларидан алоҳида тарзда ювилиши керак.

3.4. Тўшак тўпламлари аввал дезинфекцияловчи эритмаларда заарсизлантирилади.

3.5. Инфекцион касалликлар кўзғатувчилари билан заарланган боғлов материаллари, қирқилган соchlар, тирноқлар ёпиқ контейнерга тўпланади ва жавобгар шахс кузатувида ёқилади.

3.6. Ишлатиладиган асбоб-анжомлар (пинцетлар, қайчилар, скальпеллар) ёпиқ идишга тўпланади ва 10-15 дақиқа давомида 1%ли сода эритмасида қайнатилади ёки йўриқномасига кўра дезинфекцияловчи воситаларда заарсизлантирилади.

Дезинфекция қилиш тартиби 8, 9-жадвалларда акс эттирилган.

### **IX. Шошилинч тиббий ёрдам станциясида шифохона ичи инфекциялари профилактикаси бўйича тадбирларни ташкил этиш**

#### **1. Умумий қоидалар**

1.1. Ушбу бобда шошилинч тиббий ёрдам станциясида шифохона ичи инфекциялари пайдо бўлиши ва тарқалишининг олдини олишни таъминлайдиган ташкилий, даволаш-профилактик, санитария-гигиеник, эпидемияга қарши ва дезинфекция тадбирлари мажмуига қўйиладиган асосий талаблар белгиланади.

1.2. Шошилинч тиббий ёрдам шошилинч тиббий аралашув талаб этиладиган ҳолатдаги фуқароларга (баҳтсиз ҳодисаларда, жароҳатланишда, заҳарланишда, шунингдек, бошқа ҳолатлар ва касалликларда) кечиктирмасдан кўрсатилади.

1.3. Дори воситалари ва бир маротабалик сарфловчи материаллари билан таъминлаш амалдаги норматив ҳужжатга мувофиқ шошилинч тиббий ёрдам сайёр бригадаси намунавий рўйхатига мувофиқ амалга оширилади.

1.4. Шошилинч тиббий ёрдам станцияси майдони ва техник ҳолатига кўра амалдаги санитария-гигиена нормативлари ва қоидалари талабларига жавоб бериши керак.

1.5. Сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш учун шошилинч тиббий ёрдам сайёр бригадаси шифокорлар ихтисоси ҳисобга олинган ҳолда амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ жиҳозланган бўлиши керак.

## **2. Беморларни (жабрланувчиларни) ташиш учун қўлланувчи транспорт воситаларига қўйиладиган талаблар**

2.1. Беморлар ёки жабрланувчиларни ташиш учун ишлатиладиган транспорт воситалари (кейинги ўринларда – тез ёрдам машинаси) белгиланган талабларга мувофиқ тегишли рангда ва овоз сигнализацияга (сиренаси) эга бўлиши керак.

2.2. Тез ёрдам машинаси йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати давлат органида рўйхатдан ўтган бўлиши керак. Тез ёрдам машинаси рақам белгилари тоза, камида 10 м масофадан фарқланадиган бўлиши керак.

2.3. Тез ёрдам машинаси салонга тўсиқсиз кириш ва замбилларни юклашни таъминлайдиган орқа ва ён эшиклари билан жиҳозланган бўлиши керак. Эшикларда очик ва ёпиқ ҳолатда мустаҳкамлаб турувчинистор мосламаси бўлиши керак.

2.4. Тез ёрдам машинаси шифти соз чироқлар билан жиҳозланган бўлиши керак. Бемор жойи ёритилганлиги камида 100 лк бўлиши, атрофи ёритилганлиги камида 50 лк бўлиши керак.

2.5. Салондаги пол текис бўлиши, ёриклари(0,5 смдан ортиқ чуқурлиқда) ва очик тешиклари бўлмаслиги керак. Пол элементларининг бирикиши герметик бўлиши керак.

2.6. Пол қопламаси сув ўтказмайдиган, сирпанмайдиган, антистатик материаллардан тайёрланган бўлиши керак.

2.7. Ён панеллари силлиқ бўлиши керак. Ён панелларининг қопламаси қатлами кўчмайдиган, парчинлов чоклари ва бошқа конструктив элементлари салон ичкарисига чиқиб қолмаган бўлиши керак.

### **3. Тез ёрдам машинаси салони санитария ҳолатига қўйиладиган талаблар**

3.1. Тиббиёт асбоб-ускуналари, қурилмалар, мебель, ўриндиқлар, замбиллар, бош қўйгичлар юзаси тоза бўлиши, уларда кир, чанг, қон, нажас доғлари излари ва бошқа ифлосланишлар бўлмаслиги керак.

3.2. Тез ёрдам машинаси салонида чиқинди бўлмаслиги керак. Ишлатилган бир марталик тиббий воситалар ёпиқ контейнерда сақланиши керак.

3.3. Тез ёрдам машинаси салонида куйинди, бензин, тамаки тутуни ҳиди бўлмаслиги керак.

### **4. Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этишга қўйиладиган талаблар**

4.1. Тиббий ходимларнинг махсус кийимида (тиббиёт халати, костюми) доғлар ва бошқа ифлосланиш излари бўлмаслиги керак.

4.2. Кўрик ўтказишида беморни кўраётган тиббиёт ходимининг қўллари тоза бўлиши керак.

4.3. Тиббий муолажаларни ўтказишида ишлатиладиган асбоблар ва материаллар стерил бўлиши керак. Ишлатиладиган тиббиёт қўлқоплари, шприцлар, игналар, бинтлар ва бир марта ишлатиладиган бошқа воситалар ҳимоя ўрамидан бевосита қўлланилиши олдидан чиқарилиши керак.

4.4. Касалликка (жароҳатланишга) ташхис қўйишида тиббиёт ходими уни беморга (жабрланувчи) ва рози бўлганида унинг оила аъзоларига маълум қилиши, ҳамда тиббий ёрдам кўрсатиш (тиббий муолажалар) бўйича режа ва мавжуд варианtlарни баён этиши керак.

4.5. Бемор (жабрланувчи) шифохонага ётишдан воз кечган тақдирда ёки бунга зарурат бўлмаган тақдирда тиббиёт ходими беморга шифохонага ётқизишидан воз кечиши ҳақидаги ҳужжатни имзолашга тақдим этиш керак.

4.6. Мухим ҳаётий фаолияти бузилган беморлар қабул бўлимига кирмасдан реанимация блокига ётқизилади.

4.7. Беморни инфекцион касалликлар бўлимига ётқизишида 058/У-сонли хисобга олиш формаси тўлдирилади. Инфекцион касаллик, озиқ-овқатга оид, касбий ўткир заҳарланиш, эмлашларга одатий бўлмаган реакция ҳолатларида худудий Давлат санитария эпидемиология назорат марказига шошилинч хабарнома юборилади.

## **Х. Қон хизмати муассасаларида шифохона ичи инфекциялари профилактикаси**

### **1. Қон хизмати муассасаларида шифохона ичи инфекциялари профилактикаси бўйича тадбирларни ташкил этиш**

1.1. Мазкур санитария-гигиеник қоидалар қон хизмати муассасаларида шифохона ичи инфекциялари пайдо бўлиши ва тарқалишининг олдини олишни таъминлайдиган санитария-гигиеник, профилактиква эпидемияга қарши тадбирлар мажмуга қўйиладиган асосий талабларни белгилайди.

### **2. Донорлик бўлими**

#### **Донор кадрларни жамлаш бўлими:**

2.1. Донорлик бўлимида эпидемияга қарши биринчи тўсик рўйхатхона бўлиб, потенциал донор шахс донорлар электрон маълумотлар базаси (ЕДЦ) ва қон топширган донорлар базаси бўйича текширилади.

2.2. Терапевт хонаси клеёнкали күшетка, тарози, тонометр, стетофонендоскоп, термометр ва шпатель билан жиҳозланади.

2.3. Ускуналар ва анжомларга ишлов бериш бўйича дезинфекция тадбирлари, кундалик тозалов ишлари мазкур норматив ҳужжатнинг З-иловасига кўра олиб берилади.

#### **Қон тайёрлаш зали:**

##### **2.4. Хонага талаблар:**

2.4.1. Стационар шароитларда қон тайёрлаш боксланмаган хоналарда, сайёр шароитларда мослаштирилган хоналарда, ҳамда автомашиналарда, темир йўл вагонларда ва бошқа транспорт воситаларида жиҳозланган шароитларда амалга оширилади.

2.4.2. Қон тайёрлаш залида устки юзасини осон тарзда нам тозалаш мумкин бўлган асбоб-ускуна бўлиши керак. Заллар устки юзасига осон ишлов бериладиган донорлик креслолари, консервация эритмалари солинган полимер контейнерлар жойлашадиган операцион ҳамшира столи, анализ олиш учун пробиркалар, антисептик эритмалар солинган идишлар, стерил материалли бикслар учун стол, қонни паспортизация қилиш учун стол, олинган қонни автоматик аралаштириш ва ҳажмини назорат қилиш учун тарози, полимер контейнерлар магистралини ёпиштирувчи диэлектрик кавшарлагич (қўлда ёки автоматик тарзда ишловчи), ишлатилган системалар ва ишлатилган материални тўплаш учун қопқоқли идишлар билан жиҳозланади.

2.4.3. Қон олиш зали яхшилаб шамоллатилади, дезинфекция воситаларини күллаб нам тозалаш ўтказилади, сўнгра 30 минут давомида кварц билан зарасизлантирилади.Хонани тайёрлаш иш бошланишидан 30 минут аввал якунланиши керак.

2.4.4. Асбоб-анжомларга ишлов бериш бўйича дезинфекция тадбирлари, кундалик тозалашлар амалдаги ҳужжат талабларига биноан амалга оширилади.

2.4.5. Қон тайёрлаш залида ишлашда полимер контейнер игнасининг санчилувчи қисмига, антисептик билан ишлов берилганидан сўнг терининг венепункция жойига қўл ёки стерилланмаган буюмлар текказиш тақиқланади.

2.4.6. Қон тайёрлаш фақатгина стерил бир марталик пластик гемоконтейнерлар, бир марталик қон қўйиш системалари, бир марталик стерил қўлқоплар ва боғлаш материалларини қўллаш орқали амалга оширилади.

2.4.7. Таҳлиллар учун қон намуналари бир марталик пробиркаларга тўпланади, ишлатилганидан сўнг улар автоклавда йўқ қилинади.

### **3. Сайёр бригада**

3.1. Операция хоналари учун энг тоза ва ёруғ хоналар ажратилиб, у ерда қон олишдан аввал албатта нам тозалаш ишлари ўтказилиши керак.

3.2. Сайёр бригада томонидан тўпланган қон марказга ўз ичига қўйидагиларни олган “совуқлик занжирига” риоя қилинган ҳолда транспортировка қилинади:

- совутгич ускуналари (термоконтейнерларёки авторефрижераторлар), совитиш элементлари ёки муз солинган пакетлар мавжудлиги;
- маҳсулотни механик шикастланишдан ҳимоя қила оладиган ва микроб билан ифлосланиш хавфини минималлаштирувчи ўрам.

### **4. Қонни қайта ишлаш бўлими**

4.1. Қонни қайта ишлаш бўлими икки зона – иш зонаси ва тоза зонадан иборат.

4.2. Иш зонасида паспортизация, қон компонентларини сақлаш ва яроқсизликка ажратиш, машина зали, қон компонентларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган хоналар бўлади.

4.3. Бўлим  $-40^{\circ}\text{C}$  гача бўлган температура режимидағи совутгич-музлатгичлар,  $+2^{\circ}\text{C}+6^{\circ}\text{C}$  режимидағи температура режимидағи совутгичлар, контактли тез музлатгич, центрифуга, полимер контейнерлар магистралларини ёпиштирувчи дизлектрик кавшарлагич, плазмаэкстрактор, иш столлари билан жиҳозланади.

4.4. Иш учун тиббиёт асбоб-анжомлари (қайчилар, қисқичлар) ва ўраш материаллари солинган стерил бикс ишлатилади.

4.5. Қўйиш учун яроқсиз қон компонентлари яроқсизлик сабабларига (абсолют яроқсиз ва нисбатан яроқсиз) кўра алоҳида тарзда маркировкалган алоҳида совутгичда сақланади. Яроқсизлик сабаби контейнер ёрлиғида қизил сигнал ранг билан қайд этилади.

4.6. Яроқсиз материал аникланган кунидан 3 кундан ошмасдан йўқ қилиниши керак, 2 нусхада далолатнома билан расмийлаштирилиши ва муассаса раҳбари томонидан тасдиқланиши керак. Қоннинг яроқсиз компонентларини йўқ қилиш амалдаги норматив ҳужжатга биноан амалга оширилади.

## **5. Иммунологик бўлим**

5.1. Бўлимнинг иш хоналари икки зонага ажратилади – қон намуналарини изосерологик текшириш хонаси ва стандарт сиворотка ишлаб чиқариш хоналари.

5.2. Бўлимлар жиҳозлаш табелига асосан совутгич, инактивация учун аппарат (сув ҳаммоли), термостат, микроскоп, центрифуга, дозатор, лаборатория идишлари билан жиҳозланади.

Усти ёрилган ёки дарз кетган лаборатория идишларини ишлатиш ман этилади.

5.3. Лаборатория идишлари, анжомлар, қон қолдиқларини дезинфекция қилиш мазкур ҳужжат талабларига асосан амалга оширилади.

5.4. Лаборатория центрифугаси, термостат ва совутгич жиҳозларига 70% этил спирти билан ишлов берилади. Дозаторлар, микроскопларга 96% этил спирти билан ишлов берилади.

5.5. Авариявий ҳолат юзага келишида центрифугада аэрозоллар чўкиши учун центрифуга тўхтаганидан 30 дақиқа ўтганидан сўнг очилади. Пробирка ичидаги нарсани 0,5% хлорли эритмали идишга тўкилади, пробиркаларнинг ўзлари эса 0,5% хлорли эритмали бошқа идишга 10 дақиқага солинади. Центрифуганинг ички юзаси ва роторига 70% этил спирти билан ишлов берилади ва ювиш воситаси билан ювилади. Ишлов берилганидан 1 соатдан кейин центрифугаларда иш қайта тикланиши мумкин.

Қон намуналари солинган пробиркалар текширилганидан сўнг алоҳида совутгичда +4+8°C ҳароратда 48 соат мобайнида сақланади.

## **6. Қон препаратларини ишлаб чиқариш бўлими**

6.1. Қон препаратлари бўлими плазма қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган хоналар, машина зали, плазмани фракциялаш ва ярим фабрикатларни сақлаш зали, ҳамда препаратларни стерил ҳолда қуиши учун стерил зонадан (бокс) иборат бўлади.

6.2. Бўлим фракция столи, центрифуга, музлатгич, совутгич, лиофил қуритгич, автоклав, қуруқ иссиқлик шкафи, сув ҳаммоли, вальцовка аппарати, компрессор ва вакуум мосламалари, дистилляторлар, иш столлари билан жиҳозланади. Ишда кўп марта ишлатилувчи тибиёт анжомлари (қайчилар, қисқичлар) ва боғлов материали солинган стерил бикс ишлатилади.

Барча аппаратура, асбоб-ускуналар, центрифуга стаканларига 96% спирт билан ишлов берилади.

6.3. Бўлимга қайта ишловга келадиган маҳсулот (плазма) гемотрансмиссив инфекцияларга (В - HBsAg гепатит вируси сиртқи антигени, ОИВ-1 ва ОИВ-2 одам иммунитети танқислиги вирусига антитаналари, сифилис қўзғатувчисига антитаналар, бруцеллёз қўзғатувчисига антитаналар) ва биокимёвий кўрсаткичларга мажбурий тарзда икки марта текширилади.

Плазма пластик ўрамда (гемакон) келади ва музлатгичда -30°C ҳароратда сақланади.

6.4. Ишлатилган гемакон, фильтрловчи қоғоз, бир марталик шприцлар, пробиркалар ва боғлов материаллари ишлатилганидан сўнг дезинфекция қилинади ва амалдаги норматив ҳужжат талабларига асосан утилизация қилинади.

6.5. Асбоб-ускуналарнинг техник бузилиши билан боғлиқ авариявий ҳолат юзага келишида фракциялаш босқичидаги плазма озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун мўлжалланган пластик идишга тўпланади ва музлатгичда -30°C ҳароратда сақланади.

## **7 . Қон компонентлари ва препаратларини сақлаш ва тақсимлаш бўлими (экспедиция)**

7.1. Қон ва унинг компонентларини сақлаш ва транспортировка қилиш шартларига “совуқлик занжирига” риоя қилиш, сақлаш давомийлиги, шикастланиш ва ифлосланишдан ҳимоя чоралари, керакли асбоб-ускуналар мавжудлиги киради.

7.2. Қон компонентларини беришда хатога йўл қўймаслик учун маҳсулотни қон гурухи ва резусга алоқадорлик мақомига кўра алоҳида жойлаштириш зарур.

7.3. Маҳсулотни етказиб бериш тизими транспортировкада яхши сақланганлигига кафолат бериши, тўқимали маҳсулотларнинг музли ўрамда транспортировка қилинаётганларидан алоҳида транспортировка қилинишини таъминлаши керак.

7.4. Талаб қилинган температурага кўра қон ва унинг компонентларини сақлаш учун маҳсус (мослаштирилган эмас) асбоб-ускунадан фойдаланилади:

- +2°C+6°C ҳарорат режимидағи совутгичлар;
- -25°C ва ундан паст ҳарорат режимидағи музлатгичлар.

7.5. Экспедиция хонаси иккита зонага эга:

- қабул қилиш зonasи ва қон компонентлари ва препаратларини сақлаш зonasи;
- трансфузия муҳитларини бериш зonasи.

7.6. Барча қон намуналари ва маҳсулотлари амалдаги норматив ҳужжат асосида йўқ қилиниши керак.

## **XI. Клиник-ташҳислаш лабораторияларида шифохона ичи инфекциялари профилактикаси**

### **1. Клиник-ташҳислаш лабораторияларида шифохона ичи инфекциялари профилактикаси бўйича тадбирларни ташкил этиш**

1.1. Ушбу бобда клиник-ташҳислаш лабораторияларида шифохона ичи инфекциялари пайдо бўлиши ва тарқалишининг олдини олишни таъминлайдиган ташкилий, даволаш-профилактиқ, санитария-гигиеник, эпидемияга қарши ва дезинфекция тадбирлари мажмууга қўйиладиган асосий талаблар белгиланади.

1.2. Клиник-ташҳислаш лабораторияларида шифохона ичи инфекциялари юқиши имкониятларининг олдини олиш мақсадида нафакат дезинфекция-стерилизация тартибига, балки лаборатория текшируви учун қон олиш методларига, лаборатория асбоб-анжомларидан фойдаланиш қоидаларига, касбий юқтириш профилактикаси бўйича қоидаларга қатъий риоя этиш зарур.

### **2. Қон олиш хонаси асбоб-ускуналари ва жиҳозланишига қўйиладиган талаблар**

2.1. Лаборатория текширувлари учун қон олиш факат маҳсус жиҳозланган муолажалар хонасида амалга оширилиши керак.

2.2. Беморнинг аҳволи оғирлиги туфайли қон олишни бевосита bemorning тўшаги олдида амалга ошириш мумкин.

2.3. Венага игна санчиш олиб бориладиган хоналарга қўйиладиган санитария-гигиеник талаблар амалдаги норматив ҳужжатларда баён этилган.

2.4. Марказлаштирилган иссиқ ва совуқ сув уланган умивальник ўрнатилган бўлиши керак. Марказлаштирилган иссиқ сув ўтказилмаган тақдирда оқар турдаги электр сув иситгичлар ўрнатилишига рухсат этилади. Қўлларга гигиеник ишлов бериш учун дозалаб берувчи мосламаларда суюқ совундан фойданилади. Бир марталик қофоз сочиқлар ёки бир марта қўлланиладиган сочиқлар бўлиши керак.

2.5. Венага игна санчиш олиб бориладиган хона стационар бактерицид нурлантирувчи лампа билан жиҳозланиши керак.

2.6. Ҳушдан кетиш ҳолатида ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда bemorga шошилинч ёрдам кўрсатиш учун хонада зарур дори препаратлари тўпламига эга дорилар қутичаси бўлиши керак.

2.7. Қон олиш учун асбоб-анжомлар:

2.7.1. Қон намуналарини олиш учун стол. Кўчма столча ишлатилиши мумкин.

2.7.2. Пробиркалар учун тагликлар (штативлар). Тагликлар енгил, қулай, пробиркалар учун етарлича сонда катакчаларга эга бўлиши керак.

2.7.3. Венага игна санчиш пайтида бемор ўзи учун жуда кулай ва хавфсиз ҳолатда, ҳамда муолажалар хонаси тиббиёт ходими учун қулай ўтириши бўлиши керак. Креслонинг иккала тирсак қўйгичи венага игна санчиш пайтида ҳар бир бемор учун энг оптимал ҳолатга жойлаштирилган бўлиши керак. Тирсак қўйгичлар қўллар учун таянч бўлиб хизмат қилади ва веналарнинг торайиб кетишининг олдини олиш учун тирсакнинг букилишига имкон бермайди. Бундан ташқари, кресло бемор ҳушидан кетган тақдирда йиқилишидан саклаши керак.

2.7.4. Күшетка.

2.7.5. Кўрик учун бир марталик резина қўлқоплари.

2.7.6. Бир марталик пластик ва шиша пробиркалар (вакуумли пробиркалар мавжуд бўлмаган тақдирда). Учи синган, шунингдек, дарз кетган шиша пробиркалар қўлланилишига рухсат этилмайди.

2.7.7. Жгутлар. Махсус мақсадга мўлжалланган бир марталик ва кўп марталик резина ва латекс жгутлар ишлатилади. Кўп марталик жгутга қон ёки бошқа биологик суюқликлар теккан тақдирда у заарсизлантирилиши керак. Бир марталик жгутлар ишлатилган сарф материали билан бирга утилизация қилинади.

2.7.8. Дока салфеткалар. Стерил дока салфеткалар ( $5,0 \times 5,0$  см ёки  $7,5 \times 7,5$  см) ёки завод ўрамидаги антисептиклар билан намланган салфеткалар бўлиши керак.

2.7.9. Антисептиклар. Инъекция жойи юзасига ишлов бериш учун антисептиклар бўлиши керак. Антисептиклар стерил дока салфетка ёки пахта шариклар ботириладиган эритмалар шаклида қўлланилади ёки бир марталик ўрамдаги антисептиклар билан намланган салфеткалар ишлатилади.

2.7.10. Қон олишни олиб бораётган ходимлар барча ҳолатларда махсус ҳимоя кийимини кийган бўлиши керак. Халат ифлосланиши даражасига қараб, ҳафтасига камида икки марта алмаштирилади. Махсус кийим қон билан ифлосланган тақдирда дарҳол алмаштирилиши керак.

2.7.11. Тирсак букилишини текислаш учун ёстиқча (махсус кресло бўлмаган тақдирда).

2.7.12. Контеинерлар:

- игнани хавфсиз чиқариб олиш таянчига эга игналар учун стол усти контейнери;
- чиқиндиларни йифиш учун пластик қопчага эга контеинер.

2.7.13. Ишлатилган игналар (биринчи контеинер бўлмаган тақдирда), қон олиш игнали шприцлари ва системалари, ишлатилган боғлов материаллари солинадиган чиқиндилар учун мустаҳкам контеинер зарур.

2.7.14. Муз ёки муз элементи бўлиши керак.

2.7.15. Инъекция жойини ёпиш учун бактерицидли лейкопластир.

2.7.16. Иситувчи анжомлар. Қон оқишини кучайтириш учун қиздирувчи анжомлар ишлатилиши мумкин – илиқ ( $40^{\circ}\text{C}$  атрофида) нам рўмолча 5 дақиқага игна санчилган жойга қўйилади.

2.7.17. Қўлларга ишлов бериш учун тери антисептиклари.

2.7.18. Ишлатилган материал ва иш юзаларини заарсизлантириш учун дезинфекцияловчи восита.

### **3. Қон олиш методикаси**

**3.1.** Терини тешиш күрик қўлқопларида бир марталик скарификатор ёрдамида амалга оширилади. Текширув учун терини тешиб қон олиш қўйидагича амалга оширилиши мумкин:

I- вариант. Бармоқ тешилганидан сўнг бир неча (камида 3-4) томчи қон алоҳида буюм (соат) ойнасига томизилади, аралаштирилади ва ишлаш учун қўлланилади.

II- вариант. Индивидуал найзача билан билан тешилган бемор бармоғининг тери юзасидан олдиндан тўғрилиги текширилган 20 мкл ҳажмли алоҳида стерил капиллярларга ва Панченко капиллярига йигилади.

III- вариант. Ҳажми бўйича цитрат ва қоннинг 1:4 нисбатда олдиндан тайёрланган 40 мкл аралашмасини индивидуал стерил Панченков капиллярига олинади.

IV- вариант. Бармоқ териси тешилганидан сўнг олдиндан бироз миқдорда (кўз куракчasi учida) трилон Б қўйилган пластик пробиркага 6-8 томчи қон солинади. Қонли пробирка кафтлар орасида айлантирилган ҳолда яхшилаб аралаштирилади. Пипеткалар ёрдамида пробиркаларга қон қўйиш лабораторияда амалга оширилади.

V- вариант. Бармоқ териси тешилганидан сўнг зарур миқдордаги қон ўрнатилган капилляр ёки чети орқали капилляр қон олиш учун мўлжалланган системага йигилади. Пробирка ёпилади ва аралаштирилади. Кейинчалик таҳлиллар учун қон қўйиб олиш фақат лабораторияда амалга оширилади.

3.2. Қон олиш пайтида асептика қоидаларига қатъий риоя этилади.

3.3. Қон олиш олдидан текширилаётган шахснинг бармоқ терисига 70% этил спиртида ивитилган стерил тампон (ўрамча) билан ишлов берилади. Қон олинганидан сўнг жароҳат юзасига 70% этил спиртида хўлланган янги стерил тампон қўйилади.

3.4. Қон олиш учун капилляр, 2 дона буюм шишачасидан иборат индивидуал стерил тўпламлар ишлатилади. Индивидуал стерил тўпламлар стерилизация қутиларда (биксларда) сақланади. Ҳаво методида стерилизация қилишда алоҳида тўпламлар крафт пакетларга жойланади.

### **3.5. Венага игна санчиш орқали қон олиш методикаси**

3.5.1. Муолажани бажаришга тайёргарлик.

3.5.2. Қайд қилиш. Қон таҳлилига ҳар бир йўлланма бир нафар беморга тегишли барча ҳужжатлар ва асбоб-анжомларни аниқлаштириш учун қайд этилиши керак. Қон таҳлилига йўлланмада қўйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак: bemor фамилияси, исми, отасининг исми, ёши, қон олинган сана ва вақт, таҳлил қайд рақами, касаллик тарихи (амбулатор варака) рақами, даволовчи шифокор фамилияси; bemorни йўллаган бўлим ёки бўлинма. Қон олиш учун пробиркалар ва йўлланмалар бланклари битта қайд рақами билан белгиланади.

**3.5.3.** Бемор шахсини аниқлаштириш, қон олиш жараёни йўлланмада кўрсатилган bemорда олиб борилаётганлигига ишонч ҳосил қилиш зарур. Клиника бўлинмасидан қатъий назар, bemор шахсини аниқлаштириш учун куйидагиларни амалга ошириш керак:

- амбулатор bemордан унинг фамилияси, яшаш манзили ва/ёки туғилган санасини сўраш;
- бу маълумотни йўлланмада кўрсатилган маълумот билан солиштириш;
- стационар bemордан ҳам айнан шу маълумотларни сўраш (агар bemор ҳушида бўлса), бу маълумотни йўлланмада кўрсатилган маълумот билан солиштириш;
- қабул бўлимидаги шахси номаълум bemорлар (хушсиз ёки ҳуши ўзида бўлмаган bemорлар) учун уларнинг шахси аниқланмагунига қадар бирорта вақтингчалик аниқ белги тайинланиши керак.

**3.5.4.** Ҳуши ўзида бўлмаган bemордан қон олиш пайтида игна санчилганда ёки игна вена йўлида турганида кутилмаган ҳаракатлар ва чўчиб тушиш ҳолатларининг олдини олиш учун алоҳида эҳтиёткорликка риоя этиш зарур. Игна чиқиб кетганда ёки силжиб кетганда докали салфеткани тайёр ҳолда тайёрлаб туриш зарур, жгутни дарҳол ечиб олиш керак. Агар игна кутилмагандан қўлга чуқур кирса, шифокорни шикастланишлар эҳтимоли ҳақида огоҳлантириш зарур.

**3.5.5.** Беморнинг парҳез чекловларига риоя этишини текшириш, bemорнинг тайинланган препаратларни қабул қилганлигини ҳисобга олиш керак. Айrim текширувлар учун оч қоринга қон олиш зарур. Таҳлилнинг тўғри натижаларини олиш учун ушбу чекловларга риоя этилганликка ишонч ҳосил қилиш керак. Парҳез чекловларига риоя этилишини таъминлаш тадбири, шунингдек, қон олинганидан сўнг улар бекор қилиниши ҳақида ходимларни хабардор этиш тадбири тегишли муассаса қоидаларига боғлиқdir.

**3.5.6.** Беморни қулай жойлаштириш. Беморнинг қўли шундай жойлаштирилиши керакки, елка ва билак тўғри чизик ҳосил қилиши керак.

**3.5.7.** Венага игна санчиш орқали қон олиш алгоритми.

**3.5.8.** Қўлларни оқиб турган сувда совунлаб ювиш ва алоҳида қофоз сочиқ билан қуритиш, сўнгра шу сочиқ билан жўмракни ёпиш. Қофоз сочиқ бўлмаган тақдирда, алоҳида фойдаланиш учун тахминан 30x30 см ўлчамли тоза мато бўлакчалари ишлатилиши мумкин. Ҳар бир ишлатилгандан сўнг бундай сочиқчалар кирхонага юбориш учун контейнерларга ташланади.

**3.5.8.** Кўрик қўлқопларни тақиши.

**3.5.9.** Жгутни (венага игна санчиш жойидан 7-10 см юқорига) боғлаш.

**3.5.10.** Бемордан муштини сиқиши илтимос қилиш. Қўлларга жисмоний зўриқиши бермаслик керак (муштни фаол сиқиши ва бўшатиш), чунки бу айrim кўрсаткичларнинг қондаги концентрацияси ўзгаришларига сабаб бўлиши мумкин. Венага игна санчиш жойини танлаш. Кўпинча ўрта тирсак ва териости веналари ишлатилади, бироқ билак ва панжа устки юзасининг унча йирик бўлмаган ва қонга тўла веналарига ҳам игна санчиш мумкин.

3.5.11. Венага игна санчиш жойи (марказдан атрофга қараб айланма ҳаракатлар билан антисептик восита эритмасида ивитилган дока салфетка ёрдамида) дезинфекция қилинади.

3.5.12. Антисептик түлиқ қуришини кутиб туриш ёки венага игна санчиш жойини қуруқ стерил тампон билан қуритилади (ишлов берилганидан сүңг вена бармоқлар билан пайпасланмасин!). Агар венага игна санчиш пайтида қийинчиликлар юзага келса ва вена бармоқлар билан тақороран пайпасланса, бу жой қайтадан дезинфекция қилиниши талаб этилади.

3.5.13. Чап құл билан bemorning билаги шундай ушлаб олиниши керакки, бунда катта бармоқ венага игна санчиш жойидан 3-5 см қуйида жойлашиши керак, терини тортиб туриш керак.

3.5.14. Игнани вена билан битта чизикда юқорига қиялатиб жойлаштирилади ва терига 25-30 градус бурчак остида игна венага санчилади.

3.5.14. Индикатор камераси ёки игна канюлясида қон пайдо бўлганида игнанинг терига қиялиги бурчагини 10-15 градусгача камайтириладива уни вена йўли бўйича бир неча миллиметрга силжитилади. Махсус системалар бўлмаган тақдирда, қон олиш стерил игна ёрдамида қоннинг табиий оқими ҳолатида олиб борилади, игна остига стерил салфетка қўйилиши керак.

3.5.15. Пробиркани игна канюляси остига келтирилади.

3.5.16. Қон пробиркага келиб тушиши биланоқ жгутни ечилади.

3.5.17. Бемор муштини бўшаштирганига ишонч ҳосил қилинади.

3.5.18. Зарур миқдорда қон олиш, махсус системалар ишлатилганда эса, вакуум тугаб қон оқиши тўхтамагунча пробиркани тўлдирилади.

3.5.19. Қуруқ стерил салфеткани венага игна санчиш жойига қўйилади.

3.5.20. Игна чиқариб олинади.

3.5.21. Кўлга босиб турувчи боғлам ёки бактериоцид пластирни қўйилади.

3.5.22. Ишлатилган асбоб-анжомлар ва материалларни дезинфекция қилиш учун махсус мўлжалланган идишга ёки контейнерга ташланади.

3.5.23. Бемор ўзини яхши ҳис қилаётганига ишонч ҳосил қилинади.

3.5.24. Дезинфекция қилинадиган қопқоқли махсус контейнерларда маркировкаланган пробиркаларни тегишли лабораторияларга транспортировка қилинади.

3.5.25. Пробиркалар ушбу мақсадга махсус мўлжалланган тиқинлар билан ёпилади. Конли пробиркаларга лаборатория текширувларига ўйлланмаларни илова қилиш ва пробиркаларни пахта ёки дока тампонлар билан ёпиш тақиқланади.

## **4. Венага игна санчишда эхтимолга эга асоратлар**

4.1. Венага игна санчишнинг маҳаллий асоратларига қўйидагилар киритилади:

- тери ости гематомаси - венага игна санчиш жойидаги юмшоқ тўқималарга қон қўйилиши;
- флебит - венага игна санчиш жойида вена яллиғланиши (аломатлари: оғриқ, қаттиқлик, вена йўлида гиперемия);
- нервга игна санчилиш ёки гематома ҳосил бўлиши оқибатида эзилиш натижасида нерв шикастланиши;
- венага игна санчиш жойидаги юмшоқ тўқималарнинг яллиғланиш ҳолатлари - инфильтрат, абсцесс, тери некрози.

4.2. Венага игна санчишнинг умумий асоратларига бемор ҳаёти учун хавфли асорат бўлиши мумкин бўлган септицемия киради.

4.3. Асоратларнинг олдини олиш. Асоратлар сони ва оғирлиги қўйидагилар ҳисобига камайтирилиши мумкин:

- венага игна санчишнинг яхши техникаси;
- венага игна санчиш жойини тўғри танлаш;
- асептика ва антисептика қоидаларига риоя этиш;
- венага игна санчиш жойида босувчи боғламларни қўллаш;
- венага игна санчиш олиб борилганда такроран уриниш пайтида бошқа қўлдан фойдаланиш (айнан шу қўлга такроран жгут қўйиш гематоманинг ошишига сабаб бўлиши мумкин).

## **5. Лаборатория ускуналари, идишлар, маҳсус кийимлар, биоматериал, асбоб-анжомларни дезинфекция қилиш**

5.1. Лаборатория асбоб-анжомлари, капиллярлар, буюм шишаҷалари; пробиркалар, меланжерлар, ҳисоб камералари, кюветлар, фотоэлектрокалориметрлар, пипеткалар, учликлар, резина грушалар, баллонлар ва ҳ.к.лар, идишлар қон ёки зардоб билан мулоқотда бўлганидан сўнг дезинфекция қилиниши керак.

5.2. Дезинфекция қилиш кимёвий йўл билан амалга оширилиши, яъни дезинфекцияловчи воситаларнинг ишчи эритмаларида заарсизлантирилиши керак.

5.3. Дезинфекция қилиш олиб бориладиган идишлар аниқ маркировкаланган бўлиши ва қопқоқقا эга бўлиши керак.

5.4. Ички каналларга эга буюмларни дезинфекция қилишда қон, зардоб ва ҳ.к.лар қолдиқларини тозалаш учун дезинфекцияловчи воситалар эритмалари груша ёрдамида 5-10 мл ҳажмда ушбу каналлар орқали ўтказилади, шундан сўнг буюм иккинчи идишдаги дезинфекцияловчи эритмага тўлиқ ботирилади.

5.5. Жароҳат юзаси ёки шиллик қатламларга тегадиган лаборатория асбоб-анжомлари дезинфекция қилингандан сўнг мажбурий стерилизация олди тозалаш ва стерилизация қилиниши керак. Стерилизация олди тозалаш ва стерилизация қилиш МСБ да 2-иловага қатъий риоя этилган ҳолда олиб борилади.

5.6. Микроскопия ўтказилганидан сўнг қон қуйилган ва суртилган буюм ойначаларидан иммерсион мой қолдиқлари тозаланади, шишаchalар бўёқлар тўлиқ кетгунига қадар камида 15 дақиқада совунли эритмада қайнатилади, сўнgra оқиб турган сувда ювилади ҳамда қуритиш шкафида қуритилади.

5.7. Мебель, анжомлар, қурилмалар ва ҳ.к.лар қон ёки ажратмалар билан ифлосланганда дарҳол дезинфекцияловчи эритмаларда ҳўлланган латта, пахта ёки докали тампонлар билан артиб чиқилиши керак.

5.8. Ишлатилган латта “Ишлатилган латтани дезинфекция қилиш учун” деб маркировкаланган махсус ажратилган идишга ташланади.

5.9. Махсус кийим қон ёки ажратмалар билан ифлосланганда, уларни ифлосланиш жойига дастлаб дезинфекцияловчи эритма билан ишлов бериб ечилади.

5.10. Бир марталик лаборатория асбоб-анжомлари/тахтачалар, автоматик пипеткалар учун тумшуқчалар ва ҳ.к.лар амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ утилизация қилинади.

5.11. Сийдик тадқиқотдан сўнг канализацияга оқизиб юборилади

5.12. Сийдикни текшириш учун ишлатилган лаборатория идишлари 10 дақиқа муддатга сақлаб турган ҳолда таркибида 0,5% хлор сақловчи дезинфекция воситасининг эритмасига ёки йўриқномага мувофиқ бошқа дезинфектантга ботириб қўйиш орқали дезинфекция қилинади. Дезинфекция қилишдан сўнг идишлар ювилади, чайилади ва мажбурий стерилизациядан ўтказилмасдан қуритиш шкафида қуритилади.

5.13. Лаборатория идишлари, шиша идишчалар, колбалар, буюм шишаchalari, шиша таёқчалар ва ҳ.к.лар дезинфекцияловчи эритмада (таркибида хлор сақловчи воситалар ёки йўриқномага мувофиқ бошқа дезинфектантда) заарсизлантирилади. Бошқа биологик суюқликлар, шунингдек, улар билан ишлашда фойданиладиган идишлар ва асбоб-анжомларга қон ва сиворотка билан ишлашдагидек тартибда заарсизлантирилади.

5.14. Мукаммал тозалов ишлари ушбу санитария қоидаларининг 3-иловасига мувофиқ кунига бир марта амалга оширилади.

5.15. Кундалик тозалов ишлари юувучи воситалардан фойдаланган ҳолда кунига 3 марта, шу жумладан, дезинфекцияловчи воситалар қўлланилган ҳолда 1 марта олиб борилади.

5.16. Шиша пробиркалар ишлатилган тақдирда заарсизлантириш таркибида 0,5% хлор сақловчи дезинфекция воситаларининг эритмасида ёки бошқа дезинфектантдан йўриқномага мувофиқ амалга оширилади.

5.17. Бир маротаба ишлатиладиган лаборатория буюмлари амалдаги норматив ҳужжатга мувофиқ утилизация қилинади.

## **6. Тиббиёт ходимлари хавфсизлиги чоралари**

6.1. Барча қон намуналарига парентерал вирусли гепатитлар ва ОИВ инфекцияси қўзғатувчилари бўлиши мумкинлиги инобатга олган ҳолда потенциал хавфли деган муносабатда бўлиш керак.

6.2. Қон олишни амалга ошираётган тиббиёт ходимлари хавфсизлик чораларига риоя этиши керак.

6.3. Құллар қон, сиворотка, ажратмалар билан ифлосланған тақдирда улар тери антисептигига ивитилған тампон билан яхшилаб артилади ва шундан сүңг оқар сувда совунлаб ювиб ташланади.

6.4. Иш столлари юзалари иш куни яқунида (қон билан ифлосланған тақдирда эса дархол) дезинфекция воситалар билан мазкур воситага тегишли методик күрсатмалар талабларига асосан заарсизлантирилади.

6.5. Ходимлар вирусли гепатитнинг В ва С маркерларига амалдаги норматив ҳужжатта мувофиқ йилда камида бир марта текширилади.

## **ХII. Эндоскопик аралашувлардаги инфекцион касалликлар профилактикаси**

### **1. Умумий қоидалар**

1.1. Эндоскопик аралашувлар кам инвазив, юқори информатив ва самарали тиббиёт хизматлари бўлиб, турли касалликларни ташхислаш (эндоскопик текширувлар) ва даволашга (эндоскопик муолажа, шу жумладан эндоскопик оператив аралашув) қаратилған. Эндоскопик аралашувлар эндоскопик асбоблардан фойдаланган ҳолда бажарилади.

1.2. Эндоскопик асбоблар-ускуналар, шу жумладан эндоскоплар ва уларга тегишли асбоблар мустақил тарзда ёки эндоскопик ва эндожаррохлик мажмуалар (тизимлар) таркибидаги тарзда эндоскопик аралашувлар ўтказиш учун мўлжалланған тиббиёт буюмларига тегишлидир.

1.3. Эндоскоплар ишлатиши жараёнида шиллиқ қатламлар билан контактда бўлади ва (ёки) организмнинг стерил органлари, тўқималари ва бўшлиқларига киради. Мақсадига кўра улар стерил бўлмаган ва стерил эндоскопик аралашувлар ўтказиш эндоскопларига бўлинадилар.

1.4. Одатий тарзда ўз микрофлорасига эга (ошқозон-ичак тракти, нафас йўллари) органларга табиий йўллар орқали эндоскоп киритиладиган ҳолатлардаги аралашувлар стерил бўлмаган ҳисобланади.

1.5. Қон оқими йўлларига, организм бўшлиғи ва тўқимасига тешиклар, тери ва шиллиқ қатламдаги кесимлар орқали, ҳамда одатда стерил органларга (бачадон, сийдик пуфаги) табиий йўллар орқали эндоскоп киритилиши ҳолатлари стерил аралашувлар деб ҳисобланади.

1.6. Ташхислаш ва даволаш аралашувларини ўтказиш учун клиник амалиётда эндоскопларни қўллаш bemорлар ва ходимларга инфекцион касалликлар юқиши хавфини келтириб чиқаради.

1.7. Юқори даражадаги дезинфекцияда (кейинги ўринларда - ЮДД) вегетатив шаклдаги бактериялар, замбруғлар, вируслар ва бактериялар спораларининг бир қанча миқдори йўқолиши таъминланади. Эндо скопларни ЮДД қилиш қўл билан ёки ювиш ва дезинфекция қилиш машинасида (кейинги ўринларда - ЮДМ) механик тарзда бажарилади.

## **2. Эндо скопик аралашувлар билан боғлиқ инфекцион касалликлар профилактикаси бўйича тадбирларни ташкил этиш ва назорат қилиш**

2.1. Эндо скопик аралашувларни амалга оширувчи ва (ёки) эндо скопик асбоб-ускуналарга ишлов бериш ва уларни сақлашни амалга оширувчи тиббиёт ташкилотларининг таркибий бўлинмаларидағи санитария ва эпидемияга қарши (профилактик) тадбирлар bemорлар ва ходимларга инфекция юқишига йўл қўймасликка қаратилган.

2.2. Эндо скопик аралашувларни бажарувчи даволаш-профилактик муассасаларнинг таркибий бўлинмаларида муассаса раҳбарининг буйруғи билан эпидемияга қарши тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш, шу жумладан эндо скопик асбоб-ускуналарга ишлов бериш сифатига жавобгар шахслар тайинланган бўлиши керак.

2.3. Мазкур боб талабларини бажариш устидан назорат тадбирлари, шу жумладан эндо скопик асбоб-ускунага ишлов бериш сифатини лабораторияда назорат қилишни ўтказиш инфекцион назорат бўйича комиссия иши режасига киритилади.

2.4. Эндо скопик аралашувлар амалга ошириладиган таркибий бўлинмадаги мавжуд ҳар бир эндо скопга унинг тури (модели) ва серия рақами ҳақида маълумотларни ўз ичига оловчи идентификацион код (рақам) берилади. Тиббий аралашув жараёнида ишлатилган эндо скопнинг идентификацион коди эндо скопик аралашув протоколида, эндо скопия бўлими, бўлинмаси, хонасида бажарилган текширувларни рўйхатга олиш журналиниң маҳсус қайдлар графасида ёки стационардаги оператив аралашувлар қайд журналида кўрсатилиши керак.

2.5. Эндо скопга ишлов беришнинг ҳар бир цикли мазкур норматив хужжатнинг жадвалига асосан журналда қайд этилиши керак.

2.6. Стерил бўлмаган аралашувлар учун эндо скопларга ишлов бериш назорати журналида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- эндо скопга ишлов берилган сана;
- эндо скопнинг идентификацион коди (рақами);
- герметикликка тест натижалари;
- якуний тозалаш учун восита номи;
- якуний тозалаш жараёни бошланган ва тугаган вақт;
- талабларга асосан ўтказилган тозалантанлик сифати назорати натижалари азопирам ва фенолфталеин синов қўйиш орқали аниқланади;
- эндо скопни ЮДД қилиш усули (қўлда ёки механизацияшган).

2.7. Кўлда ёки механизациялашган ишлов бериш усулларида қуидагилар кўрсатилиши керак:

- восита номи ва уни қўллаш режимини назорат қилувчи параметрлар(температурасибаеритма концентрацияси);
- таъсир кўрсатувчи модда (ТКМ) мавжудлиги даражаси назорати натижалари;
- дезинфекцион сақлаш бошланиши/якуни вақти (механизациялашган усулда), ювиш ва дезинфекция машинасида ишлов бериш цикли якунланиши вақти;
- ишлов беришни бажарган тиббиёт ходими фамилияси, исми, отасининг исми ва имзоси.

2.8. Стерил аралашувлар учун мўлжалланган эндоскоплар, эндоскоплар учун асбоблар ва ёрдамчи ускуналарни тозалаш сифати тиббиёт буюмларига стерилизациядан олдин ишлов бериш сифатини ҳисобга олиш журналида қайд этилиши керак (Ф-366У).

2.9. Операция блоки ёки жарроҳлик тармоғидаги бўлинма стерилизация хонасида тўлдириладиган эндоскопик асбоб-ускунани қўл билан стерилизация қилиш назорати журналида қуидагилар кўрсатилиши керак:

- ишлов бериш санаси;
- стерилизация қилинадиган буюмлар, шу жумладан эндоскоп номлари;
- эндоскоп идентификация коди (номери) (бир нечта эндоскоп мавжудлиги ҳолатида);
- стерилизация қилувчи восита номи ва уни қўллаш режимининг назорат қилиш параметрлари (эрима ҳарорати, эрима концентрацияси ва ишчи эримада ТКВнинг миқдори даражасини назорат қилиш натижалари);
- эндоскопни стерилизация қилиш якунланган ва ўралган вақти;
- ишлов беришни амалга оширган тиббиёт ходими фамилияси, исми, отасининг исми ва имзоси;

2.10. Операция блокининг стерилизация хонасида стерилизация қилиш асбоб-ускунасини қўллаган ҳолда эндоскопия асбобини стерилизация қилишда стерилизация параметрлари стерилизатор ишини назорат қилиш журналида рўйхатга олинади.

2.11. Марказлаштирилган стерилизация бўлинмасида (кейинги ўринларда - МСБ) стерил аралашувлар учун асбоблар ва эндоскопларга ишлов беришда ишлов бериш босқичлари тиббиёт буюмларига стерилизациядан олдин ишлов бериш сифатини рўйхатга олиш журналида (Ф-366У) ва стерилизаторлар ишини назорат қилиш журналларида (Ф-257У) қайд этилиши керак.

2.12. Эндоскоп ва уларга тегишли асбобларни эндоскопия бўлинмаси ва операцион блок хоналари орасида, ҳамда тиббиёт муассасасининг бошқа бўлинмалари ва МСБга транспортировка қилиш қаттиқ контейнерларда ёки идишларда ёпик тарзда амалга оширилиши керак.

2.13. Эндоскоплар транспортировкаси учун контейнерлар ва идишлар ҳар сафар ишлатилганидан сўнг дезинфекция қилиниши керак.

### **3. Эндоскоплар ва уларга тегишли асбобларга ишлов бериш циклига талаблар**

3.1. Стерил бўлмаган аралашувлар учун эндоскоплар ва уларга тегишли асбоблар (клапанлар, қопқоқлар, қалпоқчалар) бевосита ишлатилганидан сўнг қуидаги кетма-кетликда:

- дастлабки тозаланади;
- якуний тозаланади (дезинфекция билан биргаликдаги якуний тозалаш);
- юқори даражада дезинфекция қилинади;
- қайта контаминацияланишини мустасно қилувчи шароитларда сақланади.

3.2. Стерил эндоскопик аралашувлар учун эндоскопик асбоб-ускуна, шу жумладан эндоскоплар, стерил ва стерил бўлмаган аралашувлар учун барча турдаги асбоблар бевосита ишлатилишидан олдин:

- дастлабки тозаланади;
- стерилизациядан олдин тозаланади, ҳамда дезинфекция қилинади;
- стерилизация қилинади;
- қайта контаминацияланишини мустасно қилувчи шароитларда сақланади.

3.3. Стерил бўлмаган аралашувлар ўтказиш учун мўлжалланган эндоскоп ҳар сафар ишлатилганидан сўнг унга ишлов беришнинг барча босқичлари дарҳол тўлиқ ҳажмда бажарилиш керак. Эндоскопик аралашувда жалб қилинган ёки қилинмаганлигидан қатъий назар эндоскопнинг барча каналларига ишлов берилади.

3.4. Эндоскоплар ва уларга тегишли асбобларни бевосита ишлатишдан кейин самарали дезинфекция қилиш ва стерилизациядан олдинги тозалаш ишларини ўтказиш шарти билан уларни стерилизация қилиш жараёнини кейинги иш сменасига ўтказишга рухсат этилади.

### **4. Стерил эндоскопик аралашувлар ўтказиш, стерил аралашувлар учун эндоскоплар ва асбобларга ишлов бериш учун мўлжалланган хоналарга талаблар**

4.1. Стерил эндоскопик аралашувлар операция хоналарида, тиббиёт ташкилотларининг кичик операция хоналарида ёки эндоскопия хоналарида ўтказилиши керак.

4.2. Оператив аралашув тугашидан сўнг эндоскопия асбоб-ускунасини (қаттиқ эндоскоп, видеокамера бошчаси, световод, сўриш (ювиш) насоси, инсуффляция ускунаси, силикон найчалар тўплами, асбоблар) дастлабки тозалаш жарроҳлик анжомларини дастлабки тозалаш ишлари олиб бориладиган хонада олиб борилиши керак.

4.3. Эгилувчан эндоскоплар ва уларга тегишли асбобларни дастлабки тозалаш ишлари эндоскопия манипуляциялари хонасида аралашув тугаши биланоқ ўтказилиши керак.

4.4. Стерил манипуляциялар учун эндоскоплар ва асбобларни стерилизациядан аввал тозалаш билан дезинфекция қилиш операция блокининг асбобларни ажратиш ва ювиш хонасида ўтказилиши керак.

4.5. Стерил аралашувлар учун эндоскоплар ва асбобларни стерилизация қилиш қўйидагича ўтказилади:

- операция блокининг стерилизация хонасида қўл усулида;
- операция блоки, жарроҳлик бўлинмасининг стерилизация хонаси ёки МСБда стерилизация асбоб-ускунаси ёрдамида механизациялашган усулда.

4.6. Стерилизация қилинган эндоскоплар ва асбоблар асептик шароитларда сақланиши керак.

4.7. Стерил эндоскопик аралашувлар ўтказиладиган хоналарни тозалаш ва дезинфекция қилиш ҳар бир аралашувдан сўнг амалга оширилади.

## **5. Эндоскопия асбоб-ускуналарига ишлов бериш асбоблари, воситалари ва материалларига талаблар**

5.1. Эндоскоплар ва эндоскопия ва эндожарроҳлик мажмуалар (тизимлар) таркибидаги бошқа тиббиёт буюмлари, ҳамда эндоскопларга тегишли асбобларга ишлов беришда Ўзбекистон Республикасида ушбу мақсадларда қўллаш учун рухсат этилган тиббиёт техникаси буюмлари (стерилизаторлар, ювиш машиналари, ювиш ва дезинфекция қилиш машиналари, ультратовушли тозаловчилар ва бошқалар), ювиш ва дезинфекция қилиш воситалари ишлатилиши керак.

5.2. Тозалаш, дезинфекция қилиш (шу жумладан ЮДД) воситалари, ҳамда стерилизация воситалари ва усулларини танлашда эндоскоп ва уларга тегишли асбобларни ишлаб чиқарувчиларнинг маълум воситанинг (стериилловчи агент) ушбу тиббиёт буюмлари материалларига кўрсатувчи таъсирига тааллуқли маслаҳатларини инобатга олиш керак.

5.3. Тозалаш ва дезинфекция билан биргаликдаги тозалаш учун маслаҳат этилган режимларда органик ифлосликларга қотиувчи таъсири кўрсатувчи, шу жумладан таркибида спирт ва альдегидлар сақловчи дезинфекциялавчи воситаларни қўллаш ман этилади.

5.4. Эндоскопларни тозалаш учун ферментлар ва (ёки) юзаки фаол моддалар асосидаги ювиш воситалари эритмалари бир марта ишлатилади. Дезинфекция билан биргаликдаги тозалаш режимида дезинфекция воситалари эритмалари ташқи күриниш ўзгаргунигача, бироқ бир иш сменасидан ошмаган тарзда қўлланади.

5.5. Эндоскопларни ЮДД қилиш учун альдегид сақловчи, кислородга фаол ва спораларга таъсирили концентрациядаги баъзи хлор сақловчи эритмалар қўлланилади.

5.6. Эндоскоплар ва уларга тегишли асбобларни стерилизация қилиш учун қўйидагилар қўлланилади:

- буғли, газли ва плазмали усувлар;
- альдегид сақловчи, кислородга фаол ва спораларга таъсирили концентрациядаги баъзи хлор сақловчи эритмалар.

5.7. Эндоскоплар ва уларга тегишли асбобларни стерилизация қилиш учун озонли стерилизаторлар ишлатиш тақиқланади.

5.8. Стерилизация ва ЮДД учун воситалар ишчи эритмаларини кўп марта қўллашда (яроқлилик муддати даврида):

- тиббиёт буюмлари эритмага ботирилиши олдидан қуритилиши керак (кўлда ишлов бериш усули);
- бир ойда бир марта ишчи эритма таркибида таъсир кўрсатувчи модданинг микдори назорат қилиниши керак;
- ишчи эритма таркибида таъсир кўрсатувчи модданинг микдори даражаси норматив кўрсатгичдан пасайган ҳолатда ёки эритма ифлосланишининг кўзга ташланувчи биринчи белгилари пайдо бўлиши ҳолатида эритма алмаштирилади.

5.9. Стерилизация ва ЮДД учун воситаларнинг ишчи эритмалари солинган идишларнинг қопқоқлари, восита номи, унинг концентрацияси, қўллаш мақсади, тайёрланган санаси, яроқлилик муддати кўрсатилган ёзувлари бўлиши керак.

Кўллаш учун тайёр воситалар учун номи ва қўллаш мақсади, уни қўллаш бошланган сана кўрсатилиши керак.

## **6. Эндоскопик асбоб-ускунага ишлов бериш ва уни сақлашга талаблар**

6.1. Стерил бўлмаган аралашувлар учун ишлатилганидан сўнг эгилувчан эндоскопларга ишлов бериш қўйидаги кетма-кетликда бўлиши керак:

6.1.1. Киритилувчи найча ташқи юзасини дастлабки тозалаш, каналларни ювиш; видеондоскоп учун – химоя қалпоқчаси ёрдамида герметизация.

6.1.2. Эндоскопни кўздан кечириш ва герметиклигини текшириш. Герметик бўлмаган эндоскопга ишлов берилмайди ва ишлатилмайди.

6.1.3. Якуний тозалаш ёки дезинфекция билан бирлашган якуний тозалаш ўз ичига қўйидагиларни олади:

- эндоскопни барча каналларини ирригатор, адаптер ва ювиш найчалари орқали тўлдирган ҳолда ювиш воситаси ёки ювиб-дезинфекцияловчи восита эритмасига восита йўриқномасида кўрсатилган вақтга ботириб қўйиш;
- эндоскоп ташқи юзаларини салфетка билан тозалаш, чўтка билан клапанлар, клапан тешиклари, ён оптика ва тозалашга очик каналларни тозалаш;
- эндоскопнинг барча каналларини ирригатор, адаптерлар ва ювиш найчалари орқали ювиш ёки ювиб-дезинфекцияловчи эритма билан ювиш;
- эндоскопнинг ташқи юзалари ва каналларини тозалашдаги мосламалардан фойдаланиб ичимлик суви билан чайиш;
- ташқи юзаларни тоза материал билан ва каналларни ҳаво ҳайдаш орқали (аспирация билан) қуритиш.

Эндоскопларни тозалаш ва чайиш босқичларидан кейин қолган ювишда ишлатилган сув дастлаб заарсизлантирилмасдан марказий канализацияга тўкилади.

6.1.4. Эндоскопни тозалаш сифатини текшириш азопирам ва фенолфталеин синов қўйиш орқали аниқланади.

6.1.5. Эндоскопни қўл усулида ишлов бериб ЮДД қилиш жараёни ўз ичига қуидаги босқичларни олади:

- Ўзбекистон Республикасида рухсат этилган ва рўйхатдан ўтказилган дезинфекция воситаларидан бирининг эритмасида эндоскопни тўлиқ ботириш ҳолатида дезинфекция қилиш учун ушлаб туриш. Барча каналлар эритма билан мажбурий тўлган бўлиши, ҳаво пуфакчалари ташқи юзалардан салфетка билан олиб ташланиши керак;
- ЮДД учун мўлжалланган муайян воситани қўллаш бўйича йўриқномага кўра эндоскопни чайиш. Гастроинтестинал тадқиқотлар учун эндоскоплар ичимлик суви сифатига эга сув тармоғидаги сувда, бронхоскоплар стерил сувда, қайнатилган сувда ёки антибактериал фильтрларда тозаланган сувда чайилиши керак. Эндоскопни чайиш учун муайян микдордаги сув бир марта ишлатилади.

6.1.6. Эндоскопнинг ташқи юзаларидан намликни стерил материал ёрдамида йўқотиш; каналлардан ҳаво ҳайдаш ёки ҳавони фаол аспирация қилиш орқали. Эндоскоп каналларидан намликни тўлиқ йўқотиш учун 70-95% этил спирти билан чайиш ва ҳаво ҳайдаш орқали якунланади.

6.1.7. Эндоскопларга механизациялашган усулда ишлов бериш асбоб-ускунани эксплуатация қилиш хужжатига кўра амалга оширилади. Стерил бўлмаган аралашувлар учун эндоскопларга ювиш-дезинфекциялаш машинасида ишлов беришнинг ҳар бир циклидан аввал, агар ювиш-дезинфекциялаш машинаси йўриқномасида бошқа кўрсатмалар берилмаган бўлса, уларни қўл усулида якуний тозалаш амалга оширилади (шу жумладан, барча очик каналлар учун чўткадан фойдаланган тарзда).

6.1.8. Эндоскопларнинг маълум бир моделларига ювиш-дезинфекциялаш машинасида ишлов бериш асосий каналларни машинага улаш учун адаптерлар мавжуд ҳолатида амалга оширилади. Ювиш-дезинфекциялаш машинасида кўшимча канал улаш учун адаптер йўқлиги ҳолатида (сув узатиш учун, СО узатиш учун, элеватор ўтказгичи учун) бу каналга ювиш-дезинфекциялаш машинасида цикл бошлангунича қўл усулида ишлов берилиши керак.

6.1.9. Ишлов беришдан сўнг эндоскоп қайта ишлатилиши мумкин ёки қайта контаминация бўлмайдиган шароитларда сақланиши мумкин.

6.1.10. Иш сменаси давомида ишлов берилган эндоскоп йигилган ва стерил материалга ўралган ҳолда навбатдаги ишлатишгача З соатгача сақланиши мумкин. Кўрсатилган вақт давомида ишлатилмаган эндоскоп қайтадан ЮДД қилинади.

6.1.11. Иш сменалари орасида эндоскоп ёйилган ҳолда, стерил материалга ўралган ёки эндоскопларни қуритиш ва сақлаш шкафида ўралмаган ҳолда асептик муҳитда сақланиши керак.

Эндоскопларнинг қуритиш ва сақлаш шкафида асептик муҳитда сақланиш муддати шкафни эксплуатация қилиш йўриқномасида кўрсатилади. Эндоскоплар стерил матоли ғилофда сақланиши муддати 72 соатдан ошмаслиги керак. Кўрсатилган муддатдан сўнг эндоскоп қайта ЮДД қилинади.

6.1.12. Эндоскопларни шкафда тўғридан-тўғри ультрабинафша нурлар остида сақланиши тақиқланади.

6.1.13. Линзаларни тозалаш учун сув солинадиган идиш (контейнер, бакча), шу идиш учун қопқоқ ва улаш учун шланглар иш сменаси якунида тозаланади, қуритилади ва стерилизация қилинади. Ишлатишдан аввал идиш стерил сув билан тўлдирилади.

6.1.14. Аспирация банкаси иш жараёнида 4 дан 3 қисмидан ошмаган тарзда тўлдирилади. Ҳар сафар бўшатилганидан сўнг у ботириш орқали дезинфекция қилинади ва тозаланади. Ҳар бир аспирация сўриб олиш учун камида иккитада банка мўлжалланади.

6.2. Стерил эндоскопия аралашувлари ўтказиш учун эгилувчан эндоскопларга ишлатилганидан сўнг ишлов бериш қуидаги кетма-кетликда ўтказилиши керак:

6.2.1. Дастребки тозалаш 7.1.1. бандида белгиланган тартибда ўтказилади.

6.2.2. Стерилизациядан аввалги дезинфекция қилиш билан бирга олиб бориладиган тозалаш жараёни 6.1.3. бандида ўрнатилган дезинфекция қилиш билан бирга олиб бориладиган якуний тозалаш жараёнига ўхшаш тарзда бажарилади.

6.2.3. Эгилувчан эндоскопларни стерилизация қилиш кимёвий воситалар эритмаларида қўл усули билан бажарилади ёки эндоскопнинг муайян модели учун ишлатишга чекловларга эга бўлмаган (материаллари, каналлар сони, узунлиги ва диаметрига кўра) паст ҳароратли стерилизаторларда механизациялашган усулда бажарилади.

**6.2.4. Эндоскопларни қўл усулида стерилизация қилиш ўз ичига қўйидаги босқичларни олади:**

– эндоскопни тўлиқ ботириш ва каналларини адаптерлар (ювиш найчалари) орқали мажбурий тўлдириш, ҳамда ташқи юзаларидан ҳаво пуффакчаларини йўқотиш тарзида мазкур бобнинг 6.6. бандида кўрсатилган воситаларнинг бирининг эритмасида стерилизация қилиш учун ушлаб туриш;

–муайян стерилизация қилиш воситасининг қўллаш йўриқномасига кўра эндоскопни стерил сувда чайиш. Ички каналлари адаптерлар, ювиш найчалари орқали чайилади.

Стерил сув ва сув учун стерил контейнерлар бир марта ишлатилади.

**6.2.5. Эндоскопнинг ташқи юзалари стерил салфеткалар билан куритилади, каналлари босим остидаги ҳаво ёки ҳаво аспирацияси орқали куритилади. Каналлар спирт билан кўшимча қуритилмайди. Стериллаш воситаси қолдиқларидан ювилган ва куритилган буюмлар стерил мато солинган стерил стерилизация қутисига жойланади. Стерилизация қилинган буюмларни сақлашнинг рухсат этилган муддати 72 соатдан ошиқ эмас.**

**6.3. Стерил операция аралашувлари учун қаттиқ эндоскопларга ишлов бериш ўз ичига қўйидаги жараёнларни олади: дастлабки тозалаш, дезинфекция қилиш билан бирга олиб бориладиган стерилизациядан аввалги тозалаш, стерилизация.**

**6.3.1. Қаттиқ эндоскоплар ва уларга тегишли буюмларни дезинфекция қилиш билан бирга олиб бориладиган стерилизациядан аввалги тозалаш қўл усулида ёки ювиш-дезинфекциялаш машинасида механизациялашган усулда ўтказилади.**

**6.3.2. Эндоскопга қўл усулида ишлов беришда дезинфекция қилиш билан бирга олиб бориладиган стерилизациядан аввалги тозалаш жараёни ўз ичига қўйидаги босқичларни киритади:**

- ювиб-дезинфекцияловчи эритмада эндоскопни тўлиқ ботириш ва каналларини мажбурий тўлдириш тарзида дезинфекция қилиш учун ушлаб туриш;
- тегишли ўлчамдаги чўтка ва симли тозалаш анжомлари ёрдамида эндоскопнинг ички каналлари ва ечиладиган деталларини механик тарзда тозалаш;
- ички каналларни маҳсус мосламалар (босим остида ювиш найчалари, ювиш шприцлари ёки учликларга эга ювиш тўппончаси) ёрдамида ювиш;
- эндоскопни, шу жумладан каналларни маҳсус мосламалар ёрдамида ичимлик суви сифатидаги сув ва дистилланган сув билан чайиш;

Эндоскоп ташқи юзалари юмшоқ мато билан, каналлари ҳаво тўппончалари ёрдамида ҳаво билан қуритилади. Ишлаб чиқарувчи йўриқномасида кўрсатилган бўлса, оптик юзалар қўшимча тарзда 70% спирт билан қуритилади.

6.3.3. Дезинфекция қилиш билан бирга олиб бориладиган стерилизациядан аввалги тозалаш механизациялашган усулда эндоскопик асбобнинг ишлаб чиқарувчиси томонидан рухсат этилган кимёвий воситалар ёки кимёвий воситалар ва термик усулда ювиш-дезинфекциялаш машинасида бажарилади.

6.3.4. Дезинфекция қилиш билан бирга олиб бориладиган стерилизация якунланганидан сўнг азопирам ва фенолфталеин синов қўйиш орқали сифати текширилади; эксплуатация қилиш йўриқномасига мос равища функционал тестлар ўтказилади, тасвир сифати текширилади, эндоскопнинг кранлар ва қимиirlайдиган қисмларининг шарнирлари мойланади.

6.3.5. Стерилизациянинг автоматик циклидан аввал эндоскоп яхшилаб қуритилади ва танланган стерилизация усули учун тасияланган стерилизация контейнерига солинади.

6.3.6. Эндоскопни қўл усулида стерилизация қилиш 6.2.4. бандига асосан ўтказилиши керак.

6.3.7. Видеокамерани бошқариш блоки ва видео бошча блокига (оптик адаптер (объектив) интеграция қилинган видео бошча блоки, винтли уланиш ва оптик адаптер ёки адаптерсиз видео бошча) ишлов бериш тармоқ штекери узилганидан сўнг дарҳол бошланади.

6.3.7.1. Видеокамерани бошқариш блоки альдегидлар, спирт ёки биологик ифлосликларни қотирувчи бошқа компонентларни ўзида сақламайдиган дезинфекция воситасида хўлланган бир марталик салфетка билан артилади.

6.3.7.2. Видео бошча, объектив ва видео бошча кабели узилишлар ва ёрикларга текширилганидан сўнг нейтрал ювиш воситаси эритмасида дастлабки тозалаш бажарилади.

6.3.7.3. Эндоскопик асбоб-ускуна видео бошчаси, объективи ва видео бошча кабелини дезинфекция қилиш билан бирга олиб бориладиган стерилизациядан олдинги тозалаш жараёни ўз ичига қуйидаги босқичларни олади:

- дезинфекция қилиш учун ушлаб туриш вақт мобайнида ювиш-дезинфекциялаш эритмасида ботириш;
- видео бошча ва объективдан ифлосликларни юмшоқ чўтка (мато) билан тозалаш;
- дистилланган сув билан чайиш.

6.3.7.4. Эндоскоп видео бошчаси, объективи ва видео бошча кабелиишлиб чиқарувчи тавсиясига кўра буғли, газли ва плазмали усуллар билан стерилизация қилинади. Стерилизациядан аввал оптика ва камера штекери тозалиги текширилади, шиша юзалари 70% спирт билан қуритилади, шикастланишларга текширилади.

6.3.7.5. Оператив аралашув ўтказиш вақтида видео бошча ва кабель химоясини ошириш учун бир марталик стерил ғилофларни ишлатишдан аввал мазкур тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчининг йўриқномасига мос равища ишлов беришнинг барча жараёнларидан ўтказилиши керак.

6.3.8. Шиша толали (суюқлили) световодларни дезинфекция қилиш билан бирга олиб бориладиган стерилизациядан аввалги тозалаш қўл усулида ёки механизациялашган усулда бажарилади. Шиша юзалар стерилизациядан аввал қўшимча тарзда 70% спирт билан қуритилади, функционал тест ўтказилади. Шиша толали световодлар мазкур бобнинг 5.6. бандида келтирилган усуллар билан стерилизация қилинади. Суюқлили световодлар газли усулда ёки кимёвий воситалар эритмаларида стерилизация қилинади.

6.3.9. Сўриш насосига (ювиш насоси ёки помпаси) тегишли буюмлар бўлган аспирация банкаси ва кўп марта ишлатилувчи силикон найчалар комплектини дезинфекция қилиш билан бирга олиб бориладиган стерилизациядан аввалги тозалаш ҳар бир эндоскопик операциядан сўнг қўл усулида ёки механизациялашган усулда ўтказилади, стерилизация қилиш буғли усулда ишлаб чиқарувчи тавсия этган режимда бажарилади.

Тармоқдан узилганидан сўнг помпани таркибида спирт сақламайдиган дезинфекция воситаси эритмасига хўлланган салфетка билан артилади.

6.3.10. Инсуффляция асбобига унга тегишли буюмлар билан бирга ишлов бериш қуйидаги кетма-кетликда бажарилади:

6.3.10.1. Тармоқдан узилганидан сўнг мослама таркибида спирт сақламайдиган дезинфекция воситаси эритмасига хўлланган салфетка билан артилади

6.3.10.2. Кўп марта ишлатиладиган силикон найчалар комплекти:

- ювиш воситаси эритмасида дастлабки тозаланади;
- ювиш-дезинфекциялаш воситалари оқими билан найчаларнинг ички бўшлиқларини тўсиқларсиз ювиш учун маҳсус мосламалардан фойдаланган ҳолда қўл усулида ёки механизациялашган усулда дезинфекция қилиш билан бирга олиб бориладиган стерилизациядан аввал тозаланади; қўл усулида ишлов бериш ҳолатида ковакли бўшлиқларни чўткалар билан механик тозаланади;
- дистилланган сув билан чайилади;
- ички бўшлиқларни ҳаво билан ва ташқи юзаларни мато билан қуритилади;
- герметиклиги кўриб чиқилади ва текширилади;
- буғли усулда стерилизация қилинади.

6.3.10.3. Артроскопия учун найчалар тўплами бир марта ишлатилади ва уларга қайта ишлов берилмайди.

6.4. Стерилизация қилинган эндоскоплар ва унга тегишли асбобларни сақлаш муддати танланган стерилизация усули, тури ва қадоқлаш материалининг яроқлилик муддатига асосан белгиланади.

## **7. Эндоскопларга тегишли асбобларга ишлов бериш технологиясига талаблар**

7.1. Эндоскопларга тегишли асбобларга ишлов бериш эндоскоплардан алоҳида бажарилиши керак.

7.2. Дастлабки тозалашни ўтказиши учун асбоблар ювиш воситаси эритмасига бевосита ишлатилгандан сўнг солинади. Мураккаб эндожарроҳлик комплекслар асбобларининг ишчи, шунингдек роботларга тегишилариқисмлари стерелизация олди тозалаш ва дезинфекция ўтказишдан аввал ювиш эритмаси қуйилган маҳсус пробиркаларга бевосита ишлатилгандан сўнг солинади.

7.3. Эндоскопга тегишли асбобларни дезинфекция билан мужассамлашган стерелизация олди тозалаш қўл усулида ёки механизациялаштирилган усулда амалга оширилади.

7.3.1. Дезинфекция билан мужассамлашган стерелизация олди тозалашнинг механизациялаштирилган усули ультратовуш тозалагич (УТТ) ёки ювиш-дезинфекциялаш машинаси ёрдамида бажарилади. Шиша оптик қисмли асбобларни тозалаш учун УТТ ишлатилишига йўл қўйилмайди.

7.3.2. Дезинфекция билан мужассамлашган стерилизациядан олдинги тозалашнинг қўл усули жараёнига қўйидаги босқичлар киради:

- ички каналлари мажбурий тўлдирилган ҳолда асбобни ювиб-дезинфекцияловчи восита эритмасига тўлиқ ботириб уни дезинфекция қилиш учун эритмасида ушлаб туриш;
- салфетка, чўтка ёрдамида асбоб ташқи юзаларини тозалаш; тор ички каналларни маҳсус мосламалар (босим остидаги сув билан ювиш найчаси, ювиш шприци ёки тегишли насадкали ювиш тўппончаси) ёрдамида ювиб тозалаш;
- чўтка ва симли тозалагичлар ёрдамида ички каналларни механик равища тозалаш;
- маҳсус мосламалар ёрдамида ички каналларни ювиб-дезинфекцияловчи восита эритмасида қайта ювиш;
- асбоб ташқи юзаларини дистилланган сувда чайиш ва маҳсус мосламалар ёрдамида ички каналларини ювиш.

Асбоблар ташқи сиртлари мато ёрдамида, ички бўшлиқлари ҳаво пистолети ёрдамида ҳаво билан қуритилади.

7.4. Эндоскопга тегишли асбобларни стерилизация олди тозалашдан кейин, унинг сифати назорати азопирам синови ёрдамида назорат қилинади. Буюмларни ишқорли эритмадан чайилганлик сифатини баҳолаш учун фенолфталеин синови ўтказилади.

7.5. Стерилизация усулини танлашда асбоблар ишлаб чиқарувчисининг тавсиялари инобатга олинади. Эндоскопга тегишли асбобларни қўл усулида стерилизация қилишнинг жараёни ушбу бобнинг 6.2.4-бандида белгиланган тартиб асосида ўтказилиши лозим.

## **8. Эндоскопик аралашув билан боғлиқ эҳтимолига эга инфекцион касалланиш ҳолатлари юзасидан эпидемиологик текширув ўтказиши тартиби**

8.1. Эндоскопик аралашув билан тахминий боғлиқ инфекцион касалланиш ҳолати юзага келишида эпидемиологик текширув ўтказилиши керак.

8.2. Касаллик қўзғатувчи бактериялар келтириб чиқарган инфекция ҳолатини текширишда:

8.2.1. Бемор ҳақидаги қўйидаги маълумотлар аниқланади: касалланиш санаси, микроорганизмнинг ажратилган штамми хусусиятига эга клиник материалнинг бактериологик тадқиқоти, серологик ва бошқа лаборатория текшируви усуллари натижалари; касалланиш инкубация даврида эндоскопик аралашув амалга оширилган сана (саналар).

8.2.2. Эндоскопик аралашувни амалга оширувчи ДПМ бўлинмалари текширишдан ўтказилиб, текширишда қўйидагиларга баҳо берилади:

- эндоскопларга амалда ишлов беришнинг ушбу санитария қоидалари ва ДПМ томонидан тасдиқланган ишчи йўриқномага мувофиқлиги; қўлланилаётган тозалаш воситалари ва ЮДД;
- ЮДД даври параметрлари устидан назоратни таъминлаш; стерилизация олди тозалаш ва асбоблар стерилизацияси сифати;
- эндоскопларга ишлов беришни амалга оширган ходимлар билимлари, уларда эндоскопик аралашув билан боғлиқ инфекциялар профилактикаси бўйича малака ошириш тўғрисидаги гувоҳнома мавжудлиги.

8.2.3. Эпидемиологик текширув ўтказилаётган йилдан аввалги йил бўйича эндоскопларга ишлов бериш самарадорлигининг режали бактериологик назорати натижалари таҳлил қилинади.

8.2.4. Инфекциянинг тахминий манбасини аниқлаш ва жабр кўрган bemor мубтало бўлган касал юқтириш айни хавфи остида бўлган bemorларни аниқлаш учун қўйидаги тадбирлар ўтказилади:

- стерил бўлмаган аралашувлар учун эндоскопларга ишлов бериш журнали, бўлим, бўлинма, эндоскопия хонасида ўтказиладиган тадқиқотларни қайд қилиш журнали ва стационарда қилинган операцияларни қайд қилиш журналидаги маълумот асосида жабр кўрган bemorдан олдин ва кейин айнан шу эндоскоп ёрдамида касалланиш этиологиясига мувофиқ эпидемиолог томонидан белгиланган давр мобайнида кўрикдан ўтган (операция қилинган) bemorлар рўйхати тузилади;
- тиббий ҳужжатлар ва ўтказилган қўшимча лаборатория тадқиқотлари маълумотлари бўйича мазкур рўйхатга киритилган bemorларга инфекцион мақоми белгиланади;
- жабр кўрган bemorга нисбатан эндоскопик аралашувда ва ускунага ишлов беришда бевосита иштирок этган тиббий ходимлар кўриги ва лаборатория текшируви;
- микроорганизмлар тури бўйича идентификация қилиш ёрдамида клиник материалдан келиб чиқсан бир турдаги бактерияларнинг бир хилигини исботлаш орқали жабр кўрган(лар) билан инфекциянинг тахминий манбаси (агар у аниқланган бўлса) ўртасида тўғридан тўғри боғлиқлик мажудлиги аниқланади.

8.2.5. Инфекция қўзғатувчисини ўтказувчи эҳтимолий омиллар сифатида эндоскоп, эндоскопга тегишли асбоблар, ювиб-дезинфекцияловчи машиналар ва тиббий ходимлар қўллари кўриб чиқилади. Инфекция қўзғатувчисини ўтказувчи омилни аниқлаш учун қуидаги тадбирлар амалга оширилади:

- жабрланувчи беморга нисбатан қўлланилган эндоскопнинг герметик ҳолатига баҳо бериш, ажратилган микроорганизмлар турини аниқлашгачатарзда унга ишлов бериш самарадорлиги устидан навбатдан ташқари бактериологик назорат. Эндоскоп канали ва/ёки ташқи юзаларидан олинган оқава сувдан ажратилган микроорганизм билан жабр кўрган bemорда инфекцион касалликни қўзғатган микроорганизм бир хиллиги, мазкур эндоскоп инфекция ўтказувчи омил эканидан далолат беради;
- эндоскопик тадқиқот баённомаси бўйича ишлатилган асбоб тури аниқланади; ишлов бериш технологиясига риоя қилиш, шунингдек стерилизация усули баҳоланади; стериллиги юзасидан асбоблар режали микробиологик назоратининг аввалги натижалари таҳлил қилинади;
- навбатдан ташқари бактериологик назорат ўтказилади;
- стерил бўлмаган аралашувлар учун эндоскопларга ишлов бериш назорати журналидан фойдаланган ҳолда эндоскопга ишлов бериш ювиб-дезинфекцияловчи машина аниқланади (ишлов беришнинг механизациялашган усули қўлланилганда) ва машинанинг турли жойларидан олинган оқава сувлар ва дезинфекцияловчи воситанинг ишчи эритмасидан (кўп маротаба ишлатилганда) синовлар иккиласи заҳарланишни текшириш мақсадида бактериологик тадқиқотдан ўтказилади. Олинган синовлардаги микроорганизм билан жабр кўрган bemорда инфекцион касаллик қўзғатувчиси бир хил деб аниқланса, ювиб-дезинфекцияловчи машинани инфекция ўтказувчи омил сифатида кўришга асос бўлади.

8.3. Шартли-патоген бактериялар (ШПБ) томонидан қўзғатилган ва диагностика-эндоскопик кўрик ёки эндоскопик йўл орқали амалга оширилган жарроҳлик аралашуви билан боғлиқ инфекция ҳолатлари текшируви патоген бактериялар келтириб чиқарган инфекциялар ўхшашлиги асосида ўтказилади. Кўшимча равишда эпидемиологик вазият тўғрисидаги маълумот ва тиббий ташкилот бўйича микробиологик мониторинг натижалари баҳоланади. ШПБ томонидан қўзғатилган инфекциялар эндоскопик аралашув ўтказилганидан бошлаб 48 соатдан 30 кунчага бўлган муддат ичida вужудга келса, қайд қилиниши лозим.

Зааралangan bemorlaridan olingan klinik materialdan, hamda infekция ўтказувчи тахминий омиллардан olingan oқava suda, ajralgan bir turdagini bakteriyalar ekinlari bir xilligini aниқлаш учун ularning ekinlik xususiyatlari taққoslanaadi.

8.4. Тахминан эндоскопик аралашув туфайли bemornинг вирусли гепатит В (ВГВ) ёки вирусли гепатит С (ВГС) ни юқтириб олиш ҳолати юзасидан эпидемиологик текширувни ўтказганда bemor ҳақида қуидаги маълумотларни тўплаш керак:

касалланиш санаси, охирги, яъни касалланишдан олдин, вирусли гепатит маркерларига қон зардобини текшириш ўтказилган сана ва (ёки) хужжат билан тасдиқланган салбий натижа билан дезоксирибонуклеин кислотаси (ДНК) ва (ёки) рибонуклеин кислотаси (РНК) аниқланган сана; гепатит В га қарши эмлаш мавжудлиги (вакцина эмланган сана ва дори); максимал инкубацион давр мобайнида эндоскопик аралашув санаси (саналари).

8.4.1. Инфекция қўзғатувчисининг эҳтимолий ўтказувчи омили сифатида эндоскоп кўриб чиқилганда, қуйидаги тадбирларни ўтказиш лозим:

- эндоскопга ишлов беришнинг барча жиҳатлари ушбу боб 9.2.2 ва 9.2.3-бандларига мувофиқ ўрганиб чиқилади;
- эндоскопик аралашувлар харитаси (бажарилган турли хил аралашувлар кетма-кетлиги) тузилиб, стерил бўлмаган аралашувлар учун эндоскопларга ишлов бериш назорати журнали, бўлим, бўлинма, эндоскопия хонасида ўтказиладиган тадқиқотларни қайд қилиш журнали ёки стационарда қилинган операцияларни қайд қилиш журнали бўйича касал юқтирган беморга нисбатан эндоскопик аралашув санасигача бўлган (ВГВ учун) 3 ой ёки (ВГС учун) 2 ҳафта мобайнида айнан шу эндоскопда кўриқдан ўтган (операция қилинган) беморлар аниқланади;
- аниқланган беморларда тиббий муассасага келиб жойлашишдан олдин В (С) гепатити бор ёки йўқлиги тўғрисида маълумот олиш учун уларнинг тиббий хужжатлари ўрганилади; бундай маълумотларга эга бўлмаган шахсларга нисбатан ВГВ (ВГС) маркерларига қўшимча текширишлар ўтказилиб, жоиз бўлса, ДНК (РНК) ва вирус генотипи аниқланади.

Беморнинг вирус гепатити генотипи жабр кўрган шахсда эндоскопик тадқиқот ўтказиш санасидан олдин аниқланган гепотипдака бўлса, бемор инфекция эҳтимолий манбаси сифатида кўрилиши мумкин. Жабр кўрган шахс билан бемор ўртасида тўғридан-тўғри алоқа борлигини исботлаш мақсадида вируслар бирдайлигини белгилаш учун уларни молекуляр-генетик тадқиқотдан ўтказиш даркор.

Юқорида келтирилган муддат мобайнида вирусли гепатит маркерлари аниқланмаган беморлар (серогатив беморлар) жабр кўрган шахс билан бир қаторда касал юқтириш хавфига мубтало бўлганлар сифатида кўриб чиқилади. Эндоскопик тадқиқотдан кейинги максимал инкубацион давр мобайнида уларда ВГВ (ВГС) маркерлари топилса, бу ҳол инфекция манбаси билан касал юқтирган бемор ўртасида алоқа борлигини (йўқлигини) тасдиқлаш учун вирусни верификация қилишнинг молекуляр-генетик усувларини қўллаган ҳолда чуқур клиник-лаборатория тадқиқотини ўтказиш учун асос бўлади.

8.4.2. Эндоскопик тадқиқот седатив дорилар қўлланилиши билан ўтказилган бўлса, бундай дори номлари ва қадоқланиши (бир дозали, кўп дозали) аниқланмоғи керак. Касалланган ва бошқа беморлар учун дорининг бир флакони ишлатилганда (ўтказилган эндоскопик тадқиқот туридан қатъий назар) уларнинг қони ВГВ (ВГС) маркери юзасидан текширилади, серопозитив шахсларда эса ДНК (РНК) вируси ажратилади. Бир генотип вируси билан касал юқтирган беморлар ўртасида боғлиқлик борлигини исботлаш учун қўшимча тарзда тадқиқотларнинг молекуляр-генетик усувларидан фойдаланилади.

### **XIII. Физиотерапевтик бўлимларда (хоналар) эпидемияга қарши тартибни таъминлаш**

1. Физиотерапевтик бўлим (хона) бинолари тўплами ва майдонлари амалдаги норматив хужжатга мувофиқ ташкил этилади.

2. Физиотерапевтик хоналар қўлларни, аппаратура ва унинг қисмларини ювиш учун алоҳида раковиналар билан жихозланган бўлиши керак. Хоналар алоҳида чойшаб ёки салфеткалар билан, сув муолажалари ўтказиладиган хоналар – резина шиппаклар билан таъминланади. Тўшак тўпламлар етарли миқдорда бўлмаганда bemорга ўз тўшак тўпламларини олиб келиш таклиф қилинади.

3. Даволаш курси учун биритирилган тўшак тўпламлар полиэтилен халтачаларда сақланиб, улар даволаниш тугаганидан сўнг, йўриқномага мувофиқ, таркибида 0,5% хлор сақловчи препаратнинг эритмаси ёки бошқа дезинфектант билан икки марта артиш йўли билан заарсизлантириллади.

4. Кушеткалар алоҳида салфеткалар билан қопланади (бош ва тананинг, очик жойиостига), салфеткалар бўлмаганда эса ҳар бир bemор олдин ва кейин таркибида 0,5% хлор сақловчи препаратнинг эритмаси ёки бошқа дезинфектант билан йўриқномага мувофиқ артиб чиқилади.

5. Тоза тўшак тўпламлар махсус ажратилган шкафларда сақланади. Ишлатилган тўшак тўпламлар маркировкаланган идишларга (қопларга) йифилади, ҳамда уларнинг ичидан хонадан олиб чиқилади.

6. Ҳар бир bemорга хизмат кўрсатиш олдидан ходимлар қўлларини ушбу санитария қоидаларининг 1-иловасига мувофиқ ювади. Заарсизлантирилган буюмлар сақлаш идишларидан стерил пинцет ёки корцанг ёрдамида олинади.

7. Bemор териси ва шиллиқ пардалари билан мулоқотда бўладиган физиотерапевтик аппаратура ёки унинг қисмлари заарсизлантирилиши керак. Дезинфекция қилиш усули ва воситалари 18-жадвалда кўрсатилган. Ишлов берилган буюмлар маркировкаланган идишларда сақланади.

8. Кўз ва шиллиқ пардалар муолажалари учун пахта, дока, фильтрловчи қофоз стерилизация қилиниб, тўлиқ ишлатилгунига қадар сақланади.

9. Физиотерапевтик бўлим хоналарини тозалаш ҳар бир сменадан сўнг ювиш воситалари ёрдамида амалга оширилади. Гилам поёндозлари ҳар куни чангютгич билан тозаланади. Вақти-вақти билан ёки камида йилига икки марта пардалар алмаштириллади, деворлар ва ёритиш арматураси ювилади.

10. Шкафлар, тоза тўшак тўпламлар ва заарсизлантирилган буюмлар сақланадиган тумбочкалар ички сиртлари ҳафтасига бир марта таркибида 0,5% хлор сақловчи препаратнинг эритмасида ёки бошқа дезинфектант билан йўриқномага мувофиқ артиб чиқилади.

11. Тери инфекцион касалликларига чалинган bemорлар даволанганидан сўнг адёллари камерали заарсизлантириллади.

12. Физиотерапевтик бўлимда ечиладиган милкли ва нуқтали электродлар, ҚТУБ (қисқа тўлқинли ультрабинафша нурлантиргич) аппарати тубуси, лазер қурилмаси нур йўналтиргичлари, дарсонвализация аппарати шиша электродлари дезинфекция қилинади. Оғизни аппликация қилиш учун стерил материал ишлатиллади.

13. Паст кучланишли токлар (гальванизация, электрофорез) билан даволаш, электрдаволаш (юқори кучланиш электртоклари, электр майдони, ультратовуш), ингаляция аппарати ишлатилганда, нур, сув ва иссиқлик билан даволашда заарсизлантириш ишлари ушбу санитария қоидаларининг 18-жадвалига асосан амалга оширилади.

#### **XIV. Кирхоналарнинг жиҳозланиши, асбоб-ускуналари ва эксплуатация қилинишига қўйиладиган талаблар**

##### **1. Умумий қоидалар**

1.1. Ички кийим ва чойшаб тўплами ювилиши марказлаштирилган тарзда (шахар, туман негизида), бирлаштирилган кирхоналар ёки стационарларнинг ўз кирхоналарида ташкил этилади. Бунда кирхоналар мавжуд санитар-гигиеник талаб ва нормаларга жавоб бериши ватўшак тўпламлари ювилиши тегишли сифатини таъминлаши лозим:

1.2. Чойшаб тўпламлари ҳолати, ички кийим ва чойшаб тўпламиайланма миқдори ва заҳираси стационардаги ўринлар фондига мувофиқ бўлиши керак. Стационарлар таъминот табелига мувофиқ етарли миқдорда чойшаб тўплами билан таъминланиши ва камида уч смена айланма миқдорига эга бўлиши керак.

1.3. Чойшаб тўпламиифлосланиши даражасига қараб мунтазам равишда, лекин 7 кунда камида бир марта алмаштирилиши керак. Беморлар ажратмалари билан ифлосланган чойшаб тўпламидарҳол алмаштирилиши лозим. Туғадиган аёлларнинг чойшаб тўплами алмаштирилиши 3 кунда 1 марта, ички кийими ва сочиқлари эса ифлосланиши даражасига қараб – ҳар куни, таглик салфеткалари – заруратга қараб олиб борилиши керак. Уйдан олиб келинган тоза чойшаб тўпламлари, туғадиган аёллар учун бир марталик тагликлар (мазкур тартибда) ишлатилишига рухсат берилади. Операциядан кейин bemorlarрга чойшаб тўпламларни алмаштириш яралардан ажратмалар тўхтагунига қадар тизимли равишда олиб борилади.

1.4. Акушерлик стационарларида чақалоқ ва тукқан аёллар учун тоза уй чойшаб тўпламиша бола учун кийим-кечак, бир марталик тагликлар(памперслар) ишлатилишига рухсат берилади.

1.5. Шунингдек, чақалоқлар уй ички кийими (яктакча, иштонча, қалпоқчалар ва ҳ.к.лар), тукқан аёллар эса ички кийим (қўйлаклар, халатлар) ишлатилишига рухсат берилади. Улар ип-газлама матодан тикилган, тоза ва дазмолланган бўлиши керак.

1.6. Бўлимларда bemorlarдан ифлос ички кийимлар маҳсус идишга (клеёнкали ёки полиэтиленли қоплар, маҳсус жиҳозланган ички кийим аравачалари ёки шунга ўхшаш бошқа мосламалар) йигилади ва марказлаштирилган ички кийимлар кирхонасига топширилади.

1.7. Бўлимларда ифлос чойшаб тўпламларни ажратиб саралаштақиқланади.

1.8. Бўлимларда ифлостўшак тўпламларни вақтинчалик (12 соатдан ошмаган ҳолда) сақлашни санитария хоналари ёки ушбу мақсад учун маҳсус ажратилган бошқа хоналарда ёпиқ идишда (металл, пластмасса бакча, зич қутилар ва дезинфекция қилинадиган бошқа идишларда) амалга ошириш керак.

1.9. Ифлос чойшаб тўпламлари билан ишловчи ходимлар сменали санитария кийими (халат, рўмол, қўлқоплар, инфекцион ва биологик суюқликлар билан ифлосланган чойшаб тўпламлар билан ишлаш учун ниқоб) билан таъминланиши керак.

1.10. Тоза чойшаб тўпламлар махсус ажратилган хоналарда (чойшаб тўпламлар сақлаш хонаси) сақланиши керак. Бўлимларда тоза чойшаб тўпламларнинг бир кунлик заҳираси сақланиши керак. Бир кунлик заҳира алоҳида хоналарда ёки, шундай мақсад учун махсус ажратилган оддий ёки ўрнатилгандеклар бўлганда, бўлимдаги иш жойларида (ҳамшира постлари ва бошқа тозалик режими сақланган хоналарда) сақланиши лозим.

1.11. Чойшаб тўпламлар ва идишлар бўлимлар бўйича маркировкаланиши керак. Бўлимларда маркировкаланмаган чойшаб тўпламлари сақланишига йўл қўйилмайди.

1.12. Ифлос чойшаб тўпламларни кирхонага етказиш махсус ёпиқ контейнерларда зич матодан тайёрланган ёпиқ идишга ўраб солинган махсус ажратилган фиддиракли транспорт воситасида амалга оширилиши керак. Кирхонадан тоза чойшаб тўпламларни етказиш ҳам худди шундай ўралган ҳолда амалга оширилади.

1.13. Чойшаб тўпламлари идиши ташиш пайтида ифлосланишига сабаб бўладиган нуқсонларга эга бўлмаслиги ҳамда “Тоза” ёки “Кир” ва унинг муассасага мансублиги кўрсатилган ёрликларга эга бўлиши керак.

1.14. Ифлос ва тоза чойшаб тўпламларни битта идишда ташишга йўл қўйилмайди. Матоли идишни (қоплар) ювиш чойшаб тўпламлар билан бирга амалга оширилиши керак.

1.15. Ҳар бир бемор ёки мархум чиқариб юборилганидан сўнг, шунингдек ифлосланиш даражасига қараб, тўшак, ёстиқ, кўрпалар алмаштирилиб, дезинфекция камерасида ишлов бериши лозим.

1.16. Инфекцияли ёки инфекцион касаллик билан заарланган чойшаб тўпламларга ишлов бериш назарда тутилган кирхоналар, шу билан бирга, қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

а) инфекцион касаллик билан заарланган чойшаб тўпламлар ўтказиладиган хоналар (қабулхона, ажратиш хонаси) қолган барча хоналардан ажратиб олинган бўлиши лозим;

б) “ифлос” хоналар гурӯҳи мустақил вентиляция тизими билан таъминланган бўлиши керак;

в) инфекцион касаллик билан заарланган чойшаб тўпламларни дезинфекция будильникларига юклаш ажратиш хонасидан амалга оширилади: дезинфекция будильниклари бўлмагандачойшаб тўпламлари дезинфекциясикир ювиш бўлими ванналарида амалга оширилади;

г) дезинфекция қилинган чойшаб тўпламларини будильниқдан олишни кир ювиш бўлими амалга оширади;

## **2. Чойшаб түпламларини ювиш технологиясига қўйиладиган талаблар**

2.1. Чойшаб түпламлари қабул қилиш пайтида тури, ифлосланиш даражаси ва рангига қараб ажратилади.

### **Турига қараб:**

- чойшаб, кўрпажилдлари, газламали кўрпа, ёстиқ жилдлари, сочиқлар, кўйлаклар;
- халатлар (бўзли);
- куртка, фартук, ошпазлик қалпоқлари;
- пахмоқ халатлар (рангига қараб);
- пахмоқ кўрпалар (рангига қараб);
- болалар ички кийимлари (йўргак, яктакча ва ҳ.к.лар);
- тиббиёт халатлари.

### **Ифлосланиши даражасига қараб:**

- ўзига хос (оқсили)ифлосланишга эга түпламлар;
- бошқа турдаги ифлосланишлар.

2.2. Кирхонадаги кир ювиш машиналари юклаш вазнига мувофиқ чойшаб түпламлардангина ҳисобга олган ҳолда ажратилади

2.3. Бўлимлардан олинадиган чойшаб түпламлари солинган қоплар ҳар сафар дезинфекцияловчи воситалар қўлланилган ҳолда ювилиши керак.

2.4. Кир ювиш цехичойшаб түпламларни ивitiш учун ванналар билан жиҳозланиши керак.

2.5. Чойшаб түпламларни ивitiш  $40^{\circ}\text{C}$  юқори бўлмаган ҳароратдаги сувда, оқсили ифлосланишларга эга чойшаб түпламларэса (оқсилик ифлосланишларнинг дамланишини олдини олиш учун) – дезинфектантли совуқ сувда амалга оширилади.

### **Нажас ва қон билан ислофланган чойшаб түпламларни ивitiш**

Ишлатилаётган дезинфектант*	Ушлаб туриш вақти	Дезинфектант сарфланиш нормаси
Таркибидан хлор сақловчи 0,1 фоизли эритма	30 дақиқа	4 л/кг қуруқ чойшаб түплами

\* бошқа дезинфектант йўриқномага мувофиқ ишлатилади.

2.6. Нажас ва қон қолдиқлари билан ифлосланган чойшаб түпламларни ивitiшни кальций гипохlorиди билан олиб бориш тавсия этилмайди, чунки бу чойшаб түпламлар эскириш муддатига таъсир этади.

2.7. Чойшаб түпламларни тўлиқ ботирган ҳолда қайнаган пайтидан бошлаб 15 дақиқа давомида 0,5 фоизли ювиш воситаси ёки 2 фоизли совун-садали эритмада қайнатиш (ювиш воситаси = 1 кг қуруқ тўшак түпламларга 30,0 грамм сода + 30,0 грамм совун ёки 35,0 грамм кир ювиш кукуни).

2.8. Чойшаб түпламларни чайиш комбириинланган кир ювиш-сиқиши машиналарида ёки маҳсус ванналарда бажарилади.

2.9. Оқартирувчи дезинфекцияловчи воситалар сирланган ёки полиэтилен идишларда оз міндердегі сувда эритилади.

2.10. Кирхоналар янги автомат кир ювиш машиналари билан жиҳозланған тақдирда чойшаб түпламларни дастлабки дезинфекция қилишга зарурат бўлмайди.

2.11. Чойшаб түпламларни ювишга юклаш ивitiшдан сўнг олиб борилиши керак.

2.12. Чойшаб түпламларни чиқариб олиш кир ювиш бўлими томондан олиб борилади, бу ерда улар центрифугаларда ёки қуритиш хоналарида чайилади, қиши пайтида эса, ёпиқ хонада ва ёз мавсумида очик майдонларда қуритилади.

2.13. Чойшаб түпламларни қуритиш учун майдонча асфальтланған бўлиши, ёйиш учун етарлича йўлакчаларга эга бўлиши керак. Қуритилганидан сўнг чойшаб түпламлар ажратиш, тузатиш цехига келиб тушиб, у ерда ходимлар тоза ҳудуд учун мўлжалланған маҳсус ажратилган тоза кийимда ишлайди.

2.14. Ажратишдан сўнг чойшаб түпламларида змоллаш цехига келиб тушиб, у ерда чойшаб түпламлари тахланади ва дазмолланади. Цех дазмоллаш аппарат ва столчалари билан жиҳозланған бўлиши керак.

2.15. Тоза чойшаб түпламларишлов берилган қопларга солинадива жўнатиш хонаси (тоза чойшаб түпламлариучун хона) сўриларига тахланади.

2.16. Чойшаб түпламлариқабул қилинадиган, сараланадиган ва ювиладиган цехларни ҳар куни дезинфекцияловчи воситалари (таркибида 0,5% хлор сақловчи препаратурнинг эритмаси билан кихонада ишлатиладиган ювиш воситаси 0,5 фоизли эритмаси) қўлланилган ҳолда намлаб йиғишириш керак.

2.17. Ушбу хоналарда хизмат кўрсатувчи ходимларнинг маҳсус кийими ҳар куни алмаштирилиши зарур.

2.18. Кирхонанинг барча ходимлари амалдаги норматив ҳужжатга мувофиқ даврий тиббий кўрикдан ўтказилиши керак.

2.19. Кирхона ходимлари ҳар йили санитария минимуми дастури бўйича машғулотлар курсида ўқитилиши керак.

## **XV. Даволаш-профилактика муассасаларида беморлар овқатланишини ташкил этишда санитария-гигиеник талабларга риоя этилиши**

### **1. УМУМИЙ КЎРСАТМАЛАР**

1.1. Даволаш-профилактика муассасаларида беморлар овқатланишини ташкил этиш умумий даволаш жараёнининг бир қисми сифатида беморларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича асосий тадбирлар қаторига киради.

1.2. Даволаш-профилактика муассасалари озиқ-овқат блокларида даволаш муассасининг озиқ-овқат блоки, буфет ва ошхона бўлимларини ўюштириш ва санитар сақлаш бўйича амалдаги ҳужжат талабларига қатъий риоя этилиши керак.

1.3. Овқат тайёрлаш цехлари шундай тарзда жойлаштирилиши керакки, озиқ-овқат маҳсулотлари, хомашё, яримтайёр маҳсулотларга бирламчи ва кейинги босқичларда ишлов бериш алоҳида-алоҳида амалга оширилиши керак, бунда хом ва тайёр маҳсулот окимлари кесишувини истисно килиш

## **2. Озиқ-овқат блоки хоналарига қўйиладиган гигиеник талаблар**

2.1. Озиқ-овқат блоки пишириш цехи механик ва иссиқлик ошхона-технологик асбоб-ускуналари, шунингдек, зарур ошпазлик асбоб-анжомларига эга бўлиши керак. Унда қуидаги асбоб-ускунаўрнатилган бўлиши лозим: қовуриш шкафига эга электр плиталар (ёки газ плиталар), электр ўчоқлари, пиширилган гўшт учун электр майший гўшт қиймалагич ёки қўл гўшт қиймалагич (пиширилган гўшт учун деган ёрлиғи билан), пиширилган сабзавотлар учун қиймалагич (ёрлиқли), артиш машинаси, электр манқалдон, электр қовуриш шкафлари, буғда пишириш шкафлари (аппаратлари), аралаштиргич машина (гўшт қиймаси учун), универсал узатма, хом ва пиширилган маҳсулотлар билан ишлаш учун столлар, ёрма саралагичлар, кўкат майдалагичлар (ёрлиқли), кастрюль ташиш аравалари, ошхона тарозиси.

Пишириш цехида парҳез ва шифобахш таомлар, ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш учун қуидаги зарур ошхона асбоб-анжомлари бўлиши керак: чўмичлар, капгиrlар, сузгичлар, болтачалар, пичноқлар, ошпаз санчқилари, ошпаз қошиқлари, човли, қирғичлар, куракчалар, ошпаз қисқичлари, ёни тик товалар, миксер, блендер (2з-сонли парҳез, OD (махсус болалар таомнома столи), жарроҳлик муолажаларидан кейинги парҳез ва қирғичдан ўтказилган парҳез таомлар тайёрлаш учун гомогенизатор), сферик элак (ёрмалар, пиширилган сабзавотдан қирғичланган таомлар тайёрлаш учун), бўлаклаш тахтачалари (маркировкаланган), элак (ун, шакарни элаш учун), катта симли ғалвир, ўлчовли асбоб-анжом ва ҳ.к.лар.

Хом маҳсулотларга ишлов бериш учун ишлатиладиган асбоб-ускуналар ва асбоб-анжомлар пиширилган маҳсулотларга ишлов бериш учун ишлатилмаслиги керак.

Бўлаклаш тахтачалари қаттиқ турдаги ёғочдан тайёрланиши, ёриқ ва тирқишиларсиз, текис рандаланган бўлиши керак. Шунингдек, полимер материаллардан тайёрланган тахтачалардан ҳам фойдаланишга рухсат берилади.

Бўлаклаш тахтачаларининг ён юзаси қуидагicha ёрлиқланади: ХГ, ХБ, ХС (хом гўшт, хом балиқ, хом сабзавот), ПГ, ПБ, ПС (пишган гўшт, пишган балиқ, пишган сабзавот), кўкатлар ва нон учун тахтачалар ҳам худди шундай (“кўкат учун”, “нон учун” деб) ёрлиқланади. Тахтачалар алоҳида цех ва иш ўринларига бириклирилади.

Иш якунлангандан сўнг бўлаклаш тахтачалари ювиш воситаларидан қўлланилган ҳолда иссиқ сувда ювилади, қайнок сувда чайилади (ёки қайнатилади) ва қуритилади. Бўлаклаш тахтачалари ён ҳолатда тик сақланади. Ҳар бир номланишдаги бўлаклаш тахтачаларининг камида 2 та янги тўплами заҳирада туриши керак.

Ишлатиладиган пичноқ ва болтачалар зангламас пўлатдан тайёрланган бўлиши керак, улар дастаклари бўлаклаш тахтачалари каби ёрлиқланади.

Цехлардаги овқат тайёрлаш столлари тегишли ХГ (хом гўшт учун), ХБ (хом балиқ учун), ХС (хом сабзавот учун), ПГ (пишган гўшт учун), ПБ (пишган балиқ учун), ПС (пишган сабзавот учун), СМ (сочиувчан маҳсулотлар – ёрмалар, макарон учун) деган ёрлиқларга эга бўлиши керак.

Овқат тайёрлаш столлари юзаси зангламас пўлат, дюралюмин материалдан тайёрланган бўлиши керак. Шу билан бирга, мармар плита ва полимер метериаллардан (П-73, П-74 русумдаги винипластдан) ясалганяхлит тахталар билан қопланган столларга йўл қўйилади. Рухланган темир ва ёғочдан ясалган овқат тайёрлаш стол қопқоқлари тақиқланган.

Ишлатгандан сўнг овқат тайёрлаш столларининг иш юзаси ювиш воситалари ёрдамида илиқ сувда яхшилаб ювилади, устидан қайнок сув қўйилади.

Пишириш цехида қуйидаги зарур идиш-товоқлар бўлиши лозим: зангламас пўлатдан (катта ва кичик сифимли) қилинганмаркировкаланган кастрюллар (“1-таомлар учун”, “2-таомлар учун”, “компотлар учун”, “сут учун” вах.к.), алюминий кастрюллар (катта ва кичик сифимли), сирланган чеълаклар, товалар, чўян (ёки куйинди олмайдиган тефлон қопламали) қозонлар, мантиқасқонлар, ёни тик товалар, қайладонлар, қулоқли идишлар, порцион товалар. Ситалл (иссиққа бардош шишакристалл материалдан) қилинган идиш-товоқлар ишлатилишига рухсат этилади.

Рухланган идиш-товоқлар (челаклар, баклар, тоғоралар) фақат сув ташиш, озиқ-овқат чиқиндиларини йиғиш учун мўлжалланган. Озиқ-овқат блокида маҳсулотлар ёки тайёр овқатларни сақлаш учун рухланган, мис идиш-товоқ қўлланилиши тақиқланади.

2.2. Гўшт цехи гўштни ювиш ваннаси, гўштни қуритиш учун решёткалар, зангламас пўлатдан (ёки дюралюминдан) ясалган бўлаклаш столлари (гўштни нимталаш ва бўлаклаш учун), нимталаш кундаси, электр гўштқиймалагич (“хом гўшт учун” деб маркировкаланган), музлатгич, почта тарозиси билан жиҳозланган бўлиши лозим, ҳамда гўшт чопиш учун болта, бўлаклаш пичноқлари, гўшт нимталаш ва тўғраш учун болтачалар, гўшт ювиш учун чўткашлар, латта, тозалов ишлари асбоб-анжомларига эга бўлиши керак.

2.3. Сабзавотлар цехи электр картошка тозалагич, сабзавот ювиш учун 2 ўринли (уали) ювгич (ёки ванна), сабзавот тўғраш учун овқат тайёрлаш столлари, сабзавот кескич, қирғичлар, сабзавот арчиликчилиги чиқиндилари учун баклар, сабзавот тозалаш ва тўғраш учун пичноқлар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

2.4. Ун (қандолат) цехи хамир ёйиш учун стол, овқат тайёрлаш столлари, хамир қориши машинаси, қовуриш шкафига эга хамир тайёрлаш (хамир оширадиган ёки хамир оширмайдиган) учун идиш, ошхона тарозиси билан жиҳозланиши лозим; зарур асбоб-анжомлар: ўқлов, ун элаш учун элак, куракчалар, пичноқлар, тунука това, ўлчовли асбоб-анжомга эга бўлиши керак.

2.5. Сут цехи сутни совутиш ваннаси ва музлатгич шкаф билан жиҳозланиши лозим; катта сифимли маркировкаланган (“сут учун”) алюминий кастрюллар, чўмичлар, сутсузгичларга эга бўлиши керак.

2.6. Озиқ-овқат блоки идиш-товоқлар ювишхонаси ошхона идиш-товоқларини ювиш учун ювгич ёки ванналар (2 уали), идиш-товоқ қуритиш учун токчалар, овқат қолдиқларини йиғиш учун баклар билан жиҳозланган бўлиши лозим; идиш-товоқ ювиш учун чўтка, куракчалар, латта, ювиш воситалари, маркировкаланган тозалов ишлари учун асбоб-анжомларга (челак, швабра, латталар) эга бўлиши керак.

2.7. Гарманже (маҳсулотларни бир суткага сақлаш хонаси) маҳсулотларни сақлаш учун токчалар (ёки жавонлар), тарози, тез бузилувчи маҳсулотларни сақлаш учун музлатгич, тоғоралар, кастрюллар, овқат тайёрлаш столига эга бўлиши лозим.

2.8. Врач-диетолог (диетолог ҳамшира) хонаси ёзув столи, китоб шкафи, устки кийим-кечак учун шкаф, тоза халатлар учун шкафга эга бўлиши керак.

2.9. Озиқ-овқат блоки ошпазлари, ошхона ходимлари учун кийим-кечак хонасида устки кийим ва пойабзаллар сақлаш учун ва тоза маҳсус кийим-кечак учун шкафлар, иссиқ ва совуқ сув таъминотига уланган умивальник, совун, электр қуригич ёки бир марталик сочиқлар ўрами ҳамда ойнабўлиши лозим.

2.10. Ички кийимлар хонаси ошпазлар ва ошхона ходимларининг тоза маҳсус кийим-кечаги тўпламлари, ҳамда шахсий сочиқларни сақлаш учун мўлжалланган.

2.11. Озиқ-овқат блоки хўжалик хонаси ювиш воситалари, ички кийимлар тўпламлари, хўжалик материаллари, ошхона (захира) асбоб-анжомлари, янги асбоб-анжомлар ва ҳ.к.ларни сақлаш учун мўлжалланган; бундай хона токчалар, шкафлар билан жиҳозланади.

2.12. Озиқ-овқат блоки санитария узелида иссиқ ва совуқ сув таъминотига, ҳамда канализация тармоғига уланган ҳожатхона, юваниш хонаси, умивальниклар (умивальникларда совун бўлиши), душ мосламалари (душ кабиналари) билан жиҳозланган бўлиши лозим; юваниш хоналари резина гиламчалар, ёғоч траплар, кийим ва сочиқ учун илгичларга эга бўлиши керак. Озиқ-овқат блоки санитария узели ва юваниш хонасидаги деворлар 1,8 м баландликда оч ранг кафель билан қопланган бўлиши керак.

### **3. Озиқ-овқат блокида ошхона идиш-товоқлари ва асбоб-ускуналарини ювиш тартиби**

3.1. Идиш-товоқлар овқат қолдиқларидан ёғоч кураклар ва резина қирғичлар ёрдамида тозаланади, мойканинг 1-резервуарида ювиш воситалари билан ( $45-50^{\circ}\text{C}$ ) сувда ювилиб, 2-резервуарида чайлади, идиш-товоқ ва асбоб-анжомлар ( $65^{\circ}\text{C}$ дан паст бўлмаган ҳароратдаги) сувда ювилиб, тўнтарилган ҳолатда панжарасимон токчаларда (жавонларда) қуритилади. Овқат пиширилдиган қозон ва кастрюляларни эгилувчан шланг ёрдамида чайиш мумкин. Тагига олган куйинди қириб ташланмай, балки кальцийли сода билан илиқ сувда ивитиб қўйилади. Кальцийли сода билан ювилганидан сўнг кальцийли сода қолдиқларини йўқотиш учун кастрюллар оқар сувда яхшилаб чайлади. Ошхона идиш-товоғини гидроаброзив аралашмалар ёрдамида маҳсус ювиш машиналарида ювиш мумкин. Ювишнинг иккита режими кўзда тутилган: шўрва, қайнатма шўрва, компот пиширилган идиш-товоқ учун тез; пюре, бўтқа, макарон маҳсулотлар пиширилган идиш-товоқлар учун секин режим. Қуритилган ошхона идиш-товоқлари токчаларда тўнтарилган ҳолда сақланади. Сайқалланган идиш-товоқлардан ташқари металл идиш-товоқлар тозалаш паста ёки кукунлари билан тозаланади. Ифлосланган юзаси тозаланганидан кейин идиш-товоқ оқар сувда яхшилаб ювилади ва чайлади. Идиш-товоқлардаги қасмоқларни йўқотиш учун кукунлар ишлатилади. Алюмин идиш-товоқлар ювиш воситалари билан ювилади. Металл, мармар юзали бўлаклаш ва овқат тайёрлаш столлари ювиш воситалари ёрдамида илиқ сувда ювилиб, устидан қайноқ сув қўйилади. Қайнатма шўрва, қайлалар сузуб олинадиган сузгич ва дока ювиш воситалар билан иссиқ сувда ювилиб, кейин чайлади.

3.2. Идиш-товоқ ювиш чўтка, қирғич ва ишқалагичлари ишдан сўнг ювиш воситалари ёрдамида ювилиб, 10-15 дақика давомидага қайнатилади; идиш-товоқлар ювиш ишқалагич, чўтка ва латтачалари ювилгандан сўнг таркибида 0,5% хлор сақловчи препаратнинг эритмаси қўйилган идишга 10 дақиқага солиниб, шундан сўнг ювига ташланади, қуритилади ва маҳсус ажратилган жойда сақланади.

3.3. Чиқинди ва ахлат бакларини 2/3 қисмigaттойлдирмай тозалаш керак. Ишдан сўнг бакчалар тўлдирилганлик даражасидан қатъий назар бўшатилади, 2% кальцийли сода эритмасида ювилади, иссиқ сувда чайлади ва қутилилади. Озиқовқат блокининг чиқинди контейнерлари озиқ-овқат блоки биносидан 25 метр узоқда ўрнатилади. Чиқиндилар бўшатилгандан сўнг контейнерлар 2% кальцийли сода эритмаси билан ювилади ва 10% хлорли оҳак эритмаси билан дезинфекция қилинади.

3.4. Озиқ-овқат блоки механик асбоб-ускуналари ишлатилишига мувофиқ ёрлиқланади, яъни гўшт қиймалагич (хом ва пишган гўшт учун), сабзавот майдалагич (хом ва пишган сабзавот учун), хом гўшт қиймасини кўпиртириш машинаси, турли (хом, пишган) маҳсулотларни майдалаш ва қирғичдан ўтказиш машинаси, универсал узатма. Ишлатиб бўлгандан сўнг механик асбоб-ускуна таркибий қисмларга ажратилади, хомашё қолдиқларидан тозаланади, ювиш воситалари ёрдамидаиссиқ ( $65^{\circ}\text{C}$ ) сувда пухта ювилади, чайлади, устидан қайноқ сув қуйилади ва панжараларда қутилилади.

3.5. Даволаш-профилактика муассасалари озиқ-овқат блоки пишириш хонасидаги овқат тайёрлаш столлари, механик ошхона асбоб-ускуналари, ошхона асбоб-анжомлари ва бўлаклаш тахтачаларини таркибида хлор сақловчи дезинфекцияловчи воситалар ёрдамида ишлов бериш фақат эпидемияга қарши кўрсатмаларга кўра, касалхона озиқ-овқат блокидаги асбоб-ускуна ва асбоб-анжомлар ювилганда ҳосил бўладиган оқава сувларда бактериал ифлосланиш (*E.coli*) анализи ижобий чиқсан маҳал озиқ-овқатдан заҳарланиш ҳолатлари юзага келганда, олиб борилади.

3.6. Барча ювиш, ёғсизлантириш воситалари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қўлланилишга маъқулланган бўлиши ҳамда ювиш воситалари бўйича мувофиқлик сертификатига эга бўлиши керак.

3.7. Даволаш муассасалари озиқ-овқат блоки идиш-товоқ ва асбоб-анжомларини ювиш учун хантал, хўжалик совуни ва кальцийли сода қўллаш тақиқланган.

#### **4. Ошпаз ва ошхона ходимлари маҳсус кийими ҳамда озиқ-овқат блоки ходимларининг шахсий гигиена қоидаларига риоя этишига қўйиладиган талаблар**

4.1. Озиқ-овқат блоки ходимлари ишга тоза кийимда келиши шарт. Устки кўйлак, бош кийим, кўча пойабзали, шахсий буюмларни кийим-кечак хонасида қолдириш керак, ошпаз иш бошлашдан олдин душ қабул қилиши ёки, душ бўлмаган тақдирда, қўлларини ювиши лозим. Ошпазлар тоза маҳсус кийим – оқ халат ёки ошпазлик курткаси, ошпазлик қалпоғи (рўмоли), тоза пойабзал кийиши, ҳамда шахсий сочиқقا эга бўлиши керак. Тирноқлари олинган, соchlари қалпоқ ёки рўмол остида йиғилган бўлиши керак. Маҳсус кийимни тўғноғич билан қадаб қўйиш, халат ва/ёки курткада сигарета, пул сақлаш, тўғноғич, узук, зирақ ва шу кабиларни тақиши тақиқланади. Маҳсус кийимни алмаштиш ифлосланиш даражасига қараб, бироқ 2 кунда камидан 1 марта амалга оширилиши керак. Ошпаз маҳсус кийими касалхона кир ювишхонасида ювилиши керак, маҳсус кийимни уйда ва озиқ-овқат блоки хоналарида ювиш тақиқланади. Озиқ-овқат блокининг ҳар бир ошпазига камидан 3 тадан халат (ошпазлик курткаси), ошпазлик қалпоғи (ёки рўмоли) ва шахсий сочиғи ҳозир бўлиши керак.

4.2. Иссиклик (термик) ишлов билан тайёрланган таомларни узатишида ошпазлар тоза, дезинфекция қилинган дока ниқоб тақиши шарт. Никоблар ҳар 4 соатда алмаштирилиши лозим.

4.3. Озиқ-овқат блоки ходимлари (ошпаз, пархез ҳамшира ва ошхона ходимлари) санитария узелларга киришдан олдин маҳсус кийимни белгиланган жойда ечиши, кириб чиқиу эса қўлларини совунлаб ювиши шарт.

4.4. Озиқ-овқат блоки ошхона ходимлари картошка, илдизмевалар, сабзавотларга совуқ ишлов бериш (сараплаш, тозалаш, ювиш) олдидан, хоналарни тозалаётганда, ошхона идиш-товоқ ва асбоб-ускуналари юваётганда қуйидаги маҳсус кийим кийиши лозим: халат (ошпазлик курткаси), ивиб кетмайдиган (клеёнкадан қилинган) фартук, рўмол (ёки қалпок), резина қўлқоп ва пойабзал (этик ёки в.б.). Озиқ-овқат блокининг ҳар бир ошпазига камида 3 тадан халат (ошпазлик курткаси), ошпазлик қалпоғи (ёки рўмоли) ва шахсий сочиғи ҳозир бўлиши лозим.

4.5. Озиқ-овқат блоки ходимлари уйда содир бўлган кесиш, лат ейиш ва жароҳатлар, ич келиш бузилиши, ҳарорат кўтарилиши, ўзини ёмон ҳис этиш, терида йирингли касалликлар пайдо бўлиши, оғиз-бурун касалликлари (ангина, ларингит), шунингдек, оиласда инфекцион касалликлар пайдо бўлиши хақида (врач-диетолог ёки ҳамширани) огоҳлантириши шарт.

## **5. Даволаш-профилактика муассасаси озиқ-овқат блоки, овқат тарқатиш, буфет ва ошхона бўлимлари ходимларининг тиббий кўрик, текширув, гигиенатаълимидан ўтишига қўйиладиган санитарияталаблари**

5.1. ДПМ озиқ-овқат блоки, овқат тарқатиш, буфет ва ошхона бўлимларига ишга кираётган шахслар яшаш жойида даволаш-профилактика муассасалари (ёки касбий тиббий кўриклар поликлиникаларида) терапевт, дерматовенеролог, алоҳида ҳолатларда эса стоматолог ва отоларинголог кўригидан ўтиши шарт; бактерияташувчанлик, гельминтташувчанлик, таносил ва терининг инфекцион касалликлари юзасидан текширилиш амалдаги тегишли хужжатларга мувоғиқ ўтказилади.

5.2. Янгидан иш бошлаётганлар гигиеник тайёргарлик курсини (санитария минимумини) тинглаб, имтиҳонлар топшириши керак. Тиббий текширув ва гигиеник тайёргарлик бўйича имтиҳон натижалари тақдим этилмагунча, шунингдек, ишга киришга расмий рухсатнома олмасдан туриб, янгидан ишга қабул қилинмайди ишга қўйилмайди.

5.3. Озиқ-овқат маҳсулотлари, асбоб-ускуна, асбоб-анжом ва идиш-товоқлари билан бевосита мулоқотда бўладиган ходимлар 2 йилда 1 марта гигиеник тайёргарлиқдан ўтиб, имтиҳон топширишлари лозим. Барча тиббий текширув ва гигиеник тайёргарлик натижалари шахсий тиббий дафтарга (ёки гувоҳномага), шунингдек, озиқ-овқат блоки ходимлари рўйхати билан тиббий текширувлар дафтарига киритилади. Озиқ-овқат блоки ходимлари тиббий дафтarlари диетолог ҳамширада (озиқ-овқат блоки мудири), овқат тарқатувчи ва буфетчиларники эса ДПМ буфет бўлимларида сақланади.

## **6. Озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилиш ва сақлашга қўйиладиган санитария-гигиеник талаблар**

6.1. Касалхона озиқ-овқат блокига келиб тушаётган барча маҳсулотлар, озиқ-овқат хомашёси тегишли стандартлар (ГОСТ, ОСТ), техник шартлар (ТШ) талабларига жавоб бериши ҳамда ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарилган сана, сақланиш муддати кўрсатилган хужжатлар, шунингдек, уларнинг сифатини тасдиқловчи ҳужжатлар (“Гигиеник сертификат” ва “Мувофиқлик сертификати”) илова қилиниши лозим.

6.2. Озиқ-овқат блокига бундай ҳужжатларсиз, яроқлилик ва сақлаш муддати ўтиб кетган, айниш аломатларга эга маҳсулотлар қабул қилинишига йўл қўйилмайди.

6.3. Қўйидагиларни қабул қилиш тақиқланади:

- ветеринария муҳрисиз гўшт, шартли равишда яроқли гўшт, сувда сузувчи парранда гўшти, ўрдак ва фоз хом тухумлари, инкубатор товуқ тухумлари (палағда тухумлар), бомбаж (гўштли, балиқли, сабзавотли) консервалар, омборхона зааркунандалари, механик аралашмаларга эга, моғорли ёки униб кетган ун, ёрмалар, кўкарған картошка (таркибида солонин бор), истеъмол қилиш муддати ўтиб кетган тез айнийдиган маҳсулотлар, ачиган сут, яққол айниш аломатларига эга маҳсулотлар, шунингдек, сифат кафолатига эга бўлмаган шубҳали маҳсулотлар.

6.4. Қўйидагиларни биргалиқда сақлаш тақиқланади:

- хом ёки яrim тайёр маҳсулотларни тайёр ошхона маҳсулотлари билан;
- сифати яхши ва айнигандан маҳсулотлар билан;
- ўткир ҳидли озиқ-овқат маҳсулотларини ҳидни ўзига осон сингдирадиган маҳсулотлар (шакар, ун, чой, ёғлар, тухумлар) билан;
- озиқ-овқат маҳсулотлари, идишларни хўжалик материаллари билан.

6.5. Совиган ва совутилган хом гўшт совутгич камераларида (+2+4°C ҳароратда) совутилган хом гўшт бири-бирига, деворлар ва полга тегмаслиги учун оқартирилганилмоқларга илиб қўйилади. Музлатилган ва совутилган парранда, балиқ улар келиб тушган идишда, колбасалар осиб қўйилган ҳолатда сақланади. Сут маҳсулотлари (творог) қутиларда (майда қадоқда) совуқ жойда, сметана эса тамғаланган металл флягаларда, зич ёпиладиган идиш-товоқда сақланади. Творог ва сметана солинган идишда қошиқ қолдириш тақиқланади. Қошиқлар маҳсус идишда сақланиб, ҳар куни ювилади ва қайнатилади. Йирик пишлоклар идишсиз ёғоч токчаларда, кичик пишлоклар идиш ёки токчаларда бир-бирига теккизмасдан сақланади. Пишлокдаги шилимшиқ ва моғор 3 фоизли ош тузи эритмасига ивитилган салфетка билан артиб тозаланади. Сариёғ совуқ жойда идиш ёки пергаментга ўраб бўлак қилиб, тухумлар идиш, сочилувчан маҳсулотлар хампалар (ёки саноат идиши, қоп) пастки юзаси полдан камида 15 см юқори бўлган шкаф ва токчаларда сақланади. Нон эшиклари шамоллатиш учун теишларга эга токча, жавон ёки шкафлардаги қутиларда сақланади. Нон сақлаш токча ва шкафлари ҳар куни ошхона сиркасининг 2 фоизли эритмасида хўлланган салфетка билан артилади. Картошка ва сабзавот қуруқ, яхши шамоллатиладиган қоронғи хонада токчалар ёки ёғоч тагликли полда сақланади (тагликнинг полдан масофаси 15 см бўлиши керак), картошка цемент полда сақланиши тақиқланади. Картошка ва пиёз вақти-вақти билан сараланади, ҳамда чириган илдизмевалардан тозаланади. Ичак-човоқ маҳсулотлари турларига қараб сараланади ва совуқ жойдаги қутиларда алоҳида сақланади.

Тузланган карам совук жойда бочкаларда намакобга ботирилган ҳолда, күқатлар эса 8°Сдан юқори бўлмаган ҳароратда токчаларда сақланади.

6.6. Музлатиш камералари (музлатгичлар) маркировкаланган (гўшт учун, сут маҳсулотлари учун ва ҳ.к.лар) бўлиши, ҳафтасига 1 марта ювиш воситалари ёрдамида ювилиши даркор. Музлатиш камералари (музлатгичлар) тўлдириб юборилиши тақиқланиб, музлатиш қурилмаси ва музлатгичда сақланаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ўртасидаги масофа камида 8 см бўлиши лозим.

## **7 . Даволаш муассасалари бўлимларида озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр овқатларни ташишга қўйиладиган санитария талаблари**

7.1. Озиқ-овқат маҳсулотларини (ҳам хомашё, ҳам тайёр маҳсулотни) ташиб ўтиш бу мақсад учун маҳсус мўлжалланган ёпик автомобиль транспортида амалга оширилиши лозим. Тез айнийдиган маҳсулотлар совутиладиган ёки изотермик транспорт воситаларида ташилади.

7.2. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр маҳсулотларни ташувчи автомобиль транспорти худудий Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан берилган санитария паспортига эга бўлиши лозим.

7.3. Озиқ-овқат маҳсулотлари ташувчи автомобиль транспорти тоза сақланиб, ҳар куни автотранспорт ювиш учун канализация тизимига уланган маҳсус майдончада яхшилаб ювилиши лозим. Автотранспорт ифлосланган тақдирда эса, ҳар бир ташиб ўтишдан сўнг ювилиши керак.

7.4. Озиқ-овқат ва тайёр маҳсулотларни ташувчи автомобиль транспортида одам, бемор, чойшаб, асбоб-ускуна, қурилиш материалларини ташиш ва ундан бошқа хўжалик мақсадларда фойдаланиш тақиқланади.

7.5. Гўшт, балиқ, сабзавот ярим тайёр маҳсулотларни ташиш учун зич ёпиладиган қопқоқли маркировкаланган (металл, полимер ёки ёғоч) идиш ишлатилиши лозим. Идишсиз, ёйилган ҳолда картошка ва сабзавотлар ташилади. Гўшт нимталанмаган, тўлиқ нимталанмаган ҳолда тоза брезентга солиниб ёки унга ўралган тарзда идишсиз етказилади. Сут (кефир, катик) бутилка, қофозхалта ва тамғаланган флягаларда; творог ва сметана – зич ёпилган тамғаланган идишда ёки саноат ўрамида; сариёғ – саноат ўрамли қутиларида ташилади. Балиқ, гўшт, парранда, колбаса маҳсулотлари ичиқалай билан қопланган қутиларда ёки саноат ўрамда ташилади. Нон ва нон маҳсулотлари лоток ёки силлик рандаланган қутиларда, шунингдек, контейнерларда етказиб берилади.

7.6. Гўшт, балиқ ва сабзавот каби яримтайёр маҳсулотлар маркировкаланган қопқоқли металл, полимер, ёғоч идишда етказилиб, бу идишни хомашё ва тайёр маҳсулот сақлаш учун ишлатиш тақиқланади.

7.7. Қандолат (печенье, конфеталар), макарон маҳсулотлари, ун, ёрмалар саноат ўрамида ташилади.

7.8. Ташилувчи тез айнийдиган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи томонидан берган маҳсулот сифатини тасдиқловчи ҳужжатларга (юхатлари, “Гигиеник сертификат” ва “Мувофиқликсертификат”) эга бўлиши лозим. Бундай ҳужжатларда маҳсулот ишлаб чиқарилган вақт ва сана, сақлаш ва сотиш муддатлари кўрсатилган бўлиши керак.

7.9. Озиқ-овқатларни санитария паспортига эга бўлмаган автотранспортда ташиш тақиқланади.

7.10. Тайёр овқатни касалхона буфет (овқат тарқатиш хонаси) ва ошхона бўлимларига етказиш учун маҳсус автотранспорт, электрокаралар, маркировкаланган аравачалар ишлатилади.

- 7.11. Касалхона бўлимларига тайёр овқатни етказиш учун буфетчи-санитарлар термос, зич ёпиладиган идиш-товоқ (сирланган, алюмин кастрюллар, сирланган челяклар), катта ёки кичик идишлардан (алоҳида буюртма ва порцияли таомлар учун) фойдаланиши лозим.
- 7.12. Касалхона буфет ва (овқат тарқатиш хонаси) ошхона бўлимларига овқат етказиш учун сири қўчган сирланган идиш (кастрюллар, челяклар), қопқоқсиз идиш, пластмассали, рухланган, мис идишдан фойдаланиш қатъиян тақиқланади.
- 7.13. Касалхона буфет ва (овқат тарқатиш хонаси) ошхона бўлимларига нон етказиш полиэтилен ёки клеёнкали халтачаларда амалга оширилади. Вақти-вақти билан (ҳафтасига 1 марта) нон етказиш халтачалари қайноқ сувда ювилиб қуритилиши керак, уларда нон сақлаш тақиқланган. Нон етказиш учун матоли халтачаларни ишлатиш тақиқланади.
- 7.14. Бўлимларга тайёр овқатни етказишида ишлатилувчи аравачалар, идиш-товоқларни ювиш ва сақлаш касалхона овқат тарқатиш ва ошхона бўлимларидаги ювиш жойида амалга ошириш лозим.
- 7.15. Даволаш муассасаси озиқ-овқат блокида беморлар учун овқатланиш рациониға қўйиладиган санитария талаблари

8.1. Беморларни шифобахш овқатлантириш мажмуавий терапиянинг мажбурий таркибий қисми ҳисоблаиб, барча даволаш-профилактика муассасаларида замонавий илмий даражада қўлланилиши лозим.

8.2. Барча даволаш-профилактика муассасаларида камида 4 маҳал овқатланиш режими (нонушта, тушлик, иккинчи тушлик, кечки овқат) қўлланилиши керак.

8.3. Беморлар суткалик овқатланиш рационлари уларнинг юқори биологик қийматга эга маҳсулотларга бўлган физиологик эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда таркибига турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари кириши лозим. Беморларни овқатлантириш учун таомнома-таксимот врач-диетолог назорати остида диетолог ҳамшира томонидан амалдаги норматив ҳужжатга мувофиқ тузилиши керак.

8.4. Беморлар суткалик овқатланиш рационлари кимёвий таркиби (оқсил, ёғ, углеводлар) ва энергетик қиймати амалдаги норматив ҳужжатга мувофиқ парҳезнома тавсифлари талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

8.5. Беморлар суткалик овқатланиш рационлари кимёвий таркиби (оммавий парҳезлар) ҳисоблаш врач-диетолог, диетолог ҳамшира томонидан 10 кунда 1 марта, шунингдек, таомнома-таксимотда маҳсулот ёки таомлар алмаштирилган кунда олиб борилиши даркор.

8.6. Даволаш-профилактика муассасалари озиқ-овқат блокларида касалхонада қўлланиладиган барча парҳезлар бўйича мавсумий намунавий 7 кунлик таомномаси, bemорлар учун парҳез таомлар ва ошхона маҳсулотларини тайёрлаш варақатаксимоти, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2001 йил 29 майдаги 230-сонли бўйруғи билан тасдиқланган “Шифобахш пазандалик. Парҳез ва шифобахш овқатланиш учун таомлар тўплами”, 2011 йилдаги “Шифобахш овқатланиш” ва “Турли касалликларда болаларни шифобахш овқатлантириш” китоблари бўлиши керак.

- 8.7. Касалхона бўлимларига жўнатишдан олдин тайёр овқатни ҳар куни сифат жиҳатдан саралашни (брәкераж ўтказиш) брәкераж комиссияси амалга ошириб, унинг таркибига касалхона бўйича навбатчи шифокор, врач-диетолог, диетолог ҳамшира, овқат тайёrlаш бўлими мудири (бош ошпаз, бригадир ошпаз, катта ошпаз) киради. Тайёр овқат брәкеражи натижалари беморларга берилишига рухсат берилганлиги (ёки берилмаганлиги) тўғрисида мажбурий қайд этилган ҳолда брәкераж дафтарида рўйхатга олинини лозим.
- 8.8. Даволаш муассасаси раҳбари вақти-вақти билан касалхона навбатчи шифокори ўтказган брәкеражига қарамай ва турли вақтда беморлар учун тайёр овқат брәкеражини ўтказади.
- 8.9. Намуна олиш (брәкераж) ўз ичига қуйидагиларни олади:
- тайёр таомлар таомнома-тақсимот маълумотларига мувофиқлиги;
  - тарқатилиш пайтида тайёр таомлар ҳароратини аниқлаш;
  - тайёр таомларни органолептик ўрганиш (таом тайёrlиги, сабзавотлар кесилиши шаклига риоя этилиши, таомлар таъми, ҳиди, қуюқ-суюқлиги, сифати жиҳати, таомларда бегона аралашмалар йўқлиги, парҳез таомлар тайёrlаниш технологиясига мувофиқлиги);
  - тайёр таомлар чиқишини аниқлаш, таомлар чиқишининг таомнома-тақсимот ҳисоб-китоб маълумотларига мувофиқлиги;
  - - озиқ-овқат блоки санитария ҳолатини баҳолаш.
- 8.10. Ҳар куни диетолог ҳамшира таомнома-тақсимот бажарилган кунда беморлар учун мўлжалланган таомлардан (энг кўп оммавий парҳезлар) суткалик намунасини қолдириши керак. Намуналар тоза ювилган зич ёпилган шиша банкаларда солиниб музлатгичда бир сутка сақланади. Суткалик намуналар учун биринчи ва иккинчи таомлардан ярми, порцияли таомлар (котлетлар, юмалоқ котлетлар, сирник ва ҳ.к.лар) эса бутунлигича олинади.
- 8.11. Болалар даволаш муассасаларида, болалар уйларида суткалик тайёр овқатни С витамини билан бойитиш ишлари олиб бориш лозим. Ҳар куни биринчи ва иккинчи таомлар (шўрва, компот, шарбат, мева ва сабзавот ичимлеклари) витаминлаштирилиши керак.
- 8.12. Аскорбин кислотаси (С витамини) тайёр таомларга қуйидаги ҳисоб-китобда солинади:
- 1 ёшгача бўлган болалар учун 30 мг;
  - 1 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар учун 40 мг;
  - 6 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар учун 50 мг;
  - 12 ёшдан 17 ёшгача бўлган бола ва ўсмирлар учун 70 мг;
  - катта ёшдаги беморлар учун 80 мг;
  - ҳомиладор аёллар учун 100 мг;
  - эмизикли аёллар учун 120 мг.
- 8.13. Диетолог ҳамшира таомларни витаминлаштиришни бўлимларга овқатларни бевосита тарқатиш маҳалида озиқ-овқат блокида амалга ошириши лозим. Витаминлаштирилган таомларни иситишга йўл қўйлмайди. С-витаминлаштириш ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотларни диетолог ҳамшира таомларни С-витаминлаштириш дафтарига қайд этиши лозим

8.14. Даволаш муассасалари озиқ-овқат блокида қуидагилар тақиқланади:

- сифати шубха уйғотувчи маҳсулотларни ишлатиш;
- ветеринария назоратидан ўтказилмаган ва ветеринария мұхри бўлмаган гўшт, шартли яроқли (қизил рангли думалоқ мұхрга эга) гўшт ишлатиш;
- таъминловчидан пастеризациядан ўтмаган сутни ишлатиш;
- шишиб чиққан (гўшт, балиқ, сабзавот, мева, резавор мева, сут) консервалар ишлатиш;
- ишлаб чиқарувчи тақдим қилган сифатни тасдиқловчи ҳужжатларга (“Гигиеник сертификат” хамда “Мувофиқлик сертификати”) эга бўлмаган маҳсулотларни ишлатиш;
- сақлаш ва яроқлилик муддати ўтиб кетган маҳсулотларни ишлатиш;
- соҳталаштирилган маҳсулотлар, генетик ўзгартирилган (генетик модификацияланган, ГМО ёрлиғига эга маҳсулотлар ва хомашё) озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёни ишлатиш;
- омборхона зааркундалари томонидан заарланган, қўланса ҳидли ва бартараф этиб бўлмайдиган аралашмаларга эга ёрма ва унни ишлатиш;
- гўшт ва балиқдан тайёрланадиган суюқ таомлар, холодец таом, гўшт ва аралаш маҳсулотлардан паштетлар тайёрлаш;
- қатиқ, айрон, қимиз, қимрон, сузма, творог тайёрлаш;
- нон кваси, морс, крюшон, глинтвейн тайёрлаш;
- кефир ва нон квасидан окрошка тайёрлаш;
- норин, хасип, ҷалоб, қази, атала тайёрлаш;
- термик ишлов бермасдан творогдан таомлар тайёрлаш (саноат идишида қадоқланган пастасимон твороги бундан мустасно);
- униб кетган ва кўкарган картошкадан таомлар тайёрлаш;
- ўрдак ва ғоз тухумларидан таомлар тайёрлаш;
- шўрва концентратларидан таомлар тайёрлаш;
- ранг берувчи ва хушбўй моддалар ишлатиб таомлар тайёрлаш;
- беморларни овқатлантиришда дудланган, яримдудланган колбасалар, дудланган балиқ, парранда, дудланган гўшт, гидрогенизацияланган ёғлар, спредлар ишлатиш;
- қўзиқоринлар, ёввойи баргли кўкатлардан (беда, ялпиз ва бошқалар) таомлар тайёрлаш;
- сметана, майонез солинган гўшт, тухум, балиқ ва сабзавотли салатлар тайёрлаш;
- пиширилган макарон, вермишель, майда макаронларни водопровод сувида ювиш;
- кремли қандолат маҳсулотларини (пирожное) тайёрлаш;
- мослаштирилган қуруқ сут аралашмаларидан, кўкрак ёшидаги болалар учун қуруқ сут бўтқаларидан овқат рационларини тайёрлаш (улар ДПМ бўлимларида бевосита тайёрланиши керак);
- «Унипит», «Инпитан», «Атлантен», «Оволакт», «Нутриен-стандарт», «Зонд – I, II, III», «Нутрозим», «Эншур» ва бошқа саноат аралашмаларидан зондли овқатланиш учун рационлар тайёрлаш (улар ДПМ бўлимида тайёрланиши керак)

## **9. Даволаш-профилактика муассасаларининг озиқ-овқат блоки, ошхона ва озиқ-овқат омборхонасида ўтказиладиган дезинсекция, дератизация тадбирлари**

9.1. Озиқ-овқат блоки (ошхона), озиқ-овқат омборхонасида пашша ва сувараклар мавжудлиги унинг санитария ҳолати қониқарсиз эканлигидан далолат беради.

9.2. Пашшалар тухум қўйишини олдини олишга ҳудудни тегишли гигиеник ҳолатда сақлаш, ахлат тўплагичларни тўғри ишлатиш, ҳамда чиқиндиларни ўз вақтида олиб ташлаш киради. Хонага учиб кирган пашшаларни йўқ қилиш учун ёпишқоқ қофоз қўлланилади. Барча очиладиган деразаларга баҳорда металл (капрон) тўрлар ёки дока тортилиши керак.

9.3. Озиқ-овқат маҳсулотларини пашшалардан дока билан ҳимоялаш ва ёпиқ шкафларда сақлаш зарур. Профилактик дезинфекция иш куни тугаганидан сўнг амалга оширилади. Фақат девор, шифт ва дераза ромларига ишлов берилади, пол ва асбоб-ускунага эса ишлов берилмайди.

9.4. Дезинсекция қилингандан кейин иш бошлашдан олдин ҳамма жой яхшилаб тозалаб йиғиширилади.

9.5. Сувараклар билан кураш учун деворлардаги, шкафлардаги тирқишлар ёпилади, стол, токча ва қутиларда овқат қолдиқлари ва ушоқлар қолиб кетишига йўл қўйилмайди.

9.6. Сувараклар топилган тақдирда хоналар яхшилаб йиғиширилади ва ҳашаротлар тўпланган жойларга қайнок сув қуйилади.

9.7. Сувараклар билан кураш учун картошка унидан 1:1 нисбатда, шунингдек, шакар ёки нон билан борат кислота эритмасидан янги тайёрланган бўрчалар қўлланилади.

9.8. ДПМ озиқ-овқат блоки, ошхонаси ва озиқ-овқат омборхонаси хоналарида дезинфекция қилишда фосфор-органик заҳарли кимёвий моддалар (дихлофос, карбофос, метафос ва бошқалар), таркибида хлор сақловчи кимёвий моддалар (гексахлоран, циклогексан ва бошқалар) ишлатилиши тақиқланади.

9.9. Кемирувчилар пайдо бўлишини олдини олиш учун пол ва деворлардаги тешиклар, бинодаги техник ўтказмалар атрофидаги туйнуклар цементланади. Ертўлалардаги шамоллатиш туйнуклари метал тўрлар билан ёпилади. Кемирувчилар пайдо бўлганида сичқон, каламуш қопқонлари қўлланилади.

9.10. ДПМ озиқ-овқат блокихоналари, ошхона ва озиқ-овқат омборхонасида дератизация тадбирларини ўтказишда таркибида мишъяқ, симоб бор ва бошқа кимёвий тузоқлар ишлатилиши қатъий тақиқланади.

## **10. Озиқ-овқат блоки хоналарида тозалаш ишларини олиб боришга қўйиладиган талаблар**

10.1. Пол, дераза ва шу кабилардаги ифлосланишларни ўз вақтида тозалаган ҳолда озиқ-овқат блоки барча хоналарини намунавий тозаликда сақлаш лозим. Кундалик тозалаш ишлари ҳар куни 1-2 марта намли усулда амалга оширилади, ишлаб чиқариш хоналари эса – ифлосланиш даражасига қараб иш куни давомида йиғиширилади. Озиқ-овқат қолдиқлари билан ифлосланган хоналар поллари кальцийли сода қўшилган иссик сув билан ювилади. Ҳожатхона дастаклари таркибида 0,5% хлор сақловчи дезинфекция воситалари ёки бошқа дезинфектантлар ёрдамида йўриқномага мувофиқ дезинфекция қилинади.

10.2. Озиқ-овқат блокларидан ҳафтасига камида 1 марта, ошхоналарда эса ойда камида 1 марта барча хоналар дезинфекцияловчи воситалар қўлланилган ҳолда мукаммал йиғиштирилади. Санитария-техник қурилмалари – раковина, умивальник, унитаз ва бошқалар айниқса яхшилаб тозалаб ювишни талаб этади. Умивальникларсовун, қўл чўткалари, электр қуригичлар ёки қофозли ўрама сочиқлар билан таъминланади.

10.3. Озиқ-овқат блоки хоналарини йиғиштириш учун ишлатиладиган барча асбоб-анжомлар (челак, швабра, тоғора) маркировкаланган (ювиш хонасини йиғиштириш учун, санитарияузелни йиғиштириш учун, иссиқ хонани йиғиштириш учун ва ҳ.к.лар) бўлиши лозим. Озиқ-овқат блоки хоналарини тозалов ишлари учун ишлатиладиган латта, чўтка, дезинфекцияловчи воситалар эритмалари алоҳида ажратилган жойларда сақланиши керак.

10.4. ДПМ озиқ-овқат блоки ишлаб чиқариш хоналарига бегона шахслар кириши қатъяян тақиқланган.

## **11 . Даволаш-профилактика муассасалари буфет хоналари (овқат тарқатиш), ошхона бўлимларига қўйиладиган санитария-гигиеник талаблар**

11.1. Беморлар овқатлантириш режими, санитария ва эпидемияга қарши норма ва қоидалар, bemor қариндошлари олиб келган озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилишга риоя этилиши, ошхоналарининг (овқат тарқатиш хона) тегишли асбоб-анжом, ускуналар ва идиш-товоқлар билан таъминланиши учун даволаш муассасаси мудири масъул бўлади.

11.2. Буфет ва ошхоналар таркиби ва майдонлари амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ бўлиши керак. Шу билан бирга буфетлар ҳар 1 нафар bemor ҳисобидан қуийдагилар билан таъминланиши лозим: биттадан чуқур, майда ва ўртача ликопча, вилка, қошиқ (ош ва чой), стакан (кружка), идиш-товоқларни ювиш ва дезинфекцияловчи воситалар билан ивitiш ва қайнатиш учун бак, буфет учун деб маркировкаланган тозалаш ишлари анжомлари (челак, латта, чўткалар, швабра ва ҳ.к.лар).

11.3. Касалхона бўлимларидаги буфетлар совуқ ва иссиқ сув билан таъминланиши лозим; иссиқ сув таъминоти тармоғи мавжудлигидан қатъий назар улар узлуксиз ишлаб турувчи электрқайнатгичлар билан жиҳозланган бўлиши керак.

11.4. Озиқ-овқат блокидан овқатларни бўлимларга етказиш учун маркировкаланган идиш-товоқлар – термос, қопқоқли сирланган кастрюль (турли сифимда), қопқоқли сирланган челак ва қопқоқли алюмин кастрюллар (турли сифимда) бўлиши керак. Сири кўчган сирланган, пластмасса, оқартирилган, мис, темир, рухланган идиш-товоқларни тайёр овқатни етказиш учун ишлатиш қатъяян тақиқланади.

11.5. Бўлимлардаги ошхоналар гигиеник қопламали столлар, стуллар (беморлар учун ўтириш жойлари бир нафар bemorga 1,5 м.кв ҳисобда белгиланган), олиб келинган озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун музлатгич (олиб келинган озиқ-овқат маҳсулотларини учун музлатгичда дори-дармонларни сақлаш тақиқланган) билан жиҳозланади. Ошхонада канализация тармоғи, иссиқ ва совуқ сув таъминотига уланган умивальниклар ўрнатилиши лозим. Бўлимлардаги ошхоналар ёруғ, шинам, эстетик безатилган бўлиши керак.

- 11.6. Ошхонада пархезлар рақамлари, таомлар номлари ва ҳар бир порция вазни кўрсатилган жорий кун учун таомнома илиб қўйилган бўлиши керак.
- 11.7. Овқат тайёрлангандан сўнг 2 соатдан кечиктирилмасдан тарқатилади.
- 11.8. Беморларга овқат тарқатишни бўлим буфетчи ва навбатчи ҳамширалари амалга оширади. Тарқатувчи овқатни фақат “овқат тарқатиш учун” деб маркировкаланган халатларда тарқатади. Овқат тарқатишдан олдин овқат тарқатувчи ва ҳамширалар кўлларини совун билан ювиши лозим.
- 11.9. Бўлим палата ва бошқа хоналарини тозалаш билан шуғулланувчи техник ходимлар овқат тарқатишига йўл қўйилмайди.
- 11.10. Оғир bemорлардан ташқари бўлим барча bemорларини овқатлантириш ошхонада амалга оширилади. Bеморлар палаталарда овқатланиши, идиштовороклар палатада ўрнатилган раковинада, бўлим санитария хоналарида ювилиши қатъиян тақиқланади.
- 11.11. Bеморлар шахсий озиқ-овқат маҳсулотлари (қариндошлар бериб юборганлари) тумбочкада (куруқ маҳсулотлар), тез бузилувчи маҳсулотлар эса бериб юборилган озиқ-овқат учун маҳсус совутгичда сақланиши лозим.
- 11.12. Bериб юборилган озиқ-овқат маҳсулотлари bemорга қариндошлари томонидан фамилияси ва бериб юборилган маҳсулот қабул қилинган санаси ёзилган шаффоф целлофан халталарда топширилади. Бўлим тиббиёт ходимлари (катта тиббиёт ҳамшираси) томонидан bemорларда сақлаш муддати ўтган, bemор фамилияси ёзилмаган, шунингдек, айниш аломатларига эга маҳсулотлар топилган тақдирда, бундай маҳсулотлар чиқиндиларга ташлаб юборилиши лозим. Bемор бериб юборилган озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш, қабул қилиш қоидалари билан бўлимга ётқизилганда хабардор этилиши керак.
- 11.13. Bериб юборилган озиқ-овқат маҳсулотларини тартиба солиши озиқ-овқатдан заҳарланиши олдини олиш ва тайинланган шифобаҳш овқатланиш тартибига риоя этилишида муҳим аҳамият касб этади. Даволовчи шифокор bemор ва унинг қариндошларига қандай маҳсулотларни олиб келиш мумкинлигини аниқ тушунтириши шарт. Bериб юборилган озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилиш жойларида рухсат этилган маҳсулотлар тури ва миқдорининг рўйхати, шунингдек, қариндошлардан қабул қилишга тақиқланган маҳсулотлар рўйхати илиб қўйиш лозим.
- 11.14. Пархез тури бўйича bemорларга бериб юборишга рухсат этилган маҳсулотлар рўйхати даволаш муассасаси врач-диетолог ёки ҳамшираси томонидан белгиланади.
- 11.15. Пирожное, тортлар, музқаймоқ, колбаса маҳсулотлари, паштет, сельд, гўшт ва балиқ консервалари, уйда тайёрланган шўрвалар, кабоб, сомса, хоним, манти, хасип, қази, норин (кўчада тайёрланган), цитрус мевалар (банан, ананас, киви), квас, морс, лимонадлар, пиво, қурт қабул қилиш тақиқланади.
- 11.16. Ҳар сафар овқат тарқатилиши ва bemорлар овқатланишидан сўнг буфет ва ошхона хоналари дезинфекцияловчи воситалар эритмаларидан фойдаланилган ҳолда яхшилаб йиғиштирилади.
- 11.17. Поллар артилганидан сўнг тозалаш материали 0,5 фоизли хлор оҳаги ёки 1 фоизли хлорамин эритмасига 60 дақиқага солиниб, унда кейин оқар сувда чайилади ва қуритилади.

11.18. Овқат қолдиқлари маркировкаланган (“озиқ-овқат чиқиндилари учун”) қопқоқли идишларда (баклар, челаклар) түпланади, баклар ўз вақтида бўшатилади ва ювилади. Озиқ-овқат чиқиндиларини заарсизлантириш фақат инфекцион, сил касалликларига ихтисослашган муассасаларда амалга оширилади.

11.19. Буфетчилар (овқат тарқатувчилар) шахсий гигиена қоидаларига риоя этиши, санитария узелига киришдан олдин маҳсус кийимни ечиши, ундан кейин қўлларини совунлаб ювиши лозим. “Овқат тарқатиш учун” халатларини фақат касалхона бўлимида беморларни бевосита овқатлантириш олдидан кийиши керак. “Овқат тарқатиш учун” деб маркировкаланган халатларда бўлим ташқарисига чиқиш тақиқланади. “Овқат тарқатиш учун” халатларини ювиш тартиби ва бутлиги худди даволаш муассасаси озиқ-овқат блоки ходимлари учун белгиланганидек белгиланади.

## **12. Даволаш муассасаси буфети (овқат тарқатиш хонаси), ошхона бўлимида идиш-товоқларни ювиш тартиби**

Ошхона идиш-товоқларини қўлда ювиш тартиби:

- 1) овқат қолдиқларини чўтка ёки ёғоч курак билан бакчаларга олиб ташлаш;
- 2) чўтка ёрдамида ювиш воситалари билан сувда ( $50^{\circ}\text{C}$ ) ювиш (ювиш ишлари ўтказиладиган1-резервуарда);
- 3) йўриқномага мувофиқ 2-ювиш резервуарида таркибида 0,5% хлор сақловчи дезинфекция воситаси эритмаси ёки бошқа дезинфектантлар билан (10-15 дақиқага) дезинфекция қилиш;
- 4) 3-ювиш резервуарида  $65^{\circ}\text{C}$  дан паст бўлмаган тоза иссиқ сув қўйиш;
- 5) панжара, токча ва қуритиш шкафларида қуритиш.

### **Шиша идиш-товоқларни ювиш тартиби:**

Шиша идиш-товоқлар 2 резервуарли ювиш идишида ошхона идиш-товоғидан алоҳида ҳолда биринчи навбатда ювилади.

- 1) стаканларни механик тозалаш;
- 2) ювиш ва дезинфекцияловчи воситалар қўлланилган ҳолда ювиш;
- 3) 2-ювиш резервуарида  $65^{\circ}\text{C}$  ҳароратдан паст бўлмаган оқар иссиқ сув қўйиш билан чайиш;
- 4) стаканларни панжаралар, токчада қуритиш.

Инфекцион касалликлар касалхоналари ва уларга тенглаштирилган касалхоналарда (бўлимларда) стаканларни қайнатиш мумкин бўлган чашкаларга (фаянсли) алмаштириш мақсадга мувофиқдир.

**Ошхона анжомларини (қошиқлар, вилкалар) ювиш тартиби:**

- 1) механик тозалаш;
- 2) 1-ювиш резервуарида ювиш ва дезинфекциловчи воситалар ёрдамида ювиш;
- 3) 2-резервуарда 65°C ҳароратдан паст бўлмаган оқар иссиқ сув қўйиб чайиш;
- 4) анжомларни қуритиши.

Инфекцион, сил касалликлари касалхоналарида ошхона анжом ва идиштовоқлари қайнатилади, сўнгра дезинфекцияловчи эритмага (хлораминнинг 0,5 фоизли эритмаси) ботирилади.

**Ошхона идиш-товоқларини ювиш тартиби:**

Кастрюлкалар, челяклар овқат қолдиқларидан тозаланади, ҳамда ювиш воситалари қўшилган иссиқ (50°C) сувда ювилади. Сўнгра иссиқ сувда (65°C) чайилади ва қуритилади.

Термослар ошхона идиш-товоқларидан ажратган ҳолда маҳсус ванналар ёки алоҳида хоналарда ювилади. Термослар дастлаб ташқи юзаси ювилади, сўнгра ички юзаси ювиш воситалари ёрдамида ювилади, шундан сўнг иссиқ сув билан чайилади ва қуритилади.

ДПМ буфетлари, овқат тарқатиш хоналари, ошхона бўлимларида идиш-товоқни хантал кукуни, кальцийли сода, хўжлик совуни, кир ювиш кукунлари ёрдамида ювиш тақиқланган.

### **13. Озиқ-овқат блокида хом маҳсулотларга бирламчи (совук) ишлов беришга қўйиладиган санитария-гигиеник талаблар**

Озиқ-овқат маҳсулотларига ошхонада ишлов беришнинг биринчи босқичи бирламчи (совук) ишлов бериш ҳисобланади. Бирламчи ишлов бериш ва яримтайёр маҳсулотларни сақлаш қоидаларига риоя этмаслик маҳсулотлар сифатини пасайтииб, кейинчалик иссиқ ишлов беришда йўқ бўлмайдиган микроблар уруғланишига сабаб бўлади.

**Мева ва сабзавотлар.** Сабзавотларга ишлов бериш хоналар ва асбоб-ускуналар ифлосланиши, шунингдек, микроб ва гижжа тухумлари билан билан ифлосланиши боғлиқ экан, у фақат бошқа хоналардан ажратилган тайёрлов (сабзавот) цехида амалга оширилади. С витамини ва бошқа озуқа моддалари йўқолишини камайтиришга алоҳида эътибор берилади. Машинада ишлов бериш картошка учун 2 ва илдизмевалар учун 5 дақиқадан ошмаслиги керак. Кartoшkani қўлда тозалаш (“кўзчалари”, пўсти, бузилган қисмини тозалаш) уни сувда ботиб туришини қисқартирган ҳолда тез бажарилиши лозим. Сақлаш зарур бўлганда тозаланган картошкани қорайиб қолиши олдини олиш мақсадида бутун тугунаклар ҳолатида совук сувда 2-3 соатдан оширмай сақлаш керак. Илдизмева ва бошқа сабзавотлар ифлосланиши ва қуриб қолишини олдини олиш учун уларни бутун ҳолда, устига нам мато ёпиб салқин ва қоронғи жойда сақланади. Сабзи, карам қўлда тозаланади. Карамни тозалашда ўрамидаги устки ифлосланган ва қорайган жойлари олиб ташланади, совук сувда ювилади (карамда аччиқлик бўлганда), таом тайёрланишидан олдин кесилган карам устидан қайноқ сув қўйилади ёки ўзи 2 дақика қайнатилади. Агар карамда куртлар, капалак куртлари бўлса, карам 20-30 дақиқага тузли сувга (1 л сувга 25 гр туз) солиниб, сув юзига кўтарилиган куртлар олиб ташланади.

Тузланган карам ювилмайди, чунки бунда унинг таркибидаги С витамини ва минерал моддалар йўқолади. Ўта нордон карамни совуқ сувда ювилади. Аччиқлигини йўқотиш учун бақлажонлар 2-3 дақиқага қайноқ сувга солинади, устидан совуқ сув қуйилади ва пўсти ажратилади.

Сабзи, лавлаги, шолғом ва брюква ваннада чўткалар билан ювилиб, сўнгра тозаланади.

Петрушка, шивит, кўк пиёз, сельдерей сараланганидан сўнг ёпишиб қолган тупроқни йўқотиш учун 30 дақиқага совуқ сувга солиб қўйилади.

Иссиқ ишлов берилмасдан овқатга ишлатиладиган сабзавот, мева ва резавор мевалар оқар сувда айниқса яхшилаб ювилади.

Компот учун қуруқ мевалар сараланади ва 2-3 марта илиқ сувда ювилади. Куруқ меваларда қуртлар, капалак қуртлари бўлганда, улар 20-30 дақиқа илиқ сувга солиб қўйилади, сув юзасига чиқсан қуртлар ва капалак қуртлари олиб ташланади.

**Гўшт.** Музлатилган гўшт ярим нимталанган ва тўрт бўлак ҳолда 0° дан 8°C гача ҳароратда илгакларга илинган ҳолда ёки хона ҳароратида гўшт хонасидаги столларда эритилади. Гўштни майда бўлакларда эритиши, шунингдек, сувда ёки плита ёнида эритиши тақиқланган. Совутилган ёки музи эритилган гўштдан ифлосланган жойлари, гўшт ветеринария тасдиқномаси муҳри, қонталаш жойлари кесиб ташланади. Гўшт чўткалар ёрдамида шланг билан латтасиз ювилади. Ювилган гўшт панжараларда қуритилади. Сўнгра гўшт алоҳида бўлакларга бўлинади. Шундан сўнг гўшт нимталади, суяқдан ажратилади, гўштдан ортиқча ёғ, пай, томир, парда ва тоғайлари олиб ташланади. Гўшт эҳтиёжга қараб турли ўлчамларда кесилади. Иш тугаганидан сўнг чўткалар ювиш воситалари ёрдамида ювилади, чайилади, устидан қайноқ сув қуйилади; гўшт чопилганидан сўнг кунда тозаланиб, устиданюпқа қават туз сепилади. Гўшт яримтайёр маҳсулотлари (йирик ва майда бўлакли, порцияли, бўлакланганлари фақат (6°Cдан юқори бўлмаган) ҳароратда сақланади. Гўшт қиймаси заруратга қараб тайёрлиб, уни фақат музлатгичда сақлашга йўл қўйилади. Котлет массаси бевосита иссиқ ишлов бериш олдидан порцияларга ажратилади. Котлет массасидан ярим тайёр маҳсулотларни бўлиш маҳсус столларда, маркировкаланган тахтачаларда олиб борилади.

**Ичак-чавоқлар** (сўйилган мол жигари, буйраклари, мияси, юраги) юқори даражада микробли уруғланиши ва сақлашга камроқ бардошлилиги туфайли ўта пухта ишлов беришни талаб этади. Ичак-чавоқ маҳсулотлардан таомлар тайёрлашга фақат совутгич асбоб-ускуналар билан таъминланган тақдирда йўл қўйилади. Музлатилган аралаш маҳсулотлар бир қаторга жойлаштирилган идишларда 15-20°C ҳароратда эритилади. Улардан қон, шилимшиқ, тўқима ширасини тозалашга катта эътибор берилади. Жигар томирлар тугунчаси, ўт қопи, пардалардан тозаланади. Буйраклар пардалари тозаланганидан сўнг ўзига хос ҳиди кетгунига қадар совуқ сувда ювилади.

**Парранда.** Музлатилган парранда бир қаторга жойлаштирилиб столларда бир-бирига теккизмай 15-20°C ҳароратда эритилади. Нимталанмаган гүштдан намликни мато билан артиб кетказилади. Пат ва түкчалар қолдиқлари бўлган тақдирда нимталанмаган гүшт ун билан суртилади ва дудлантирмайдиган горелкада куйдирилади. Ичак-човоғи тозаланмаган парранданинг ичи тозаланиб, бунда жигари ва ичакларини чиқаришда айниқса эҳтиёткор қилинади. Ичак-чавоғи ярми тозаланган (яъни ичаги олиб ташланган) парранда калласи, бўйни, оёқлари чопиб ташланади, жигилдони, қизилўнгачи, ошқозони, ўпкаси, юраги, буйраклари, қоринёғи олиб ташланади. Ичак-чавоғи тозаланган парранданинг ўпкаси, бўғзи, қизиўнгачи ва қоринёғи олиб ташланади. Кон қуйқалари ва ортиқча мойи олиб ташланганидан сўнг нимталанмаган гүшт совуқ сувда ювилади ва қуритиш учун кесилган жойи пастга қаратилган ҳолда панжараларга ёйиб чиқилади. Парранданинг ичак-чавоғини тозалаш алоҳида столда бажарилади. Иш тугаганидан сўнг стол ва ишлатилган асбоб-анжомлар ювиш воситалари ёрдамида ювилади, ҳамда 0,2% хлорли оҳак эритмаси ёки 1 фоизли хлорамин эритмаси билан дезинфекция қилинади, сўнгра дезинфекцияловчи воситалар қолдиқларини тозалаш учун стол юзаси иссиқ сув билан ювилади.

**Балиқ.** Янги ва совутилган балиқ олдиндан тайёргарликсиз нимталанади. Музлатилган балиқхона ҳароратида ёки совуқ, бироз тузланган сувда 2-4 соат солиб эритилади. Эритилган балиқни сақлаш тақиқланган.

Балиқни нимталаш: тангачалари, териси, калласи, сузгичлари, думи олиб ташланади. Қоринчаси орқа тешигидан калласигача ёрилади, барча ичак-човоқлари олиб ташланади. Ўт пуфаги ёрилган тақдирда ўт сингиб кетган тўқималар олиб ташланади. Ичак-човоғи олиб ташланган балиқ ва унинг фойдали чиқиндилари (калласи, думи, сузгичлари) оқар совуқ сувда яхшилаб ювилади. Балиқ чиқиндилари дарҳол иссиқ ишлов беришга юборилади. Балиққа бирламчи ишлов беришда стол, асбоб-анжом ва қўллар микроблар билан айниқса кўп уруғланган тангачалар, ичак-човоқлар билан ифлосланади. Шунинг учун бу столларда порцияларга ажратиб кесиш тақиқланади. Порцияли балиқ бўлакларини унга булаб олиш тоза қутиларда ёки алоҳида столдаги тунука товаларда амалга оширилади.

Порциялаш, балиқни унга булаб олишдан олдин қўллар ювилади ва тоза пичноқлардан фойдаланилади. Балиқ яримтайёр (порцияланган, котлет масса ва бошқа) маҳсулотларини тайёрлаш ва сақлашга қўйиладиган талаблар гүштга қўйиладиган талаблар билан бир хил.

**Тухум.** Тухумларни ишлатиш олдидан улар овоскоп орқали кўрилади ва кучли (товуқ ахлати билан) ифлосланган тухумлар 2 фоизли кальцийли сода қўйилган илиқ сувда ювилиб, сўнг 0,5 фоизли хлорамин эритмасида чайилади ва сув билан чайиб ташланади. Тухумларни дезинфекцияловчи воситалар эритмаларига ботириш қатъиян тақиқланади.

Меланжни тайёрлаш олдидан муздан эритилади, чунки муздан эритилган ҳолда уни сақлаб бўлмайди. Таомлар тайёрлаш учун ишлатилишидан олдин тухум кукуни шишиши учун 30 дақиқага ивитиб қўйилади (битта порцияга 11 г тухум кукуни ва 30 г сув ҳисобида).

**Сочилувчан маҳсулотлар.** Ёрмалар (гуруч, перловка, гречка) бегона аралашмалар, пўчок, майдаланмаган донларни ажратиб салфеткаларда сараланади. Маний ва бошқа майда ёрмалар элаб олинади. Пишириш олдидан ёрмалар (маний ёрмасидан ташқари) илиқ сувда ювилади. Макарон маҳсулотлари сараланади. Шакар кукуни, ун элакда элаб олинади.

Дуккаклилар (мош, нўхат, ловия) сараланади, ювилади ва шишиши учун 3-4 соатга сувга солиб қўйилади.

## **XVI. Даволаш-профилактика муассасалари дезинфекция-камера блокига (ДКБ) қўйиладиган талаблар**

### **1. Умумий қоидалар**

1.1. Дезинфекция-камера блоки амалдаги норматив ҳужжат талабларига мувофиқ ташкил этилади.

1.2. Буюмларни қабул қилиш хонасида иссиқ ва совуқ сув таъминотига уланган раковина бўлиши керак. Буюмларга ишлов беришга қадар улар сақланадиган омборхонада рухланган темир билан қопланган столлар бўлиши лозим.

1.3. Юклаш хонаси (қабулхона билан қўшилган бўлиши мумкин, бироқ қатъий чегаралаш майдонларига эга бўлади).

Бу хонада қўйидагилар бўлиши керак:

а) пол ювиш учун рухланган маркировкаланган челак.

б) камеранинг энг юқори юкланишига икки баравар миқдорда кийим-кечак илгичлар.

в) гидропульт.

г) дезинфекция (дезинсекция) қилишлар қайд этиш дафтари.

д) дезинфекция қилиш обьектларини саралаш ва сақлаш учун токчалар.

е) маҳсус кийим, алоҳида ҳимоя воситалари, брезент қўлқоплар (бир жуфт) ва ҳ.к.

з) соат.

ж) табуреткалар (стуллар), рухланган темир билан қопланган стол.

и) маркировкаланган тозалаш асбоб-анжомлари.

Юк тушириш хонасида қўйидагилар бўлиши керак:

а) пол ювиш учун маркировкаланган челаклар ва тозалаш асбоб-анжомлари.

б) дезинфекция қилинган буюмларни саралаш учун стеллажлар. Дезинфекция қилинган буюмларни тоза буюмлар учун маҳсус ажратилган хонада ёки тоза буюмларни тарқатиш стеллажларида сақлаган маъкул.

в) дазмол тахталари.

г) ходимлар хонаси (шахсий буюмларни сақлаш, овқатланиш ва ҳ.к.)

1.4. Ифлос ва тоза буюмларни сақлаш учун омборхонада икки оёқли нарвон бўлиши керак.

1.5. Дезинфекция-камера блокида дезинфекторлар(2 киши) хизмат қўрсатади (бири юклаш бўлимида, иккинчиси юк тушириш бўлимида). Иш вақтида бир бўлимдан иккисига ўтиш тақиқланади. Иш тугаганидан сўнг вирусли гепатитлар тўғрисидаги йўриқномага мувофиқ юклаш бўлимида намли дезинфекция қилиш ишлари олиб борилади. Ўта хавфли инфекциялар ҳолатида камерали дезинфекция қилишда дезинфектор вабога қарши костюмнинг 1-турини кийиши керак.

1.6. Дезинфекция-камера блоки ходимлари маҳсус кийими (комбинезон, халат ва ҳ.к.) хафтасига 1 марта камерали усулда, резина буюмлар эса намли усулда дезинфекция қилинади.

1.7. Агар ДКБда 1 дезинфектор хизмат қўрсатса, унга юклаш ва тоза (юк тушириш) бўлимларда ишлаш учун маҳсус кийимнинг 2 та тўплами берилади.

1.8. Касалхона дезинфектори лавозими 50 та ва ундан ортиқ ўринлар ҳисобида белгиланади.

1.9. Дезинфекция эритмаларини марказлаштирилган равиша тайёрлаш бўлими қуидагиларга эга бўлиши керак:

• доим қулфланган ҳолда сақланадиган дезинфекция воситаларини сақлаш хонаси. Бу хонага бегоналарнинг кириши қатъиян тақиқланади.

• дезинфекция (асосий ва ишчи) эритмаларини марказлаштирилган равиша тайёрлаш учун хона. Хона қуидагиларга эга бўлиши керак:

• вентиляция тизимиға эга ишлаш столи;

• ўлчовли идишлар тўплами;

• тайёрланган эритмаларни сақлаш учун идишлар тўплами;

• дезинфекция воситаларни ҳисобини юритиш, қабул қилиш ва сарфлаш журнали.

1.10. Идишларда дезинфекция эритма тайёрланган сана ҳақида қайд бўлиши керак.

1.11. Дезинфекцияловчи кимёвий воситалар билан боғлиқ барча ишлар яхши шамоллатиладиган хоналарда, махсус кийимда, резина қўлқопларда, герметик кўзойнакларда (ПО-2, ПО-3) ва 4 қаватли дока ниқоб ёки чангга қарши, ёки универсал респираторларда олиб борилади. Ишлар тугаганидан сўнг қўллар ювилади ва юмшатувчи крем суртилади.

1.12. Инфекцион касалликлар касалхонасида (бўлимида) дезинфекция воситалари қундалик сарфининг камида бир ойлик заҳираси бўлиши лозим.

1.13. Турли инфекциялархолатида дезинфекция камерасининг ишлаш тартиби ва юкланиш нормаси 7-жадвалда келтирилган.

## **XVII. Даволаш-профилактика муассасаларида дезинфекцияловчи воситаларга эҳтиёж ҳисоб- китоби**

### **1. Умумий қоидалар**

1.1. Даволаш-профилактика муассасаларида ишлатилаётган (ишлатилиши режалаштирилаётган), Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган, мувофиқлик сертификати ва қўллаш бўйича йўриқномага эга ҳар бир дезинфекцияловчи воситага бўлган эҳтиёж ҳисоб-китоби олиб борилади.

1.2. Дезинфекцияловчи воситани танлаётганда қуидаги хусусиятларга эга бўлганларига ён босиш керак:

- микробга қарши таъсири спектри кенглиги (бактерицид, вирулицид, фунгицид хоссалар ва бошқалар);

- заҳарловчи таъсири пастлиги (хавфи тўртингчи ёки учинчисинф);

- қўшалоқ таъсир кўрсатувчанлиги (юувучи + дезинфекцияловчи ва шу каби);

- ҳар бир дезинфекцияловчи восита турининг қўллаш бўйича йўриқномасига ва заарлантириш обьектлари ифлосланиш даражасига мувофиқ ишчи эритмани ишлатиш муддати узоқлиги (кўп маротабалиги);

- препарат таъсири самарадолиги (шу жумладан, госпитал штаммига);

- микроорганизмлар резистент турлари шаклланиши сустлиги (йўқлиги, иложи бўлса);

- тиббий мақсадга мўлжалланган буюмлар ишлаб чиқарилган материалларга нисбатан агрессивлиги пастлиги;

- сақлаш ва транспортировкада барқарорлиги.

1.3. Дезинфекцияловчи воситаларга бўлган эҳтиёж ҳисоб-китоби даволаш-профилактика муассасасининг ҳар бир ташкилий бўлинмасида олиб борилади.

1.4. Даволаш-профилактика муассасасининг дезинфекцияловчи воситаларга бўлган эҳтиёжни ҳисоблаш учун муассаса бош врач буйруғи билан ишчи гурух тузилиб, унинг такибига даволаш ишлари бўйича бош врач ўринбосари, бош ҳамшира, бўлимлар катта ҳамширалари, дорихона мудири, бухгалтерия ходимлари ва бошқалар киради. Зарур бўлганда Давлат санитария-эпидемиология худудий марказларидан мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

1.5. Дезинфекцияловчи воситаларга бўлган эҳтиёжнинг якуний миқдорини инфекция назорати комиссияси томонидан ҳал қилиниб, бош врач томонидан тасдқиланади.

1.6. Дезинфекцияловчи воситаларга бўлган эҳтиёжни ҳисоблашда зааралантириш обьектлари ва усулини – ишқалаш (сугориш) ёки ботириш (ивитиш) албатта инобатга олинади.

## 2. ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ОЛИБ БОРИШ

2.1. Хона, асбоб-ускуна ва бошқа обьектларни профилактика (жорий) дезинфекция қилиш учун дезинфекция воситаларига бўлган эҳтиёж ҳисоб-китоби қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$• X_i = Q \frac{N \times K}{100} - (S_1 + S_2 + S_3);$$

бунда:

$X_i$  - дезинфекция воситаларига бўлган йиллик эҳтиёж (кг ёки литрда);

$Q$  - дезинфекциялар сони (иш кунлари ва ишлов бериш ҳисобдан аниқланади);

$N$  - 1 кв метрга (л) дезинфекцияловчи эритмасарф-ҳаражат нормаси;

$K$  - дезинфекцияловчи эритма қуюқлиги (концентрацияси) (%);

$S_1$  - дезинфекция қилинадиган хоналар майдони (кв м);

$S_2$  - дезинфекция қилинадиган асбоб-ускуналар майдони;

$S_3$  - дезинфекция қилинадиган бошқа обьектлар майдони.

2.2. Заарсизлантириш обьекти сифатида юза майдонлари даволаш-профилактика муассасалари барча бино ва қурилишларининг қават режа ёки изоҳлари асосида белгиланади. Ўлчов бирлиги кв.м ҳисобланади.

Дезинфекция қилиниши керак бўлган хоналар ички юза майдони қуидагича ҳисобланади: пол майдони + деворлар майдони = ишлов берилishi керак бўлган ҳар қандай хона ички юза майдони.

2.3. Санитария-техник асбоб-ускуналар юза майдони заарсизлантириш обьекти сифатида қуидагилардан келиб чиқиб ҳисобланади:

- бир ванна майдони 3 кв.м деб қабул қилинади;
- бир унитаз ёки “бидэ” майдони 0,5 кв.м деб қабул қилинади;
- бир раковина майдони 0,5 кв.м деб қабул қилинади;
- бир душ таглиги майдони 1,0 кв.м деб қабул қилинади.

Масалан: бўлимда 2 ванна, 5 унитаз ва 5 раковина мавжуд. Юза жами майдони кв.м да:  $2 \times 3 + 5 \times 0,5 + 5 \times 0,5 = 11$  кв.м.

2.4. Битта қушетка, каталка, ўзига хос қопламали тўшак, стул, кроват олди тумбочкиси, музлатгич ва бошқа мебель ёки асбоб-ускуна қуидагича ҳисобланади: эни х бўйига, зарур ҳолатларда бу қанча томонга ишлов бериш кераклигига қараб 2 ёки 4 га кўпайтирилади.

2.5. Амалдаги норматив хужжатларга мувофиқ хоналар, мебель, асбоб-ускуналарнинг кундалик ва мукаммал тозалашлар, ҳамда якуний дезинфекция қилиш пайтида ишлов бериладиган юзалар учун дезинфекция воситаларига бўлган эҳтиёжни ҳисобланда уларнинг ўтказилиши сони, заарсизлантириш усули – амалдаги норматив хужжатларга мувофиқ гидропультдан сепиш ёки дезинфекцияловчи эритма ва бошқалар билан артиб чиқиш (суртиб чикиш) ҳисобга олинади.

2.6. Мукаммал тозалаш ишлариларини олиб бориш учун дезинфекция воситаларга бўлган эҳтиёж ҳисоб-китоби қуидаги формулага кўра аниқланади:

$$\frac{Nx K}{X_2 = 52 ----- S4} \\ 100$$

бунда:

X: - мукаммал тозалашлар учун муассасаларда дезинфекция воситаларига бўлган йиллик эҳтиёж (литрда);

S2 – мукаммал тозалашлар сони (ҳафтасига бир маротаба ўтказилади);

N- 1 кв метрга (л) дезинфекцияловчи эритма сарф-харажат нормаси;

K - дезинфекцияловчи эритма қуюқлиги (концентрацияси) (%);

S4- дезинфекция қилинадиган майдон

$$S4 = \text{шифт} S^* + \text{пол } S + \text{девор } S.$$

Шифт  $S^*$  = пол  $S = ab$ ;

Девор  $S = 2h(a+b)$ , бунда  $a$  – хона узунлиги,  $b$  – хона кенглиги;  $h$  – хона баландлиги.

\* полга ишлов бериш зарур бўлганда ҳисоб-китоб учун инобатга олинади.

2.7. Тиббий буюмларни дезинфекция қилиш учун дезинфекция воситаларга бўлган эҳтиёж ҳисоб-китоби қуидаги формулага кўра аниқланади:

$$\begin{aligned} & \text{Р х К} \\ & \text{Хз= М----- --- 365} \\ & \quad 100 \end{aligned}$$

бунда:

Хз – тиббий буюмларни дезинфекция қилиш учун йил давомида зарур дезинфекция воситалари миқдори (кг, літрда);

М – дезинфекция қилинадиган анжомлар (тўпламлар) сони;

Р – бир анжомга дезинцеция воситаси сарф-ҳаражати (ўрта ҳисобдаги шприц учун 0,1 л; бачадон бўйни кўриги бир тўплами учун 2,5 л; туғдириш бир тўплами учун 3,0 л эритма ва шу каби);

К - дезинфекцияловчи эритма қуюқлиги (концентрацияси) (%).

2.8. Ботириб қўйиш (ивитиб қўйиш) усулида заарсизлантиришда тиббий буюмлар, боғлаш материаллари, bemornинг қони ва бошқа биологик суюқликлари билан ифлосланган тўшак тўпламлари, идиш-товоқ, bemor чиқиндилари, bemorgа караш анжомлари (тувак, тувакча, клеёнка, сувичиргич ва термометрлар), қўлқоплар, тиббиёт ходим маҳсус кийими, овқат қолдиқлари ва бошқалар заарсизлантириш обьектлари ҳисобланади.

2.9. Дезинфекция воситаларига бўлган эҳтиёжни ҳисоб-китоб қилишдан аввал заарсизлантириладиган обьектларни тўлиқ қамраб олиш учун ишчи эритма ҳажмини аниқлаб олиш зарур (заарсизлантириш обьектлари устидан қуиладиган ишчи эритма қатлами камида 1 см бўлиши лозим).

2.10. Ботириб қўйиш усулида заарсизлантириш учун идишларда заарсизлантириладиган тиббий буюмва шу кабилар сонидан келиб чиқилган қайдлар бўлиши керак.

2.11. Анжомнинг эритмага тўлиқ ботирилиши ва унинг бўшлиқлари тўлдирилиши ҳисобга олинган ишчи эритма сарф-ҳаражати қуидагиларни ташкил этади:

- бир дона шприц учун - 0,1 л.,
- бир дона қон қуийш тизими учун- 0,5 л,
- бачадон бўйни кўриги бир тўплами учун - 2, 5 л,
- туғдириш бир тўплами учун- 3 л.
- гинекология бўшлиғи операцияси тўплами учун - 10 л.
- акушерлик операцияси тўплами учун (кесар кесиш) - 6 л.
- четни тиклаш тўплами (перинеотомия ёки эпизиотомия билан кечган туғишида) - 3 л.
- Идиш-товоқ бир тўплами учун (тарелка, кружка, ошхона анжомлари) - 2л.
- Чиқинди ёки овқат қолдиғи 1 кг учун ишчи эритманинг 2 ҳажми зарур, яъни 1:2.
- Биологик суюқликлар билан ифлосланган 1 кг боғлаш материалларига 4 - 5 л. сарфланади
- 1 кг чойшаб тўпламига - 4 л.

2.12. ДПМ дезинфекция воситаларига бўлган эҳтиёжи қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$X = X_1 + X_2 + X_3$$

2.13. Объектнинг дезинфекция воситаларига бўлган эҳтиёжи жамланиб, бу маълумотлар дезинфекция ҳисоби журналига киритилади.

### **Дезинфекция воситаларини ҳисобга олиш журналининг шакли**

№	Дез. Восита номи	Харид санаси	Ҳисоб №	Микдори (кг. л)	Яроқлилик муддати	Дез. Восита сарф-харажати		
						Бўлим	Берилга и сана	Микдори (кг, л)

### **3. Таркибида хлор сақловчи дезинфекция воситаларининг асосий ишчи эритмаларини тайёрлаш қоидалари**

3.1. Ишчи дезинфекцияловчи эритмаларни сифатли тайёрлаш учун препаратда таркибида фаол хлор сақланишини инобатга олган ҳолда 5 фоизли тиндирилган дезинфекцияловчи бошланғич эритмасини марказлаштирилган равишда тайёрлаш зарур.

3.2. Истеъмол микдори ҳисоб-китоби қуйидаги формулага кўра амалга оширилади:

#### **Грамм/литр Эритма фаоллиги % x 1000 концентрат**

3.3. Кундалик тозалаш ва дезинфекция қилиш учун 5% эритмадан 1 қисм олиниб, 9 қисм сув қўшилади ва 0,5 фоизли олинган эритма кундалик дезинфекция қилиш учун ишлатилади.

3.4. Куруқ кукундан хлорли эритма тайёрлаш учун таркибида хлор сақловчи дез.воситанинг қуюқлигини (концентрациясини) текшириш керак.

Оқартиргичнинг талаб этиладиган микдорини 1 литр сув билан аралаштиринг.

Мисол: эритилган таркибида хлор сақловчи эритмани тайёрлаш (35%) хлор фаоллигига эга 0,5 фоизи қуюқлашган кукундан)

1-қадам: Грамм/литр ҳисоблаб чиқинг  $[0,5/35] \times 1000 \sim 14,2 \text{ г/л}$

2-қадам: 1 литр сувга 14 грамм қўшинг

3.5. Дезинфекция қилишда факат тиндирилган эритмаларни қўлланг. Са гипохлоритининг тиндирилган эритмаларини тайёрлаш учун хлор оҳаги 2 та идиш олиниб, препарат 1-идишда тиндирилганидан сўнг эритма 2-идишга эҳтиётлаб қуйилади, қолган қоришимаси сантехника асбоб-ускуналарини тозалашда ишлатилиши мумкин.

3.6. Таркибида хлор сақловчи дезинфектантлардаги фаол хлор концентрациясини аниқлаш учун “Хлор-Тест” ва унга ўхшаш ташҳислаш тизими ишлатилиши мумкин. “Хлор-Тест” сув (анолит, натрий гипохлорит, хлорамин, хлор оҳаги ва бошқалар) эритмаларидағи фаол хлор таркиби микдорини тезкор аниқлаш учун мўлжалланган. Усул тамойили қўлланиладиган эритмага ивитилган оқ рангли индикатор чизиқчасининг оч пушти рангдан тўқ сариқ-қизил ранггача ўзига хос рангга кириши фаол хлор мавжудлигини кўрсатишга асосланади, бунда рангга кириш ранги ва изчиллиги фаол хлор концентрациясига боғлиқ бўлади. Унинг таркиби 100 дан 5000 гача ва ундан ортиқ мг/л микдорда белгиланади. Ушбу “хлор-тест” қўлланилиши тегишли йўриқномада батафсил баён этилган.

3.7. Янги авлод дезинфекция воситалари йўриқномага мувофиқ ишлатилади.

3.8. Таркибида хлор сақловчи препаратда фаол хлор миқдорининг лаборатория назорати кварталда 1 марта, “СТЭЛ”, “ЭЛМА”, “ПОКИЗА” аппаратлари томонидан ишлаб чиқиладиган Нагипохлорид аналит эритмалари ойига камидан 1 марта ўтказилади.

3.9. Водород пероксида ишчи эритмаларини тайёрлаш.

3.9.1. Водород пероксида ишчи эритмаларини тайёрлаш учун ҳар қандай идишдан фойдаланиб, бундай идишда пергидролни сув билан эритилгандан сўнг (пергидролни сувга солинади) ювиш воситаси қўшилади.

3.9.2. Тегишли концентрацияга эга эритманинг 10 литрини тайёрлаш учун қўйидаги ҳисобга риоя қилинади:

Ишчи эритма таркиби		Пергидроль миқдори мл	Сув миқдори, мл	Ювиш воситаси миқдори, г
Водоров пероксида концентрацияси, %	Ювиш воситаси концентрацияси, %			
1	0,5	400	9550	50,0
2	0,5	800	9150	50,0
3	0,5	1200	8750	50,0
4	0,5	1600	8350	50,0
6	0,5	2400	7550	50,0

#### **4. Дезинфекция препаратлари билан ишлашда эҳтиёткорлик чоралари**

4.1. Заарсизлантириш, стерилизациядан олдин ишлов бериш, стерилизация ва дезинсекция қилиш учун ишлатиладиган кимёвий препаратлар турли даражада маҳаллий ва умумий заҳарли таъсирга эга.

4.2. Дезинфекция препаратлари билан ишлашга 18 ёшга тўлган, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган “Меҳнат муҳофазаси ва дезинфекция иши хавфсизлик техникаси тўғрисида”ги қоидаларда, ҳамда СанҚвАН 0280-09 “Эпидемия ўчоқларида якуний ва кундалик дезинфекцияни ташкил этиш ва олиб бориш тўғрисида”ги қоида ва нормативларда баён қилинган мажбуриятлар, хавфсизлик техникаси, эҳтиёткорлик чоралари ва тасодифий заҳарланиш профилактикаси бўйича тегишли кўрсатмаларни олган ўтказилган 18 ёшдан кичик бўлмаган шахслар қабул қилинади.

4.3. Кўрсатма бериш учун масъул этиб стационарнинг (бўлим) бош (катта) ҳамшираси ёки буйруқ асосида касалхона бўйича бошқа маҳсус шахс тайинланади.

4.4. Кўлланиладиган кимёвий воситаларга юқори таъсирchan шахслар дезинфекция эритмаларни тайёрлашга киритилмайди.

4.5. Дезинфекция воситалари эритмаларида түшак түпламлари, идиштовоқ ва бошқа буюмларни ивитиши, беморлар ва улар буюмларига инсектицидлар билан ишлов бериши вентиляция тизими мавжуд махсус хоналарда олиб борилади.

4.6. Бўлимларда дезинфекция ишчи эритмаларни тайёрлаш бўлим ўрта тиббиёт ходимлари томонидан яхши шамоллатиладиган хоналарда амалга оширилади. Эритмалар ва уларда ишлов бериладиган объектлар зич ёпиладиган идишларда сақланади. Препаратлар заҳиралари умумий фойдаланишдан узоқ жойдаги қуруқ, қоронғу ва салқин хонада сақланади. Барча дезинфекция воситалари ва эритмалар номи, қуюқлиги (концентрацияси), тайёрланган санаси кўрсатилган ёрлиқقا эга бўлиши керак. Дезинфекция воситалари яроқлилик муддати кўрсатилган ёрлиқقا эга бўлиши лозим.

4.7. Бўлимларда дезинфекция воситалари ва уларнинг эритмалари бола ва дезинфекция билан шуғулланмайдиган шахслар қўли етмайдиган жойда дори препаратларидан алоҳида қулф остида ҳолатда сақланади.

4.8. Ювиш ва дезинфекция восита қолдиқлари ишлов бериладиган объектлардан максимал даражада тозалашни таъминловчи ювиш ва заарсизлантириш кетма-кетлиги ва барча босқичларига қатъий риоя этилиши зарур.

4.9. Дезинфекция, стерилизация, кимёвий воситалар ва инсектицидлар билан боғлиқ барча ишлар яхши шамоллатиладиган хоналарда махсус кийим, резина қўлқоп, герметик кўзойнак ва 4 қаватли дока ниқоб ёки чангга қарши ёки универсал респираторларда олиб борилади. Ишлар тугалланганидан сўнг душ қабул қилиш керак.

## **5. Дезинфекция препаратларидан тасодифан заҳарланишда биринчи ёрдам кўрсатиш**

5.1. Ишлаш тартиби бузилганда, эҳтиёткорлик чораларига риоя этилмаганда ва авария вазиятларида ходимларда дезинфекция препаратлар туфайли умумий заҳарланиш ёки маҳаллий заарланиш ҳолатлари юзага келиши мумкин.

5.2. Кўлланиладиган дезинфекция ва стерилизация воситалар аксарияти учун тери қоплами, кўз шиллик қатлами ва нафас йўлларига нисбатан заарловчи таъсир хосдир.

5.3. Препаратлар ҳимояланмаган терига тушган тақдирда кўрсатиладиган биринчи ёрдам ўша жойни тоза сув билан дарҳол яхшилаб ювишдан иборат бўлади. Формальдегид билан заарланиш рўй берганда терига 5 фоизли нашатир спирти билан ишлов бериши мақсадга мувофиқдир.

5.4. Нафас йўллари заарланиши юзага келганда жабрланувчи дарҳол хонадан тоза ҳаво ёки яхши шамоллатиладиган хонага олиб чиқилади.

5.5. Оғиз ва бурун-ҳалқумни сув билан чайиш керак.

5.6. Формальдегид билан заҳарланишда нашатир спирти бир нечта томчиси томизилган сув буғлари билан нафас олиш тавсия қилинади. Бу ҳолатларда натрий гидрокарбонати (ичиладиган сода) қўшилган илиқ сут ичиш белгиланган. Кўрсатмалар бўйича юрак, тинчлантирувчи, йўталга қарши воситалар, кислороддан нафас олиш буюрилади. Оғир ҳолатларда касалхонага ётқизилади.

5.7. Ҳар қандай препарат күзга тушганда күз дархол сув ёки 2 фоизли натрий гидрокарбонат эритмаси билан бир неча дақиқа давомида ювиб ташланади. Күз заараланганда альбуцид эритмаси, оғриқда 1-2 фоизли новокаин томизилади.

5.8. Хлор фаол препаратлар тасодифан ошқозонга тушганда ошқозон 2 фоизли натрий тиосульфат (гипосульфит) билан ювилади ҳамда 5-15 томчи нашатир спирти сув, сут, ичимлик содаси, магнезиали суспензия билан (бир стакан сувга 1-2 ош қошиқ) ичилади.

5.9. Формальдегид билан захарланишда ошқозон сувга нашатир спирти ёки 3 фоизли натрий (аммоний) карбонати ёки ацетати күшган ҳолда ювилади. Ошқозон ювилгандан сүнг хом тухум, оқсил суви, сут берилади.

5.10. Фосфор-органик инсектицидлар (ФОИ) билан ишлаш натижасида қоринда оғриқ, күнгил айниши, баъзан қайт қилиш, ич кетиш, сўлак ажралиши кучайиши, күзлар ёшланиши, умумий ҳолсизлик, бош оғриғи, күз қорачиғи торайиши, томир уриши секинлашиши, мушаклар қалтираши кузатилиши мумкин.

5.11. Инсектицидлар сепиш ҳолатида захарланиш аломатлари пайдо бўлган тақдирда, жабрланувчи ишлаш хонасидан олиб чиқилади, ифлосланган кийими ечиб олинади, оғзи қайнаган сув ёки 2% сода эритмаси билан чайдирилади ва тинчлиги таъминланади.

5.12. Препарат тасодифан ошқозонга тушган тақдирда қайт қилдирилади, бунинг учун бир неча стакан сув (илиқ бўлгани маъқул) ёки оч пушти ранг калий перманганат (1:5000) ичирилади ҳамда томоқ орқа девори қичитилади. Муолажа 2-3 марта тақрорланади ёки ошқозон 1-2 фоизли ичимлик суви, аччиқ магнезия сув суспензияси, фаоллаштирилган кўмир эритмасида ювилади. Қайт қилдириш ёки ошқозон ювишдан сүнг бир стакан сувга эритилган 1-2 ош қошиқ фаоллаштирилган кўмир ёки аччиқ магнезия суспензияси ичирилади, сўнгра тузли сурги берилади. Канакунжут мойи бериш мумкин эмас.

5.13. Эритилмаган инсектицид ёки концентрацияланган эмульсия терига тушган тақдирда улар эҳтиётлик билан, пахта тампони ёки латтача билан артмай, олиб ташланиб, сўнгра тери совунли сув билан ювиб ташланади.

5.14. Фосфор-органик инсектицид қолдиклари таъсирини йўқотиш учун тери нашатир спирти ёки 2-5 фоизли хлорамин эритмаси билан артилади ҳамда қайтадан сув билан ювилади.

5.15. Препарат кўзга тушган тақдирда кўз сув ёки 2 фоизли ичимлик содаси билан яхшилаб ювилади. Кўз шиллиқ пардаси заараланган тақдирда қовоқ ичига 30% альбуцид, оғриқда – 2% новокаин томизилади.

5.16. Фосфор-органик инсектицидлар билан захарланишнинг ҳар қандай аломатлари пайдо бўлганда беладонна препаратлари (бесалол, бекарбон, белалгин 2-3 таблеткалари) ичилади.

5.17. ФОИ билан захарланиш аломатлари кучайган тақдирда жойида ёки поликлиникада дархол тиббий ёрдам кўрсатилади. Ушбу мақсадда мушак остига 0,1 фоизли атропин сульфати эритмаси 1-2 мл, оғир даражада захарланишда эса 3-5 мл юборилади. Зарур ҳолатларда атропин 10 дақиқадан сўнг тақроран юборилади.

## **XVIII. Патологоанатомия бўлимидаги санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши режим**

### **1. Умумий қоидалар**

1.1. Патологоанатомия бўлими хоналари таркиби ва майдонлари амалдаги норматив хужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

1.2. Мурдалар кеч мурда ўзгаришлари ҳосил бўлишига тўсқинлик қилувчи шароитда  $0+2^{\circ}\text{C}$  хона ҳароратида сақланади.

1.3. Ўта хавфли инфекцион касалликлар (ўлат, вабо ва бошқалар), вирусли гепатитлар, контагиоз вирусли геморрагик беззакашубҳа туғилганда ёки бундай касалликлар аниқланганда шифокор ўз ишида патологоанатомик бўлимлар ва суд-тиббиёт экспертиза бюроларида эпидемияга қарши режимни жорий қилишни тартибга солувчи хужжатларга амал қиласди.

1.4. Мурдани патологоанатомик текширувдан ўтказиш хоналари ҳар куни ювиш воситалари билан дезинфекция воситалар ёрдамида намлаб тозаланади.

1.5. Мурдаларни текширувдан ўтказишишлари тугаганидан сўнг мурда ва унинг органларини текширишда фойдаланиладиган секция стол, столча, тоғора ва бошқа буюмлар, полдаги панжаралар, секция залидаги поллар ва мурда сақлаш хонаси, асбоб-анжомлар, қўлқоплар, клеёнкали фартуклар ва енгчалар ҳар куни ювиш ва дезинфекция воситалар ёрдамида ҳолда яхшилаб ювилади.

1.6. Секция залида ва мурда сақлаш хонаси ҳар ҳафта дераза ва деворлар ювилган ҳолда мукаммал йиғиширилади. Ҳар ойда ва инфекцион касалликлардан ўлган мурдалар аниқланган ҳолатларда барча хоналар якуний дезинфекция қилинади.

1.7. Мурдалар сақланадиган хоналарда (мурда сақлаш хонаси, секция хоналари ва бошқалар) дератизация тадбирларини ташкил этиш ва олиб бориш санитария қоидаларига амал қилган ҳолда кемирувчиларни йўқ қилиш бўйича ишлар амалга оширилиши зарур.

1.8. Дезинфекция, дезинсекция ва дератизация воситаларини, шунингдек, улар билан ишлаш қоидаларини танлашда тегишли санитария қоидалари талабларига амал қилиниши керак.

1.9. Касаллик қўзғатувчанликнинг 1 ва 2-гурух микроорганизмлари қўзғатадиган ўта хавфли инфекцияларга шубҳа қилинган мурдаларни патологоанатомик текшируви касаллик қўзғатувчанликнинг ушбу гурӯх микроорганизмлари билан ишлаш хавфсизлиги тўғрисидаги санитария қоидаларига мувофиқ олиб борилиши лозим.

1.10. ОИТ вируси юқкан мурдаларни патологоанатомик текшируви Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ олиб борилади.

1.11. ОИТ вируси юқкан материал ва асбоб-анжомларни заарсизлантириш тегишли санитария қоидалари талабларига амал қилинган ҳолда худди гепатитдагидек амалга оширилади.

1.12. Мурдани текширувдан ўтказишда ишлатилган секция асбоб-анжомларимаркировкаланган маҳсус герметик ёпиладиган контейнерга солинади. Такроран фойдаланиш учун ушбу анжоилар тозаланади, қутилилади ва дезинфекцияловчи эритмали идишларда дезинфекция қилинади.

- 1.13. Лаборатория таҳлилига юбориладиган секция материали солинган банка ёки бошқа идиш-товоқларда огоҳлантирувчи ёзув қолдирилади. Материал солинган барча банкаларни ташишда уларни резина тиқин ва резина плёнка билан герметик ёпиш ҳамда герметик ёпиладиган иккинчи сув ўтказмас ва шикастланмаган контейнерга жойлаш зарур. Барча материаллар факат чопар билан юборилади. Қайд қилинган секция материали маҳсус ажратилган вамухрланганёпик хонада сақлаш мақсадга мувофиқ. Ушбу материални сақлаш ва у билан кейинчалик ишлаш белгиланган тартибга қатъий риоя этган ҳолда олиб борилиши лозим.
- 1.14. Материал билан ишлаш тугаганидан ва ҳимоя кийими ечиlgанидан сўнг барча тиббиёт ходимлари қўлларини яхшилаб ювиши ва антисептик билан ишлов бериши шарт.
- 1.15. Лаборатория текширувларида ишлатилиб, эҳтимол заҳарланган барча материаллар тегишли режимларда заарсизлантирилиши лозим.
- 1.16. Фартукни ечишдан аввал у дезинфектант эритмасига ботирилган докали салфеткада яхшилаб артиб чиқилади, шундан сўнг у ечилиб, ташқи томони ичкарига қилиб тахланади. Дезинфектантга кучли ботирилган алоҳида салфеткалар билан енгчалар, резина қўлқоплар артиб чиқилади. Мурдани текширишда ишлатилган халат, қалпок, дока ниқоб инфекция билан заарланган чиқиндиларни йиғиш ва йўқотиш учун мўлжалланган аниқ огоҳлантирувчи ёзуви бўлган рангли, сув ўтмайдиган қоп ёки пластик халтачага жойланади.

## Тиббиёт ходимлари қўллари гигиенасига қўйиладиган талаблар

1. ШИИ профилактикаси мақсадларида тиббиёт ходимлари қўллари (қўлларга гигиеник ишлов бериш, жарроҳлар қўлларига ишлов бериш) ва беморлар тери қопламлари (жарроҳлик муолажалари ва инъекция жойлари, донорлар тирсагининг букиладиган соҳаси ва тери қопламларини санитария тозалаш) заарсизлантирилиши керак.

Бажариладиган тиббий муолажалар ва тиббиёт ходимлари қўл териси микроблар билан заарланишини камайтиришнинг талаб этилган даражасига қараб қўлларга гигиеник ишлов берилади. Маъмурият тиббиёт ходимлари қўл гигиенаси талабларига ўқитиш ва бунинг устидан назоратни ташкил этади.

2. Қўллар самарали ювилиши ва заарсизлантирилишига эришиш учун қуйидаги шартларга риоя этиш зарур: калта олинган тирноқлар, тирноқларда лак йўқлиги, сунъий тирноқлар йўқлиги, қўлларда болдоқ, узук ва бошқа заргарлик тақинчоқлари йўқлиги. Жарроҳ қўлларига ишлов беришдан аввал қўл соати, билакузук ва шу кабилар ечиб қўйилиши зарур.

3. Тиббиёт ходимлари қўл ювиш ва заарсизлантириш воситалари билан, шунингдек, алоқа дерматитлари юзага келиш хавфини камайтириш учун қўл терисини парваришлиш воситалари (крем, лосьон, малҳам ва бошқалар) билан етарли микдорда таъминланган бўлиши лозим. Тери антисептиклари, ювиш воситалари ва қўл терисини парваришлиш воситаларини танлашда индивидуал жиҳатдан тўғри келишигаалоҳида эътибор қаратиш керак.

4. Қўлларга гигиеник ишлов бериш.

4.1 Қуйидаги ҳолатларда қўлларга гигиеник ишлов бериш керак:

- bemor bilan bevosita aloqa oлдидан;
- bemor shikaстlanmagان terisi bilan aloқadan sўng (masalan, tomir urishi ёки arterial bosimni ўлчашда);
- organizm ajratma ёки ekskretlari, shillik қatlamlari, boғlamalap bilan aloқadan sўng;
- bemorga қaraш bўyicha turli amallarни bажariшdan oлdin;
- bemor bevosita ёнида turgan tibbий asbob-uskuna va boшқa obъektlar bilan aloқadan sўng;
- yiringga яллиғланиш жараёнларига chalangan bemorlarни даволашdan sўng, ifloslanangan yosa va asbob-uskunalap bilan xар bir aloқadan sўng;
- xожатхонага кириб чикқандan sўng va x.k.

4.2. Қўлларга гигиеник ишлов бериш икки усулда амалга оширилади:

- ifloslaniшlarni ketkaziш va mikroorganizmlar sonini kamaytiриш учун қўлларни совун ва sув bilan gигиеник ювиш;
- mikroorganizmlar sonini xavfisiz daражагача kamaytiриш учун қўлларга tери antiseptigi bilan iшlov bериш.

4.3. Кўлларни ювиш учун дозаторли суюқ совун (диспенсер) ёки қаттиқ (брусок) совун бўлакчалари ишлатилиб, бундай совунлар ивиб қолишига имкон бермайдиган магнитли ёки бошқа совундонларгасолинади. Кўл алоҳида ёки бир марталик сочиқ (салфетка) билан артилади.

4.4. Таркибида спирт бор ёки қўлланилиши назарда тутилган бошқа антисептик билан қўлларга гигиеник ишлов бериш (уларни дастлаб ювмасдан) қўллаш бўйича йўриқномасида тавсия этилган миқдорда қўл панжалари терисига уни суртиш орқали олиб борилиб, бунда бармоқ учлари, тирноқ атрофи териси, бармоқ орасига ишлов берилишига алоҳида эътибор қаратилади.

4.5. Дозатор ишлатилганда дозаторга антисептикнинг (ёки совун) янги порцияси дозатор дезинфекция қилинган, сув билан ювилган ва қуритилганидан сўнг солинади. Тирсак билан босиладиган ва фотоэлементли дозаторлардан фойдаланган афзal.

4.6. Қўлларга ишлов беришга мўлжалланган тери антисептикларидан даволаш-ташҳислаш жараёнининг барча босқичларида фойдаланиш имконияти осон бўлиши лозим. Беморларгакараш интенсивлиги юқори бўлган ва ходимларигакўплаб иш вазифалари юкланган бўлинмаларда (реанимация ва интенсив терапия ваҳ.к.) тери антисептиклири солинган дозаторлар ходимлар томонидан ишлатилиши учун қулай жойда (палатага кириш жойида, bemor тўшагининг ёнида ва бошқа) қўйилиши керак. Шунингдек, тиббиёт ходимлари алоҳида идишлар (флаконлар) билан таъминланишини назарда тутишзарур.

4.7. Тиббиёт ходимлари томонидан қўл гигиенаси талаблари бажарилишини доимий назорат қилиш ва тиббиёт ёрдам қўрсатиш сифатини ошириш мақсадида бу ахборотни ходимларга етказиш керак.

Тиббиёт ходимлари ва bemorлар шахсий ҳимоя воситаларидан бири резина қўлқоп ишлатиш ҳисобланади. Қўлқоплар 3 хил турга бўлинади:

- жарроҳлик
- кўрик
- хўжалик

**Жарроҳлик қўлқоплари.** Тери ости тўқималари ёки қон ажратмалари билан алоқани кўзда тутувчи барча ҳолатларда ишлатилади. Ушбу муолажалар учун стерил қўлқоплар ишлатилиш кўпроқ маъқул деб ҳисобланади; бироқ стерил қўлқоплар бўлмаган тақдирда ёки маълум сабабга кўра стерилизация қилиш имкони бўлмагандга юқори даражали дезинфекциядан (ЮДД) ўтказилган жарроҳлик қўлқопларини ишлатишга йўл қўйилади. Имкон қадар бир марталик жарроҳлик қўлқопларидан фойдаланиш тавсия этилади, чунки кўп марталик қўлқопларга тегишлича ишлов бериш етарлича кўп меҳнатли жараённи талаб қиласди. ЮДДдан ўтказилган қўлқоплар шикастланган тери қопламлари ёки шикастланмаган шиллиқ парда билан алоқаларда ишлатилиши мумкин.

Оператив аралашувлар олиб борилганда фақат стерил қўлқоплар ишлатилади.

**Күрик қўлқоплари.** Шикастланмаган шиллик парда билан алоқаларда ишлатилиши керак. Күрик қўлқоплари одатда резина (латекс) ёки винилдан тайёрланиб, улар сочма ёки алоҳида ўрамда етказиб берилиши мумкин. Ушбу турдаги қўлқоплар тоза, бироқ стерил ёки ЮДДдан ўтказилган эмас. Уларни такроран ишлатишга йўл қўйилади. Кўрик қўлқопларини ҳар бир вена ичига қилинадиган муолажаларидан сўнг алмаштириш зарур. Мушак ва тери ости муолажаларини қўлқопларсиз бажаришга йўл қўйилади, инфекцион касалликлар стационарлари бундан мустасно.

**Хўжалик қўлқоплари.** Қалин резина қўлқоплари заарланган асбоб-анжомлар ва бошқа буюмлар, чиқиндилар, тўшак тўпламлари билан муомалада, шунингдек, хоналарни тозалаш ишларида ва заарланган юзаларга ишлов беришда ишлатилиди. Мунтазам ювиб чайилгандан сўнг бу қўлқопларни кўп марта ишлатиш мумкин.

Агар тавсия этилган қўлқоплар тури бўлмаса, қуйидаги қоидаларга амал қилиш зарур:

- Агар стерил қўлқоплар бўлмаса, юқори даражали дезинфекциядан (ЮДД) ўтган қўлқопларни ишлатилиши мумкин.
- Агар кўрик қўлқоплари бўлмаса, стерил ёки ЮДДдан ўтказилган қўлқоплар ишлатилиши мумкин.
- Агар техник қўлқоплар бўлмаса, бажариладиган ишларга қараб тоза, стерил ёки ЮДДдан ўтказилган қўлқоплар ишлатилиши мумкин.

Даволаш муассасалари тиббиёт ходимлари қуйидаги сменали кийим тўплами билан таъминланиши керак: халат, қалпоқ ёки рўмол, ниқоб, сменали пойабзал (шиппак). Бундай кийим алоҳида шкафчаларда сақланиши керак. Ифлосланган тақдирда фавқулодда алмаштириш учун маҳсус кийим тўплами бўлиши лозим. Устки кийим ходимлар кийим-кечак хонасида сақланиши керак.

Даволаш муассасасидан ташқарида тиббий кийим ва пойабзалда бўлишга рухсат этилмайди.

Операция блоклари, туғруқ заллари, боғлаш стационарлари (бўлимлари), шу жумладан, инфекцион касалликлар, фтизиатрик, тери-таносил ихтинослигидаги бўлимларда машғулот ўтаётган талабалар тоза маҳсус кийимда (шиппак, тиббий халат, қалпоқ ёки қалпоқча) бўлиши лозим.

Инфекция билан заарланган суюқликларни сачратиш ёки тўкиш эҳтимоли мавжул бўлса, тўсиқлар – химоя қўзойнаклари, никоблар, пластик фартуклар жорий қилиниши ва қўлланилиши зарур.

## 1. Даволаш-профилактика муассасаларида дезинфекция ва стерилизация қилиш тадбирларини ташкил этиш

1.1. Тиббиёт буюмларини (кейинги ўринларда буюмлар) дезинфекция, стерилизация олди тозалаш ва стерилизация қилиш даволаш-профилактика муассасаларида (ДПМ) bemорлар ва ходимларида касалхона ички инфекцияларининг профилактикасига йўналтирилади.

1.2. Тиббиёт буюмларини, шунингдек, улар канал ва бўшлиқларини заарасизлантириш касаллик қўзғатувчи ва шартли касаллик қўзғатувчи микроорганизмлар – вируслар (шу жумладан парентерал вирусли гепатитлар, ОИВ инфекцияси), бактерияларни (шу жумладан сил микобактериялари, замбуруғлар) йўқ қилиш мақсадида олиб борилади.

1.3. Барча буюмларни bemорларга нисбатан қўлланилганидан сўнг дезинфекция қилиниши керак.

1.4. Тиббий техника ва буюмлар қўлланилганидан сўнг улар келгусида ишлатилишидан қатъий назар (бир ва кўп марта қўлланиладиган буюмлар), дезинфекция қилиниши керак. Дезинфекцияни физикавий ва кимёвий усулларда олиб бориш мумкин. Усулни танлаш буюм хусусиятлари ва унинг мақсадига боғлиқдир.

1.5. Тиббий техника ва буюмларни дезинфекция қилиш учун микробларга қарши кенг кўламли (вирулицидли, бактерицидли, фунгицидли – Кандида туридаги замбуруғларга нисбатан фаол) таъсирга эга дезинфекция воситалари қўлланилади. Дезинфекция режимларини, айниқса барқарор микроорганизмлар бўйича (силга қарши кураш тиббиёт муассасаларида – сил микобактериялари бўйича) – вируслар ёки Кандида туридаги замбуруғлар ўртасида танланади.

1.6. Ишлатилиш жараёнида тери, шиллик парда шикастланишига сабаб бўлиши мумкин бўлган кўп марта қўлланиладиган, жароҳат юзаларига тегадиган, қон ва инъекция препаратлари билан алоқада бўладиган тиббий буюмларни жойида дезинфекция қилиш керак. Буюм дезинфекция қилинганидан сўнг стерилизация олди тозалашидан ўтказилади.

1.7. Кўп марта қўлланиладиган тиббий буюмлар дезинфекция қилинганидан сўнг муайян восита қўлланилиши бўйича ўёриқномада баён этилган тавсияларга мувофиқ дезинфекцияловчи воситалар қолдиқларидан ювиб тозаланиши керак.

1.8. Стерилизация қилиниши керак бўлган кўп марта қўлланиладиган буюмлар стерилизациясидан олдин стерилизация олди тозалашдан ўтказилади.

1.9. Стерилизация олди тозалаш буюмлардан оқсил, ёғ ва механик ифлосланишларни, шунингдек, дори препаратлари қолдиқларини кетказиши мақсадида амалга оширилади.

1.10. Дезинфекция, стерилизация олди тозалаш ва стерилизация қилиш воситалари сифатида факатгина мўлжалланган физикавий ва кимёвий воситалар ишлатилади.

1.11. Дезинфекция воситаларини танлашда тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчиларининг дезинфекция воситаларини ушбу материалларга таъсирига тегишли тавсияларини инобатта олиш зарур.

- 1.12. Дезинфекция, ювиш ва стерилизация воситалар эритмалари солингган идишлар восита номи, унинг қуюқлиги (концентрацияси), мақсади, тайёрланган санаси кўрсатилган аниқ қайдларга эга қопқоқлар билан таъминланган бўлиши керак (кўп марта ишлатишга учун рухсат этилган тайёр воситалар учун ҳам кўрсатилади).
- 1.13. Тузилиши мураккаб буюмларни (эндоскоплар, мослашувчан эндоскоплар тиббий асбоб-буюмлари ва бошқалар) дезинфекция, стерилизация олди тозалаш ва стерилизация қилиш бўйича тавсиялар, шунингдек, буюмларга ишлов бериш бўйича кўрсатилган турларининг ҳар хил жиҳатларига тегишли қўшимча маълумотлар амалдаги норматив хужжатларга мувофиқ амалга оширилади.
- 1.14. Дезинфекция вақтида йўриқномага мувофиқ дезинфекция воситалари кўлланилади.
- 1.15. Стерилизация қилиш жараёнида стерилизация олди тозалаш муҳим босқич ҳисобланади.
- 1.16. Тиббий асбоб-буюмлар ва бошқа тиббий буюмларни стационарлар, операция блоклари, боғлаш бўлимлари ва шу каби жойларда стерилизация олди тозалаш тақиқланади.
- 1.17. Таркибида 0,5 фоизли хлор сақловчи дезинфектантда камида 10 дақиқа ёки бошқа дезинфектантда қўллаш бўйича йўриқномасига мувофиқ сақлаб туриш орқали заарсизлантирилган тиббий асбоб-буюмлар сувда ювиб тозалашга МСБга қабул қилинади.
- 1.18. Тиббий асбоб ва уларга тенглаштирилган буюмларни стерилизация олди тозалаш ишлари фақат марказлаштирилган стерилизация қилиш бўлимларида (масканлари) 2-жадвалга мувофиқ олиб борилади. Микрожарроҳлик оператив аралашувлари олиб бориладиган стационарларда, жарроҳлик блокларида стерилизация олди тозалаш ва стерилизация ўтказилишига рухсат этилади.
- 1.19. Буюмлар стерилизация олди тозалаш сифати қон қолдиқ миқдори ва организм биологик субстратлари мавжудлиги юзасидан азопирамли, амидопиринли синовлар қўйиш (йўриқномага мувофиқ) орқали, шунингдек, ювиш воситалари ишқорли компонентларининг қолдиқ миқдорлари мавжудлиги юзасидан фенолфталеинли синовлар қўйиш орқали баҳоланади.
- 1.20. Стерилизация қилиш - бу барча микроорганизмлар (бактериялар, замбуруглар ва паразитлар), шу жумладан бактериал спораларни тирик бўлмаган нарсалардан юқори босимли буғда (автоклавда), куруқ иссиқда (куритиш-стерилизация қилиш шкафида), кимёвий усулда йўқ қилиш жараёнидир.
- 1.21. Стерилизация қилиш буюмлар устидаги ёки буюмлар ичидағи микроорганизмларни ўлдириш мақсадида амалга оширилади. Жароҳат юзаларига тегадиган, бемор организмидаги қон ва унга юбориладиган инъекцион препаратлар билан алоқада бўладиган барча буюмлар, шунингдек, ишлатилиши жараёнида шиллиқ парда билан алоқада бўлиб, унинг шикастланишига сабаб бўладиган буюмлар стерилизация қилиниши даркор.
- 1.22. Стерилизация қилиш 3-, 4-, 5-жадвалларга мувофиқ физикавий (буғ, ҳаво, қиздирилган шарчалар мухитида) ва кимёвий (кимёвий воситалар кўлланилиши, газ) усулларда амалга оширилади.

- 1.23. Жарроҳлик чойшаблари, боғлов материаллари стерилизация қилиш қутиларида буғ ҳаракати бўйича ёнма-ён тахланади. Материални зич тахлаш тақиқланади. Стерилизация қилиш қутиларини жарроҳлик чойшаблари ва боғлов материаллари билан юклаш нормаси 1-жадвалда кўрсатилган.
- 1.24. Стерилизация қилинишидан олдин резина қўлқоплари ички ва ташқи томонига тальк сепилиб, бу уларнинг ёпишиб қолишини олдини олиш мақсадида қилинади. Кўлқоплар орасига дока ёки қофоз тўшалади, кўлқопларнинг ҳар бир жуфти дока ёки қофозга алоҳида ўралади ва шу ҳолда стерилизация қилиш қутиси ёки бошқа ўрамгасолинади. Буғ нохуш таъсирини камайтириш мақсадида резина қўлқоп ва резинадан тайёрланган бошқа буюмлар 120-122°C ҳароратда стерилизация қилинади.
- 1.25. Қуйидаги лигатурабоп тикиш материаллари буғ усулида стерилизация қилинади: жарроҳлик пишиқ шойи иплар, жарроҳлик пишиқ капронли иплар, жарроҳлик полиэфирли чилвирлар (кейинги ўринларда – лигатурабоп тикиш материали).
- 1.26. Лигатурабоп тикиш материали ғалвир, шиша таёқчаларга ўралган майдага ўрам, калава ва шу кабилар шаклида стерилизация қилишга тайёрланади. Тайёрланган лигатурабоп тикиш материали битта операцияга мўлжалланган микдорда ўраш материалига икки қават қилиб ўралади (стерилизация қилиш қутисига солинганда – ўраш материали бир қаватига). Жарроҳлик пишиқ капронли иплар факат 120-122°C ҳароратда буғ билан стерилизация қилинади; бундан ташқари, бошқа турдаги лигатурабоп тикиш материали 130-134°C ҳароратда стерилизация қилинишига йўл қўйилади. Лигатурабоп тикиш материали у стерилизация қилинган ўрамда стерил буюмлар учун маҳсус шкафларда сақланади. Ишлатилмаган стерил лигатурабоп тикиш материали сақлаш шартлари ёки муддати бузилган тақдирда 120-122°C ҳароратда буғ усулида такроран (факат бир марта) стерилизация қилиниши мумкин.
- 1.27. Пароформалин камераларда стерилизацияни дезинфекция ва стерилизация олди тозалашдан сўнг, факатгина тегишли ҳужжатга эга ҳамда буғлар концентрациясини тартибга сола оладиган заводда тайёрланган камераларда амалга оширишга йўл қўйилади. Пароформалин камераларни тегишли шамоллатиш тизимиға эга маҳсус хоналарда ўрнатиш лозим.
- 1.28. Тиббий буюмларни кимёвий эритмалар ёрдамида дезинфекция, стерилизация олди тозалаш ва стерилизацияси қилинаётганида бундай буюмлар воситанинг ишчи эритмасига (кейинги ўринларда - “эритма”) канал ва бўшлиқлари тўлдирилган ҳолда ботирилади. Тирқишли буюмлар қисмларга ажратилган ҳолда, қулфли қисмларга эга асбоблар очилган ҳолда ивитилади.
- 1.29. Идиш ҳажми тиббий буюмлар эритмада тўлиқ ботирилишини таъминлаши лозим; буюмлар устидан эритма қатлами камидан берсантиметр қалин бўлиши керак.

- 1.30. Кимёвий воситалар эритмалари қўллаб стерилизация қилишнинг кимёвий усули, одатда, расмий тавсия этилган стерилизация қилиш усулларини қўллашга имкон бермайдиган иссиқликка чидамсиз материаллардан қилингандуюмларни стерилизация қилишда қўлланилади.
- 1.31. Кимёвий стерилизация қилиш учун спороцидли таъсирга эга таркибида альдегид, кислород ва хлор сақловчи эритмалар қўлланилади.
- 1.32. Кимёвий воситалар эритмалари билан стерилизация қилишда барча амаллар асептика қоидаларига қатъий риоя этилган ҳолда олиб борилади; буюмларни стерилизация қилиш ва восита қолдиқларидан стерил ичимлик суви билан ювиб ташлаш учун стерил идиш ишлатилади. Буюмлар муайян восита қўллаш бўйича йўриқномасида баён этилган тавсияларга мувофиқ ювилади.
- 1.33. Кимёвий воситалар эритмалари қўллаб кимёвий усулда стерилизация қилишда стерил сувда ювилиб стерилизация қилингандуюмлар хизмат мақсади бўйича дарҳол ишлатилади ёки сақлаш учун стерил чойшаб солинганди фильтрли стерилизация қилиш қутисига 3 суткадан ошмаган муддатга қўйилади.
- 1.34. Буғ, ҳаво ва газ усуллари давомида буюмлар белгиланган тартибда стерилизация қилишнинг муайян усулига нисбатан рухсат этилган бир марталик стерилизация ўраш материали ёки қўп марталик контейнерлардан (фильтрли стерилизация қилиш кутилари) фойдаланилган ҳолда ўраб туриб стерилизация қилинади.
- 1.35. Ўраб туриб стерилизация қилингандуюмлар шкафлар, иш столларида сақланади. Сақлаш муддати ўрамда кўрсатилиб, ўраш материали тури ва уни қўллаш бўйича йўриқномага кўра белгиланади.
- 1.36. Стоматологик тиббий ташкилотларда (хоналарида) қиздирилган шиша шарчалар мухитида тўлиқ ботириш орқали турли бор ва бошқа майда асбоблар стерилизация қилинадиган гласперленли стерилизаторлар қўлланишига йўл қўйилади. Қиздирилган шиша шарчалар мухитига тўлиқ ботирилмайдиган стоматологик асбоблар ишчи қисмларини стерилизация қилиш учун ушбу усулдан фойдаланиш тавсия этилмайди.
- 1.37. Ультрабинафша чироқлар билан жихозланган бактерицидли камералардан, ишлатиш бўйича йўриқномага мувофиқ, микроорганизмлар билан қайта заарланиш ҳавфини камайтириш учун асбоб-буюмларни сақлаш мақсадидагина фойдаланишга йўл қўйилади.
- 1.38. Ҳаво усулида ўралмай туриб стерилизация қилишда стерилизация қилингандуюмлар ҳаво стерилизаторида сақлашга ҳамда уларни стерилизациядан кейинги кунда ишлатишга йўл қўйилмайди.
- 1.39. Стерилизация қилингандан кейин сақлаш муддати ўтиб кетган стерилланган тиббий буюмлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.
- 1.40. Тиббий буюмларни стерилизация қилиш ҳисоби тегишли журналда олиб борилади.

## **2. Тиббий буюмларни стерилизация олди тозалаш сифатини назорат қилиш**

2.1. МСБ (МСБ)да ўзини-ўзи назорат қилиш ҳар куни олиб борилади.

2.2. Буюмлар стерилизация олди тозалаш сифати қон қолдик миқдори мавжудлиги бўйича азопирамли, амидопиринли синовлар қўйиш орқали, шунингдек, ювиш воситалари ишқорли компонентларининг қолдик миқдорлари мавжудлиги бўйича фенолфталеинли синовлар қўйиш орқали баҳоланади.

2.3. Қон қолдик миқдори (азопирам, амидопиринли) бўйича стерилизация олди тозалаш сифатини назорат қилиш — сменада ишлов берилган буюмлар ҳар бир туридан 10%, ёки камида 3-4 намуна олиб текшириш билан амалга оширилади.

2.4. Ишқор қолдик миқдори бўйича сифатни назорат қилиш (фенолфталеинли синови) — дистилланган сувда чайилган ҳар бир буюмдан камида 3-4 намуна олиб текшириш орқали амалга оширилади.

## **3. Синовлар қўйиш учун реактивларни тайёрлаш методикаси**

### **3.1. Азопирамли синов**

Азопирам таркибига 10% амидопирин, 0,10-0,15% хлорид кислотали анилин, 95% этил спирт киради.

Тайёр эритма музлатгичда қоронғи жойда зич ёпилган флаконда 2 ой, 18-23°C хона ҳароратида эса кўпи билан бир ойдан сақланиши мумкин.

Сақлаш жараёнида реактивнинг чўқинди ҳосил қилмаган ҳолда ўртacha сарғайиши унинг ишчихислатларини сусайтируйди.

Ишчи эритмани тайёрлаш: тозалаш сифатини бевосита текширишдан аввал азопирам ва 3 % ли водород пероксиди эритмаси тенг ҳажмда аралаштириб ишчи эритма тайёрланади.

Азопирам тайёрланган эритмаси қон доғига суртилади. Агар 1 дақиқа ичида бинафша ранг пайдо бўлиб, у кейин настарин рангига ўзгарса, реактив ишлатишга яроқлидир, агар ранг ўзгариши 1 дақиқа давомида содир бўлмаса, реактивдан фойдаланиб бўлмайди.

Ишчи эритма билан текширилаётган буюмларга ишлов берилади, реактивларга ивтиилган тампонлар билан аппаратура ва асбоб-ускуналар турли юзалари артилади, текширилаётган буюмга бир неча томчи суртилади.

Қон излари бўлганда реактив ифлосланган жойга тегиши билан камида 1 дақиқадан кейин дастлаб бинафша ранг пайдо бўлиб, сўнгра у тезда бир неча сония ичида пушти-настарин рангга ўзгарамади. Текширилаётган буюмларда занг бўлган тақдирда қўнғир ранг, таркибида хлор сақловчи оксидловчилар бўлганда – бинафша ранг пайдо бўлиши кузатилади.

### **Реакциянинг ўзига хос хусусиятлари:**

- Текширилаётган буюмларга ишлов берилгандан сўнг 1 дақиқадан кейин ранг ўзгариши ҳисобга олинмайди;
- Текширилаётган буюмлар хона ҳароратида бўлиши керак. Иссик буюмлар текширувдан ўтказилмайди;
- Ишчи эритмани ёруғ нур ёки юқори ҳароратда сақлаш тақиқланади;
- Азопирам ишчи эритмаси 1-2 соат давомида ишлатилиши керак.

Натижалардан қатъий назар текширувдан сўнг текширилган буюмлардан азопирам қолдиқлари сув билан ювиб ёки сув ёки спиртга ивитилган тампон билан артиб кетказилади, сўнгра ушбу буюмлар такроран стерилизация олди тозалашдан ўтказилади.

### **3.2. Амидопиринли синов**

Амидопирин 5 фоизли спиртли эритмаси 97 фоизли этил спиртида тайёрланади. Ушбу эритма зич ёпиладиган тиқинли флаконда совутгичда сақланиши керак. Эритма яроқлилик муддати - 1 ой.

30 фоизли сирка кислотаси эритмаси ва 3 фоизли водород пероксида эритмаси дистилланган сувда тайёрланади.

Амидопириннинг 5 фоизли спиртли эритмаси, 30 фоизли сирка кислотаси эритмаси ва 3 фоизливодород пероксида эритмаси тенг микдорда аралаштирилади. Реактив уни қўллашдан олдин тайёрланади.

Азопирамли ёки амидопиринли синов қўйишда намуна қўйилгандан сўнг 1 дақиқа ўтгач юз берган реактивлар ранги ўзгариши ҳисобга олинмайди.

### **3.3. Фенолфталеинли синов**

Фенолфталеин 1 фоизли спиртли эритмаси 97 фоизли этил спиртида тайёрланади; эритма зич ёпиладиган тиқинли флаконда совутгичда бир ой давомида сақланади.

## **4. Синовлар қўйиш методикаси**

Назорат қилинадиган буюм реактивда ивитилган докали салфетка билан артилади ёки томизгич ёрдамида буюмга реактив 2-3 томчиси оқизилади.

### **4.1. Синовлар қўйиш натижаларини қайд қилиш:**

**ижобий азопирамли синовда** қон излари бўлганда бирданига ёки 1 дақиқадан сўнг дастлаб бинафша ранг пайдо бўлади, сўнгра бир неча сониялар ичida тезда реактив ранги пушти-настарин ёки қўнғир рангга ўзгаради.

Азопирам, гемоглобиндан ташқари, буюмларда ўсимликтан келиб чиқсан пероксидазалар (ўсимлик қолдиқлари), оксидловчилар (хлорамин, хлор оҳаги), оқартиргичли кир ювиш кукуни, идиш-товоқقا ишлов бериш учун хромли аралашма ва ҳ.к.лар, шунингдек, занг (темир оксидлари ва тузлари) ва кислоталар қолдиқ микдорлари мавжудлигини аниқлайди. Текширилаётганбуюмларда занг ва юқорида қўрсатилган оксидловчилар мавжуд бўлганда реактив қўнғир рангга, қолган ҳолатларда эса пушти-настарин рангга кириши кузатилади.

**ижобий амидопиринли синовда** буюмларда қон қолдиқ мікдори борлиги ҳақида реактивнинг қон билан алоқасидан кейин бирдан ёки қўпи билан 1 дақиқа мобайнида турлича тўйдирилган кўк-бинафша ранг пайдо бўлиши далолат беради.

**ижобий фенолфталеинли синовда** буюмларда ювиш воситалари ишқорли компонентлари қолдиқ мікдорлари борлиги ҳақида реактив пушти рангга кириши далолат беради.

Қон ёки ювиш воситаларининг ишқорли компонентлари қолдиқ мікдорлари бўйича синов ижобий бўлганда назоратга олинган буюмлар барча гурухи салбий натижга бўлмагунча такроран тозаланади. Назорат натижалари №366/У шаклидаги стерилизация олди ишлов бериш сифатини қайди қилиш дафтарида акс эттирилади.

Стерилизация олди ишлов бериш сифатини қайд қилиш

## ЖУРНАЛИ

Қайдлар бошланган сана «\_\_\_\_\_» 20\_\_й.  
Қайдлар тугаган сана «\_\_\_\_\_» 20\_\_й.

Сана	Ишлов бериш усули	Кўлланилаёт- ган восита	Ишлов берилган буюмлар устидан оралиқ кимёвий назорат натижалари				Назоратни ўтказган шахс фамилияси	
			Буюм номи	Буюм сони (дона)	Шулардан			
					Қон билан	Ювиш воситаси билан		

## 5. Стерилизацияни назорат қилиш

5.1. Стерилизация қилиш тартиблари параметрларини назорат қилиш физикавий усулда (назорат-ўлчов қурилмалари; термометрлар, моновакуумметрлар ва бошқалар ёрдамида) ҳамда кимёвий усулда кимёвий индикаторлар (ИВС ва ИКПВС-Медтест, Стеритет-В, П, Вл-Винар, Медис-В, Фарматест-Винар ва бошқалар) ишлатилган ҳолда олиб борилади. Стерилизация самарадорлигини стерилизация қилинган ажомлар стериллигини назорат қилиш натижалари асосида баҳоланади ҳамда ҳаво, буғ (автоклав) стерилизаторларини ишлатиш дафтарида акс эттирилади (Ф 257/У).

**Буғ, ҳаво (автоклав) стерилизаторларини ишлатиш  
ЖУРНАЛИ**

Қайдлар бошланган сана «\_\_\_\_\_» 20\_\_ й.  
 Қайдлар тугаган сана «\_\_\_\_\_» 20\_\_ й.

Сана	Буғ. ҳаво Стерил изатор и марка	Стерилизация қилинаётган буюмлар	Упаков ка	Стерилиза ция вақти (дақиқа)	Режим		Назорат тести	Имзо
		Стерилизация қилинган буюмлар номи сони		Стерилизация бошланиши туташы	Босим	Харорат	Стерилизация қилинган буюмлар номи сони	

**Кимёвий тест-индикаторлар қўлланилиши** стерилизаторлар техник носозлиги, уларни юклаш қоидалари бузилиши, параметрлар қийматларини ўрнатишдаги хатоликлар ёки улар ишдан чиқиши билан боғлиқ стерилизация қилиш тартибига риоя этмасликни аниқлашга имкон бериб, шу аснода стерилизаторлар ишлатилиш эҳтимолини камайтиради.

5.2. Индикатор ўрамидаунинг номи, яроқлилик муддати, туркум рақами, ТНБ штампи ва ишлаб чиқарувчи корхона реквизитлари кўрсатилади. Индикаторни ишлаб чиқарувчиси ўрамида 5°C дан 40°C гача бўлган ҳароратда ва ҳаво нисбий намлиги 85%дан ошмаган шароитда қуёш нурларидан муҳофазаланган жойда сақлаш лозим. Кафолатланган яроқлилик муддати – 24 ой.

5.3. Индикаторлар билан боғлиқ барча амалиётлар – уларни стерилизатор камерасига жойлаш, ундан чиқариб олиш, натижаларни талқин этиш ва хужжатлаштириш стерилизация қилишни бажарувчи ходимлар томонидан амалга оширилади.

5.4. Индикаторларни ҳар бир стерилизация циклида қўллаш тавсия этилади. Стерилизаторга солинадиган индикаторлар сони стерилизатор камераси ҳажмига боғлиқдир. Ҳар бир стерилизация циклида ҳам ташқи, ҳам ички тест-индикаторлар қўлланилади.

Буғ стерилизаторининг стерелизация камераси ҳажми	Индикатор солинадиган нукталар сони
100 гача	5
100 дан 750 гача	11

5.5. Перфорация чизиклари бўйича варакдан индикаторлар зарур сони ажратиб олинади ҳамда улар назорат нуқталари рақамларига мувофиқ рақамланади (1-расм). Индикаторлар стерилизатор камерасига стерилизация қилинадиган буюмлар солинган ўрам ва стерилизация қилиш қутилари (бикслар) ташқи томонидан назорат нуқталари жойлашувига имкон қадар амал қилган ҳолда солинади(1-расм). Ҳар бир нуқтага камида битта индикатор солинади.

Стеризация камераси ҳажми	Назорат нуқталар сони	Назорат нуқталар жойлашуви
100 гача	5	Вертикал стерилизаторларда Нуқта №1 – камера юқори қисмida; нуқта №2 – камера қўйи қисмida; нуқта №3-5 – стерилизация қутилари марказида Юмалоқ горизонтал стерилизаторларда: Нуқта №1 – юклаш эшиги олдида; нуқта №2 – қарама-қарши деворда; нуқта №3-5 - стерилизация қутилари марказида
100 дан 750 гача	11 гача	Ҳажми 750 гача бўлган юмалоқ горизонтал стерилизаторларда ҳамда тўртбурчакли стерилизаторларда №1 – юклаш эшиги олдида; №2 – қарама-қарши деворда; нуқта № 3-11 – стерилизация қутилари марказида

5.6. Индикаторни маҳкамлаш учун унинг орқасидан логотип томондан ёпишқоқ қатламни ёпиб турувчи ҳимоя қоғози олиб ташланади. Стерилизация қилиш қутилари ишлатилганда индикаторлар қути ёрлиғига маҳкамланиши зарур.

5.7. Стерилизация қилинаётган буюм ва ўрамлар ичida СТЕРИКОНТ-П туридаги индикаторларни жойлаштиришга йўл қўйилмайди. Буюм ва ўрам ичida стерилизация шароитларини назорат қилиш учун "СТЕРИТЕСТ-П" ва шунга ўхшаш турдаги индикаторларни ишлатиш зарур.

5.8. Стерилизация цикли тугаганда ҳар бир индикаторнинг индикатор белгиси ранг ўзгариши баҳоланади. Агар барча индикаторларда индикатор белгиси ранги солиштириш эталони рангига мувофиқ тўқ кўк-бинафша рангга ўзгарса ёки унданда тўқроқ рангга кирса, стерилизация режими критик параметрлари талаб этилган қийматларига риоя этилган, барча юкланганди буюмлар стерилизация қилинган деб ҳисобланади.

5.9. Агар ҳеч бўлмаганда битта индикатор белгиси тўлиқ ёки қисман сарик рангни сақлаб қолса, ёки солиштириш эталони рангидан осон фарқланадиган яшил ёки жигар-яшил рангга ўзгарса, стерилизатор камерасида стерилизация режими критик параметрларининг талаб этилган қийматларига риоя этилмаган деб хисобланади. Барча юкланган буюмлар стерил бўлмаган деб хисобланади. Бундай ҳолатда стерилизаторни юклаш қоидаларига риоя этилиши ва параметрлар белгилаш аниқлиги текширилади, буюмлар янги ўрамга солинади, индикаторлар алмаштирилади ҳамда буюмлар такроран стерилизация қилинади.

5.10. Ишлатилган (ташқи) индикаторлар стерилизация қилиш дафтар (257/у шакли) махсус ажратилган устунларига ёпиштирилади ва ишлатилганидан сўнг архивда хужжат сифатида 3 йил давомида сақланади. Ёпишқоқ қатламли индикаторлар қўшимча елимлашни талаб этмайди ва ҳимоя қоғози ёпишқоқ қатлами олиб ташлангандан сўнг журналга ёпиштирилади. Журнал МСБда юритилади ва сақланади.

5.11. Стерилизация қилинган материал ва асбобларни чиқариб олишдан аввал (стерилизация қути/ўрамлари очилгунга қадар) қуидагилар амалга оширилади:

- стерилизация қутиси қопқоғи зич ёпилганлиги ёки бир марталик стерилизация ўрами бут сақланганлиги кўриб баҳоланади;
- кимёвий индикаторлар, шу жумладан, стерилизацион ўрам материалларидағи индикатор белгилари ранги текширилади;
- стерилизация санаси текширилади;
- бикс ёрлиғида, ўрам халтачасида очиш санаси, вақти ва очган шахснинг имзоси қўйилади.

Ўрам ва буюмлар ичини стерилизация қилиш шартларини назорат қилиш “ички” индикаторлар қўлланилган ҳолда амалга оширилади. Клиник бўлим ходимлари шулар асосида тиббий буюм ва материалларни бевосита ишлатиш олдидан улар стериллигини назорат қиласилар.

Ички тест-индикаторлар стерилизация қутиларидан чиқариб олинади ҳамда ДПМ хоналари қайд этиш дафтарларига ёпиштирилади.

Журнал рақамланган, тикилган, муассаса раҳбари имзоси ва муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

## **6. Марказлаштирилган стерилизация бўлими (пункти) ходимларига қўйиладиган талаблар**

6.1. Ишга келганда ва иш вақтида ўрта бўғин тиббиёт ходимлари амалдаги норматив хужжатларга мувофиқ дастлабки (даврий) тиббий кўриқдан ўтказилади.

6.2. МСБ ходимлари махсус кийим ва пойабзал билан таъминланган бўлиши керак.

6.3. Ходимлар ишлаб чиқариш иши методикаси, техникаси тўғрисида, хавфсизлик техникаси қоидалари, эпидемияга қарши ва дезинфекция режимларига риоя қилиш юзасидан кўрсатма олишлари керак.

6.4. МСБга ишга келишдан аввал тиббиёт ходимлари камида бир ҳафта олдин иш режими ва стерилизация олди ишлов бериш методикаси бўйича асосий (намунавий) МСБ ўқишидан ўтиши шарт. МСБда иш пайтида ҳудудий давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари, Қорақалпогистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармалари мутахассислари томонидан фақат маъруза ўтказиш орқали ўқитиш тақиқланади. Асосий МСБ ўқитишининг 70 фоизи амалий машғулотларга бағишлиланган бўлиши лозим.

Стерилизация ва автоклавлаш режими бўйича ўқитувчи ташкилотлар ўқитишига ҳуқук берувчи лицензияга эга бўлиши керак.

Стерилизация ва автоклавлаш режими бўйича сертификатлар беришни тегишли ҳужжатбериш ҳуқуқига эга муассаса амалга оширилади.

6.5. Стерилизацияловчи асбоб-ускуналарга (автоклав, қурук-иситиш шкафига) хизмат кўрсатувчи тиббиёт ходимлари МСБга ишга келишидан авал, келгусида эса йилига 1 марта маҳсус курсларда ўқиши ҳамда ушбу аппаратларда ишлашга рухсат берилганлиги тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлиши лозим.

6.6. Стерилизация қилинадиган ускуна ҳар йили давлат текширувидан ўтказилиши керак. Ускуна ҳар бир тури йиллик текширувдан ўтказилганлиги тўғрисидаги қайдлар киритиладиган техник паспортга эга бўлиши лозим.

## Хона, ускуналар ва асбоб-анжомлар санитария қоидалариға мос сақлашта қўйиладиган талаблар

1. Барча хоналар, ускуналар, тиббий ва бошқа асбоб-анжомлар тоза сақланиши лозим. ДПМ маъмурияти хоналарни тозалаш билан шуғулланувчи ходимларга санитария-гигиена тартиби ва тозалаш ишлари технологияси масалалари юзасидан дастлабки ва периодик (йилига камида 1 марта) билан кўрсатма беришни ташкил қиласди.

2. Ювиш ва дезинфекция воситалар ишлаб чиқарувчиси ёрлиқли идишида (ўрамида) маҳсус мўлжалланган жойлардаги токчаларда сақланиши лозим.

3. Куйидаги турли обьектларга ишлов бериш учун ишлатиладиган дезинфекция воситаларининг ишчи эритмалари солинган алоҳида идишларга эга бўлиш зарур:

- тиббий буюмлар дезинфекцияси учун;
- хоналардаги юза, мебель, аппарат, қурилма ва асбоб-ускуналар дезинфекцияси учун;
- тозалаш ишлари материалини заарсизлантириш учун, Б ва В синфи чиқиндиларини заарсизлантириш учун.

Дезинфекция воситаларининг ишчи эритмалари солинган идишлар зич ёпиладиган қопқоқлар билан таъминлаган бўлиши, восита, унинг концентрацияси, мақсади, тайёрланган санаси, эритма охирги яроқлилик муддати кўрсатилган аниқ ёзувлар ёки ёрлиқларга эга бўлиши лозим.

4. Дезинфекция воситалари билан ишлаш пайтида барча эҳтиёткорлик чоралариға риоя этиш, шу жумладан кўллаш бўйича йўриқномаларда белгиланган алоҳида ҳимоя воситаларини кўллаш зарур.

5. Тозалаш ишлари асбоб-анжомларида (аравачалар, идишлар, латта, швабралар) хоналардан фойдаланилаётган мақсад ва тозалаш ишлари турларини ҳисобга олинган ҳолда аниқ ёрлиқ ёки рангли кодлар бўлиши лозим, шу билан бирга улар алоҳида ажратилган хонада сақланиши керак. Рангли кодлаш схемаси асбоб-анжомлар сақланадиган ҳудудда жойлаштирилади.

6. Дераза ойналарини ювиш йил чорагида 1 марта ёки ифлосланиш даражасига қараб амалга оширилади.

7. Палата бўлимлари хоналари ва бошқа функционал хоналарни мукаммал тозаланиши девор, пол, асбоб-ускуна, асбоб-анжом, чироқларга ишлов берибойига камида 1 мартажадвалга асосан амалга оширилади.

8. Жарроҳлик блоки, боғлаш, туғруқ заллари, муолажа хоналари, амаллар хоналари, стерилизация хоналари ва асептик режимли бошқа хоналарни мукаммал тозалаш ҳафтасига бир марта амалга оширилади.

9. Жадвалдан ташқари мукаммал тозалаш ташқи мухит микроблари бўйича қониқарсиз натижалар олинган тақдирда ва эпидемиологик кўрсатмалардан келиб чиқсан ҳолда олиб борилади.

10. Мукаммал тозалаш ишлари учун ходимлар махсус кийим ва алоҳида ҳимоя воситалари (халат, қалпоқча, никоб, резина қўлқоплар, резина фартук ва бошқалар), маркировкаланган тозалаш асбоб-анжомлари ва тоза матоли салфеткаларга эга бўлиши лозим.

11. Мукаммал тозаласи санитария-гигиеник қопламага эга деворларни ювиш билан олиб борилади. Шу билан бирга эшик, дераза, плинтус, ёритиш асбоблари ва ускуналар ювилади.

12. Мукаммал тозалаш бир пайтда 2 та челак ишлатилган ҳолда амалга оширилади:

- биринчи чеълакда таркибида хлор сақловчи дезинфектантнинг 0,5 фоизли эритмасидан иборат ювиш тўплами тайёрланади, бунга 50 гр. ювиш воситаси, бир бўлак хўжалик совуни ёки 25 гр. исталган ювиш кукуни қўшилади;

- иккинчи чеълакда — тоза сув бўлади;

- дастлаб латта ювиш эритмаси солинган чеълакка ботирилади, бироз сиқиб олинади ва ювилиши керак бўлган кичикроқ жой артиб чиқилади. Сўнгра ишлатилган латта тоза сувли чеълакда чайилади. Шу тариқа ушбу жараён тақрорланади.

13. Мукаммал тозалаш босқичлари:

- мукаммал тозалаш ишлари олдидан хоналар камида 20 дақиқага шамоллатилади;

- сўнгра барча юзалар ювиш-дезинфекция эритмаси билан артиб чиқилади;

- ундан кейин тоза сувда чайиладиган латта билан артиб чиқилади ва кварцланади (30 дақиқа).

**Эслатма:** Дезинфекция воситаларни ҳар ҳафта алмаштирилиб қўллаш тавсия қилинади: таркибида хлор сақловчи, водород пероксида ёки бошқа дезинфектантлар.

14. 1 кв.м.га дезинфекцияловчи эритма сарфи - 100 мл.

15. Соматик ихтисослигидаги даволаш-профилактика муассасалари, туғруқ мажмуалари (бўлимлари), жарроҳлик стационарларида (бўлимларида) коридор ва палаталарнинг жорий тозаланиши кунига 3 марта, шу жумладан 1 марта ювиш воситалари қўлланилиб амалга оширилади. Дезинфекция воситалари кўрсатмага кўра (организм биологик суюқликлар билан ифлосланилган тақдирда) қўлланилади. Инфекцион касалликлар, сил ва теританосил стационарларида (диспансерларида) кундалик тозалаш ишлари кунига 3 марта, шу жумладан 1 марта дезинфекция воситалари қўлланилган ҳолда амалга оширилади.

16. Операция блоклари, реанимация, боғлаш, муолажа хоналарини кундалик тозалаш ишлари кунига 3 марта, шу жумладан 1 марта дезинфекция воситалари қўлланилган ҳолда амалга оширилади.

17. Ишчи юзаларга таркибида хлор сақловчи дезинфекция воситасининг 0,5%эритмаси ёки йўриқномага мувофиқ бошқа дезинфекция эритмаси билан ишлов берилади.

18. Тоза латталар сони етарлича, бирок камида 10-15 дона бўлиши керак. Ишлатилган латтадан такроран фойдаланишга йўл қўйилмайди. Ишлатилган латталар алоҳида идишда тўпланади, кейинчалик ювилади, қуритилади ва тоза идишда сақланади.

19. Кундалик тозалаш ишларидан олдин хоналар 20 дақиқага шамоллатилиши керак. Ҳар бир тозалашдан сўнг бактерицидли лампа ёқиб қўйилади.

20. Ишлатилган тозалаш асбоб-анжмолари дезинфекция воситалар эритмасида заарсизлантирилади, сўнгра сувда чайилади ва қуритилади. Пол ва деворлар учун мўлжалланган тозалаш асбоб-анжомлари алоҳида бўлиши, аниқ ёрлиққа эга бўлиши, хоналар, коридорлар, санитария хоналари (ҳожатхона, ваннахона ва х.о.) учун алоҳида қўлланилиши керак.

21. Тозалаш асбоб-анжомлари маҳсус ажратилган хона ёки маҳсус ажратилган жойда сақланиши зарур.

22. Ифлосланган чойшаб тўпламлари ёпиқ идишда (клеёнкали ёки полиэтиленли қоплар, маҳсус жиҳозланган ва маркировкаланганчойшаб тўпламлари аравачалари ёки бошқа шунга ўхшаш мосламаларда) тўпланади ҳамда кирхонанинг ифлосланган чойшаб тўпламлари учун марказий омборхонасиға топширилади. Бўлимларда ифлосланган чойшаб тўпламлари вақтингчалик (кўпи билан 12 соат) сақланишига юзаси сувга чидамли этиб пардозланган хоналардагина йўл қўйилади. Хона ва асбоб-анжомлар ҳар куни ювилади ва дезинфекция қилинади.

23. Чойшаб тўпламлари ювиш маҳсус кирхона ёки ДПМ таркибидаги кирхонада амалга оширилиши керак.

24. Тоза чойшаб тўпламларини кирхонадан ва ифлосланган чойшаб тўпламларини кирхонага ташиш ўралган ҳолда (контейнерларда) маҳсус ажратилган автотранспорт ёрдамида амалга оширилади.

25. Ифлосланган ва тоза чойшаб тўпламлари бир идишда ташишга йўл қўйилмайди. Матоли идишлар (қоплар) чойшаб тўпламлари билан бир вақтда ювилиши лозим.

26. Бўлим тоза чойшаб тўпламларининг суткалик заҳираси маҳсус ажратилган хоналардаги токча ёки шкафларда сақланади. Бола йўргаклари қолган чойшаб тўпламларидан алоҳида, шкафдаги маҳсус токчаларда ёки алоҳида шкафда сақланади. Беморга шахсий (уй) кийимиданфойдаланишга рухсат берилади.

27. Бемор чиқарилганидан (ўлимидан) сўнг, шунингдек, ифлосланиш даражасига қараб туғруқ мажмуалари, болалар стационарлари (бўлимлари), фтизиатрик, тери-таносил, инфекцион касалликларга ихтисослашган муассасалар ҳамда жарроҳликка ихтисослашган стационарларда (бўлимларда) матрас, ёстиқ, кўрпаларга камерали дезинфекция ишлови берилиши лозим. Матрасларни қоплаш учун намли дезинфекцияга йўл қўядиган жилдлар ишлатилган тақдирда камерали ишлов бериш талаб этилмайди. Бемор кроват ва тумбочкасига дезинфекция ишлов берилиши керак.

28. Пардозлаш жорий нуқсонлари (шифт ва деворларда чакка ўтиши, захлик, моғор изларини бартараф этиш, тиркиш, тешик ва ўйиқларни ёпиш, кўчиб тушган қоплама плиталарини тиклаш, пол усти қопламалари нуқсонларини йўқотиш ва бошқалар) дарҳол бартараф этилиши керак.

29. Жорий ёки тубдан таъмирлаш даврида хоналар фаолият кўрсатиши тўхталиши лозим.

30. Бир бинода қаватлаб ёки блоклаб таъмирлаш ишлари олиб борилишига йўл қўйилмайди.

31. ДПМда синантроп бўғимоёқлилар, каламуш ва сичқонсимон кемирувчилар бўлмаслиги лозим. Дезинсекция, дератизация тадбирлари санитария қоидаларига риоя этилган ҳолда, ихтисослашган ташкилотлар томонидан амалга оширилиши керак.

32. ДПМда турли хавфлилик даражасидаги чиқиндиларни йиғиш, вақтинча сақлаш ва йўқотиш тиббий чиқиндилар билан муомала борасидаги санитария қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

**Стерилизация қутыларини тиббий анжомлар билан тұлдириш нормалари (бир турдаги анжом билан тұлдириш)**

Стерилизация объекті	Үлчов бирлиги	Стерилизация қутиси тури						
		КСК-3, КФ-3	КСК-6, КФ-6	КСК-9, КФ-9	КГК-12, КФ-12	КСК-18, КФ-18	КСПФ-12	КСПФ-16
Бинт	дона	150	300	450	600	900	600	800
Пахта	г	65	130	195	260	390	260	350
Сочик	Дона	1	3	5	7	10	7	9
Халат	Дона		1	2	3	5		4
Чойшаб	Дона		1	2	3	5	3	4
Жаррохлык қалпоқлари	Дона	10	20	30	40	60	40	51
Жаррохлык құлқоплари	Жуфт			45 x	60 x	90 x	60 x	80 x
Дренаж найчаси, катетерлар, зондлар	кг	0,5	1,0	1,5	2,0	3,0	2,0	2,7

**Изоҳ:**

1 жуфт құлқоп 20 г вазнга эга, стерилизация камерасидан ҳавони вакуум йўли билан чикарадиган бүг стерилизаторининг тұлдириш нормаси келтирилған.

Вакуумсиз ишлайдиган бүг стерилизаторлари учун тұлдириш нормаси 3 марта камайтирилиши лозим.

## Стерилизациядан аввалги тозалаш

Тозалаш доирасидаги жараёнлар	Тозалаш тартиби		Күлланилаётган асбоб-ускуна
	Эритма бошланғич харорати (°C даража)	Сақлаш вакти, дақықа	
1. Буюмни түлиқ ботирган ҳолда ювиш воситаси эритмасида ивитеш (ювиш комплекси таркиби: 30-33 фоизли пергидрольдан 20 мл, ювиш воситасидан 5 гр, сувдан 975 мл.)	50	15	Бак, ванна, раковина
2. Ҳар бир буюмни ювиш воситаси эритмасида юмалоқ симчұтка ёки пахта-дока тампон ёрдамида ювиш		0,5	
3. Ювиш воситаси ишлатилганидан кейин оқар ичимлик сувіда чайиш: натрий гидрокарбонат, Лотос ва бошқа ювиш воситалари		10	
4. Оқар сувда ушлаб чайиш		0,5	
5. Дистилланган сув билан чайиш			Бак, ванна
6. Иссик ҳаво билан куритиш	85	Намлық түлиқ кетмагунча	Куритиш шкафи

**Изох:**

1. Ювиш жараёнида эритма ҳарорати сақланмайды.

Оч-пушти ранги чиққунча қиздириб юувучи эритмадан сутка мобайнида буюм ювишнинг бир нечта давраси давомида фойдаланиш мүмкін.

### Стерилизация буғ усули (ортиқча босим остидаги түйинган буғ)

Стерилизация камерасида буғ босими, МПа(кгс/см <sup>2</sup> )		Стерилизация режими					Ушбу усул орқали стерилизация қилинишига тавсия этилган буюмлар тури	Үрам материали тури		
Номинал миқдор	Максимал оғиш	Стерилизация ҳарорати, °C		Күл ва ярим автоматик бошқаришда, камидა*	Автоматик бошқарувда					
		Номинал миқдор	Максимал оғиш		Номинал миқдор	Максимал оғиш				
0,21 (2,0)	±0,01 (±0,1)	134	±1	5**	5**	±1	Коррозияга чидамли металлар, шиша, тұқымачилик материаллари ва резинадан тайёрланган буюмлар	Фильтрли ва фильтрсиз стерилизация қутиси, бўздан тайёрланган икки қават юмшоқ ўрам, пергамент, ивитилмаган халта коғоз, намлика чидамли халта коғоз, чидамли ўраш коғози, юпқа фижим қоғоз, "Випак Медикал" (Финляндия) фирмаси ва "Рексам" (Буюк Британия) корпорацияси ўраш материаллари* * *		
0,20 (2,0)	±0,02 (±0,2)	132	±2	20	20	±2	Коррозияга чидамли металлар, шиша, тұқымачилик материаллари, резина ва лигатурабоп бириктириш материалларидан тайёрланган буюмлар			
0,14(1,4)	±0,01 (±0,1)	126	±1	10**	10**	±1	Коррозияга чидамли металлар, шиша, тұқымачилик материаллари ва резинадан тайёрланган буюмлар			

0,11 (1,1) (0,11)	$\pm 0,02$ ( $+0,2$ ) $\pm 0,01$ ( $\pm 0,1$ )	120/121	$\pm 2 \pm 1$	45/ 20**	45/ 20**	$\pm 3 \pm 2$	Резина, латекс, айрим пластмасса турлари (юқори чидамли полиэтилен, ПВХ-пластикатлар), лигатурабоп бириткириш материалларидан тайёрланган буюмлар	Фильтрли ва фильтрсиз стерилизация қутиси, бўздан тайёрланган икки қават юмшоқ ўрам, пергамент, ивитилмаган халта коғоз, намликка чидамли халта коғоз, чидамли ўраш коғози, юпқа фижим коғоз, "Випак Медикал" (Финляндия) фирмаси ва "Рексам" (Буюк Британия) корпорацияси ўраш материаллари* * *
0,05 (0,5)	$\pm 0,2$ ( $\pm 0,2$ )	110	$\pm 2$	180	180	$\pm 5$	Резина, айрим пластмасса турларидан (юқори чидамли полиэтилен, ПВХ-пластикатлар) тайёрланган буюмлар	

### Изоҳ:

\* — Стерилизация қилиш камерасида ҳарорат максимал оғишларини ҳисобга олинган стерилизация ҳарорати қийматига мувофиқ стерилизация қилишда сақлаш вақти стерилизаторнинг муайян модели паспортида кўрсатилган.

\* \* — Стерилизация қилиш камерасида  $\pm 1^{\circ}\text{C}$  номинал қийматдаги ҳарорат максимал оғишишига эга янги авлод буғ стерилизаторларида тавсия этилган стерилизация қилишда сақлаш вақти кўрсатилган.

